

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

# **ҚарДУ ХАБАРЛАРИ**

**Илмий-назарий, услубий журнал**

**Журнал 2009 йилда  
ташқил этилган**

**Йилига 4 марта  
чоп этилади**

**3(37). 2018**

**Қарши – 2018**

### **ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:**

Бош муҳаррир	проф. ШОИМКУЛОВ Б.А.
Бош муҳаррир ўринбосари	проф. ЁЗИЕВ Л.Ҳ.
Масъул котиб	доц. ЖУМАЕВ Т.Ж.

### **Таҳририят ҳайъати аъзолари:**

проф. ЖАББОРОВ А.М.	фалс.ф.д. ЧОРИЕВ С.А.
проф. ЖАББОРОВ Н.А.	пед.ф.д. ШОДИЕВ Р.Д.
б.ф.д. КУЧБОЕВ А.Э.	ф.ф.д. ШОДМОНОВ Н.Н.
проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р.	ф.-м.ф.д. ШУКУРОВ А.М.
проф. МУРТОЗАЕВА Р.Х.	проф. ЭШОВ Б.Ж.
проф. РАҲМОНОВ Н.Р.	проф. ЭШҚОБИЛОВ Ю.Х.
проф. РОЗИҚОВ Ў.А.	проф. ҚУРБОНОВ Ш.Қ.
проф. СУЛАЙМОНОВ Р.Х.	проф. ҒАФФОРОВА Т.Ғ.
ф.-м.ф.д. ТАШАТОВ А.К.	доц. АБДУЛЛАЕВ С.И.
акад. ТОҶИБОЕВ К.Ш.	доц. БЎРИЕВ О.Б.
проф. ТЎЙЧИЕВ Б.Т.	доц. КАМОЛОВ Л.С.
проф. ТЎРАЕВ Б.О.	доц. ЭРКАЕВ А.П.
проф. ТЎРАЕВ Д.Т.	доц. ҲАЛИМОВ Ғ.Ғ.

Манзилимиз: 180003, Қарши, Кўчабоғ, 17. Қарши давлат университети, Бош бино.  
Тел.: (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz  
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz

### **РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

Главный редактор	проф. ШАИМКУЛОВ Б.А.
Заместитель главного редактора	проф. ЁЗИЕВ Л.Х.
Ответственный секретарь	доц. ДЖУМАЕВ Т.Ж.

### **Члены редколлегии:**

проф. ГАФФАРОВА Т.Г.	проф. ТУРАЕВ Б.О.
проф. ДЖАББАРОВ А.М.	проф. ТУРАЕВ Д.Т.
проф. ДЖАББАРОВ Н.А.	д.филос.н. ЧАРИЕВ С.А.
проф. КУРБАНОВ Ш.К.	д.пед.н. ШАДИЕВ Р.Д.
д.б.н. КУЧБАЕВ А.Э.	д.ф.н. ШАДМАНОВ Н.Н.
проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р.	д.ф.-м.н. ШУКУРОВ А.М.
проф. МУРТАЗАЕВА Р.Х.	проф. ЭШКАБИЛОВ Ю.Х.
проф. РАЗИКОВ У.А.	проф. ЭШОВ Б.Ж.
проф. РАХМАНОВ Н.Р.	доц. АБДУЛЛАЕВ С.А.
проф. СУЛАЙМАНОВ Р.Х.	доц. БУРИЕВ О.Б.
д.ф.-м.н. ТАШАТОВ А.К.	доц. КАМАЛОВ Л.С.
акад. ТАДЖИБАЕВ К.Ш.	доц. ХАЛИМОВ Г.Г.
проф. ТУЙЧИЕВ Б.Т.	доц. ЭРКАЕВ А.П.

Адрес редакции:

180003, Қарши, Кучабаг, 17. Қаршинский госуниверситет, Главный корпус.  
Тел.: (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz  
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz или qarduxj@umail.uz

**CHEKSIZ G'OVAK-IZOTROPIK MUHITDAGI SFERIK BO'SHLIQDA  
YASSI KO'NDALANG TO'LQIN DIFRAKSIYASI MASALASINING  
YECHISH ALGORITMI**

**Soliyev A.A. (TMI), Musurmonova M.O. (QarDU)**

*Tayanch iboralar: g'ovak-izotropik muhit, sferik bo'shliq, ko'ndalang to'lqin, Guk qonuni, ortogonal ko'phad, Laplas integral almashtirishlari, ko'chish vektori, kuchlanish tenzori.*

Aytaylik, chegaralanmagan suyuqlik bilan to'yingan g'ovak-izotropik muhitda  $R$  radiusli sferik bo'shliq joylashgan bo'lsin. Muhit harakatini o'rganish uchun koordinata boshi shar markazida bo'lgan  $(r, \theta, \vartheta)$  sferik koordinatalar sistemasi keltirilgan.

Boshlang'ich  $\tau=0$  vaqtda sferik bo'shliq sirtiga  $Ox$  o'qi yo'nalishi bo'yicha berilgan  $\psi_s$  potentsialli yassi nostatsionar ko'ndalang to'lqin fronti kelib uriladi.

Natijada sferik bo'shliq markazidan o'tuvchi o'q atrofida muhit buralishi yuzaga keladi va muhitda ko'ndalang to'lqin tarqaladi. Bu holda qattiq va suyuqlik qismidagi ko'chish vektorlarining faqat  $u_\vartheta(r, \theta, \tau)$  va  $U_\vartheta(r, \theta, \tau)$  komponentalari noldan farqli bo'ladi:

$$u_\vartheta = \frac{\partial \psi}{\partial r} + \frac{\psi}{r}, \quad U_\vartheta = \beta_3 u_\vartheta. \quad (1)$$

Ularining kuchlanish tenzori komponentalari bilan bog'lanishi, ya'ni Guk qonuni

$$\sigma_{r\vartheta} = \frac{\eta_1 - \chi}{2} \left[ \frac{\partial u_\vartheta}{\partial r} - \frac{u_\vartheta}{r} \right], \quad \sigma_{\theta\vartheta} = \frac{\eta_1 - \chi}{2r} \left[ \frac{\partial u_\vartheta}{\partial \theta} - u_\vartheta \operatorname{ctg} \theta \right] \quad (2)$$

ko'rinishda bo'ladi.

Tushuvchi yassi ko'ndalang to'lqin potentsiali

$$\psi_s(r, \theta, \tau) = f(\tau + r\eta \cos \theta - \eta) H(\tau + r\eta \cos \theta - \eta) \quad (3)$$

ifoda bilan berilgan bo'lib,  $f(t)$  berilgan funksiya u tushuvchi to'lqin potentsialining o'zgarishini ifodalaydi;  $H(t)$  – Xevisayd birlik funksiyasidir.

Suyuqlik bilan to'yingan g'ovak-izotropik muhitning harakati vektor potentsialning noldan farqli komponentasi  $\psi$  ga nisbatan to'lqin tenglamasi [1]

$$\eta^2 \frac{\partial^2 \psi}{\partial \tau^2} = \Delta \psi - \frac{\psi}{r^2 \sin^2 \theta}, \quad \Delta = \frac{1}{r^2} \frac{\partial}{\partial r} \left( r^2 \frac{\partial}{\partial r} \right) + \frac{1}{r^2 \sin \theta} \frac{\partial}{\partial \theta} \left( \sin \theta \frac{\partial}{\partial \theta} \right) \quad (4)$$

to'lqin tenglamasi bilan tasvirlanadi. Bu yerda  $\eta^{-1} = \sqrt{N/(\rho_{11} + \beta_3 \rho_{12})}$ ,  $\beta_3 = -\rho_{12}/\rho_{22}$ .

Sferik bo'shliq sirtida chegaraviy shart

$$(\sigma_{r\vartheta} + \sigma_{r\vartheta s})|_{r=1} = 0 \quad (5)$$

ko'rinishga ega.

Boshlang'ich shartlar bir jinslidir, ya'ni

$$\psi|_{\tau=0} = \frac{\partial \psi}{\partial \tau}|_{\tau=0} = 0. \quad (6)$$

Muhit chegaralanmagani uchun to'lqin so'nadi, ya'ni

$$\lim_{r \rightarrow \infty} \psi = 0. \quad (7)$$

(4) - (7) boshlang'ich–chegaraviy masalaga  $\tau$  vaqt bo'yicha Laplas integral almashirishlarini qo'llaymiz va tasvirlar fazosida berilgan hamda noma'lum funksiyalarni  $C_{n-1}^{3/2}(\cos \theta)$  Gegenbauer ortogonal ko'phadlari bo'yicha cheksiz qatorlar ko'rinishida tasvirlaymiz. U holda (4) - (7) boshlang'ich-chegaraviy masala qatorlar koeffitsiyentlariga nisbatan

$$\eta^2 s^2 \psi_n^L = \Delta \psi_n^L, \quad \Delta_n = \frac{1}{r^2} \frac{\partial}{\partial r} \left( r^2 \frac{\partial}{\partial r} \right) - \frac{n(n+1)}{r^2}, \quad (8)$$

$$\left( \sigma_{r\vartheta n}^L + \sigma_{r\vartheta ns}^L \right) \Big|_{r=1} = 0, \quad (9)$$

$$\lim_{r \rightarrow \infty} \psi_n^L = 0 \quad (10)$$

ko'rinishga keladi. Bu yerda  $L$  Laplas integral almashtirishlari transformantasini bildiradi,  $s$  almashtirish parametri.

Tushuvchi to'lqinning  $\psi_s$  potentsiali (3) ga ham vaqt bo'yicha Laplas integral almashirishlarini qo'llab, tasvirlar fazosida Bessel funksiyalari uchun qo'shish teoremasidan foydalaniib, qatorga yoyamiz va qator koeffitsiyentlari uchun

$$\psi_{ns}^L(r, s) = \frac{E_n(s)}{r^{n+1}} e^{-\eta s} J_{n_0}(r\eta s), \quad E_n(s) = f^L(s) \frac{(-1)^n (2n+3)}{2(n+1)(n+2)(\eta s)^{n+1}}, \quad (11)$$

$$J_{n_0}(s) = R_{n_0}(-s)e^s - R_{n_0}(s)e^{-s}$$

ifodani olamiz.

Cheksizlikka to'lqinning so'nishi (10) shartni e'tiborga olib, (8) tenglamaning yechimini

$$\psi_n^L(r, s) = \frac{1}{r^{n+1}} A_n^L(s) R_{n_0}(r\eta s) e^{-(r-1)\eta s} \quad (12)$$

ko'rinishda izlaymiz. Bu yerda  $A_n^L(s)$  chegaraviy shartlardan aniqlanuvchi noma'lum funksiyalar.

(1) ning birinchi munosabatiga ko'ra

$$u_{\vartheta n}^L(r, s) = -\frac{1}{r^{n+2}} A_n^L(s) R_{n_3}(r\eta s) e^{-(r-1)\eta s} \quad (13)$$

ifodaga va bundan (1) ning ikkinchi tengligiga ko'ra

$$U_{\vartheta n}^L(r, s) = -\frac{\beta_3}{r^{n+2}} A_n^L(s) R_{n_3}(r\eta s) e^{-(r-1)\eta s} \quad (14)$$

ifodaga kelamiz.

(13) ifodani (1) ning birinchi tengligiga qo'yib, hamda (2) ning birinchisidan

$$\sigma_{r\vartheta n}^L(r, s) = \frac{\eta_1 - \chi}{2} \frac{1}{r^{n+3}} A_n^L(s) R_{n_4}(r\eta s) e^{-(r-1)\eta s} \quad (15)$$

ifodani olamiz. Yuqoridagi ifodalarda belgilashlar, munosabatlar va  $R_{n_0}(s)$ ,  $R_{n_1}(s)$ ,  $R_{n_2}(s)$  ko'phadlarning ko'rinishlari [1,2] da keltirilgan va ular  $R_{n_3}(s)$ ,  $R_{n_4}(s)$  ko'phadlar bilan quyidagicha bog'langan:

$$R_{n_3}(s) = R_{n_1}(s) - R_{n_0}(s), \quad R_{n_4}(s) = R_{n_2}(s) - R_{n_0}(s)$$

Tushuvchi to'lqinga mos keluvchi muhitning kuchlanish-deformatsiya holatining komponentalarini ham (11) ifodani ham (1) ning dastlabki tengligiga qo'yib,  $u_{\vartheta ns}^L(r, s)$  uchun

$$u_{9ns}^L(r, s) = -\frac{E_n(s)}{r^{n+2}} e^{-\eta s} J_{n3}(r\eta s) \quad (16)$$

ifodani olamiz va buni (2) Guk qonunining birinchi tengligiga qo'yib, esa  $\sigma_{r9sn}^L$  komponenta uchun

$$\sigma_{r9sn}^L(r, s) = \frac{\eta_1 - \chi}{2} \frac{E_n(s)}{r^{n+3}} e^{-\eta s} J_{n4}(r\eta s) \quad (17)$$

ifodaga ega bo'lamiz.

(15) va (17) ifodalarni (9) chegaraviy shartga qo'yib, undan  $A_n^L(s)$  noma'lum funksiyalar aniqlab, ko'chish vektori va kuchlanish tenzori komponentasi uchun Laplas integral almash-tirishlarining tasvirlar fazosida quyidagi

$$u_{9n}^L(r, s) = -\frac{E_n(s)}{r^{n+2}} \frac{R_{n3}(r\eta s)}{R_{n4}(\eta s)} J_{n3}(\eta s) e^{-r\eta s},$$

$$U_{9n}^L(r, s) = -\frac{\beta_3 E_n(s)}{r^{n+2}} \frac{R_{n3}(r\eta s)}{R_{n4}(\eta s)} J_{n3}(\eta s) e^{-r\eta s},$$

$$\sigma_{r9n}^L(r, s) = \frac{\eta_1 - \chi}{2} \frac{E_n(s)}{r^{n+3}} \frac{R_{n4}(r\eta s)}{R_{n4}(\eta s)} J_{n3}(\eta s) e^{-r\eta s}$$

ifodalarni olamiz. Ularning originallari qoldiqlar nazariyasi yordamida topiladi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Gorshkov A.G., Tarlakovskiy D.V. Nestatsionarnaya aerogidrouprugost tel sfericheskoy formi. -M: Nauka, 1990. – 264 s.
2. Шукуров А.М. Tutash muhitlarda nostatsionar to'liqin jarayonlari. - Qarshi: Nasaf, 2011. - 128 b.

#### РЕЗЮМЕ

Maqolada cheksiz g'ovak-izotropik muhitda joylashgan sferik bo'shliqda yassi nostatsionar ko'n-dalang to'liqinning difraksiyasi masalasi o'rganilgan. Ko'chish vektori va kuchlanish tenzori komponent-lari uchun formulalar olingan.

#### РЕЗЮМЕ

В статье изучена задача о дифракции нестационарной плоской поперечной волны на сфери-ческой полости, находящейся в неограниченной пористо-упругой среде. Получены формулы для компонентов перемещения и тензора напряжения.

#### SUMMARY

The article deals with the problem about diffraction of non-stationary plane transverse wave on a spherical cavity in unlimited porous-elastic medium. The formulas for a component of displacement and tensor of stress are received.

*Nashrga f.-m.f.d. A.Shukurov tavsiya etgan*

## ОПРЕДЕЛЕНИЕ ТЕПЛОТЕХНИЧЕСКИХ СВОЙСТВ ПОЧВЫ В ГЕЛИОТЕПЛИЦАХ

**Вардияшвили А.А., Узоков Г.Н. (КИЭИ),  
Вардияшвили А.А., Каримова С.Э. (КарГУ)**

**Ключевые слова:** гелиотеплица, освещенность, солнечная радиация, влажность, плот-ность, теплопроводность почвы, аккумулирующие каналы, глубина проникновения, энергобеспе-ченность, температуропроводность.

Благодаря своему уникальному географическому положению, Узбекистан располагает практически всеми видами нетрадиционных источников энергии. В связи с этим, одной из приоритетных задач, поставленных перед правительством республики, считается постепенный переход к возобновляемым источникам энергии с целью экономии традиционных энергетических ресурсов для будущего поколения (из Постановления Президента Республики Узбекистан «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017-2021 годы) [1]. Технический потенциал альтернативных источников энергии в Узбекистане составляет 180 млн. т.н.э. в год, что в три раза превышает годовую потребность республики в энергоресурсах. Это свидетельствует о том, что данный путь развития энергетики очень перспективный и способен обеспечить экономику неисчерпаемыми ресурсами от природы [2].

Системы гелиоустановок, в первую очередь, могут использоваться в условиях южных районов страны, которые характеризуются благоприятными для этой цели климатическими условиями, обилием солнечных дней и высокой интенсивностью солнечной радиации.

Климатические и погодные условия юга Средней Азии позволяют использовать для обогрева гелиотеплиц солнечную энергию. Частично или полностью становится ненужным технический обогрев, что дает значительную экономию топлива, следовательно, себестоимость продукции уменьшается. По сравнению с другими районами страны на юге нашего региона освещенность и солнечная радиация больше в 5-6 раз, число ясных и солнечных дней больше в 4-5 раз, а отопительный сезон короче в 3 раза. Все это открывает широкие возможности для использования гелиотеплиц в нашем регионе [2].

Многолетняя эксплуатация гелиотеплиц с аккумуляторами тепла в условиях Кашкардарьинской области показала, что годовая экономия составляет 300...400 т усл. топлива на 1 га полезной площади.

Как известно, влажность и плотность корнеобитаемого слоя почвы играют важную роль в произрастании растений, определяют теплофизические характеристики почвы. Сведения о действительной влажности и плотности почвы (даже приближенные) позволяют более точно охарактеризовать теплоаккумулирующие свойства и температурный режим почвы как по поверхности, так и по глубине.

Во время опыта образцы грунта брались на различных глубинах с помощью бура и подпочвенных размеров, с сохранением естественной структуры. Пробы брались через 3-6 часов после полива и за день до следующего полива. Влажность определялась наиболее распространенным методом термической сушки [2-3].

Результаты измерений приведены на рис. 1 и 2. Как видно из рис.1, средняя влажность (весовая) почвы колеблется в пределах  $15 < w < 17 \%$ , по глубине меняется линейно и выражается зависимостью

$$w_x = w_0 + 3x \quad (1)$$

где  $w_x$  и  $w_0$  - весовая влажность почвы на глубине  $3x$  и на поверхности почвы в %;  $x$  - глубина от поверхности почвы, м; Зависимость (1) можно выразить через удельную плотность

$$\rho_x = \rho_0 + 30x \quad (2)$$

где  $\rho$  - удельная плотность почвы в  $\text{кг}/\text{м}^3$ .

В интервале  $0,2 < x < 0,3$  м график, выражающий изменение плотности по глубине, имеет изгиб (рис. 2). Это связано с агротехнической обработкой почвы, глубина которой в защищенном грунте обычно не превышает 0,3 м.

Рис.1.

Изменение влажности почвы по глубине: 1 - более двух месяцев; 2 - между поливами месяц; 3-12-13 дней, 4-7-9 дней, 5-3-4 дня.





Рис.2.

Изменение плотности почвы по глубине:  $\omega$  - весовая влажность почвы.



Плотность также меняется линейно и определяется выражением

$$\rho_x = \rho_0 + 480x \quad (3)$$

С учетом (2) получим:

$$\rho_x = \rho_0 + 510x. \quad (4)$$

Как известно, при всем многообразии типов почвы, удельная теплоемкость сухой почвы не отличается больше, чем на 10-15 %, и находится в пределах  $0,71 < c_p < 0,8$  кДж/кг·К. Объемная теплопроводность почвы, с учетом влажности, определяется по формуле, принимая  $c_p = 0,71 - 0,8$  кДж/кг·К.

$$C_v = \left( c_p + \frac{\omega}{100} \right) \rho \quad (5)$$

Если известны влажность почвы  $\omega_0$  и плотность  $\rho_0$  на поверхности почвы, можно определить удельную теплоемкость на глубине  $x$

$$C_v = \left( c_p + \frac{\omega}{100} \right) (\rho_0 + 510x) \quad (6)$$

Как видно из формул (3) и (6), значения  $C_v$  будут иметь самые различные значения не только для разных почв, но и в пределах одной и той же, так как влажность и плотность могут изменяться в значительных пределах.

Если принять  $\omega_0 = 16\%$ ,  $c_p = 0,75 \text{ кДж} / \text{кг} \cdot \text{К}$ ,  $\rho_0 = 1065 \text{ кг} / \text{м}^3$ , то

$$C_v = 970 \frac{\text{кДж}}{\text{м}^3 \text{К}} \quad (7)$$

Для глубины  $x=0,5 \text{ м}$

$$C_v = 1201 \frac{\text{кДж}}{\text{м}^3 \text{К}}. \quad (8)$$

Таким образом, в нашем случае при определении теплоаккумулирующих характеристик в верхнем слое почвы необходимо принимать значение (7), а на глубине аккумуляющих каналов [2] при  $x=0,5 \text{ м}$  принимаем значения (8).

В гелиотеплицах солнечная энергия аккумулируется в верхнем и аккумуляющем слоях почвы. Для нахождения количества аккумулированной энергии необходимо иметь данные, характеризующие теплофизические свойства почвы.

Теплофизические характеристики связаны между собой зависимостями:

$$a = \frac{\lambda}{c_v}; c_v = c_p \rho; v = \sqrt{\lambda \cdot c_v}, \quad (9)$$

где  $c_p$  и  $c_v$  - удельная и объемная теплоемкость;

$\rho$  - плотность, объемный вес;

$a$ ,  $\lambda$ ,  $v$  - коэффициенты температуропроводности, теплопроводности и теплоусвоемости.

Из выражения (9) видно, что для полной характеристики теплофизических свойств почвы необходимо иметь данные по трем величинами:

$$a, c_v, v.$$

Как показывает сравнительный анализ, при использовании справочных значений теплофизических величин (например, из [4]), расчетные характеристики (количество аккумулированной энергии, глубина проникновения температурной волны в почву) значительно отличаются от экспериментальных (до 30 %). Такое расхождение не позволяет достаточно точно охарактеризовать энергообеспеченность гелиотеплиц в холодное время года.

Для определения действительных теплофизических свойств почвы авторами проведены измерения температуро- и теплопроводности почвы в гелиотеплицах в зависимости от влажности и плотности.

Температуропроводность определялась методом регулярного режима с использованием цилиндрического калориметра [4]; теплопроводность – методом зонда [4, 5]. Медный зонд диаметром 6 мм и высотой 20 мм, внутри которого находится медь - константовая термопара и нихромовая спираль для нагрева, заполненная парафином.

Ошибки, зависящие от точности изготовления конструкции [5], показаний приборов и расчетов, составляют для температуропроводности +5,5 %, теплопроводности +7,5%.

Температуропроводность растет по мере увеличения влажности до некоторого предела, после достижения которого величина ее падает, объемная теплоемкость увеличивается линейно с повышением влажности. Изменение температуропроводности сначала




определяется ростом теплопроводности, когда же величина последней затухает, приближаясь к теплопроводности воды, отношение  $a = \lambda / C_v$ , уменьшается. Следовательно, падает и кривая температуропроводности.

Рассматриваемая почва тяжелосуглинистая, для нее характерен медленный рост теплопроводности с увеличением влажности. Количественные значения коэффициента теплопроводности для тяжелосуглинистых почв при прочих равных условиях всегда ниже, чем для легко- и среднесуглинистых [3], что подтверждается данными измерений (рис. 3.).

Рис. 3.

График зависимостей  $a = f(\omega)$ ;  $\lambda = \phi(\omega)$ ;  $c_v = \phi(\omega)$ .



При определении аккумуляции тепла верхнего слоя почвы нужны значения, соответствующие глубине 0-30 см для аккумулирующих каналов. При глубине залегания  $x=0,5$  м [2] необходимы данные для глубин 40-60 см.

#### Литература

1. Вардияшвили А.А. Разработка и исследования многофункциональных энергоэффективных геотехнических комплексов с использованием энергетических отходов. Монография. – Карши: Насаф, 2013.
2. Вардияшвили А.Б., Ким В.Д. Гидравлический и теплотехнический расчет подпочвенной аккумулирующей системы гелиотеплиц // Гелиотехника, 1980. – №6. – С. 48-53.
3. Чудновский А.Ф. Теплофизика почв. – М.: 1976.
4. Линевиц Ф. Измерение температуры в технике: Справочник. – М.: 1980.
5. Осипова В.А. Экспериментальное исследование процессов теплообмена. – М.: 1980.

#### РЕЗЮМЕ

В статье определены теплофизические и теплотехнические свойства почвы, проверены измерения температуро- и теплопроводности почвы в гелиотеплицах, в зависимости от влажности и плотности корнеобитаемого слоя почвы, которые играют важную роль в произрастании растений.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада тупрокнинг теплофизик ва теплотехник хусусиятлари, ўсимликларнинг ўсишида муҳим рол ўйнайдиган тупрокнинг илдиз қатламининг намлик миқдори ва зичлигига қараб, гелиоиссиқхоналарда тупрокнинг ҳарорати ва иссиқлик ўтказувчанлиги ўлчовлари аниқланади.

#### SUMMARY

In the article are shown thermophysical and thermotechnical properties of the soil, measurements of the temperature and heat conductivity of the soil in helio-heaters are verified, depending on the moisture content and density of the root layer of the soil, which plays an important role in the growth of plants.

Рекомендовано к печати доц. Г.Халимовым

**АБСОРБЕНТЛАРНИНГ ХОССАЛАРИНИ СОЛИШТИРИШ ОРҚАЛИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ**

**Шаропов Р.Т., Камолов Л.С. (ҚарДУ)**

**Таянч сўз ва иборалар:** молекула, алколамин, абсорцион усул, селективлик, коррозия, эритма, циркуляциялаш, концентрлаш, коррозия, регенерация, десорбция босқичи, абсорбент, метилдиэтанолламин.

Кимёвий сорбентлар сифатида молекуласининг таркибида бир вақтнинг ўзида гидроксил- ва аминок- гуруҳ тутган алколаминлар (аминосиртлар) моно, ди, триэтанолламинлар (МЭА, ДЭА ва ТЭА), метилэтанолламин (МДЭА) кўпроқ қўлланилади. Газларни тозалашда қуйида кўрсатилган методлар ёрдамида яхши натижаларга эришилган бўлсада, бир қанча камчиликлар ҳам бор.

Жаҳон миқёсида табиий газни абсорцион усулда алконоламинлар ёрдамида тозалаш борасида янги технологиялар ва турли тозалаш йўллари устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу тадқиқотда илғор технологиялардан фойдаланиб, табиий газни турли хил компонентлардан тозалаш натижалари умумлаштирилган.

Кузатиш натижаларини ўқиб ўрганиб шундай хулосага келдикки, табиий газни турли хил компонентлардан тозалашда, газли эритмалар системаларидан фойдаланиш яхши натижа беради.

Ҳамма усулларда ютувчи селектив бўлиши керак. Кимёвий ва физик жиҳатдан турғун бўлиши керак, кам учувчи коррозияга чидамли юкори ютиш қобилияти эга бўлиши керак.

Бу муаммолар алоҳида ечим талаб қилади. Газларни тозалашда комбинирланган абсорбентларни танлаш биз кузатадиган асосий ишлардан биридир.

МЭА (бирламчи амин) билан солиштирганда МДЭА (учламчи) кам коррозия активлиги эга, бу МЭА (12 – 18фоиз) билан солиштирганда МДЭА (30 – 35 фоиз) кўпроқ концентрланган эритмасини қўллаш имкон беради. Ишлаб чиқаришга яқин бўлган шароитда ўтказилган коррозия қидирув ишлари МДЭА эритмасининг коррозияга активлиги пастлигини кўрсатади. МЭА ни тўйинган даражаси 0,30 – 0,35 моль/л катталиги билан чегараланган, бу пайтда МДЭА учун у 0,8 моль/л гача бўлган. Абсорбентнинг циркуляциялаштирилган эритмаси сони шунга мувофиқ унинг циркуляция ва регенерацияда энергия сарфи МДЭА ни ишлатилишда 1,8 марта кам эканлигини билдиради.

МДЭА ни ишлатиш энергия сарфини тежашни таъминлайди ҳамда абсорбентнинг регенерацияси кам иссиқлик ҳисобидан таъминлайди, таққослаш ҳисоб-китоблари кўрсатадики, МДЭА эритмаси регенерациясида иссиқлик миқдори талаби МЭА га нисбатан 30 – 40 фоизга кам.

МДЭА ни қўллашда МЭА эритмасига нисбатан абсорбентни деструкцион пасайиши маълум даражада кузатилган.

Бу ижобий жиҳатлар, шу билан бир қаторда айтиб ўтилган МДЭА эритмасини коррозияга активлиги пастлигини жиҳознинг ремонтини осонлаштиришга, уни ўтказиш вақтини қисқартиришга олиб келади. Жиҳознинг ички қатламида қурум олишини йўқлиги иссиқ алмашиш самарасини кўтаради, ҳамда энергия сарфини пасайтиради.

– МЭА асосида абсорбент эритмасини ишлатишда десорбция босқичида буғларни ҳайдаш ҳисобидан МЭА ни йўқотиш кузатилади, бу ерда температура оқими 115<sup>0</sup>С – 130<sup>0</sup>С га етади;

– Абсорбентларни коррозияга активлиги камайиши ҳисобидан жиҳозларни таъмир-

лаш, хизмат харажатиининг пасайиши ва смола ҳосил бўлиши йўқлиги;

– МЭА да юзага келган даражадаги нархи (тоннасига 1400 АҚШ долларигача) ва МДЭА да (тоннасига 1000 АҚШ долларигача) анча узоқ муддатига абсорбентнинг иши ҳисобидан, уни характеристикаси пасаймасдан, янги МЭА қўшиши эксплуатация жараёнида абсорбентни сотиб олишда маҳсулотни маълум миқдорда тежашга эришилади;

– Абсорбентни сотиб олишдаги харажатларнинг пасайиши, импорт аналоглари ўрнига маҳаллий хомашё МДЭА ни қўллаш ҳисобидан вужудга келади.

Углеводород гази 15 фоиз емирилиши чегаралари моноэтанолламин (МЭА) эритмаси билан тозалашади. Ҳозирги вақтда метилдиэтанолламин (МДЭА) сувли эритмаси газларни тозалашда кенг қўлланиши анча самарали усули деб топилди.

Ҳисоб-китоблар натижаси кўрсатадики, МДЭА га ўтиш даврида иссиқликни тежаш 35 – 40 фоизга етади. Л – 24/6 қурилмасини эксплуатация натижаси ижобийдир. Сульфидларнинг колонна регенерациясидаги қолган миқдори 0,8 – 2,0 г/л. Газни тозалаш жараёни – 99фоиз ни ташкил этади.

Германияда ишлаб чиқилган лаборатория қурилмасида илмий –тадқиқот ишлари олиб борилди. Қурилмадаги кичкина фарқ олинган натижаларга етарли даражада таъсир этмади. Турли хил кўринишдаги спирал орқали эритма тушганида газ ва суюқлик ўртасидаги таъсир бу қурилмада бир хил эмас. Бу эса ўша абсорбернинг селектив ҳоссага эга эканлигидан далолат беради.Натижаси 1-жадвалда келтирилган.

1-жадв.

### Абсорбернинг селектив ҳоссага эга кўрсаткичлари

Абсорбентлар	№ тажриба	Миқдорлар CO <sub>2</sub> , см <sup>3</sup>	№ хатолар
		35,3	-1,9
		33,3	-7,5
		МДЭА №13	1
	4		2
	5		3
		Ўртача. 35,98	
Укарсол 111	1	13,2	18,2
	2	12,4	1,6
	3	10,5	-14,0
	4	12,4	1,6
	5	12,4	1,6
		Ўртача. 12,2	
МДЭА № 5	18.04.2017	22,1	-4,5
	22.01.2018	23,7	3,5
		22,9	

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, эксперимент хатоси 10-15фоиз га қайта кўтарилмайди. Бундай натижалар бу қидирув этапида яхшидир.

Янги ишлаб чиқаришни алоҳида хусусиятлари:

– Реактор узелларининг юқори иссиқликка чидамлилиги;

– Паст босим;

– Катализатор сифатида сувнинг йўқлиги;

– Бутун маҳсулотлари ажраб туриш системасини юқори самаралиги;

– Назоратни бутунлай автоматлаштириш ва базада техник жараёни бошқариш. Бу ҳаммаси маҳсулотни сифати бўйича дунё миқёсидаги илғор ишлаб чиқарувчилардан қолишмасдан маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон беради. ”Химсорбент“ ЗАО да олинган маҳсулотга солиштирилганда, илғор ишлаб чиқарувчилар кўрсаткичлари билан маҳсулот сифатини таққослаш.

**”Химсорбент“ ЗАО да олинган маҳсулотга солиштириш кўрсаткичлари**

		ЗАО «Хим-сорбент»	«HUNTS MAN»	«АТОФИНА»	«BASF»	«NF» Хитой	«OXITE NO»
МЭА	Асосий модда таркиби, фоиз	99,3	99,5		99,5		99,2
	Рангдорлиги Pt-Co шкаласи бўй, макс.	10	15		10		15
ДЭА	Асосий модда таркиби, фоиз масс.	99,3	99,0		99,3		98,5
	Рангдорлиги Pt-Co шкаласи бўйича ммммас шкале,	20	15		20		15
ТЭА	Асосий модда таркиби, фоиз мас	85,0	85,0		85,0		85,0
	Рангдорлиги Pt-Co шкаласи бўйича	150	40		50		50
МДЭА	Асосий модда таркиби, фоиз мас.	99,3	99,0	99,0	99,0	95,0-98,0	
	Рангдорлиги Pt-Co шкаласи бўйича	50	150	150	50	150	

Этаноламин олиш технологияси товар маҳсулотларига нисбатан (МЭА ДЭА, ТЭА.), қайишқоқлик хусусиятига эга. Бу бутун дунё кимёвий маҳсулотлари бозорида жиддий афзаллик ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни юқори иқтисодий самарадорлиги, бу маҳсулотни баҳоси дейилади. Европа ишлаб чиқарувчилари томонидан кучли босимга эга бўлишига қарамай ЗАО “Химсорбент” маҳсулотини ўзимизнинг кимё бозорида рақобатдан ташқарига қўяди.

Дунё амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, МЭА ни кўпроқ самарали абсорбентга МДЭАга алмаштиришни кўрсатади. МЭА ни МДЭА га алмаштириш газни тозалашда хомашё ресурсларни тозалаш билан таъминлайди.

- энергия сарфи 30 фоизгача пасаяди.
- ишчи эритманинг айлантормани тўйиниш даражаси кўтарилади.
- МДЭА десорбциясини кам иссиқчилиги.
- смола ҳосил бўлмаслиги ва коррозияга активлиги камлиги, абсорберларни, жиҳозларни таъмирлаш ва хизмат қилишдаги харажати пасаяди.

**Ҳар хил газ конларидаги хомашё газларни сифат ва миқдор жиҳатдан таққослаш**

Конларнинг номи	Миқдори, ҳажмда фоиз да							
	CH <sub>4</sub>	C <sub>2</sub> H <sub>6</sub>	C <sub>3</sub> H <sub>8</sub>	C <sub>4</sub> H <sub>10</sub>	C <sub>5</sub> H <sub>12</sub> +ва юқори.	H <sub>2</sub> S	CO <sub>2</sub>	N <sub>2</sub> +ҳар хил
Зеварда	90,61	3,57	0,63	0,23	1,20	0,08	3,30	0,33
Култак	91,31	3,12	1,02	0,41	0,83	0,20	2,42	0,69
Помук	89,2	3,84	0,94	0,25	1,72	0,08	3,35	0,43
Шўртан	90,5	4,18	1,80	0,92	1,64	0,09	2,90	0,40

Шўртангаз кимё комплексиди (ШГКМ) абсорбцияли десорбцияли технология ишлатилади. У ерда абсорберт ДЭА ни 30 фоиз ли сувли эритмасидан фойдаланилади. Санот абсорберлари навбатдаги талабларга жавоб бериши зарур; юқори ютувчанлик қобилияти, кам буғланиш, ҳароратга турғунлиги, захарлилиги паст, CO<sub>2</sub> ва H<sub>2</sub>S га ҳамда олтингугурт тутган бирикмаларга сезувчанлиги юқори бўлиши керак. Шунинг учун табиий газлар таркибидаги нордон газларни тозалашга боғлиқ бўлган барча илмий-амалий ишлар

сифатли абсорберларни танлаш жуда муҳим бўлиб, бу ижтимоий-иқти-содий аҳамиятга эга.

Конларда кўрсатилган газлар таркибида олтингугурт бўлиб, ШГКМ учун хомашё сифатида қўллаш мумкин. Тажрибанинг анализ натижалари ДЭА ни МДЭА га алмаштириш технологик кўрсаткичларини алмаштирмасдан ШГКМ мажмуасида қўллаш мумкин. Авваламбор кимёвий сорбентларни алмаштириш имкониятларини аниқлаш.

4-жадв.

#### Аминли тозалашга (фоиз ҳажм) хомашё газининг тушиш таркиби

Тажриба	CH <sub>4</sub>	C <sub>2</sub> H <sub>6</sub>	CO <sub>2</sub>	H <sub>2</sub> S	H <sub>2</sub> O
1.	90,09	3,74	3,26	0,8	2,4
2.	89,38	4,14	3,20	0,7	2,8
3.	91,10	3,64	3,46	0,7	2,6
4.	90,54	3,98	3,01	0,7	2,2

Сорбциянинг ютиш қобилиятининг доимий кўрсаткичлари МДЭА да бошқа сорбентларга нисбатан юқори. МДЭА нордон газларни йўлдош газларни олтингугурт органик бирикмаларни танлаб ютиш қобилиятига эга. Лаборатория курилмасида турли хил абсорбент эритмаларнинг аналитик натижалари табиий газни нордон газлардан тозалашдаги хусусиятларини таққослашни келтираимиз.

5-жадв.

#### Абсорбернинг селектив ҳоссаиға эға кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Абсорбентлар		
	МЭА/МДЭА	ДЭА/МДЭА	МДЭА
Абсорбентдаги амин миқдори, фоиз	30-35	30-40	35-40
Газ унумдорлиги, л/с	4,70-5,20	4,70-5,20	4,70-5,20
Бошланғич газ миқдори фоиз :			
H <sub>2</sub> S	0,7-0,08		
CO <sub>2</sub>	3,30-3,37		
RSH	0,018-0,032		
Тайёр маҳсулот, газ миқдори, мг/м <sup>3</sup>			
H <sub>2</sub> S	7-10	7-9	5-7
CO <sub>2</sub>	11-14	10-13	9-12
RSH	12-13	10-12	8-9
Газнинг солиштирма зичлиги, л/дм <sup>3</sup>	0,08-0,1	0,1-0,13	0,09-0,15
регенерирлашган аминда H <sub>2</sub> S миқдори, г/л	0,01-0,017	0,01-0,04	0,004-0,008
Эритмани регенерациясида кВ т.с./м <sup>3</sup>	2,5	2,3	2,0
фоиз энергия харажати	100	100	85-91
Десорбердаги ҳарорати, °С	126-127	125-127	121-124

Шундай қилиб юқоридаги кўрсаткичлардан хулоса чиқариш мумкин; ДЭА ни МДЭА га алмаштиришда нордон газларга нисбатан сезгирлиги юқори бўлиб, бу эритмани ютиш хоссаи юқори ва газни сифатли тозалашга хизмат қилади.

Эритманинг концентрацияси эритмани бутун оғирлигидан келиб чиққан ҳолатда натижаларни изоҳлаш ва ўлчаш мажбурий эмаслигида ўлчанади. Аминларни концентрациясини таққослашда молекуляр массаларини билиш керак. Уларнинг физикавий кучи кераклигини тушуниш учун нордон газларга таъсири қандай эканлигини билиш керак. H<sub>2</sub>S нинг ҳар бир моли 1 моль амин билан реакцияга киришади. Ҳар бир аминдан нордон газни чиқариш шунга боғлиқки, циркуляцияли эритмани [1] ҳар бир бирлик ҳажмига қанча моль мос келиши аниқланади. Молярлиги (моль/л) аминни реакциядаги ўлчов

концентрацияси ва циркуляцияли эритмани циркуляцияли ҳажмидаги кучи билан баҳоланади. Бу муҳим концепция публикацияни катта қисмини тушуниш учун sanoatда талаб этилганида иккиланишга олиб келади. МДЭА ни МЭА олдида кўпроқ афзалликларга эга бўлиши баён этилган ва оқибатда у эритмада юқори концентрацияда ишлатилади. Агар 20 wt% МЭА билан 45 wt% МДЭА оғирлигини таққосласангиз, МЭА кучини икки марта оширсак ҳам МДЭА ни кучи самаралироқдир. Юқорида эслаб ўтилганлар шуни кўрсатадики, иккала эритмани молярлиги циркуляцияли эритмаларда МЭА 3,3 молда ва МДЭА 3,8 молда заводларда [2] ҳақиқий ифодасини кўрсатади. МДЭА куч бўйича МЭА дан тахминан 15 фоиз га (моль) кўпаяди. Бошқа асосий таркибий қурилма ҳажми тезлик потенциалсини тушунишга эритмани қиёсий тезлиги мустаҳкамлигига асосланган. Асос мустаҳкамлиги юқорилиги кислотали газларга юқори яқинликни кўрсатади ва у чиқариб ташланади. Асосдаги мустаҳкамлик газ тозалашдаги ҳар хил эритмалар худди  $pK_a$  эритмасида тез-тез таъкидлаб турилади.  $K_a$ -доимий кислоталик ва олимлар унинг тескари логарифминини ишлатадилар.

$$K_a-(pK_a=-\log K_a).$$

$pK_a$  нинг даражаси қанча кичик бўлса, у шунча кучсиз кислота бўлади. Бу қарашларни ҳаётий тушуниш керак, бу эритмани юқори босимни бошқарадиган услубларига таъсир қилади. Эритма турларини солиштирганда нисбий паст босимда ва ҳарорат кўтарилганида критик бўлиши мумкин. Кўпроқ кучли негизли кислотали газларни чиқариб ташлашда жуда яхши самара беради. Қачонки жараён шароити қисман босим ва ҳарорат ҳаракат кучини чегаралайди. Бу маълумотларни маъноси қисман босими ва ҳарорати билан амин тури, амин концентрацияси ва кислотали газни концентрацияси ўлчанади. Заводлар юқори босимнинг типик нормаси, мувозанатга интилганда VLE маълумотлари қарор топади. Баъзи муҳандис компаниялар завод 80% ли мувозанатли юқори босимга мўлжалланганлигини аниқлайдилар. Бу шуни билдирадики, улар лойиҳанинг жараёни шароитига қараб қурадилар. Навбатдаги мисол; 2 моль МДЭА ва МЭА  $H_2S$  да, 20 кРа қисман босида 20 С,  $CO_2$  ни иштирокисиз таққосланилади. Бу мисол мавжуд эгрини тезда текширишни кўрсатади ва мувозанат даражаси бундай шароитда иккала аминлар билан драматик фарқни билдиради. Аминни узоқдан олиб келувчилар аминлар ўртача 0,475 (моль) сонда юкланган тозалаш заводи хизматида, аммо бу мисол баъзи вазиятларда босим нормаси молга-моль қарор топади ва эритмага 80% ли мувозанатни босимини беради. Белгиланган босим 0,475 моль-МЭА га мувозанат нормаси чегарасида яхши, бу норма МДЭА учун норма эмас. Шунинг учун молга-моль асосида исталган босимни ўрнатишнинг ўрнига, юқори босимни ўрнатиш зарур. Бутунлай назорат қилиш учун худди мувозанат фоизи каби молга-моль асосида орқага ўтказилади. Аминни олиб келувчилардан баъзилари чиқарган адабиёт тозалаш заводининг бош системасида  $CO_2$  ни сирпаниши МДЭА ни қобилиятдан ишлатишдаги унинг фойдасини талаб қилди. Бу фойда аминнинг бош системада қобилияти кўпаяди ва олтингугурт қурилмасини олдинги тугар жойини юқини олиб ташлашга ёрдам беради. Бу вақтда худди МДЭА дек учламчи амин  $CO_2$  ни тўғридан-тўғри бошқармайди ва жуда яхши тавсифи сирпаниши, тозалашда қолдиқ газни унинг қурилмасида хизмат қилади. Бу тавсифдан фойда тозалаш заводининг асосий системасидаги хизматига тўғри келмади. Тозалаш заводида ўтказилган кислотали газни ҳар хил асосий амин системасидан аниқ тартиб олинган ва компьютерни моделлаштиришни учинчи қисми кўрсатадики, олтингугурт заводида ҳар хил аминлар орасида кислотали газни сифати жуда кам дифференцирлашган. Бу фигуралар шуни кўрсатадики, аминни ҳосил қилишда  $CO_2$  ни сирпанишига амин системасини қобилиятини яхшилаш учун ёки олтингугурт заводини қобилиятини яхшилаш кам ваъдага эга. Аминни заводда қайта ҳосил қилиш ва қайта ўрганишга сарфланган пуллар ўрнига, мавжуд бўлган заводдаги тор жой учун исботланган критик технологияни жорий қилишга ва ўрганишга сарфланса, яхшироқ бўлади.  $CO_2$  ни сирпаниши уни хусусиятлари учун эритмани кўриб чиқадиган муҳим аспект.  $CO_2$  ни хусусиятлари қайта ишланган газда бажарилиши зарур.

Баъзи тозалаш заводлари CO<sub>2</sub> ни қайта ишланган қисмини кимё заводларига хомашё сифатида саноат учун сотадилар ва уни у ерда тозалайдилар. Амин заводидан қайта ишланган маҳсулотни кўпроқ суяқлик ва озроқ газ билан яна қайта ишланилади. Тозаланган ишқорий система орқали CO<sub>2</sub> нинг қолдиғи ишқор ишлатишни кўпайтиради ёки фойдаланилаётган қайта тикловчи ишқорий системасининг ўлчами кўпаяди. Баъзи маълумотлар углеводородларнинг эрувчанлиги ва газ тозалашда турли хил эритувчилар бўйича босмадан чиқарилган. Бироқ яқинда углеводородларнинг эрувчанлиги бўйича ва газ тозалашдаги аминлар ҳақида яхши маълумотлар нашр этилди. Маълумотлар углеводородлар эрувчанлигини худди навбатдагидек йиғади:

$$MЭA = <DЭA <DGA <MDЭA$$

Углеводородларни эрувчанлигининг кўпайиши.

Нима учун шу қадар яқиндаги маълумотлар кўриб чиқилади, рўйхатга киритилади. Сабаби, бу биринчи марта углеводородлар эрувчанлиги бўйича аминларни бутун йўналиши ва аминнинг мустаҳкамлигини ошириш учун иш тугади. Изланувчилар аминни типик мустаҳкам қилиб ишлатишга уриндилар. Бу вақтда турли хил аминларда углеводородлар эрувчанлиги ҳар доим ҳам факторлаштирилмайди. Эрувчанлик танланганда ёки эрувчанликни ҳосил қилишдаги ўзгаришни талаб қилади. Эрувчанликдаги ўзгаришлар завод ишларида билинарли таъсир қилмайди, лекин газни дақиқада ажралиб чиқиш нормасини ва завод босимини пасайишига олиб келади. Аминларни қайта кўшишда бир чеккасидан углеводородлар эритмаси спектридан бошқасини текшириб чиқиш шарт.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Методические указания по нормированию расходов аминов в процессах сероочистки газов. ВНИИГазпром. – Москва, 1990. – 288 с.
2. Алексеева С.З., Афанасьев А.И. и др. Очистка природного газа алканаминами от сероводорода диоксида углерода и других примесей // – М.: ОАО «Газпром» 1999, – С. 42.
3. Бердиев Г., Камолов Л.С. Очистка природного газа от агрессивных компонентов. ҚарДУ хабарлари. – № 4. – Карши, 2010. – 90 с.

#### РЕЗЮМЕ

МДЭА нинг ишчи эритмасининг барча параметрлари МЭА билан солиштирилган ҳолда пилот қурилмасида таққослаб ўрганиш ўтказилганда, МДЭА эритмаси МЭА га нисбатан водород сульфидни абсорбциялаш бўйича селективликнинг 1,25 мартага ўсиши, хизмат кўрсатиш муддати 1,95 марта кўплиги ва ишчи эритмани марта йўқотиш камайганлиги аниқланди.

#### РЕЗЮМЕ

При изучении на пилотной установке по очистке газа всех параметров раствора МДЭА в сравнении с раствором МЭА было выяснено, что у раствора МДЭА селективность по абсорбции сульфида водорода выше в 1,25 раза, срок службы больше в 1,95 раза, потери меньше в 1,8-2 раза.

#### SUMMARY

Comparative studies were carried out on the pilot plant for cleaning gas with absorbents and their distinctive characteristics were established, that is, the MDEA solution is more than 1.25 times hydrogen sulfide than MEA, the service life is 1.95 times longer, low losses are 1.8-2, 0 times working solution.

### ХРОМОФОР ГУРУҲИ ТУТГАН ОРГАНИК МОДДАЛАРНИНГ УЛЬТРАБИНАФША (УБ) - СПЕКТРЛАРИ


Чориев А.У., Пардаева Ш.А., Сайдалиева Д.А.,  
Холиқова Г.А. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** Вудворд формуласи, батахром силжиш, ютилиш максимуми, интенсивлик, электрон ўтишлар.

Тузилиши ўрганилаётган модда ультрабинафша соҳада ютилиш максимумига эга бўлмаса, унинг таркибида диен, полиен системаларининг, ароматик ҳалқа ва карбонил гуруҳи йўқлигидан далолат беради.

Агар молекулада битта қўшбоғ ёки уч боғ бўлса, яъни этилен ва ацетиленнинг оддий ҳосилаларининг ультрабинафша спектрини назарда тутсак, уларга тегишли бўлган  $\pi \rightarrow \pi^*$  электрон ўтиш максимумининг қиймати 200 нм дан кичик қийматли соҳада намоён бўлади, шунинг учун бундай бирикмалар амалиётда ультрабинафша спектри билан ўрганилмайди, аммо қўшбоғлар сонининг ортиб бориши молекулада ютилиш максимумларини катта тўлқин узунлик соҳада намоён бўлишига сабабчи бўлади [1,2].

Конъюгирланган боғли диенлар учун  $\pi \rightarrow \pi^*$  ўтишга тегишли бўлган ютилиш 215-270 нм оралиғида содир бўлиб, спектр максимумининг қийматлари диен тузилишига ҳам боғлиқ бўлади. Агар диен транс-конформацияли тузилишда бўлса, унинг ютилиш максимуми цисконформацияликидан кичикроқ қийматли соҳада намоён бўлади (3-жадвал). Молекулада қўшбоғларнинг жойлашишига қараб изомер бирикмаларни бир-биридан фарқ қилиш мумкин. Масалан,



Ҳалқали диен системаларнинг ютилиш максимумлари қўшбоғларнинг бир-бирига нисбатан қандай жойлашишига ҳамда ҳалқанинг тузилишига боғлиқ бўлади (1-жадвал).

1-жадв.

### Айрим диен бирикмаларнинг УБ соҳада ютилиш максимумлари

Бирикмалар	Тузилиши	$\lambda_{\text{макс}}$ , нм	$\epsilon_{\text{макс}}$
1. 3-метиленциклопентен-1		234	14000
2. Циклопента-диен-1,3		240	3400
3. 1,2-диметиленциклопентан		243	12000
4. 3-метиленциклогексен-1		231	19800
5. Циклогексадиен		258	7200
6. 1,2-диметиленциклогексан		243	12000
7. Циклогептадиен		248	76000



Диен бирикмаларнинг ультрабинафша соҳадаги ютилиш максимумлар қийматларига молекуладаги алкил радикалининг ҳамда қўшни ҳалқадаги гуруҳларнинг сони таъсир қилади. Бундай таъсирларни эътиборга олиб ютилиш максимумини Вудворд формуласи ёрдамида ҳисоблаш мумкин.

$$\lambda_{\text{макс.}} = 217 + 5A + 30B + 5C$$

217 – бутадиеннинг ютилиш максимуми





A - алкил гуруҳлар сони

B – конъюгирланган қўшбоғлар сони

C – экзоҳалқали қўшбоғлар сони

Қўшбоғдан алоҳида жойлашган алкил гуруҳи модданинг ультрабинафша соҳадаги ютилиш максимумига таъсир қилмайди; диен системанинг биринчи ёки тўртинчи ҳолатида жойлашган алкил гуруҳи батаҳром силжишни, яъни кичик тўлқин узунлик соҳадан катта тўлқин узунлик соҳага (7-10 нм гача) ўтишни ҳосил қилади, иккинчи ёки учинчи ҳолатдагиси эса 3-4 нм гача силжишга олиб келади. Вудворд формуласи асосида диенлар учун ҳисоблаб топилган ютилиш максимумининг қиймати амалда топилганидан  $\pm 5$  нм га фарқ қилади.

Молекулада конъюгирланган қўшбоғлар сонининг ошиши ультрабинафша соҳада батаҳром силжишга сабабчи бўлади. Занжирга ҳар бир янги қўшбоғнинг киритилиши ютилиш максимумининг қийматини аввалгисига нисбатан тахминан 40 нм га оширади [3,4].



Молекулада конъюгирланган қўшбоғлар сонини янада ошиб бориши ютилиш максимумини кўринувчан соҳага силжити, бундай моддалар рангли кўринишда бўлади. Масалан, α-каротин тузилишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Демак, моддаларнинг ультрабинафша соҳада ютилиш максимуми асосида молекула таркибида полиен система борлигини ва конъюгирланган қўшбоғларнинг сонини аниқлаш мумкин.





Таркибида карбонил гуруҳи тутган моддалар - альдегидлар, кетонлар, карбон кислоталари ва уларнинг ҳосилалари табиатда ва синтетик кимёда кенг тарқалган бирикмалар ҳисобланади. Тўйинган альдегид ва кетонлар учун ютилиш максимуми 275-290 нм ни ташкил этади ва ютилиш  $n \rightarrow \pi^*$  электрон ўтишга тегишли ҳисобланади. Бу ўтиш симметрия бўйича тақиқланган бўлгани учун максимум интенсивлиги кичик бўлади ( $\epsilon = 15-20$ ). Альдегид ва кетонлар ютилиш максимумининг қийматига эритувчининг табиати таъсир қилади. Карбонил гуруҳи билан водород боғ ҳосил қилувчи эритувчилар ( $>C=O \cdots H-O-R$ ) ютилиш максимумининг қийматини кичик тўлқин узунлик соҳага (гипсоҳром) силжи-

шига сабабчи бўлади, чунки водород боғининг ҳосил бўлиши п-орбиталнинг энергетик ҳолатини камайтиради.



Кислотали муҳитда  $n \rightarrow \pi$  электрон ўтиш максимуми кузатилмайди, чунки бу шароитда карбонил гуруҳидаги кислороднинг тақсимланмаган электронлари кислотанинг водород ионлари билан боғланиб қолади, яъни протонланиш ҳодисаси рўй беради. Карбонил гуруҳига тегишли бўлган максимум асосан катта тўлқин узунлигидаги соҳада намоён бўлади.

Тўйинмаган альдегид ва кетонлар ультрабинафша соҳада юқори интенсивликдаги  $\pi \rightarrow \pi^*$  ва камроқ интенсивликдаги  $n \rightarrow \pi^*$  электрон ўтишларга тегишли ютилиш максимумларини намоён қилади. Карбонил гуруҳига тегишли бўлган  $n \rightarrow \pi^*$  электрон ўтиш тўйинган альдегид ва кетонларга нисбатан тўйинмаган бирикмаларда катта қийматли тўлқин узунлик соҳасида ютилиш максимумини ҳосил қилади [5].

Ароматик бирикмаларнинг ультрабинафша спектри мураккаблиги ва ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Бензол ультрабинафша соҳада иккита максимумни, яъни  $\lambda_{\text{макс}}=200$  нм ( $\epsilon$  8000) ва  $\lambda_{\text{макс}}=255$  нм ( $\epsilon$  200) ҳосил қилади. Агар бензол ҳалқасида ўринбосар бўлса, ютилиш максимуми ўринбосарларнинг табиатига боғлиқ бўлади. Масалан, алкил радикали+6 нм, галоген +9 нм, OH, OCH<sub>3</sub>+15 нм, NH<sub>2</sub>бўлса+25 нм га оширади.



Агар бензол ҳалқасидаги ўринбосарлар сони иккита бўлса, ютилиш максимумлари ўринбосарларнинг бир-бирига нисбатан ҳалқада жойлашишига ва ўринбосар электродонор ёки электроакцепторлигига ҳам боғлиқ бўлади. Орто ва мета изомерли бензол ҳосилаларининг ультрабинафша спектрлари бир-бирига ўхшаш, аммо пара-изомерларники эса улардан кескин фарқ қилиб, битта интенсив ютилиш максимумини намоён қилади. Конденсирланган ароматик бирикмаларнинг ультрабинафша соҳадаги ютилиш максимумининг интенсивлиги юқори бўлиб, уларда бензолга нисбатан батаҳром силжиш намоён бўлади. Масалан, нафталин  $\lambda_{\text{макс}}=221$  нм ( $\epsilon$  117000), 275 нм ( $\epsilon$  10000), 297 нм ( $\epsilon$  650), антрацен  $\lambda_{\text{макс}}=251$  нм ( $\epsilon$  200000), 265 нм ( $\epsilon$  7500).



## Бензол ҳосилаларининг ультрабинафша ютилиш максимумлари

R	Иккинчи ютилиш максимуми, $\lambda_{\text{макс}}$	$\epsilon$ -Интенсивлик	Учинчи ютилиш максимуми, $\lambda_{\text{макс}}$	$\epsilon$ -интенсивлик
H	203	74000	256	200
CH	206	7000	261	225
F	204	8000	248	500
Cl	210	7400	264	190
Br	210	7900	261	192
OH	211	6200	270	1450
SH	236	8000	271	630
NH	230	8600	280	1430
CH=CH <sub>2</sub>	244	12000	282	750
NO <sub>2</sub>	259	8000	-	-
OCH <sub>3</sub>	217	6400	269	1480
COOH	230	11600	273	970

## Органик моддаларнинг ультрабинафша ютилишидаги маълумотлар

Макс. сони	Максимумлар параметрлари $\lambda$ ( $\epsilon$ )	Молекула тузилиши ҳақида хулоса
1	2	3
0	-	хромофор гуруҳлар йўқ
1	2	3
1	200-225 нм (10000-15000)	$\alpha, \beta$ -тўйинмаган карбон кислоталари ва ҳосилалари
	215-235 нм (10000-20000)	Ҳалқали ва очик занжирли диен бирикмалар (транс-изомер)
	240-270 нм (3000-8000)	Цис-конфигурацияли ҳалқали диен
	275-290 нм (15-25)	тўйинган альдегид ёки кетон
	270-370 нм (50000-150000)	таркибида 3-6 конъюгирланган қўшбоғли полиен
	400-470 нм (150000-180000)	таркибида 7-12 конъюгирланган қўшбоғлиполиен
	200-230 (7000-9000) 260-280 (200)	бензол ҳосилалари
2	200нм (500) 276-280 нм (20) 240-230 нм (1200-20000) 320-340 нм (20-40)	$\alpha, \beta$ -тўйинмаган альдегид ёки кетон нитробирикмалар
3	221 нм (117000), 275 нм (10000), 297 нм (650)	Кўпҳалқали ароматикбирикмалар (нафталин, антрацен ва бошқалар)


Тўйинмаган гетероҳалқали бирикмаларнинг ультрабинафша спектрлари ҳалқанинг тузилишига боғлиқ, беш аъзоли бундай бирикмаларда  $n \rightarrow \pi^*$  электрон ўтишга тегишли максимум кузатилмайди, чунки гетероатомдаги тақсимланмаган электронлар жуфти ҳалқадаги қўшбоғнинг  $\pi$  электронлари билан ўзаро тасирида бўлади (делокалляция). Айрим гетероҳалқали бирикмаларнинг ультрабинафша соҳадаги ютилиш максимумлари қуйидаги қийматларда бўлади:

	$\lambda_{\text{макс}}$ (гексан)		$\epsilon$	
Фуран	200,	252	10000,	1,0
Тиофен	-,	235	-,	4500
Пиррол	210,	350	15000,	300
Пиридин	195,	250	7500,	2000
Хинолин	275,	311	4500,	6300

Келтирилган маълумотлар тўйинмаган гетероҳалқали бирикмаларнинг ультрабафша соҳада ютилиш максимумлари бензол молекуласининг ютилишига яқинлигидан далолат беради.

Агар гетероҳалқали бирикмалар қўшбоғ тутган бирикмалар билан боғланган бўлса, батаҳром силжишни кузатиш мумкин.

Агар бензол ҳалқаси бешҳалқали гетероатом тутган бирикма билан конденсирланган бўлса, масалан индол системасида, иккита ютилиш максимуми намоён бўлади:



Индол молекуласига тегишли бўлган ютилиш максимумларидан табиатда кўп тарқалган ва катта синфни ташкил қиладиган индол алкалоидларининг тузилишини аниқлашда ишлатиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Казицина Л.А., Куплетская Н.Б. Применение УФ, ИК, ЯМР и масс-спектрологии в органической химии. – М, Изд-во МГУ, 1979. – 350 с.
2. Вилков Л.В., Пентин Ю.А. Физические исследования в химии, том 1. – М.: Высшая школа, 1989. – 495 с.
3. Драго Р. Физические методы в химии. Т. 1, 2. – М.: Мир, 1981. – 310 с.
4. Юнусов Т.К., Зайнутдинов У.Н., Утениязов Қ., Салихов Ш.И. Кимёда физикавий усуллар. – Тошкент: Университет, 2007. – 132 с.
5. Преч Э., Бюльманн Ф., Афолтер К. Определение строения органических соединений / Пер. с англ. – М.: Мир, 2006. – 250 с.

#### РЕЗЮМЕ

Спектрофотометр замонавий лабораторияларнинг яхши ишчи жиҳози деб аталади. Хусусан, ультрабафша ва кўзга кўринадиган спектрофотометрия кўплаб лабораторияларда органик ва аорганик бирикмаларни турли хил маҳсулот ва жараёнларда нуклеин кислоталар ва оксиллар, озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва минерал ўғитлар, минерал мойларда, бўёқларда аниқлаш ва ўлчаш билан боғлиқ бўлган усулдир. Спектрофотометрия молекуляр биология, тиббиёт ва табиий фанлардаги ҳар бир соҳада ҳам тадқиқот, ҳам назоратга мунтазам ёрдам беради.

#### РЕЗЮМЕ

Спектрофотометр необходим в любой современной лаборатории. В частности, ультрафиолетовая и видимая спектрофотометрия используется в большинстве лабораторий, связанных с идентификацией и измерением органических и неорганических соединений в широком спектре продуктов и процессов - в нуклеиновых кислотах и белках, пищевых продуктах, фармацевтических препаратах и удобрениях, в минеральных маслах и в краске. В каждой отрасли молекулярной биологии, медицины и других естественных наук спектрофотометр используется как для исследований, так и для систематического контроля.

#### SUMMARY

The spectrophotometer has well been called the workhorse of the modern laboratory. In particular, ultraviolet and visible spectrophotometry is the method of choice in most laboratories concerned with the identification and measurement of organic and inorganic compounds in a wide range of products and processes - in nucleic acids and proteins, foodstuffs, pharmaceuticals and fertilisers, in mineral oils and in paint. In every branch of molecular biology, medicine and the life sciences, the spectrophotometer is an essential aid to both research and routine control.

*Нашрга доц. Л. Камолов тавсия этган*

АМУДАРЁНИНГ ҚУЙИ ОҚИМИДА ТОШҚИРҒИЙНИНГ *ACCIPITER BADIUS*  
ЭКОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МАТЕРИАЛЛАР

Аметов Я.И., Жуманов М.А. (ҚҚДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *тошқирғий, йиртқич қуш, Амударёнинг қуйи оқими, кам сонли қуш, тўқай, маданий ландшафт, гўнг қарга, қора қарга, загизгон, баланд дарахтлар, уя қурилиши, никоҳ ўйинлари, тухум қўйиши, полапон, постэмбрионал ривожланиши, фойдали қуш.*

**Тошқирғий *Accipiter badius*** – оз сондаги уяловчи қуш бўлиб, асосан тўқайларда, шаҳар ва қишлоқларда экилган баланд бўйли дарахтларда, боғларда уя куради. Бу қушнинг экологияси бошқа йиртқич қушлар каби Қорақалпоғистонда кам ўрганилган (Мамбетжумаев, 1968; Абдреймов, 1981; Аметов, 1981, 1993).

Тошқирғийнинг экологияси бўйича материаллар 2004, 2005, 2015 ва 2016 йиллари Кегейли тумани ва Нукус шаҳри атрофида тўпланди.

Ўзбекистонга, шу жумладан, Амударёнинг қуйи оқимида тошқирғийларнинг баҳорги учиб келиши апрель ойидан бошланади (Митропольский, Фоттелер, Третьяков, 1987). Масалан, биринчи учиб келган тошқирғийлар 1967 йили 14 апрелда, 1969 йили – 21 апрелда, 1970 йили – 18 апрелда кузатилган (Абдреймов, 1981). Ундан кейинги йилларда ҳам шунга ўхшаш бўлган. Масалан, М.Аметовнинг (1993) маълумоти бўйича тошқирғийлар Нукус атрофидаги ўзининг уя қуриш жойларига 1973 йили – 22 апрелда, 1974 йили – 24 апрелда, 1975 йили – 28 апрелда, 1983 йили – 19 апрелда, 1985 йили – 8 апрелда ва 1986 йили – 12 апрелда учиб келган.

Бизнинг маълумотимиз бўйича тошқирғийлар Қорақалпоғистонга апрель ойининг иккинчи ярмидан учиб келади (26.04.04, 22.04.05, 16.04.15, 18.04.16). Адабиётларда бу қушнинг 2 ва 10 апрель оралиғида Амударёнинг ўрта оқимида учиб келиши айтилган (Аннаева, 1970).

Ўзбекистондан тошқирғийнинг учиб кетиши сентябрь ойида, шу жумладан, Қорақалпоғистонда август ойининг охири (Рашкевич, 1965) – сентябрь ойининг I декадасидан (Абдреймов, 1981) бошланади ва қисқа вақт давом этади. Энг охирги тошқирғий Нукус атрофида 1973 йили – 8 сентябрда, 1975 йили – 20 сентябрда, 1983 йили – 17 сентябрда ва 1986 йили – 26 сентябрда кузатилган (Аметов, 1993).

Бизнинг кузатувимиз бўйича Амударёнинг қуйи оқимида энг сўнгги тошқирғийлар 2004 йили – 25 сентябрда; 2005 йили – 23 сентябрда; 2015 йили – 16 сентябрда ва 2016 йили – 19 сентябрда учраган.

Қорақалпоғистон шароитида тошқирғий кам сонли қуш саналади. Масалан, Т.Абдреймовнинг (1981) маълумоти бўйича 8 км маршрут оралиғида фақат 2 та қуш учраган. Лекин Самарқанд тумани ва Бухоро оазисида тошқирғийнинг сони анча юқори. Масалан, Шофиркон туманида 15 км санокда 10 та уя, Варданзин қўриқхонаси атрофида 3 км санокда – 2 та уя, Бухоро шаҳри аэропорти атрофида 0,6 га майдонда 1 уя топилган (Бакаев, 1979).

Бизнинг маълумотимиз бўйича Қорақалпоғистонда тошқирғийларнинг сони қуйидагича: апрель ойида тўқайларда санок ўтказганимизда 10 га майдонда 1,48 та, маданий ландшафтда – 1,2 та қуш кузатилган. Июль ойига келиб полапонлари учирма бўлгандан уларнинг сони 2 марта ошади. Бу пайтда уларнинг ўртача зичлиги тўқайларда 10 га майдонга – 3,35 та қуш, маданий ландшафтда – 2,5 та қушдан тўғри келади.

Кўпайиш жойига учиб келган тошқирғийлар 8-10 кундан сўнг уя қуришга киришади. Масалан, 2004 йили 26 апрелда учиб келган тошқирғийлар 4 май куни, 2015 йили 16 апрелда учиб келган тошқирғийлар эса 26 апрелда уя қуриб бошлади.

Уяни тошқирғийлар кўпинча ўзлари куради, лекин адабиётларда уларнинг айрим вақтлари гўнг қарға, қора қарға, зағизгон ва қора калхатларнинг эски уяларига тухум қўйганлиги айтилган (Абдусаломов, 1971; Абдреймов, 1981). Бизнинг кузатувимизда бўлган 6 та уянинг барчаси тошқирғийнинг ўзи томонидан қурилган эди.

Одатда тошқирғий уясини баланд дарахтларга куради. Адабиётларда уяларнинг 6 – 15 м баландликда (кўпинча 7–8 м) қурилиши, Зарафшон водийсида уялар акация (6), тол (3), оқ терак (2), ўрик (1) ва жийда (1) дарахтларига қурилгани айтилган (Митропольский, Фоттелер, Третьяков, 1987).

Қорақалпоғистон шароитида тошқирғий уясини тўқайларда асосан тўрангил, тол ва жийдаларга куради. Маданий ландшафтда эса уяларини қайрағоч, тол ва оқ теракларга куради. Бизнинг кузатувимизда бўлган уялар ер бетидан 8–16 м баландликда (ўртача 12 м) қурилган.

Уя қурилишига 7–11 (ўртача 9) кун кетади. Уя қурилиши давомида тошқирғийлар ўзига хос хулқ-атворга эга бўлади. Нар тошқирғий бу вақтда тез-тез юқорига учиб уя устида айланиб учеди, гоҳ пастга, гоҳ юқорига учиб юради. Никоҳ ўйинлари вақтида тошқирғийлар бошқа қуш турлари каби қичқириб юради.

Тошқирғий уясини ҳар хил ўсимликларнинг, жумладан, тўрангил, жийда, қайрағоч, тол ва оқ теракларнинг шох-шаббаларидан куради. Уянинг тубига қуруқ япроқлар ва ингички новдачалар тўшалади. Уяларнинг (5) ўлчами қуйидагича: уянинг баландлиги 24–31 см (27,5), ташқи диаметри 30–38 см (34), ички диаметри 15–21 см (18), чуқурлиги 3–11 см (7).

Уя қурилиши тугагандан сўнг қушлар дарҳол тухум қўйишга киришади. Адабиётларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, Ўзбекистонда апрель бошида учиб келган қарчиғайлар шу ой охирида биринчи тухумни қўяди. Массали тухум қўйиш май ойида кечади. Бизнинг маълумотимиз бўйича Қорақалпоғистонда биринчи тухум 2016 йили 4 май куни қуйилди.

Тошқирғий тухумни уяга кун ора қўяди ва бу жараён 5–8 кун давом этади. Ўзбекистон шароитида тошқирғийлар уяга 2–5 (Митропольский ва бошқ., 1987), Туркменистон шароитида 3–6 (Аннаева, 1970) тухум қўяди. Қорақалпоғистон шароитида 3–4 (кўпинча 4 та) тухум қўяди. Биз ўрганган 6 уянинг 4 тасига 4 та, 2 тасига 3 та тухум қуйилди.

Одатда тошқирғий йилига 1 марта тухум қўяди. Уя бўзилган тақдирда иккинчи марта тухум қўйиши мумкин. Бунда биринчисига нисбатан кам тухум қўяди.

Тухумлар овал формали, оқимтир кўкиш рангли бўлади. Тухумларнинг ўлчами (n=16) қуйидагича: узунлиги 39,0–42,5 мм (ўртача 40,7), эни 31,0–32,5 мм (31,7), янги туғилган тухумларнинг (n=8) оғирлиги 20,4–25,3 г. (ўртача 22,8) келади.

Тухумларни фақат модаси босиб ётади, эркаги эса уяни кўриқлайди ва модасини овқатлантиради. Тухум босиб ётиш жараёни 1-тухум қўйилгандан сўнг бошланади ва у 29–32 кун (ўртача 30,5) давом этади. Бу жараён О.Митропольский ва бошқ. (1987) маълумоти бўйича 30–34 кун (ўртача 32,4), М.Аметов маълумоти (1981) бўйича 28–31 кун давом этади ва бутун инкубация даврида тухумлар оғирлиги ўртача 5,2 фоизга камаяди.


Полапонлар 3-5 кун давомида тухумни ёриб чиқади. Янги тухумдан чиққан полапонлар жуда нимжон, кўзлари юмилган, қулоқ тешиклари эса очиқ бўлади. Уларнинг танаси оқ момиқ билан қопланган бўлиб, энди туғилган полапонларнинг оғирлиги 14,4–17,9 г. (ўртача 16,1) келади.

Биз томондан 2005 йили 1 та уядаги 3 та полапоннинг постэмбрионал ўсиши ва ривожланиши тўлиқ ўрганилди (1-жадвал). Полапонларнинг кўзлари 2-кундан очилиб бошлайди ва 1 ҳафтанинг ичида тўлиқ очилиб бўлади. 7-куни контур қанотлари ўсиб чиқади. 31–33 куни полапонлар учирма бўлади. Тошқирғий полапонларининг оғирлиги ва танасининг айрим аъзоларининг ўсиш динамикаси 1-жадвал ва 1-расмда келтирилган.

## Тошқирғий полапонларининг тана аъзоларининг ўсиши (n=3)

Полапон ёши, кунлар	Тана оғирлиги, г.	Танасининг айрим аъзоларининг узунлиги (мм)			
		илик суяги	тумшуги	қаноти	думи
1	16,2	11	5,5	-	-
3	29,6	14,4	6,2	-	-
5	47,2	17,7	6,8	-	-
7	64,5	24,3	8,9	27,1	-
9	92,2	31,2	10,6	40,4	9,4
11	102,2	35,8	11,7	54,1	20,1
13	131,2	41,3	13,1	78,2	39,4
15	135,9	44,2	13,5	86,5	42,2
17	143,5	45,9	13,8	98,5	46,2
19	152,5	47,2	14,2	113,2	54,3
21	167,8	48,3	14,6	123,8	64,3
23	182,9	49,5	15,0	133,7	72,6
25	201,6	51,2	15,4	141,2	79,4
27	220,5	52,0	15,8	150,3	88,4
29	228,2	52,4	16,3	159,1	94,7
31	227,3	52,6	16,8	162,2	98,5

## Тошқирғий полапонларининг (n=3) айрим тана аъзоларининг ўсиши (г. ва мм да)



Постэмбрионал ривожланишнинг дастлабки 12 кунда полапонлар жуда интенсив ўсади, ундан сўнг эса ўсиш секинлашади (1-расм) Жадвал ва расмда кўриниб турганидек, 1-кун полапонлар 16,2 г. массага эга бўлган бўлса, 3-кун 29,6 г. га, 5-кун 47,2 г., 7-кун 64,5 г. массага етади. Полапонлар учирма бўлган пайтда 210–220 г. массага эга бўлади.

Биз полапонларнинг озикланишини уларнинг қизилўнгачини юмшоқ ип билан боғлаб ўргандик. Дастлабки кунлари тошқирғий полапонларини 6–8 кунгача фақат умуртқасиз ҳайвонлар билан озиклантирди. Ундан сўнг уларнинг озик рационига умуртқали ҳайвонлар қўшилади (2-жадвал).

2-жадвалда кўриниб турганидек, тошқирғий полапонлари озуқа рационининг 57,2 фоизини умуртқалилар, 42,8 фоизини умуртқасизлар эгаллайди. Бунда умуртқасизлар ичида асосан кўнғизлар (12 фоиз), бузоқбоши (9,9 фоиз), чигирткалар (8,8 фоиз) ва гўнғўнғизлар (6,6 фоиз) билан полапонларни озиклантирган. Умуртқалилардан эса тез калтаке-сак (8,8 фоиз), ҳинд чумчуғи (7,7 фоиз), дала чумчуғи ва уй сичқони (6,6 фоиз дан), дашт агамаси ва жануб кургалаги (5,5 фоиз) ва ҳ.к. полапонлар томонидан кўп истеъмол қилинган.

## Тошқирғий полапонларининг уя давридаги озуқа тарикиби

Озуқа тури	Озуқа сони, дона	фоиз
<b>Умуртқасизлар</b>	<b>39</b>	<b>42,8</b>
кўнғизлар	11	12
бузоқбоши	9	9,9
чигирткалар	8	8,8
гўнғкўнғиз	6	6,6
ниначи	3	3,3
чумолилар	2	2,2
<b>Умуртқалилар</b>	<b>52</b>	<b>57,2</b>
<i>Сувда ва қуруқликда яшовчилар</i>	3	3,3
кўл бақаси	3	3,3
<i>Судралиб юривчилар</i>	16	17,6
тез калтакесак	8	8,8
дашт агамаси	5	5,5
чўл тақиркўзлиси	3	3,3
<i>Қушлар</i>	24	26,4
ҳинд чумчуғи	7	7,7
дала чумчуғи	6	6,6
жануб кургалаги	5	5,5
қишлоқ қалдирғочи	4	4,4
завирушка мойқут	2	2,2
<i>Сут эмизувчилар</i>	9	9,9
уй сичқони	6	6,6
тамариск кўмсичқони	3	3,3
<b>Ҳаммаси</b>	<b>91</b>	<b>100</b>

Қорақалпоғистон шароитида тошқирғийларнинг кўпайиш жараёнини тадқиқ қилганимизда, биз ўрганган 6 уяга 22 та тухум қўйилган бўлса, шундан 1 та тухум палоқ бўлди, 2 та си шамол билан ерга тушиб кетди. 1 уядаги 3 та тухум қора қарға томонидан нобуд қилинди. Демак, қўйилган 22 тухумдан 16 та (72,7 фоиз) полапон чиқди. Лекин 16 та полапоннинг 3 таси одамлар томонидан олиб кетилди. Қолган 13 та полапон (59,09 фоиз) уядан муваффақиятли учиб кетди.

Тошқирғий фойдали қуш ҳисобланади. Тўқай ва боғларнинг кўркига кўрк қўшиб безайди. Кам сонда бўлгани учун уни муҳофаза остига олиш зарур.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдреймов Т. Птицы тугаев и прилегающих пустынь низовьев Амударьи. – Ташкент: Фан, 1981. – 108 с.
2. Абдусаломов И.А. Фауна Таджикской ССР. Птицы. – Душанбе, 1971. Т. 19. Ч. 1. – 402 с.
3. Аметов М. Птицы Каракалпакии и их охрана. – Нукус: Каракалпакистан, 1981. – 138 с.
4. Аметов М.Б. Об экологии туркестанского тювика в Каракалпакии. // Экология птиц и млекопитающих долины Амударьи, Устюрта и Кызылкумов. – Нукус, 1993. – С. 44–52.
5. Аннаева Э.Ч. Птицы культурного ландшафта среднего течения реки Аму-Дарьи.: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Самарканд. 1970. – 31 с.
6. Бакаев С.Б. К гнездовой биологии тювика в Зарафшанской долине. // Сборник научных трудов «Вопросы экологии животных». – Ташкент, 1979. – С. 3–8.
7. Мамбетжумаев А.М. К размножению и питанию некоторых птиц тугайного ландшафта среднего и нижнего течения Амударьи. // Вестник КК ФАН УзССР. – Нукус, 1968. – №1. – С. 11-20.



8. Митропольский О.В., Фоттелер Э.Р., Третьяков Г.П. Отряд соколообразные. // Птицы Узбекистана. Т.1. – Ташкент, 1987. – С. 148–154.

9. Рашкевич Н.А. Численность и некоторые черты экологии птиц в тугаях Амударьи. // Орнитология. – М., 1965. Вып. 7. – С. 142–145.

#### РЕЗЮМЕ

В статье излагаются материалы по экологии тювика, собранные в 2004, 2005, 2015 и 2016 гг. в низовьях Амударьи. В частности, изучены распространение, численность, гнездовая биология и питание тювика. Даны рекомендации по охране этой птицы.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада 2004, 2005, 2015 ва 2016 йиллари Амударёнинг куйи оқимида тошқирғийнинг экологияси бўйича тўпланган материаллар баён қилинади. Шу жумладан, тошқирғийнинг тарқалиши, сони, уялаш биологияси ва озикланиши ўрганилган. Бу қушни муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар берилган.

#### SUMMARY

In the article, materials on the ecology of the Tuvik collected in the lower reaches of the Amu Darya are presented. Including the distribution, abundance, nest biology and nutrition of the Tuvik. Recommendations for the protection of this bird are given.

*Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган*

### МАРКАЗИЙ ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИҚАНОТЛИ (ORTHOPTERA) ҲАШАРОТЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК-ФАУНИСТИК ТАҲЛИЛИ

Тўраева З.Р. (НамДУ), Бердиев Ж.Х. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *тўғриқанотли ҳашаротлар, факультатив хортобионт, тамнобионт, қиёқ-бошоқли хортобионт, эремобионт, учувчи мигрант.*

Маълумки, Ўзбекистоннинг энтомофаунаси жуда ҳам ўзига хос бўлиб, тўғриқанотли ҳашаротлар – Orthoptera туркуми вакиллари мазкур фаунада алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, кейинги йилларда айнан тўғриқанотлилар, яъни чигирткаларнинг қишлоқ хўжалигига келтираётган зарарининг ортиб бораётганлиги, иккинчи томондан, мазкур ҳашаротларнинг кам ўрганилганлиги боис, муайян экосистемаларда уларнинг тур таркиби ва био-экологик хусусиятларини ўрганиш зарурати туғилди.

Марказий Ўзбекистон (Бухоро, Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятлари) ҳудудларида тарқалган тўғриқанотли ҳашаротлар фаунаси, таксономик структураси, экологияси ва фаунасининг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш мақсадида 2018 йилнинг июнь-июль ойларида (07.06. – 11.07.2018) маршрутли экспедициялар амалга оширилди. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида 500 га яқин энтомологик материал тўпланди. Тўпланган материал Наманган давлат университетининг Биология кафедраси ва ЎЗР ФА Зоология институтининг Энтомология лабораториясида қайта ишланди ва таҳлил қилинди.

Йиғилган энтомологик материалнинг таҳлили натижаларига кўра, Марказий Ўзбекистон ҳудудларида тўғриқанотли ҳашаротларнинг 22 тури учраши қайд этилди. Мазкур турлар систематик жиҳатдан Orthoptera туркумининг 3 та оиласи ва 17 авлодига мансубдир:

<b>Ordo</b>	Orthoptera
<b>Familia</b>	Pyrgomorphidae
<b>Genus</b>	Pyrgomorpha
<b>Species</b>	<i>Pyrgomorpha bispinosa deserti</i>
<b>Familia</b>	Tettigonidae
<b>Genus</b>	Tettigonia
<b>Species</b>	<i>Tettigonia caudata</i>
<b>Genus</b>	Semenoviana

**Species** *Semenoviana plotnikovi*  
**Familia** Acrididae  
**Genus** Dericorys  
**Species** *Dericorys albidula*  
**Genus** Calliptamus  
**Species** *Calliptamus italicus*  
*C.turanicus*  
*C.barbarus cephalotes*  
**Genus** Egnatius  
**Species** *Egnatius apicalis*  
**Genus** Acrida  
**Species** *Acrida oxycephala*  
**Genus** Truxalis  
**Species** *Truxalis eximia*  
**Genus** Duroniella  
**Species** *Duroniella gracilis*  
*D.kalmyka*  
**Genus** Epacromius  
**Species** *Epacromius tergestinus*  
**Genus** Locusta  
**Species** *Locusta migratoria*  
**Genus** Oedaleus  
**Species** *Oedaleus decorus*  
**Genus** Mioscirtus  
**Species** *Mioscirtus wagneri*  
**Genus** Oedipoda  
**Species** *Oedipoda caerulescens*  
*O.miniata*  
**Genus** Acrotylus  
**Species** *Acrotylus insubricus*  
**Genus** Sphingoderus  
**Species** *Sphingoderus carinatus*  
*Sph.salinus*  
**Genus** Eremippus  
**Species** *Eremippus simplex*

Марказий Ўзбекистонда тарқалган Orthoptera туркуми вакилларининг 1 тури (4,5 фоиз) Pyrgomorphidae оиласига, 2 тури (9,0 фоиз) Tettigonidae оиласига ва қолган 19 тури (86,5 фоиз) Acrididae оиласига мансубдир. Бинобарин, Acrididae оиласи мазкур ҳудудларда тўғриқанотли ҳашаротларнинг доминант гуруҳи ҳисобланади.

Маълумки, ҳашаротлар экологиясини чуқур ва атрофлича ўрганиш мақсадида уларнинг герпетобионт, факультатив хортобионт, псаммобионт, хортобионт, тамнобионт, микротамнобионт, қиёқ-бошоқли хортобионт, ихтисослашган фитофил, учувчи мигрант, эремобионт, бошоқли хортобионт, фиссуробионт ва геобионт каби ҳаётий шакллари фарқланади [2].

Бизнинг тўплаган материалларимизда герпетобионт, псаммобионт, хортобионт, ихтисослашган фитофил, бошоқли хортобионт, фиссуробионт ва геобионт каби ҳаётий шаклларига эга бўлган тўғриқанотли ҳашаротларнинг вакиллари учрамади.

Аниқланган турларнинг 7 тури (22,7 фоиз) факультатив хортобионт; 3 тури (9,0 фоиз) тамнобионт; 2 тури (9,0 фоиз) микротамнобионт; 2 тури (9,0 фоиз) қиёқ-бошоқли хортобионт; 7 тури (27,2 фоиз) эремобионт ва 1 тури (4,5 фоиз) учувчи мигрант ҳаётий шаклларига эга эканлиги аниқланди (1-жадвал).

## Тўғриқанотли ҳашаротларнинг ҳаётини шаклларига кўра гуруҳланиши

№	Турлар	Факультатив хортобионт	Тамнобионт	Микро-тамнобионт	Қийқ-бошоқли хортобионт	Учучи мигрант	Эремобионт
1	<i>Pyrgomorpha bispinosa deserti</i>	+					
2	<i>Dericorys albidula</i>		+				
3	<i>Calliptamus italicus</i>	+					
4	<i>C.turanicus</i>	+					
5	<i>C.barbarus cephalotes</i>	+					
6	<i>Egnatius apicalis</i>			+			
7	<i>Tettigonia caudata</i>		+				
8	<i>Semenoviana plotnikovi</i>		+				
9	<i>Acrida oxycephala</i>				+		
10	<i>Truxalis eximia</i>				+		
11	<i>Duroniella gracilis</i>	+					
12	<i>D.kalmyka</i>	+					
13	<i>Epacromius tergestinus</i>	+					
14	<i>Locusta migratoria</i>					+	
15	<i>Oedaleus decorus</i>						+
16	<i>Mioscirtus wagneri</i>						+
17	<i>Oedipoda caerulescens</i>						+
18	<i>O.miniata</i>						+
19	<i>Acrotylus insubricus</i>						+
20	<i>Sphingoderus carinatus</i>						+
21	<i>Sph.salinus</i>						+
22	<i>Eremippus simplex</i>			+			

Шунингдек, аниқланган турларни экосистемаларда учрашлик даражаси ҳам таҳлил қилинди. Бунда аниқланган турлар жуда кам учрайдиган, кам тарқалган ва доимий турлар каби 3 гуруҳга ажратилди.

Таҳлил натижаларига кўра Марказий Ўзбекистон экосистемаларида жуда кам учрайдиган тўғриқанотли ҳашаротлар 5 турни (*Egnatius apicalis*, *Mioscirtus wagneri*, *Eremippus simplex*, *Truxalis eximia*, *Epacromius tergestinus*), кам тарқалган тўғриқанотли ҳашаротлар 2 турни (*Oedipoda caerulescens*, *Oedipoda miniata*) ва қолган 15 тур эса доимий турларни ташкил этди.

Марказий Ўзбекистон экосистемаларида тарқалган тўғриқанотли ҳашаротларнинг келиб чиқиш марказларини аниқлаш мақсадида М.Г.Сергеев таклиф қилган [9], турларнинг кенглик ва узунлик ареаллари бўйича зоогеографик гуруҳланиши бўйича таҳлил қилинди. Унга асосан, аниқланган тўғриқанотли ҳашаротларнинг келиб чиқиши бўйича 4 та зоогеографик ҳудуд билан боғлиқлиги аниқланди (2-жадвал).

Шундай қилиб, Марказий Ўзбекистон ҳудудларида тарқалган Orthoptera туркуми вакиллари келиб чиқиши Ўрта ер денгизи, Эрон, Эфиопия ва Атлантика зоогеографик ҳудудлари билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, тадқиқот олиб борилган ҳудудларда учрайдиган турларнинг энг катта қисми Эфиопия зоогеографик вилоятига тааллуқли эканлигини эътироф этиш мумкин.

**Марказий Ўзбекистон Orthoptera туркуми вакилларининг  
зоогеографик таҳлили**

№	Зоогеографик ҳудуд	Авлодлар	Тур сони
1	Турон ёки Ўрта Осиё	-	-
2	Ўрта ер денгизи	Dericorys, Calliptamus., Sphingoderus, Eremippus	7
3	Эрон	Egnatius	1
4	Эфиопия	Acrida, Acrotylus., Pyrgomorpha, Truxalis, Locusta, Oedaleus, Mioscirtus, Tettigonia, Semenoviana	9
5	Атлантика	Duroniella, Oedipoda, Epracromius	5
6	Хинд малай	-	-
7	Ангар	-	-

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Алимджанов Р.А., Эргашев Н.Э. Саранчовые Каршинской степи // Зоол. журнал. Ташкент, 1974. Т. 53. вып. 4. – С. 639-641.
2. Бей-Биенко Г.Я., Мищенко Л.Л. Саранчовые фауны СССР и сопредельных стран. // Определитель по фауне СССР, изд. ЗИН. – №38.. Ч. I. – М.-Л., 1951. – 668 с.
3. Бекузин А.А. К изучению фауны прямокрылых насекомых (Orthopteroidea) горного Чирчикского района // Науч. труды Ташк. ун-та. Вып. 334. – Ташкент, 1968. – С. 91-103.
4. Бекузин А.А. К познанию кузнечиковых (Tettigonioidea, Orthoptera) Западного Тянь-Шаня // Науч.труды Ташк. ун-та. Вып. 398. – Ташкент, 1972. – С. 149-157.
5. Гаппаров Ф.А. Саранчовые на юге Центральной Азии // Защита и карантин растений – №4. – Москва, 2001. – С. 34.
6. Еникеев И.В. Саксауловая саранча *Dericorys albidula* Serv. в Туркменистане // Изв. АН ТССР, 1949. – № 1. – С. 61-63.
7. Медетов М.Ж. Жанубий Орол бўйи тўғриканотлилари (Insecta: Orthoptera) фаунаси ва шаклланиши. // .... фанлари номзоди дисс. автореферати. – Тошкент, 2012. – 19 б.
8. Нуржанов А.А. Саранчовые рода *Dericorys* (Acridoidea: Orthoptera) Южного Приаралья. // Энтомологиянинг долзарб муаммолари. Фаргона, 2010. – Б. 45-46.
9. Сергеев М.Г. Закономерности распространения прямокрылых насекомых Северной Азии. // Новосибирск: Наука, 1986. – 237 с.
10. Токгаев Т.Б. Фауна и экология прямокрылых Туркмении. // Автореф. дис.... докт. биол. наук. – Ашхабад, 1975. – 30 с.

**РЕЗЮМЕ**

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Марказий Ўзбекистон экосистемаларида тўғриканотли хашаротларнинг 22 тури тарқалганлиги аниқланди. Бу турлар систематик жиҳатдан Orthoptera туркумининг 3 оиласи ва 17 авлодига мансубдир.

**РЕЗЮМЕ**

В результате исследований, проведенных в экосистемах Центрального Узбекистана, было выявлено распространение 22 видов прямокрылых насекомых. Эти виды в систематическом отношении принадлежат 3 семействам и 17 родам отряда Orthoptera.

**SUMMARY**

Based on the results of studies in the ecosystems of Central Uzbekistan, the spread of 22 species of orthopteran insects was revealed. These species systematically belong to 3 families and 17 genera of the order Orthoptera.

*Наширға доц. Б.Рўзиев тавсия этган*

## ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА ГЕНКОЛЛЕКЦИЯСИ ЛИНИЯЛАРИНИНГ РЕЦИПРОК F<sub>1</sub> ЎСИМЛИКЛАРИДА МИҚДОРИЙ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

Ҳайитова Ш.Д. (ТерДУ), Набиев С.М. (ЎзР ФА Г ва ЎЭБИ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *ғўза, генколлекция, линия, дурагай, белги, доминантлик коэффициентлари.*

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аграр ишлаб чиқаришни жадаллаштириш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар асосида ўрта толали ғўза навларининг генетика ва селекция жараёнларини жадаллаштириш, ҳосилдор янги навларни селекция жараёнларига татбиқ қилиш борасида муҳим натижалар қўлга киритилди.

Маълумки, ўсимликлар селекциясида яхши муваффақиятларга эришишда белгиларнинг генетик ўзгарувчанликларини ҳисобга олган ҳолда чатиштиришлар услубини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Ғўзада тола узунлиги, чиқими, индекси ва 1000 чигит вазни муҳим қимматли хўжалик белгилардан ҳисобланади. Тола узунлиги ва тола чиқими миқдорий белги бўлиб, полиген генлар таъсирида юзага чиқади. Илмий изланишларда ирсийланиш даражаси, яъни доминантлик коэффициенти асосий генетик-селекцион кўрсаткичлардан биридир.[1]. Маълумотларга кўра, ғўзанинг F<sub>1</sub> дурагайларида тола узунлиги белгиси тўлиқсиз ва ўта доминантлик ҳолатида ирсийланиши кузатилган. [3]. Тола вазнининг пахта хомашёси вазнига нисбати тола чиқимини кўрсатади ва бу белги чигитдаги толаларнинг миқдори ва вазнига боғлиқ бўлади. Тола индекси – 100 та чигитдаги толанинг вазни бўлиб, F<sub>1</sub> дурагайлари тола индекси кўрсаткичлари бўйича ота-она шаклларига нисбатан оралиқ ўрнини эгаллаганлари қайд этилган.[2]. Шунингдек, қимматли хўжалик белгиларидан бўлган 1000 чигит вазни турли ҳолатда ирсийланиши кўрсатиб ўтилган. [4].

Тадқиқотларимизнинг асосий мақсади - ўрта толали ғўза генетик коллекцияси интрогрессив линиялари- Л-608, Л-620, Л-4112 ва Л-39 нинг изоген Л-15 линияси билан тўғри ва тескари, яъни реципрок чатиштиришдан олинган F<sub>1</sub> ўсимликларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланишини ўрганиш ҳисобланади.

Тажрибамизда миқдорий белгиларнинг ирсийланишида реципрок эффекти бор-йўқлигини аниқлаш учун ўрта толали ғўза генетик коллекцияси интрогрессив линиялари- Л-608, Л-620, Л-4112 ва Л-39 изоген, тола чиқими юқори (40.9±0.1 фоиз) бўлган Л-15 линияси билан тўғри ва тескари йўналишда чатиштирилиб, олинган F<sub>1</sub> ўсимликлари оптимал агротехник шароитларда ўстирилди.

Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, тола чиқими белгисининг ўртача кўрсаткичлари бўйича Л-15 ва Л-608, Л-620 ва Л-4112, Л-4112 ва Л-39 бир бирларидан ўзаро фарқ қилмайдилар, Л-620 ва Л-39 ўртасида статистик ишончли фаркланиш мавжуд, Л-15 ва Л-608 линиялари эса бошқа линиялардан тола чиқими бўйича статистик ишончли фарқ қиладилар. (1-жадвал)

Тола чиқими юқори бўлган Л-608 билан Л-15 линиясининг тўғри чатиштиришдан олинган F<sub>1</sub>Л-608xЛ-15 комбинациясида ўртача кўрсаткичлари 42.8±0.3 фоизни ташкил қилиб, белги ижобий ўта устунлик (h<sub>p</sub>=1.9) ҳолатида ирсийланди. Тескари дурагай комбинацияси F<sub>1</sub>Л-15xЛ-608 да эса тола чиқими 46.1 ±0.2 фоизни ташкил қилиб, белги ижобий ўта устунлик (h<sub>p</sub>=5.2) ҳолатида ирсийланди. Тола чиқими белгисини ўртача кўрсаткич паст Л-620 линияси билан кўрсаткичлари юқори бўлган билан Л-15 линиясининг тўғри чатиштиришдан олинган F<sub>1</sub>Л-620xЛ-15 комбинациясида 42.8±0.3 фоизни ташкил қилиб, белги ижобий ўта устунлик (h<sub>p</sub>=1.7) ҳолатида ирсийланди. Тескари дурагай комбинацияси F<sub>1</sub>Л-15xЛ-620 тола чиқими 44.4±0.2 фоизни ташкил қилиб, белги

ўта устунлик ( $h_p=2.25$ ) ҳолатида ирсийланди Тола чиқими белгисини ўртача кўрсаткич паст Л-4112 линияси билан кўрсаткичлари юқори бўлган билан Л-15 линиясининг тўғри чатиштиришдан олинган  $F_1$ Л-4112хЛ-15 комбинациясида  $44.0\pm 0.4$  фоизни ташкил қилиб, белги ўта устунлик ( $h_p=2.2$ ) ҳолатида ирсийланди. Бу дурагайларни қайта реципрок чатиштиришда  $F_1$ Л-15хЛ-4112 тола чиқиши  $44.5\pm 0.2$  фоизни ташкил қилиб, белги ўта устунлик ( $h_p=2.44$ ) ҳолатида ирсийланди.

1-жадв.

**Ўўза генколлекцияси линияларининг реципрок  $F_1$  ўсимликларида  
микдорий белгиларининг ирсийланиши**

Линиялар	Тола чиқиши фоиз	$h_p$	Тола узунлиги мм	$h_p$	Тола индекси г	$h_p$	1000 чигит вазни г	$h_p$
Л-15	$40.9\pm 0.1$	-	$28.5\pm 0.2$	-	$6.91\pm 0.12$	-	$116.9\pm 0.58$	-
Л-608	$40.8\pm 0.2$	-	$35.4\pm 0.1$	-	$7.22 \pm .07$	-	$110.1\pm 0.7$	-
Л-620	$35.3\pm 0.5$	-	$33.7\pm 0.1$	-	$6.68 \pm 0.05$	-	$110.7\pm 0.5$	-
Л-4112	$35.9\pm 0.1$	-	$37.3\pm 0.2$	-	$6.52 \pm 0.06$	-	$120.1\pm 0.6$	-
Л-39	$35.5\pm 0.2$	-	$35.5\pm 0.2$	-	$7.31 \pm 0.07$	-	$112.3\pm .9$	-
$F_1$ Л-608хЛ-15	$42.8\pm 0.3$	1.9	$31.6\pm 0.2$	-0.1	$7.84 \pm 0.09$	4.65	$103.3\pm 1.0$	-3.0
$F_1$ Л-15хЛ-608	$46.1\pm 0.2$	5.2	$32.3\pm 0.2$	-0.1	$8.37 \pm 0.07$	7.76	$99.4 \pm 0.7$	-4.1
$F_1$ Л-620 х Л-15	$42.8\pm 0.3$	1.68	$33.8\pm 0.2$	1.0	$8.18 \pm 0.09$	12.5	$108.8\pm 0.9$	-1.6
$F_1$ Л-15х Л-620	$44.4\pm 0.2$	2.25	$34.7\pm 0.2$	1.4	$8.47 \pm 0.06$	15.2	$105.3\pm 0.7$	-2.7
$F_1$ Л-4112хЛ-15	$44.0\pm 0.4$	2.24	$33.0\pm 0.4$	0.1	$8.2 \pm 0.08$	7.79	$102.5\pm 1.2$	-10.0
$F_1$ Л-15 хЛ-112	$44.5\pm 0.2$	2.44	$32.2\pm 0.2$	-0.2	$8.24 \pm 0.07$	8.0	$102.9\pm 0.9$	-9.8
$F_1$ Л-39 х Л-15	$43.6\pm 0.2$	2.19	$33.1\pm 0.2$	-0.3	$7.7 \pm 0.07$	3.0	$101.0\pm 0.7$	-5.9
$F_1$ Л-15 х Л-39	$42.0\pm 0.6$	1.49	$33.6\pm 0.5$	0.5	$8,16\pm 0,15$	5.30	$113.6\pm 1.4$	-0.4

Тола чиқими белгисини ўртача кўрсаткич паст Л-39 линияси билан кўрсаткичлари юқори бўлган билан Л-15 линиясининг тўғри чатиштиришдан олинган  $F_1$ Л-39хЛ-15 комбинациясида  $43.6\pm 0.2$  фоизни ташкил қилиб, белги ўта устунлик ( $h_p=2.2$ ) ҳолатида ирсийланди. Бу дурагайларни қайта реципрок чатиштиришда  $F_1$ Л-15хЛ-39 тола чиқиши  $42\pm 0.59$  фоизни ташкил қилиб, белги ўта устунлик ( $h_p=1.5$ ) ҳолатида ирсийланди

Шундай қилиб, Л-4112, Л-608, Л-620, Л-39 линияларининг Л-15 линияси билан бўлган барча тўғри ва тескари  $F_1$  дурагайларида тола чиқими белгиси ота она шакллари-нинг ўртача кўрсаткичи қандай бўлишидан қатъи назар ижобий ўта устунлик ҳолатида ирсийланди. Бу эса Л-15 линиясининг тола чиқими бўйича яхши донорлик қила олишини кўрсатади. Барча  $F_1$  дурагайларида тола чиқимининг юқорилигини Л-15 линиясида белгининг юқори кўрсаткичлари доминант генлар билан бошқарилишини ва дурагай авлодда ўз доминантлик хусусиятини сақлаб қолгани билан изохлаш мумкин.

Л-15 линиясининг Л-4112 линияси билан бўлган дурагайларидан ташқари, Л-608, Л-620, Л-39 линиялари билан бўлган тўғри ва тескари комбинацияларида белгининг ўртача кўрсаткичи бўйича реципрок фарқланиш кузатилди. Бу эса тола чиқими белгисининг генетик назоратида нафақат ядровий генлар, балки цитоплазматик генлар ҳам иштирок этишини кўрсатади. Л-15линиясининг Л-608, Л-620 линиялари билан бўлган дурагайларидан Л-15линияси оналик сифатида иштирок этганда ўртача кўрсаткич унинг оталик сифатида иштирок этган дурагайига нисбатан анча юқори бўлди, Л-39 билан бўлган дурагайларида эса аксинча, оталик сифатида иштирок этганда юқорироқ бўлди.

Тола узунлиги бўйича олинган маълумотларнинг таҳлили кўрсатишича,

Л-608 ва Л-39 линиялари бир бирларидан тола узунлигининг ўртача кўрсаткичи бўйича ўзаро статистик фарқланмадилар. Қолган ҳолатларда ўрганилган ген коллекция линиялари бир-биридан белги кўрсаткичи бўйича статистик фарқландилар. Энг юқори тола узунлигига эга Л-4112 линиясининг калта толали Л-15 линияси билан бўлган тўғри дурагайи  $F_1L-4112 \times L-15$  комбинациясида ўртача кўрсаткич  $33.0 \pm 0.4$  мм ни ташкил қилиб, белги оралик ( $h_p=0.02$ ) ҳолатида ирсийланди. Тескари дурагай комбинацияси  $F_1L-15 \times L-4112$  да эса тола узунлиги  $32.2 \pm 0.2$  мм ни ташкил қилиб, белги паст кўрсаткичга Л-15 линиясининг тўлиқсиз устунлиги ( $h_p=-0.2$ ) ҳолатида ирсийланди.

Тола узунлиги юқори бўлган Л-608 линиясини толаси калта Л-15 линияси билан тўғри ва тескари дурагайлари, яъни  $F_1L-608 \times L-15$  ва  $F_1L-15 \times L-608$  комбинацияларида ўртача кўрсаткич мос равишда  $31.6 \pm 0.2$  мм ва  $32.3 \pm 0.2$  мм ни ташкил қилиб, белги паст кўрсаткичга эга Л-15 линиясининг тўлиқсиз устунлиги ( $h_p=-0.1$ ) ҳолатида ирсийланди. Тола узунлиги юқори бўлган Л-39 линиясини толаси калта Л-15 линияси билан тўғри дурагайи  $F_1L-39 \times L-15$  комбинациясида ўртача кўрсаткич  $33.1 \pm 0.24$  мм ни ташкил қилиб, белги паст кўрсаткичга эга Л-15 линиясининг тўлиқсиз устунлиги ( $h_p=-0.3$ ) ҳолатида, тескари  $F_1L-15 \times L-39$  комбинациясида эса  $33.6 \pm 0.5$  мм ни ташкил қилиб, белги юқори кўрсаткичга эга Л-39 линиясининг тўлиқсиз устунлиги ( $h_p=0.5$ ) ҳолатида ирсийланди. Тола узунлиги ўртача Л-620 линиясини калта толали Л-15 линияси билан тўғри дурагайи  $F_1L-620 \times L-15$  комбинациясида ўртача кўрсаткич  $33.8 \pm 0.2$  мм ни ташкил қилиб, белги Л-620 линиясининг тўлиқ устунлиги ( $h_p=1.0$ ) ҳолатида ирсийланди. Тескари дурагай комбинацияси  $F_1L-15 \times L-620$  да эса тола узунлиги  $34.7 \pm 0.2$  мм ни ташкил қилиб, белги ижобий ўта устунлик ( $h_p=1.4$ ) ҳолатида ирсийланди. (1-жадвал)

Ўўза ген коллекцияси линиялари ва уларнинг  $F_1$  ўсимликларида тола индекси белгисини ўрганиш асосида Л-608 ва Л-39 линиялари бир-биридан статистик ишончли фарқланмасликлари, қолган ҳолатларда барча линиялар белгининг ўртача кўрсаткич бўйича фарқланишлари аниқланди.

Тола индекси бўйича ўртача кўрсаткичга Л-15 линиясининг тола индекси нисбатан юқори бўлган Л-39 линияси билан тўғри дурагайи  $F_1L-15 \times L-39$  да ўртача кўрсаткич  $8,16 \pm 0,15$  г ни, тескари дурагай  $F_1L-39 \times L-15$  да эса  $7.75 \pm 0.09$  г ни ташкил қилди ва бу дурагайларда белги ижобий ўта устунлик ҳолатида ирсийланди. Тола индексининг шундай ҳолатда ирсийланиши Л-15 линиясининг тола индекси юқори Л-608 линияси билан тўғри ва тескари комбинацияларида ҳам қайд этилди.

Л-15 линиясининг тола индекси паст бўлган Л-620 ва Л-4112 линиялари билан бўлган тўғри ва тескари комбинацияларида ҳам ушбу белгининг ўртача кўрсаткичлари Л-15 линиясидан юқори бўлиб белги барча ҳолатларда ижобий ўта устунлик тарзида ирсийланди.

Л-15 линиясининг Л-608, Л-620, Л-39 линиялари билан бўлган тўғри ва тескари дурагай комбинацияларининг ўртача кўрсаткичлари ўртасида реципрок фарқланиш мавжуд эканлиги аниқланди. Бу эса тола индексининг генетик назоратида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазматик генлар ҳам иштирок этишини кўрсатади. Фақатгина Л-15 линиясининг Л-4112 линияси билан бўлган дурагайларида реципрок фарқланиш кузатилмади.

1000 чигит вазни бўйича Л-608 ва Л-620 линиялари бир бирларидан статистик фарқланмадилар. (мос равишда  $110.1 \pm 0.7$  г ва  $110.7 \pm 0.5$  г). Қолган барча ҳолатда Л-608, Л-4112, Л-620, Л-39 ва Л-15 линиялари 1000 чигит вазни бўйича бўйича фарқланишлари аниқланди. 1000 чигит вазни нисбатан юқори бўлган Л-4112 линиясининг чигит вазни ўртача бўлган Л-15 билан тўғри дурагайи  $F_1L-4112 \times L-15$  ва тескари дурагайи  $F_1L-15 \times L-4112$  комбинациясида ўртача кўрсаткич мос равишда  $102.5 \pm 1.2$  г ва  $102.9 \pm 0.9$  г ни ташкил этиб, белги салбий ўта устунлик (мос равишда  $h_p=-10.0$  ва  $h_p=-9.8$ ) ҳолатида ирсийланди. 1000 чигит вазни ўртача бўлган Л-15 линиясининг чигит вазни паст бўлган Л-608 ва Л-620 линиялари билан бўлган барча тўғри ва тескари дурагайларида 1000 чигит вазни Л-608 ва Л-620 линияларининг кўрсаткичидан ҳам паст эканлиги ва бу дурагай-

ларида белги салбий ўта устунлик ҳолатида ирсийланганлиги аниқланди. 1000 чигит вази ўртача бўлган Л-15 линиясининг чигит вази паст бўлган Л-39 билан бўлган тўғри дурагайи F<sub>1</sub>Л-15xЛ-39 да ўртача кўрсаткич 113.6±1.35г ни ташкил қилиб белги паст кўрсаткичли Л-39 линиясининг тўлиқсиз устунлиги, тескари дурагайи F<sub>1</sub>Л-39xЛ-15 да ўртача кўрсаткич 101±0.67г ни ташкил қилиб, белги салбий ўта устунлик (h<sub>p</sub>=-5.9) ҳолатида ирсийланди.

### Хулоса

1. Ғўза ген коллекцияси линияларининг ўрганилган барча F<sub>1</sub> комбинацияларида тола чиқими ва тола индекси белгилари ижобий ўта устунлик ҳолатида ирсийланди. Бу дурагайларда тола чиқимининг 40.0 фоиздан юқори ва айниқса F<sub>1</sub>Л-15xЛ-608, F<sub>1</sub> Л-15 x Л-620, F<sub>1</sub>Л-4112xЛ-15 комбинацияларида тола чиқимининг 44.0 -46.1 фоизни, тола индексининг эса 8.20-8.47 г ни ташкил қилганлиги уларнинг ғўзанинг юқори тола чиқими ва индексига эга навлар яратиш селекцион тадқиқотларида қимматли ашё сифатида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

2. Тола узунлиги белгиси ирсийланишида асосан паст кўрсаткичли линиянинг тўлиқсиз устунлиги, 1000 чигит оғирлиги белгисининг ирсийланишида эса салбий ўта устунлик қайд қилинди. F<sub>1</sub>Л-15xЛ-620 дурагайида тола узунлигининг 34.7±0.2мм ни ташкил қилгани унинг тола узунлиги бўйича селекцион ашё сифатида қимматлилигини намоён этади.

3. Ғўза ген коллекцияси линияларининг F<sub>1</sub> комбинацияларида қимматли хўжалик белгиларининг ўртача кўрсаткичи бўйича реципрок эффектнинг мавжудлиги уларнинг ирсийланишида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазматик генлар ҳам иштирок этиши далолат беради.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мусаев Ж.А., Алматов А.С., Тўрабеков.Ш., Абзалов М.Ф., Фатхуллаева.Г.Н, Мусаева С.Т., Закиров.С.А, Рахимов.А.К. Генетический анализ признаков хлопчатника// Ташкент. Изд-во НУУз, 2005. – С. 121.

2. Мусаев Ж.А. Характер наследования подпушка семян и хлопчатника *G.hirsutum.L.* // Ж. «Генетика» 1972. – № 2. – С. 105.

3. Чориев А.Х. Ғўзанинг F<sub>1</sub> ўсимликлари белгиларини ирсийланиши // “Ғўзанинг дунёвий хилма-хиллиги генофонди – фундаментал ва амалий тадқиқотлар асоси” мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент. 2010. – Б. 141-142.

4. Аширкулов А. Генетический анализ сортов хлопчатника вида *G.barbadense L.* по компонентам выхода волокна и другим важнейшим хозяйственно-ценным признакам // Автореф. дисс. канд. с/х. наук. – Ташкент, 1990. – 26 с.

### РЕЗЮМЕ

Мақолада ўрта толали ғўза генколлекцияси линияларининг реципрок F<sub>1</sub> ўсимликларида тола чиқими, узунлиги, индекси ва 1000 чигит оғирлиги белгиларининг ирсийланиши, бу белгилар бўйича реципрок эффект мавжудлиги, яъни уларнинг ирсий назоратида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазматик генлар ҳам иштирок этиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

### РЕЗЮМЕ

В статье приведены данные о наследовании признаков выхода, длины, индекса волокна и веса 1000 семян у реципрокных F<sub>1</sub> растений линий генколлекции средневолокнистого хлопчатника, наличии реципрокного эффекта по этим признакам, т.е. участия в их генетическом контроле наряду с ядерными генами и цитоплазматическими генами

### SUMMARY

In this article are given the dates of inheritance of fibre output, his length, index and wight of 1000 seeds, absence of reciprok effect in these signs, e.t. the participation of cytoplasmic genes with nuclear genes in genetikal control of these signs.

Наширға проф. С.Резаева тавсия этган



## СТРОЕНИЕ НАДЗЕМНЫХ ОСЕВЫХ ОРГАНОВ И СЕКРЕТОРНЫХ ВМЕСТИЛИЩ *SPHAEROSCIADIUM DENAENSE* (APIACEAE)

Хамраева Д.Т. (Ботанический институт АН РУз)

**Ключевые слова.** *Apiaceae*, *Sphaerosciadium denaense*, редкий вид, ортотропный побег, паренхима, сердцевина, секреторные вместилища.

**Актуальность.** Виды семейства *Apiaceae* Lindl. распространены на всех континентах, наибольшее разнообразие приурочено к умеренным широтам и горным системам. Большое видовое и родовое разнообразие зонтичных сосредоточено в Азии (285 родов и 2090 видов), из них в Узбекистане встречаются 64 рода и 192 вида (Пименов, Клюйков, 2002).

Многие виды *Ferula* L., *Prangos* Lindl. имеют большое значение в сложении растительного покрова, являясь доминантами особенно горных и аридных регионов.

Реликтовый, редкий и эндемичный вид *Sphaerosciadium denaense* (Schischk.) Pimenov et Kljuikov является единственным видом рода *Sphaerosciadium* Pimenov et Kljuikov. Растет на щебнистых и мелкоземистых открытых склонах, иногда на пестроцветках, среди зарослей мезофильных деревьев и кустарников, в трещинах скал, обычно с северной, затененной стороны (Пименов, Клюйков, 1981).

Анатомическое строение стебля показывает глубокую связь с экологическим происхождением вида, сравнение этих структур с другими представителями зонтичных выявляет однотипность или разнотипность структуры стебля, связанные с адаптацией к условиям среды.

Целью исследования являлось изучение особенностей строения надземных осевых органов и секреторных вместилищ в связи с условиями произрастания *Sphaerosciadium denaense*.

### Материал и методика.

Материал собран на южном макросклоне Гиссарского хребта в долине р. Сангардак, в ее среднем течении на участке между селом Нилю и низовьями р. Хандизы, в Сурхандарьинской области Узбекистана в 2013-2014 гг.


Для изучения строения надземных органов и локализации секреторных вместилищ были взяты растения в генеративной фазе в конце массового цветения. Собранный для исследования материал фиксировали в 70° этиловом спирте. Препарировали базальную и среднюю часть главной оси соцветия; среднюю часть боковой оси I порядка; основание, середину, верхушку луча зонтика; середину луча зонтика. Анатомическое строение надземных органов изучали на поперечных срезах, приготовленных от руки. Препараты окрашивали метиленовой синью с последующим заклеиванием в глицерин-желатину (Barikina, Chubatova, 2005). Средние количественные показатели признаков выводили из 30 измерений. Статистическая обработка количественных данных проведена по Г.Н. Зайцеву (Zaytsev, 1991) с использованием программы MS Excel. Фотографии сделаны цифровым фотоаппаратом (Canon A 2300).

### Результаты и обсуждение.

*S. denaense* – поликарпическое растение высотой до 1 м. По характеру развития надземных побегов исследованный вид относится к полурозеточным растениям (Борисова, 1960) с трехфазным развитием побегов: почка – розеточный побег – ортотропный олиственный побег (Голубев, 1957). Цветоносные побеги развиваются из пазушных почек возобновления, располагающихся во влагалищах прошлогодних розеточных листьев. Побег ортотропный, плотный, ветвление очередное, длина боковых осей I порядка до 11–24 см, боковых осей II порядка до 7–11 см, лучей зонтика до 6–18 см, лучей зонтиков до 1–1,5 см.

Базальная часть главной оси на поперечном срезе округлой формы, диаметром до 1 см, слаборебристая, голая (рисунок 1. а-г).

Рис. 1.



Строение стебля *Sphaerosciadium denaense*

- а – фрагмент поперечного среза; б – коровая часть и флюма;  
 в – фрагмент с периферическими проводящими пучками;  
 г – фрагмент с масштабная линейка 100 мкм.

Эпидерма однослойная, мелкоклеточная, под ней расположена одно-двухслойная колленхима. Первичная кора обширная, мелкоклеточная, состоит из 21–25 слоев паренхимной ткани, местами стенки клеток разрушены. Секреторные вместилища в коре обильны и беспорядочно расположены, с 6–8 эпителиальными клетками (таблица).

Табл.

**Морфометрические показатели секреторных вместилищ в надземных осевых органах *Sphaerosciadium denaense***

№	Органы растений	Секреторное вместилище			
		диаметр полости, мкм	высота эпителиальных клеток, мкм	ширина эпителиальных клеток, мкм	количество эпителиальных клеток
1	базальная часть главной оси соцветия	34,0±1,16	19,78±0,78	24,07±0,63	7±0,13
2	средняя часть главной оси соцветия	32,59±0,29	14,42±0,16	15,94±0,22	6,92±0,14
3	боковая ось соцветия I порядка	26,26±0,30	13,29±0,14	14,66±0,17	6,64±0,14
4	луч зонтика	21,29±0,25	8,42±0,16	13,99±0,15	6,92±0,11
5	луч зонтика	16,78±0,25	7,2±0,17	11,23±0,19	6,56±0,14


Периферические проводящие пучки радиально вытянутые, закрытые, биколлатерального типа, более крупные пучки чередуются с мелкими пучками и образуют прерывистый круг из 52 пучков, 27 из которых - мелкие. Между пучками находится тонкостенная паренхима. Сосуды различного размера, в крупных пучках, в количестве 28–32.

В сердцевине стебля медуллярные проводящие пучки разбросаны среди паренхимной ткани в различной ориентации. Проводящие пучки мелкие, закрытого типа, коллатерального и биколлатерального типов, в количестве до 12–13.

Сердцевина паренхимная, из плотно расположенных тонкостенных мелких клеток, с многочисленными секреторными вместилищами, число их эпителиальных клеток - 6–8 (таблица).

Средняя часть главной оси соцветия на поперечном срезе округлой формы, слабо-ребристая, голая (рисунок 2. а-г). Эпидерма однослойная, клетки округлой формы, с толстой кутикулой, наружная и внутренняя ее стенки утолщенные. Под эпидермой расположена однослойная колленхима, в ребрах группы клеток угловой колленхимы до 10–12 рядов. Коровая паренхима состоит из 9–10 слоев клеток, 5 из которых - узко-продолговатые и хлорофиллоносные, а 4 слоя - более крупноклеточные и тонкостенные.

Рис. 2.



Строение главной оси соцветия *Sphaerosciadium denaense*  
а – поперечный срез; б – фрагмент с периферическими проводящими пучками;  
в – фрагмент с модулярными проводящими пучками и сердцевинной;  
г – амфивазальный проводящий пучок и СВ.  
Масштабная линейка – а – 4 мм, б-г – 100 мкм.


Периферические проводящие пучки радиально вытянутые, закрытые, биколлатерального типа, более крупные пучки чередуются с мелкими пучками и образуют прерывистый круг из 48–49 пучков, из которых 24–25 – мелкие. Над каждым проводящим пучком расположено одно секреторное вместилище с 8–10 эпителиальными клетками. Между пучками находится одревесневшая паренхима в виде широкого кольца. В каждом проводящем пучке лубяные волокна расположены группами над флоэмой и ксилемой. Сосуды крупные и мелкие, в крупных пучках их количество достигает 15–18.

В центральной части стебля медулярные проводящие пучки различного размера, сгруппированы в два круга и расположены в различной ориентации. Первый круг представлен 13–14 проводящими пучками, второй круг – 9–10. Проводящие пучки коллатерального, биколлатерального и концентрического (амфивазального) типов, а также встречаются сдвоенные пучки – интерксилярные.

Сердцевина паренхимная, плотно расположена, из тонкостенных клеток, с многочисленными секреторными вместилищами. В сердцевине около каждого проводящего пучка находятся 1–3 секреторные вместилища, с 6–8 эпителиальными клетками (таблица).

Боковая ось I порядка (средняя часть) на поперечном срезе округлой формы, слаборебристая, голая (рисунок. 3 а-г). Эпидерма однослойная, с толстой кутикулой, наружная и внутренняя ее стенки утолщенные. Под эпидермой расположена однослойная колленхима, в ребрах группы клеток угловой колленхимы до 7–9 рядов. В коре над каждым проводящим пучком расположено секреторное вместилище. Коровая паренхима состоит из 6–7 слоев клеток, 5–6 из которых – узко-продолговатые и хлорофиллоносные, а 1–2 слоя – более крупноклеточные и тонкостенные. Периферические проводящие пучки радиально вытянутые, закрытые, биколлатерального типа, образуют прерывистый круг из 18–19 пучков, из которых 7 более мелкие. Между пучками находится одревесневшая паренхима в виде широкого кольца. В каждом проводящем пучке лубяные волокна расположены группами над флоэмой и ксилемой. Сосуды крупные и мелкие, в крупных пучках их число доходит до 8–11.

Рис. 3.




Строение боковой оси соцветия *Sphaerosciadium denaense*

а – поперечный срез; б-в – фрагмент с периферическими проводящими пучками;

г – фрагмент с модулярным проводящим пучком и сердцевинной;

Масштабная линейка – 100 мкм.



Строение луча зонтика (а-в) и луча зонтичка (г-е) *Sphaerosciadium denaense*  
 а – поперечный срез; б-в – фрагмент среза луча зонтика; г – поперечный срез;  
 д – фрагмент среза луча зонтичка; е – сердцевина.  
 Масштабная линейка – 100 мкм.

В средней и верхней части луча зонтика такое же строение, как в основании, но проводящих пучков меньше – 8, из них 5-крупные и 3-мелкие.

Луч зонтичка на поперечном срезе овальной формы, голый, ребра не выражены (рисунок 4. г-е). Эпидерма однослойная, с толстой кутикулой, наружная и внутренняя ее стенки утолщенные. Под эпидермой расположена 3–4-слойная коровая паренхима, клетки продолговато-удлиненные, хлорофиллоносные. В центральном цилиндре находятся 3 закрытых проводящих пучка, 2 из них - более крупные, и над ними расположено секреторное вместилище с 6–8 эпителиальными клетками (таблица).

Сердцевина состоит из толстостенных одревесневших клеток, в ней отсутствуют секреторные вместилища и проводящие пучки.

Таким образом, выявленные у *S. denaense* особенности структурной организации стебля соцветия и характера распределения секреторного аппарата напрямую зависят от небольшого габитуса растений, в связи с произрастанием на щебнистых и мелкоземистых открытых склонах, в трещинах скал. Он отличается и менее развитым стеблем, чем у монокарпичных видов рода *Ferula* L. (*F. foetida* (Bunge) Regel, *F. varia* (Schrenk) Trautv.) семейства зонтичных (Бутник и др., 2009). От главной оси соцветия до луча зонтичка прослежено однотипное строение: надземные осевые органы состоят из коры, прерывисто расположенных периферических проводящих пучков и сердцевины с медулярными пучками. Отличия заключены в уменьшении количества периферических пучков от базальной части стебля до луча зонтичка, отсутствии в луче зонтика и зонтичка медулярных пучков и секреторных вместилищ в

сердцевине. В главной и боковой оси соцветия отмечены проводящие пучки коллатерально-го, биколлатерального, концентрического и интерксиллярного типов, в результате чего формировалась сложная секреторная система, проходящая по периферии и сердцевине, что привело к образованию богатой сети анастомозов. Определена локализация секреторных вместилищ в надземных осевых органах, размеры которых тесно связаны с величиной самого органа. Опорную функцию соцветия составляют тяжи колленхимы в ребрах, склеренхимные группы клеток над периферическими пучками и одревесневшая межпучковая паренхима. Сердцевинная паренхима на всем протяжении стебля сохраняется, только в луче зонтика она сильно склерифицируется.

#### Литература

1. Барыкина Р.П., Чубатова Н.В. Большой практикум по ботанике. Экологическая анатомия цветковых растений. – М., 2005. – 77 с.
2. Борисова И.В. Основные жизненные формы двудольных многолетних травянистых растений степных фитоценозов северного Казахстана. Бот. журн., 1960, Т. 45, – № 1. – С. 72-75.
3. Бутник А.А., Ашурметов О.А., Нигманова Р.Н., Бегбаева Г.Ф. Экологическая анатомия пустынных растений Средней Азии. Травы. – Ташкент: Фан, 2009. – Т. 3. – 155 с.
4. Голубев В.Н. О морфогенезе жизненных форм травянистых растений лесо-луговой зоны. Бюлл. МОИП, отд. биол. Т. 62. Вып. 6. – С. 12-15.
5. Зайцев Г.Н. Математика в экспериментальной ботанике. – Москва, 1991. – 296 с.
6. Пименов М.Г., Ключков Е.В. Материалы к систематике *Korshinskya*, *Physospermum*, *Astomatopsis* и близких родов *Umbelliferae* – *Smyrnieae* s. str. // Бот. журн. 1981. Т. 66. – № 4. – С. 465-482.
7. Пименов М.Г., Ключков Е.В. Зонтичные (*Umbelliferae*) Киргизии. М., КМК Scientific Press Ltd. 2002. – С. 19.

#### РЕЗЮМЕ

Впервые изучено анатомическое строение надземных осевых органов эндемичного реликтового вида *Sphaeroscadium denaense* в связи выявлением экобиологических особенностей структуры стебля и локализации секреторных вместилищ. От главной оси соцветия до луча зонтика прослежено однотипное строение и определена локализация секреторных вместилищ в надземных осевых органах, размеры которых тесно связаны с величиной самого органа.

#### РЕЗЮМЕ

For the first time, the anatomical structure of the aerial axial organs of the endemic relic species *Sphaeroscadium denaense* was studied in connection with the identification of ecobiological features of the stem structure and the localization of secretory ducts. From the main axis of the inflorescence to the ray of the umbrella, a single-type structure is traced and the localization of secretory ducts in the above-ground axial organs is determined, the dimensions of which are closely related to the size of the organ itself.

#### SUMMARY

Эндем реликт *Sphaeroscadium denaense* турини ер устки ўқ органларининг тузилиши поянинг экобиологик хусусиятларини ва уларда ажратма каналлари жойлашишини аниқлаш мақсадида илк бор ўрганилган. Тадқиқот натижасида асосий гул поядан то соябончанинг бандигача бир хил тузилиш типини кузатилган ва ер устки ўқ органларда ажратма каналларнинг жойлашиши ҳамда каналларнинг ўлчами жойлашган органнинг ўлчами билан узвий боғлиқлиги аниқланган.

*Рекомендовано к печати проф. Л.Ёзиевым*

### **РНОМА ТУРКУМ ТУРЛАРИНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ ВА БУТАЛАРДА ТАРҚАЛИШИ**

**Шерқулова Ж.П. (ҚарДУ)**

**Таянч сўз ва иборалар:** *паразит, сапротроф, спора, пикнида.*

*Phoma* туркуми Ascomycota бўлими, Dothideomycetes синфи, Pleosporales тартиби, Pleosporaceae оиласига мансуб бўлиб, дунё микёсида бу замбурғ туркумининг ҳозирги

вақтда 2000 та турни ўз ичига олади (Voerema et al., 2004) [1]. Ушбу замбуруғ туркум турлари географик жиҳатдан кенг тарқалган ва турли хил экологик шароитда учрайди. Кўп сонли бўлишига қарамасдан паразит ва сапротроф турлари мавжуд. Бу туркумга мансуб айрим бўлган турларни ўсимлик патогени деб аталган (Aveskamp et al., 2008) [2], (Aveskamp et al., 2010) [3].

Ўзбекистон ҳудудида *Phoma* туркуми турлари бўйича бир қанча илмий ишлар амалга оширилган. Миколог олимлардан Н.Г. Запрометов (1926) [4], Т.С. Панфилова ва Н.И.Гапоненко (1963) [7], Ё.С. Солиева (1989) [8], Ш.Г.Камилов (1991) [5], Ю.Ш.Ғаффаров (2005) [9] ҳамда Қашқадарё вилоятида Х.Х.Нуралиев (1989) [6] томонидан *Phoma* туркумининг 7 тури ўт ўсимликларда учраши ҳақида маълумотлар келтирилган. Аммо юқорида келтирилган илмий натижалар воҳанинг манзарали дарахт ва буталарда тарқалган *Phoma* туркум турлари ҳақида тўқ ёритиб бера олмайди.

2014–2018 йиллар давомида Қашқадарё воҳасининг айрим шаҳарлари, яъни Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу ҳудудларда зарарланган ўсимликлардан гербарий намуналари йиғилиб, ЎзР ФА Ботаника институтининг микология ва аьлгология лабораториясида микологик таҳлил қилинди. Замбуруғларни тур таркибини аниқлаш бир қатор услубий дастурлар, аниқлагичлар ва илмий адабиётлар асосида амалга оширилди [10], [11], [12], [13]. Замбуруғ турларининг замонавий номенклатураси mycobank (<http://www.mycobank.org>) [14] ва хўжайин ўсимликларнинг номлари эса «The plant list» (<http://www.theplantlist.org.>) [15] асосида берилди.


Тадқиқот натижаларида *Phoma* туркумининг 16 тури учраши ва улардан 10 замбуруғ тури *Phoma ailanthina* Thüm., *Ph. amorphae* Sacc., *Ph. buddlejae* Cooke., *Ph. gleditschiae* (Thüm.) Sacc., *Ph. catalpae* (Thüm.) Sacc., *Ph. inopinata* Oudem., *Ph. fraxinea* Sacc., *Ph. tiliae* Oudem., *Ph. viridarii* Sacc., *Ph. stictica* Berk. Ўзбекистон микобиотаси учун илк бор аниқланди.

Қуйида ушбу туркум турларининг рўйхати келтирилган.

***Phoma ailanthina* Thüm. (?) [MB#225893].** Ушбу замбуруғ тури *Ailanthus altissima* (Mill.) Swingle. новдасида учраши кузатилди. Ўсимликнинг қуриган новдаси дастлаб, кулранг тусга киради, аста-секин қора нуқталар қўринишида пикнидалар пайдо бўлади. Пикнидалари шарсимон, эллипссимон бўлиб, қўнғир рангда. Споралари тухумсимон, эллипссимон, 6-8x2-2,6 мкм ўлчамда бўлади (1-расм).

1-расм.

***Phoma ailanthina* Thüm. *Ailanthus altissima* (Mill.) Swingle**




а – субстрат; б – споралар.

***Ph. amorphae* Sacc.,** *Michelia* 1 (5): 523 (1879) [MB#146176].

Host – *Amorpha fruticosa* L. Қарши, JP-Q168, 07.08.2016.

***Ph. buddlejae* Cooke.** *Grevillea* 16 (78): 48 (1887) [MB#537357].

Хўжайин ўсимлик *Buddlejae davidii* Franch. Шаҳрисабз, JP-Sh191, 18.05.2017. Ўсимлик танасида қора қурумга ўхшаш доғлар ҳосил бўлган. Бу доғлар аста-секин ривожланиб, ноқулай шароитда қўнғир рангдаги пикнидалар ҳосил бўлади. Споралари овалсимон, рангсиз, 6x4 мкм ўлчамда бўлади (2-расм).

*Phoma buddlejae* Cooke. – *Buddlejae davidii* Franch .A.


а – субстрат; б – пикнидиоспораларнинг чиқиши; в – споралар.

*Ph. gleditschiae* (Thüm.) Sacc., Sylloge Fungorum 3: 66 (1884) [MB#247840]. Хўжайин ўсимлик *Cleditsia triacanthos* L. Шаҳрисабз шаҳри, JP-Sh122, 28.09.2014.

*Ph. siliquastrum* Desm., Annales des Sciences Naturelles Botanique 11: 280 (1849) [MB#230486]. Хўжайин ўсимлик *Cercis siliquastrum* L. новдасида учраши кузатилди.

*Ph. catalpae* (Thüm.) Sacc. (?) [MB#231152]. Хўжайин ўсимлик *Catalpa bignonioides* Walt. Шаҳрисабз шаҳри, JP-Sh194, 24.10.2014(3-расм).

*Ph. inopinata* Oudem., *Nederlandsch Kruidkundig Archief* 1: 489 (1898) [MB#156838]. Хўжайин ўсимлик *Pinus nigra* Austriaca. Шаҳрисабз шаҳри, JP-Sh140, 4.05.2017. Бу замбуруғ ўсимликнинг нинабарги ва новдасида учраши кузатилди. Мазкур замбуруғ билан зарарланган ўсимликнинг нинабарги дастлаб сарғиш, жигар рангда бўлиб, бу ерда аста-секин қўнғир рангдаги пикнидалар ривожланади. Пикнидалар шарсимон қўнғир рангда, споралар эллипссимон, тухумсимон рангсиз 6–8 x 2,5–3 мкм ўлчамда бўлади (3-расм).

*Phoma inopinata* Oudem. – *Pinus nigra* J.F.Arnold

а, б – субстрат; в – споралар.

*Neosetophoma samarorum* (Desm.) Gruyter, Aveskamp & Verkley, Mycologia 102 (5): 1075 (2010) [MB#514649](The former name of the species is *Phoma samarorum* Desm.). Хўжайин ўсимлик *Acer negundo* L. Қарши, JP- Q186, 28.07.2017.

*Ph.* Sacc., *Michelia* 1 (5): 526 (1879) [MB#143420]. Хўжайин ўсимлик *Fraxini excelsior* L. Ўсимликнинг қуриган шохида пикнидалари учрайди. Улар бўртган, шарсимон ва қўнғир рангда. Споралари пикнидадан ўралиб чиқади. Шакли цилиндрсимон, рангсиз, ўлчами 7x4 мкм. Қарши шаҳри, JP- Q178, 7.08.2016 (4-расм).

*Ph. juniperi* (Desm.) Sacc. (?) [MB#174860]. Хўжайин ўсимлик – *Juniperus virginiana* L. Ўсимликнинг ўсаётган нинабарги ва новдасида топилган. Шаҳрисабз, JP-Sh133, 8.08.2014.

*Ph. tiliae* Oudem., *Verslagen en Mededelingen van de Koninklijke Nederlandse Akademie van Wetenschappen Afdeling Natuurkunde* 1900: 146 (1900) [MB#226298]. Хўжайин ўсимлик *Tiliae cordata* Mill. Шаҳрисабз, JP-Sh28.07.2017.




*Ph. consocians* Naumov, Trudy Prikl. Bot. St. Petersburg (1913) [МВ#217224]. Хўжайин ўсимлик *Salix alba* L. Баргида Қарши, JP- Q193, 18.05.2017.

*Ph. viridarii* Sacc., Michelia 2 (6): 96 (1880) [МВ#222314]. Хўжайин ўсимлик *Magnolia grandiflora* L. Ўсимликнинг қуриган шохчасида замбуруғнинг пикнидалари ривожланади. Ранги қўнғир, яссилашган. Конидияларининг ички қисмида томчи кўринишида кичик таначалар бўлиб, шакли цилиндрсимон, рангсиз, 8–9x3мкм ўлчамда бўлади. Шаҳрсабз, JP-Sh166, 28.07.2017. (5-расм).

4-расм.


*Phoma fraxinea* Sacc. *Fraxini excelsior* L.



а – субстрат; б – пикнидаспораларнинг чиқиши; в – споралар.

5-расм.

*Phoma viridarii* Sacc.- *Magnolia grandiflora* L.




а–субстрат; б– пикнида спораларнинг чиқиши; в – споралар.

*Ph. stictica* Berk. & Broome, Annals and Magazine of Natural History 5: 370 (1850) [МВ#176464]. Хўжайин ўсимлик *Buxus sempervirens* L. Ушбу ўсимликнинг шохида замбуруғнинг пикнидалари шарсимон, овалсимон, жигар рангда учрайди. Конидиялари тухумсимон шаклда, рангсиз бўлади. Қарши, JP- Q132, 21.05.2017 (6-расм).

6-расм.

*Phoma stictica* Berk. *Buxus sempervirens* L.



а–субстрат; б– пикнидаспоралар; в– споралар.

*Ph sp. Pyracantha coccinea* M. Roem. Шахрисабз, JP-Sh191, 11.11.2017, Хўжайин ўсимлик *Mahonia aquifolium* (Pursh)Nutt. Қарши, JP-K 192, 10.09.2016.

*Ph sophorae* (Sacc.) Traverso, Flora Italica Cryptogama. Pars 1: Fungi. Pyrenomycetae. Xylariaceae, Valsaceae, Ceratostomataceae 1(1): 260 (1906) [MB#101034]. Хўжайин ўсимлик *Sophora japonica* L. Қарши, JP-Q187, 28.03.2017.

Шундай қилиб, Қашқадарё воҳасидаги манзарали дарахт ва буталарда *Phoma* туркуми замбуруғларининг 16 тур учраши аниқланиб, улардан 10 тури *Phoma ailanthina* Thüm. *Ph. amorphae* Sacc., *Ph. buddlejae* Cooke., *Ph. gleditschiae* (Thüm.) Sacc., *Ph. catalpae* (Thüm.) Sacc., *Ph. inopinata* Oudem., *Phoma fraxinea* Sacc., *Ph. tiliae* Oudem., *Phoma viridarii* Sacc., *Phoma stictica* Berk. Ўзбекистон микобиотаси учун илк бор аниқланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Boerema G.H, de Gruyter J, Noordeloos M.E, Hamers M.E.C *Phoma* identification manual: differentiation of specific and infra-specific taxa in culture. (2004). CABI Publishing, Oxfordshire.
2. Aveskamp M.M, de Gruyter J, Crous P.W. // Biology and recent developments in the systematics of *Phoma*, a complex genus of major quarantine significance // Fung Diversity. 2008. – №31. – P. 1-18.
3. Aveskamp M.M., de Gruyter J., Woudenberg J.H.C., Verkley G.J.M., Crous P.W. Highlights of the Didymellaceae: a polyphasic approach to characterise *Phoma* and related pleosporalean genera // Stud Mycol. 2010. – №65. – P. 1–60.
4. Запрометов Н. Г. Материалы по микофлоре Средней Азии. Вып.2. – Ташкент, 1926. – 196 с.
5. Камилов Ш.Г. Микромицеты сосудистых растений Ботанического сада АН Узбекистана им. Ф.Н.Русанова: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 1991. – 22 с.
6. Нуралиев Х. Х. Микромицеты сосудистых растений Кашкадарьинской области. Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 1998. – 18 с.
7. Панфилова Т.С., Гапоненко Н.И. Микофлора бассейна р. Ангрен. – Ташкент, 1963. – С. 124-126.
8. Солиева Я.С. Микромицеты сосудистых растений Сурхандарьинской области. Автореф. дис. канд. биол. наук. – Ташкент, 1989. – 21 с.
9. Гаффаров Ю. Ш. Микромицеты сосудистых растений Наманганской области.: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 2004. – 21 с
10. Флора грибов Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1997. Т. VIII. – С. 58-78.
11. Журавлёв И.И., Селиванова Т.Н., Черемисинов Н.А. Определитель грибных болезней деревьев и кустарников. – М. «Лесная промышленность» 1979. – 246 с.
12. Визначник грибов Украины. Т. III., Незавершени гриби – Киев, 1971.– С. 298- 585.
13. Пидопличко Н.П. Грибы-паразиты культурных растений. Определитель Т.І. Грибы совершенные. – Киев: Наукова Думка, 1977. – 96 с.
14. <http://www.mycobank.org>, 2016.
15. <http://www.theplantlist.org>, 2017.

#### РЕЗЮМЕ

Маколада Қашқадарё воҳаси манзарали дарахт ва буталарида *Phoma* туркуми турларининг 16 турлар аниқланганлиги келтирилган. Улардан 10 тури *Phoma ailanthina* Thüm. *Ph. amorphae* Sacc., *Ph. buddlejae* Cooke., *Ph. gleditschiae* (Thüm.) Sacc., *Ph. catalpae* (Thüm.) Sacc., *Phoma inopinata* Oudem., *Phoma fraxinea* Sacc., *Phoma tiliae* Oudem., *Phoma viridarii* Sacc., *Phoma stictica* Berk. Ўзбекистон микобиотаси учун янгилиги қайд қилинган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье приведены данные о распространении на декоративных деревьях и кустарниках Кашкадарьинского оазиса 16 видов рода *Phoma*. Выявлено, что 10 из них: *Phoma ailanthina* Thüm. *Ph. amorphae* Sacc., *Ph. buddlejae* Cooke., *Ph. gleditschiae* (Thüm.) Sacc., *Ph. catalpae* (Thüm.) Sacc., *Ph. inopinata* Oudem., *Ph. fraxinea* Sacc., *Ph. tiliae* Oudem., *Ph. viridarii* Sacc., *Ph. stictica* Berk. - являются новыми для микобиоты Узбекистана.

#### SUMMARY

The article presents data on the distribution of 16 species of the genus *Phoma* on ornamental wood and shrubs of the Kashkadarya oasis. It was revealed that 10 of them: *Phoma ailanthina* Thüm. *Ph. Amorphae* Sacc., *Ph. Buddlejae* Cooke., *Ph. Gleditschiae* (Thüm.) Sacc., *Ph. Catalpae* (Thüm.) Sacc., *Ph. Inopinata* Oudem., *Ph. Fraxinea* Sacc., *Ph. Tiliae* Oudem., *Ph. Ph. Viridarii* Sacc., *Ph. Stictica* Berk. - are new for the mycobiota of Uzbekistan.

Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ПУЛ ИСЛОҲОТЛАРИ  
ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Тўхтаева Р.Н. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** совет, ҳокимият, халқ, ижтимоий, молия, бюджет, пул, ислоҳот, эмиссия, унификация, деноминация, девальвация, олтин, қумуш, рубль, совзнак, червонец.

Совет ҳукмронлигининг дастлабки йилларида юз берган сиёсий инқирозлар иқтисодий соҳани тўла издан чиқариб, молиявий аҳволнинг ўзгаришига ва пул сиёсатининг инқирозига сабаб бўлди. Россиянинг биринчи жаҳон урушининг фаол иштирокчисига айланганлиги, ҳокимият тепасига янги сиёсий тузумдаги давлатнинг келиши, натижада фуқаролар урушининг келиб чиқиши оқибатида бутун мамлакатда жиддий иқтисодий танглик юзага келди. Иқтисодий соҳадаги аҳволни бироз яхшилаш мақсадида совет ҳукумати пул муомаласига ҳам эътибор қаратди. Бунда аввало пул ислоҳотини амалга ошириш учун талайгина тадбирлар амалга оширилди.

1922–1924 йиллардаги пул ислоҳотини ўтказишнинг асосий ташкилотчилардан бири Г.Я.Сокольников бўлиб, у Молия халқ комиссари лавозимида фаолият юритган эди. Г.Я.Сокольников ушбу соҳада аниқ амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан олдин қуйидаги масалани ҳал этиш лозимлигини таъкидлайди: “бу янги валюта нимани ифода қилади, бу янги валюта чет эл валютасига ўзининг муносабатини қандай белгилайди, олтинга муносабати қанақа бўлади: ниҳоят, янги валютада молларнинг нархи қандай тарзда намоён бўлади...” [1].

Совет давлатида пул муомаласини йўлга қўйиш масаласида назариётчилар ва амалиётчилар хилма-хил фикр билдирдилар. Совет даврининг кучли иқтисодчиларидан бири, СССР ФАнинг академиги С.Т.Струмилин пул тизимининг йўлга қўйишнинг аниқ усуллари кўрсата олди. У жаҳон пули билан алоқаси бўлмаган пул тизимини ишлаб чиқишни таклиф этади. С.Т. Струмилин муомалага “товарный рубльни” киритиш ва бу пул фақат ички бозорда қўлланилиши лозимлиги ҳақидаги фикрни илгари сурди [2].

1922 йил март–апрель ойида большевиклар партиясининг XI съездида молия соҳасидаги сиёсатни йўлга қўйиш юзасидан дастур ишлаб чиқилиб, унда шундай дейилади: “Давлатнинг бутун молиявий тизимини тартибга солиш асосида пул кадрсизланишини тўхтатиш ва нархларни барқарорлаштириш мумкин” [3]. Съезднинг қароридан келиб чиқиб Молия Халқ Комиссарлиги пул эмиссиясини қисқартириш, харажатларни иқтисод қилиш, солиқ ва бошқа даромадларни кўпайтириш тадбирлари устида иш олиб борди. Кўплаб корхоналарнинг хўжалик ҳисобига ўтказилиши туфайли давлат кредит тизимини шакллантириш, омонат касса тармоқларини кенгайтириш, давлат суғурта тизимини тузиш, шунингдек, давлат даромадларини кўпайтириш имкони яратилди.

1921 йилнинг октябрида нарх-наво яна кўтарилиб, пул ислоҳоти муаммоси кун тартибига долзарб масала қилиб қўйилди. РСФСР Давлат банкининг Правленияси раиси А.Шейнманнинг кўрсатмаси билан девальвация лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа Н.Кутлер ва В.Гарновскийларнинг ғояси бўйича ишлаб чиқилди. Улар асосан олтин пулларни муомалага чиқаришни таклиф этган эди. Мазкур лойиҳада олтин ва қумуш пулларни чиқариш ва бу иш Давлат банки томонидан амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди. Ушбу лойиҳа Давлат банки йиғилишида муҳокама этилиб, унда 50 га яқин мутахассис, яъни фабрикантлар, савдогарлар, иқтисодчилар, таниқли олимлар иштирок этди ва ўз фикрларини баён қилдилар. Йиғилишда таниқли иқтисодчилардан П.Гензель, А.Соколов, С.Фалькер, Молия халқ комиссарлиги вакиллари, машҳур кутбчи О. Шмит ва бошқалар иштирок этдилар. Уларнинг барчаси совзнакларни ҳеч бир чора-тадбир сақлаб қололмас-

лигини таъкидладилар [4]. 1921–1924 йилларда совет давлатида пул ислохотини ўтказиш билан боғлиқ қўлаб мунозаралар ўртага ташланади. Бу борада иқтисодчилар уч хил масала бўйича ўз фикрларини илгари сурдилар: биринчидан, пул ислохотини ўтказиш муддати; иккинчиси, совзнакларнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш зарурияти бор ёки йўқлиги масаласи; учинчиси, “янги пуллар қандай бўлиши керак” деган масалада мунозаралар бўлди. Ушбу масаланинг муҳокамаси Молия Халқ Комиссарлиги, Давлат банки ва Иқтисодий тадқиқотлар институти йиғилишларида бўлиб ўтди.

Совет давлатида пул ислохотини ўтказишнинг дастлабки лойиҳаси Н. Кутлер томонидан ишлаб чиқилди. У пул эмиссиясини тўхтатиш ва олтин захираларидан фойдаланишни, рус рублини хорижда кадр-қимматини қарор топтириш, давлат кредитини қайта тиклашни таклиф этди. Баъзи иқтисодчилар унинг фикрини қўлаб-қувватласалар, баъзилар икки-уч девальвация билан ислохот ўтказишни таклиф этадилар. Бошқа бир гуруҳ иқтисодчилар дастлаб мамлакат хўжалигини тиклаш, бюджет тақчиллигини тугатиш ва шундан сўнг пул муомаласини соғломлаштиришни таклиф этадилар [5]. Совет ҳукумати томонидан ислохот арафасида пул муомаласини мустаҳкамлаш мақсадида 1922 йил апрелда шахсларга чекланмаган пул миқдори, жумладан, олтин ва қумуш тангалар ва чет эл валютасига эга бўлишга рухсат берилди [6].

Совет давлатида пул ислохотини ўтказиш учун аста-секинлик билан тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиб борилди. Ниҳоят 1922 йил 11 октябрда РСФСР ХКСнинг Декрети эълон қилиниб, ҳужжатда давлат банкига 1, 2, 3, 5, 10, 25 ва 50 “червонец” пулларини чиқариш ҳуқуқи берилиб, бир червонец олтин пул 7,74234 грамм тоза олтинга тенглаштирилди [7].

1922 йил чиқарилган совет пулларини Молия халқ комиссарлиги вакиллари “федерал” деб номлашни таклиф этадилар. Муҳокамалар натижасида янги пул бирлигини “целковой” ва “червонец” деб номлашга келишилди. “Целковой” сўзи рус халқи орасида 1 рубль маъносида азалдан ишлатилиб келинган. Россияда “червонец” деб хорижий валюталарга нисбатан ишлатилган. Қўпинча голланд “дукати” юқори пробали қора олтиндан зарб этилганлиги боис, “червонец” деб аталган. Кейинчалик бу сўз рус подшоси олтин тангаларига нисбатан қўлланилган ва унинг таркибида 3,4 грамм олтин бўлган. “Червонец” Россияда сақланганлиги сабабли ҳам кишилар онгида мустаҳкам олтин маъносида шу ном танланади.

1922 йил октябрда олтин червонецларни танга кўринишида чиқариш тўғрисида ҳукуматнинг қарори эълон қилиниб, жорий йилнинг август ойида Петроград зарбхонасига янги пул чиқариш бўйича кўрсатмалар берилади, шунингдек, тангаларда “РСФСР”, “Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!”, “Один червонец” каби сўзлар бўлиши шартлиги белгилаб берилди. Қисқа муддат ичида зарбхона ходимлари янги пулнинг уч хил кўринишидаги нусхасини тайёрлади. Унинг биринчисида ишчининг станок олдида турган ҳолати, иккинчисида далада ишлаётган деҳқон, учинчисида Кавказорти республикалари учун алоҳида тасвир туширилган шакллар таклиф этилди. Аммо бу кўринишлар рад этилиб, 1922 йил 21 ноябрдан медалер А.Ф. Кастютинскийнинг чизган суратига мувофиқ “червонец”лар тайёрлашга киришилди [8].

Совет давлати молия халқ комиссарлиги совзнакларни барқарорлаштириш орқали пул муомаласини нормаллаштиришга ҳаракат қилди. 1921-1923 йилларда совзнакларни барқарорлаштириш режаси бир неча марта ишлаб чиқилди. Аммо режада белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳеч бир самара бермади.

1922-1924 йилларда Совет давлатининг пул ислохоти икки марта деноминация (пул қийматини ўзгартириш) шаклида амалга оширилди. Биринчи деноминация РСФСР ХКСнинг 3 ноябрь 1921 йилги декретига мувофиқ 1922 йил 11 октябрда пул қийматини ўзгартириш орқали амалга оширилди ва пулларнинг номиналлари пасайтирилди. 1922 йили 10.000 рублликлар 1 рублга алмаштирилди. Иккинчи марта 1923 йили 1922 йилги 100 рублликлар 1 рублга алмаштирилди [9]. Совзнакларини синиши шароитида давлат кор-

хоналари, кооператив ташкилотлари ва муассасалари иқтисодий манфаатини чеклаш учун кредит тизими рублни котировка қилишнинг турли услублари қўлланарди. Дастлаб совзнакларнинг аниқ баҳоси Молия халқ комиссарлиги “олтин пуллари” ҳисобида қайта ҳисоблашда аниқланди. Молия халқ комиссарлиги совзнакларнинг курсини олтин ҳисобида белгилаб борди. Хўжалик айланмаларида “товар рубль” ҳам ишлатилиб, уларнинг баҳоси товар нархининг ўсиши индекси бўйича ҳисобланди. Бу индекс 1913 йилги нархларга асосланган “қора” бозорда “олтин пулнинг эркин курси”, яъни 10 рубллик олтин танганинг нархи совзнакларда акс эттирилганлари ҳам қўлланилди [10]. Ҳар икки пул бирлиги, яъни совзнак ва червонецларнинг биргаликда қўлланиши хўжалик ҳисоби асосларига путур етказиш билан бирга олиб сотарликка қарши кураш ишини қийинлаштирди. Червонец, олтин ва чет эл валютасининг “эркин” бозорда олиб сотилиши (спекуляцияси) авж олди. Дастлаб чайқовчилар червонецларни совзнакка алмаштириш жараёнида курс бўйича устига ҳақ олсалар, кейинчалик улар пуллари олибсотарлар баҳосида алмаштирилди.

Ўрта Осиёда червонец рублларнинг тарқалиш жараёни ниҳоятда тез юз берди. Масалан, 1923 йил январда ўлкада 28.000 рубль червонец киритилган бўлса, 1924 йил улар миқдори 14 млн. рублга етди. Аммо Ўрта Осиё бозорларида червонецларнинг роли турлича бўлди. Бу пулларнинг қадри баъзан бозорларда қўтарилса, баъзан тезда тушиб кетди. Червонецлар пул муомаласи воситасига айланди, бироқ пул вазифасини бажариш даражасига чиқмади. Фақат қимматбаҳо қоғозлигича қолди. Чунки Бухоро кумуш ва олтин тангалари ҳамда совзнаклар муомалада кенг ишлатилди. Шунинг учун червонецлар асосан йирик товар айланмаларида қўлланилди. Червонецларнинг расмий курси эркин биржа курсларидан фарқ қилмади [11].

Натижада 1920-1924 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикасида товар пул-муносабатлари, нарх-наво, ички ва ташқи савдони тартибга солиш билан боғлиқ муаммолар юзага келди. Бу эса Бухоро бозорларида 1921 йилда 1920 йилга нисбатан нарх-наво 25 фоизга ошиб кетиши, қоғоз пулларнинг кўп миқдори айрим шахслар қўлида тўпланишига олиб келди [12].

Совет ҳукумати томонидан Ўрта Осиё республикаларида ягона пул тизимига ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар олиб борилиб, бу жараёнлар 1923 йилдан бошлаб юборилди. 1923 йил 5-9 март кунлари Ўрта Осиё республикалари – Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг иқтисодий масалаларга бағишланган биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда асосий масала Ўрта Осиё республикаларини бирлаштириш масаласи бўлиб, анжуман қатнашчилари, айниқса, ушбу республикаларнинг молиявий аҳволи, пул тизими масалалари муҳокамасига алоҳида эътибор қаратди.

Конференцияда сўзга чиққан Бухоро Республикаси вакили Ф.Хўжаев, Хоразм вакили Отажонов, Турккомиссия вакили Любимов, РСФСР Молия халқ комиссарлиги вакили Иевлев ва бошқалар Ўрта Осиё республикаларида пул муомаласи, бюджет тақчиллиги ва уни бартараф қилишнинг йўллари, ягона молия ва пул тизимига ўтиш зарурияти, ушбу тадбирларни амалга ошириш воситалари ҳамда муддати хусусида мунозарали фикрларни илгари сурдилар [13].

Анжуманда таъкидланишича, республикалар орасида айниқса, Хоразмда аҳвол жиддий бўлиб, республикада деярли давлат тизими фаолият олиб бормаган. Хоразм республикасида давлат бюджетининг мавжуд эмаслиги, пул муомаласи бутунлай издан чиққанлиги қайд этилади. Хоразмда пул муомаласи ҳеч бир ҳисоб-китобларга амал қилинмаган равишда олиб борилиб, турли соҳалар эҳтиёжига қараб хоҳлаганича пул ишлаб чиқилганлиги оқибатида пул муомаласида жиддий инкироз юзага келган. 1923 йили аҳвол ниҳоятда жиддийлашиб, Республикада кунига 50 млн. рублгача пул ишлаб чиқарилган. Бу пуллар фақат Хоразм ва Чоржўй оралиғида ишлатилиб, бу чегарадан сўнг бу пулларни ҳеч ким тўлов воситаси сифатида қабул қилмаган [14]. Халқ нозирлари ҳар ҳафта молия вазирига ўзларининг келгуси харажатлари учун пул буюртма берганлар.

Аммо кирим-чиқим, даромад ва харажат масалаларига эътибор берилмаган. Чиқарилган пуллар ва солиқ даромадларининг 98 фоизи совет аппарати таъминоти учун сарфланиб, қолган 2 фоизи халқ эҳтиёжи учун ажратилган. Масалан, биргина Хива шаҳри совет органларида 1600 нафар киши фаолият олиб борган [15].

Ўрта Осиё республикаларининг биринчи Иқтисодий конференциясида пул муомаласини унификация (бир хиллаштириш) қилиш хусусида қарор қабул қилиниб, ҳужжатда бир қатор тадбирлар белгиланди. Жумладан, БХСР, ХХСР ва РСФСР пул муомаласини унификация қилиш учун, аввало, Бухоро ва Хоразм пуллари эмиссиясини тўхтатиш ва уларни курс бўйича совзнакларга алмаштириш, пул ислохотини 1923 йилнинг 1 мартдан бошлаб 1 июльга қадар тугатиш, Ўрта Осиё республикаларида 1 майдан тузиладиган шартномалар совет валютаси ҳисобида амалга ошириш, Туркистон, Бухоро ва Хоразмга РСФСРдаги солиқ тизимини жорий қилиш қабилар шулар жумласидандир [16]. Ушбу қарор ижроси Бухорода 1923 йил майда Хоразмда жорий йилнинг август ойига келиб таъминланди. Бухоро ва Хоразм пуллари тўла совзнакларга алмаштирилди. Бутун совет давлатидаги каби фақат қоғоз пуллар муомаласи йўлга қўйилди. Алмаштиришда 1 совзнакка 3,5 бухоро қоғоз пули ва 10 хоразм пули тўғри келди. Умуман, Бухоро ва Хоразм пул эмиссиясини тугатиш учун 1167596 червонец рубли сарфланди [17].

РСФСР валюта бошқармаси пул алмаштириш операциясини амалга ошириш учун 1923 йил 15 апрелдан кечиктирмай Бухорога ва 1 майдан Хоразмга талабга қараб совет пулларини етказиб беришни зиммасига олди [18].

Ўрта Осиё Иқтисодий кенгашининг 1923 йил 17 апрель йиғилиши қарори билан Бухорода пул эмиссияси жорий йилнинг 1 майида тўхтатилди [19]. Ушбу қарорда Бухоронинг ҳар бир туманида белгиланган курс бўйича пул алмаштириш, Бухоро республикаси бюджетини тузишни 25 апрелдан кечикмай тугаллаш, шу муддатда солиқлар бўйича декрет лойиҳасини тайёрлаш, қишлоқ хўжалик банки съездига делегатлар юбориш каби масалалар хусусида ҳам фикрлар билдирилди [20]. Аммо бу қўрилган тадбирларга қарамай Бухоро ва Хоразм пуллари тўла муомаладан чиқиб кетмади. Совзнаклар билан бирга Бухоронинг кумуш ва олтин тангалари, чегара ҳудудларда чет эл валюталари ҳам сақланиб қолди. Пуллар хилма-хиллиги маҳаллий товар айланишга жиддий таъсир кўрсатиб, ўз ўрнида совет пул муомаласининг мустақамланишига тўсқинлик қилди. Бу ҳолат ҳақида совет пул сиёсатининг асосий ташкилотчиларидан бири Г.Сокольников “Денежная реформа” номли ишида қуйидагича маълумот беради: “Умуман ва бутун Ўрта Осиё молиявий масалаларда устунлик қилувчи олтин ва унга қўшимча кумуш тангалар Бухорода кенг тарқалиб, Туркистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бухородан Туркистонга, Москвага қимматбаҳо металл тангаларнинг босими кучайди. Москва бозорлари Тошкент ва Бухоро бозори билан яқин алоқада бўлиб, уларга тобе бўлиб борди. Агар Бухоро ва Тошкент телеграф орқали бу ҳақида хабар топса, 3-4 кундан сўнг бизнинг валюталаримизнинг аҳволи қандай бўлиши ҳаммага маълум” [21].

Ўрта Осиёда олтин ва кумуш пулларнинг кенг муомалада бўлишининг бир қатор омиллари мавжуд эди: биринчидан, совет давлатининг Шарқ давлатлари билан олиб борилаётган савдо алоқалари асосан олтин ҳисобидалиги; иккинчидан, олтинга бойликлар жамғармасининг асосий шакллари билан бири сифатида қаралиши; учинчидан, олтин қонуний тўлов воситаси эканлиги; тўртинчидан, 1923-1924 йилларда Бухоро бюджети олтин ҳисобида тузилганлиги қабилар.

Умуман, Ўрта Осиё республикалари орасида Бухоро республикасининг аҳволи анча яхши бўлиб, Хоразмга нисбатан халқ хўжалиги барқарор ривожланиб борди. Масалан, 1922 йил давомида Бухоро республикасида қишлоқ хўжалиги кредитлари учун 5 млн. танга ажратилади. Шу йили республикада 300.000 пуд турли ўсимлик уруғлари жамғармаси шакллантирилди. 1922-1923 йилларда Бухорода солиқларнинг ўзидан 50 млн танга даромад қилинади. 1922 йили банк аппарати вужудга келтирилди [22].

1923 йил 24 октябрда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг йиғилишида Ўрта Осиё Коммерция Банки бўлимини Бухорода ташкил этиш масаласи муҳокама этилди. БХСР-нинг ушбу банкга тўланадиган пай бадали 3.500.000 червонец рубль миқдоридан белги-ланди [23]. Мазкур маблағни Бухоро республикаси икки хил йўл билан қоплаши кўзда тутилди: биринчиси Тошкентда сақланаётган 1500.000 червонец рубль ҳисобига: иккин-чидан, Бухоро Давлат банкининг 2.000.000. червонец рубль активларини банкга топши-риш ҳисобига [24].

Ўрта Осиё республикаларида ҳам бир вақтда пул муомаласида совзнаклар ва чер-вонецлардан фойдаланилди. Шу боис пул ислоҳотининг иккинчи босқичида асосий вази-фа икки хил пул бирлигини тугатиш ва муомалада фақат червонецларнинг қўлланилиши-га имкон яратиш бўлди.

Совет давлатида амалга оширилган 1922-1924 йилги пул ислоҳотлари жараёнини ўрганиш натижасида шундай хулосага келинди.

Юз берган бу ўзгаришлар асосан совет ҳукумати манфаатларига мувофиқлаштири-либ, оддий халқ эҳтиёжлари ҳисобга олинмади. 1922-1924 йилги пул ислоҳотлари дено-минация характерда бўлиб, муомалада аниқ бир пул бирлигини қўллашга эришилмади. Муомалада турли пул birlikларининг қўлланилиши иқтисодий тангликни кучайтирди. Бо-зорда маҳаллий айрибошлаш, натура етакчилик қилиб қадрсиз пулнинг роли пасайиб борди.

Ўрта Осиё Республикаларида турли пул birlikлари қўлланилиб, червонецларнинг бозорда тарқалиши турли сабабларга мувофиқ турлича кечди. Червонецлар асосан шаҳар аҳолиси қўлида тўпланиб, қишлоқ деҳқони бу пул ҳақида оддий тушунчага ҳам эга эмас эди. Червонецлар йирик тўловлар воситасида қўлланилди. Совет ҳукумати жаҳон бозо-рида ҳам қадри юқори баҳоланган Бухоро кумуши ва олтин тангаларини қадрсиз совет қоғоз пулларига алмаштириш сиёсатини олиб бориб, янги пулларни жорий этиш баҳо-насида жуда катта миқдордаги кумуш ва олтин пулларни марказга жўнатди.

Амалга оширилган ушбу пул ислоҳоти совет давлатида йиғилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тўла бартараф қила олмади. Аҳолининг талаби ва таклиф ўрта-сида номувофиқликлар кучайиб, бу озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари таъминотида кучли намён бўлди. Халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида пул маблағларининг етишмаслиги оқибатида ижтимоий аҳвол оғирлашиб борди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Сокольников Г.Я. Финансовая политика революции. Т. 2. – М.: НКФ. 1926. – С. 5–6.
2. <http://www.dis.ru/library/fm/archive/2001/6/603.html>. (История и современность) Денежные реформы в России: История и современность.
3. КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Г 1. 1953, – 613 с.
4. <http://www.dis.ru/library/fm/archive/2001/6/603.html>. (История и современность) Денежные реформы в России: История и современность.
5. <http://www.dis.ru/library/fm/archive/2001/6/603.html>. (История и современность) Денежные реформы в России: История и современность.
6. Денежное обращение и кредит в СССР. (коллек. автор. под руководством проф. З.В. Атласа) – М.: Госфиниздат, 1957. – Б. 43–44.
7. Декрет СНК 11 октября, 1922 г. С.У, 1922. – № 64.
8. Шелоков А.А. Монеты СССР. – С. 21.
9. Денежное обращение и кредит в СССР. (Под редакцией проф. А.Я. Ротлейдера,) – М.: Финансы и статистика, 1985. – С. 62.
10. Денежное обращение и кредит в СССР. (под редакцией проф. А.Я. Ротлейдера,) – М.: Финансы и статистика, 1985. – С. 62.
11. ЎзР МДА, 9-фонд, 1-рўйхат, 3219-йиғма жилд, 11- варақ..
12. Раҳмонов К.Ж. Бухородаги пул тизимининг даврий матбуотдаги талқини (“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари асосида). // “XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро” мавзусидаги конференция материаллари. – Бухоро, 2010, – Б. 126–128.

13. Материалы к 1-й экономической конференции среднеазиатских республик-Туркестанской, Бухарской и Хорезмской. Выпуск 1. – Ташкент, 1923. – С. 8.
14. Бюллетень. Первой экономической конференции среднеазиатских республик. (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). Т., 7 марта 1923. – №3-4. – С. 1.
15. Бюллетень. Первой экономической конференции среднеазиатских республик. (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). Т., 6 марта 1923. – №2, – С. 13.
16. Постановления 1-ой экономической конференции среднеазиатских республик. (Туркестана, Бухары и Хорезма). 5-9 март, 1923. – Т. – С. 7–8.
17. ЎзР МДА, 9-фонд, 1-рўйхат, 3219-йиғма жилд, 10- варақ.
18. ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 2824-йиғма жилд, 22- варақ.
19. ЎзР МДА, 20-фонд, 1-рўйхат, 251-йиғма жилд, 457- варақ.
20. ЎзР МДА, 20-фонд, 1-рўйхат, 251-йиғма жилд, 457- варақнинг орқа бети.
21. ЎзР МДА, 9-фонд, 1-рўйхат, 3219-йиғма жилд, 10- варақ.
22. Бюллетень Первой экономической конференции среднеазиатских республик. (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). – Т., 1923, – №2, – С. 3.
23. ЎзР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 11- варақ.
24. ЎзР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 11- варақ.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги молиявий сиёсат ва аҳоли турмуш даражасининг пасайиши хусусида фикр юритилади. Шунингдек, давлат бюджети сиёсатининг издан чиқиши, бюджет тақчиллиги, пул кадрсизланиши, пул эмиссияси ва бу жараёнларнинг бевосита пул муомаласига таъсири, пул ислохоти зарурияти каби масалалар атрофлича ёритиб берилди.

#### РЕЗЮМЕ

В этой статье подробно анализируется финансовая политика и снижение уровня жизни людей в первые годы советской власти. В частности, нарушение государственной бюджетной политики, дефицит бюджета, денежный дисбаланс, эмиссия денег и влияние этих процессов на прямое денежное обращение, необходимость проведения денежной реформы.

#### SUMMARY

This article discusses the fiscal policy and decline in the living standards of the Soviet authorities in the early years. As well as the disruption of state budget policy, budget deficit, monetary imbalance, money emission and the impact of these processes on direct monetary circulation, the need for monetary reform.

*Наишга доц. О.Бўриев тавсия этган*

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАРНИНГ ХИТОЙ БИЛАН ЭЛЧИЛИК ҲАМДА САВДО АЛОҚАЛАРИ

**Бўриев О., Бобожонов Ш.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *Ўзбекистон, Марказий Осиё, Хитой, Пекин, Амир Темур, Темурийлар, Шоҳруҳ Мирзо, Улугбек Мирзо, элчи, савдо, Мин сулоласи.*

Марказий Осиё, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Амир Темур ва ворислари даврида халқаро савдо ва маданий алоқаларда муҳим ўрин тутган. Буни темурийларнинг Хитой билан элчилик ва савдо алоқаларида ҳам кўриш мумкин. Бу алоқалар Соҳибқирон Амир Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятга келгач анча фаоллашган ва Буюк ипак йўлининг Мовароуннаҳр орқали ўтган йўналиши равнақ топган эди.<sup>1</sup>

XIII аср бошларидан то XIV асрнинг иккинчи ярмига қадар – бир ярим асрдан кўпроқ вақт давомида Осиё минтақасининг катта қисми мўғул босқинчилари қўли остида бўлиб, бу ерда мўғул хонлари талончилик ва зўравонликка асосланган сиёсат юритган

<sup>1</sup> Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Т.: Академия, 2008. –180 б.



эди. 1368 йилда Осиё минтақасидаги энг ривожланган, табиий ва иқтисодий имкониятлари катта бўлган Хитойда оддий деҳқон оиласидан чиққан, мўғуллар зулмига қарши кўтарилган халқ кўзғолони раҳбари Чжу Юань Чжан босқинчиларни Хитойдан қувиб чиқаради. У Мин сулоласига (1368-1644) асос солиб, император Хунъу (1368-1398) номи билан тахтга ўтирган. Айтилган вақтда 1370 йилдан Туронда Амир Темур марказлашган давлат тузиб, унинг хавфсизлиги, юрт ободлиги, халқнинг тинч-фаровон турмушини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга ошираётган эди.

Бу икки ҳукмдор даврида Турон ва Хитой ўртасидаги алоқалар деярли узилиб қолган ва ҳатто Амир Темурнинг Хитойга ҳарбий юриш уюштиришигача бориб етган эди. Бунинг асосий сабаби Хитой императорининг Амир Темур давлатига элчи юбориб, ундан ўлпон тўлашни ва ўзини Хитой тобеси деб тан олишини талаб қилаётгани эди.

Бунинг замирида, албатта, Хитой диний-фалсафий ғоялари турар эди. Бу қарашларга кўра, Осмон олий илоҳ, император эса унинг ўғли ҳисобланган ва шу сабабдан у “осмон ўғли” деб илоҳийлаштирилган. Бундан ташқари, хитойликлар тасаввурича, Хитой дунёнинг қоқ марказида жойлашган ва ўзлари уни Чжун го – “марказдаги”, “ўртадаги давлат” деб аташган. Айнан шу ғояга кўра, атрофдаги давлатлар уларга тобе сифатида ўлпон тўлаб туришлари керак, деган дунёқараш мавжуд эди.

Бундай муносабат Амир Темурдек буюк саркарда ва давлат арбоби шаънига ҳақорат бўлиб, худди шу даврда Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон, Миср султони Барқуқ, Усмонийлар империяси султони Боязид каби ўз даврининг улуғ ҳукмдорларининг тақдири аянчли тугаган эди. Юртни мўғул босқинчиларидан тозалаш, тарқаб кетган мамлакатни бирлаштириш, марказлашган давлат тузиш, уни ривожлантириш, муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш Амир Темурдан, аввало, моҳир саркардалик маҳоратини талаб қилар эди. Соҳибқирон давлатида ҳар бир ҳарбий юриш пухта тайёргарлик ва ўта жиддийлик билан амалга оширилар, кўшин сони, юришнинг бошланиш куни, йўналиши, жанг тактикаси, усуллари қаттиқ сир сақланар эди.

Амир Темур ҳукмронлигининг сўнгги ўн беш йилида Хитойга ҳарбий юришга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган эди. Аввал Юлдуз воҳасида озик-овқат захирасини тайёрлаш мақсадида деҳқончилик, чорвачилик ва йилкичиликни ривожлантириш ишлари йўлга қўйилган. Амирзода Искандар Хўтангача бўлган ерларни салтанатга қўшиб олган. Ҳиндистон юриши даврида стратегик нуқтаи назардан Хитой билан чегарадош бўлган Кашмир шоҳига марҳаматлар кўрсатилган.

Бу тайёргарликлар зимдан қилинган. Натижада 1405 йил январида Хитой юришига фармон берилган. Бунинг икки сабаби бор эди: бири - Хитой императорининг ноўрин даъволари бўлса, иккинчидан, Хитойда мусулмон аҳолига бўлган салбий муносабатдир. Мин сулоласининг дастлабки даврларида мусулмонларга нисбатан душманлик кайфияти ҳукм сурган бўлиб, император Хунъу ўлимидан бир оз олдин мусулмонларга нисбатан қатли уюштирган.

Муаррих Низомиддин Шомий “Зафарнома”сида мусулмонларнинг Хитойда қирғин қилиниши ҳақида қуйидагича фикрларни келтиради: “Чин, Мочин ва Хитой вилоятида бу мамлакат водийси “Тўнғузхон куфру залолатни авжга чиқариб, шу даражага етдики, бир гал андак ғараз билан бир неча минг мусулмонни қатл қилди”<sup>1</sup>

Рус шарқшуноси В.В.Бартольднинг маълумотида кўра, юз мингдан ортиқроқ мусулмонлар қатлиом қилинган. Амир Темур Хитойда мусулмонларнинг қирғин қилиниши ҳақидаги хабарни 1399 йилда Тоғли Қорабоғ (Озарбайжон)да қишда хабардор бўлган эди.

Хитойга қўшин тортишдан олдин Соҳибқирон сайёҳ ва элчилар берган Хитойнинг шаҳар ва қишлоқлари, тоғ ва довлари, ўтиш йўллари, кечувлар, даралар, ҳарбий аскарлар сони, жанг олиб бориш тактикаси ва бошқа маълумотларни синчиклаб ўрганган. Ай-

---

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

ниқса, Хитой князларининг ички низоларини диққат билан кузатиб борган.

Амир Темур Европа қироллари, Султон Боязид, Тўхтамишхон ва бошқа ҳукмдорларга йўллагани каби Хитой императорига ҳам дўстлик ва савдо алоқаларини ривожлантириш борасидаги таклифлари билан қатор элчилар йўллаб, ҳамкорлик қилишни бир неча марта таклиф этган. Шу мақсадда 1387 ва 1389 йилларда Мавлоно Ҳофиз, 1388 йил Тожиддин, 1391 йилида Шохалил, 1392 йилда Ниғматиддин, 1394 ва 1395 йилларда Дарвиш, 1396 йилда Аломат ад-Диютар Амир Темурнинг элчилари сифатида катта совғалар билан Хитойга боришган.

Хитой ҳукмдорлари элчилар келтирган совғаларга вассал давлат юборган тобелик ўлпони деб қараган. Элчилар қарвони орасида савдогарлар, айғоқчилар, ҳарбий мутахассислар ҳам бўлганки, улар Амир Темурни зарурий маълумотлар билан таъминлаб турган. Хитой императорининг дунёга ҳукмрон бўлиш орзусида ўлпон талаб қилиши кейинчалик икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига сабаб бўлган.

Соҳибқирон салтанатининг қудрати ошиб борганлиги, Хитой мусулмонларининг унга хайрихоҳлиги, шимолдаги мўғул князларининг ҳам ҳарбий юриш бошланган вақтда Мовароуннаҳр ҳукмдорини қўллаб-қувватлаши мумкинлигини назарда тутган император Хуньу бир қатор ҳарбий ислоҳотлар ўтказишга мажбур бўлган. Ҳарбий хавф туғилган вақтда аввалгидек ихтиёрийлик асосида халқ лашкарлари тўплаш тартибидан воз кечиб, рекрутлик (мунтазам қўшинда бир умр ёки белгиланган муддатда ҳарбий хизмат ўташ) тартиби жорий этилган.

Шунингдек, рақибнинг тасодифий ҳужумидан ҳимояланишнинг анъанавий усуллари қўлланган, яъни Буюк Хитой девори таъмирланган ва мустаҳкамланган, ҳимоя ва соқчи постлари ташкил этилган. Лекин бундай ҳаракатлар Амир Темурнинг саркардалик даҳоси – тўсатдан ҳужум қилиш, қутилмаган зарбани бериш, хилма-хил жанг тактикаларини қўллаш имкониятларини чеклай олмас эди.

Император Хуньу ўз мамлакатининг тўла ҳимояланмаганлигини тан олмаган 1395 йилда Бо Ан бошчилигидаги 1500 кишидан иборат элчилар гуруҳи ва 1397 йилда Чэн Дэвэй исмли элчиларини Самарқанд шаҳрига йўллаб, ўлпон талаб қилган. Соҳибқирон ҳар қанча ғазабланса-да, уларни қатл эттирмай, ушлаб қолган (Элчилар Амир Темур вафотидан кейингина ўз юртларига қайтишган). Бундай ҳолатда Хитой ҳукмдори ўзи учун туғилган хавфдан хабардор бўлган, албатта.

Хитойга қилинадиган ҳарбий юришдан бир оз олдин Самарқанд шаҳрида Европанинг ўша даврда салоҳиятли давлатларидаи бири саналган Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо 1404 йил кузида хитойлик элчи билан учрашади. У элчи билан бўлган ўзаро муҳокама ҳақида ёзиб муҳим маълумотларни келтирганки, бу алоҳида илмий тадқиқотни талаб қилади. Элчи ўз кундалигининг 34-фаслини “Хитой ҳақида. Хитой элчилари ҳикоялари” деб номлаган<sup>1</sup>

Хитойлик элчи сайёҳ Клавихога ўз мамлақати ҳарбий қудрати ҳақида гапириб, Хитойда ҳарбий аскарлар сони 400 минг нафар эканлиги, жангчилар учун отлар етишмаслиги, шу сабабдан отда юришга фақат мингбоши лавозимида бўлганлар ҳақи эканлигини билдирган. Элчининг таъкидлашича, бундай ҳуқуққа эга бўлганлар эса Хитойда жуда кўплиги ҳақидаги фикрларни ёзиб қолдирган.

Тарихий адабиётларда император Хуньу ўтказган ҳарбий ислоҳотлар ва рекрутликка олиш натижасида қўшинлар сони кўпайиб, 2 миллион нафарга етганлиги қайд этилган. Бунга жойлардаги ҳарбий-маъмурий раҳбар ҳисобланган губернаторларнинг аскарлари ҳам қўшилган. Ўша давр ҳарбий тактикасида отлик аскарлар ва уларнинг манёвр қила олиш усуллари ғалаба гарови бўлиб, хитойликларнинг ҳарбий тактикаси, асосан,

---

<sup>1</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 201–202.

химояга мослашганлиги, аскарларининг от-улови етарлича даражада эмаслиги сабабли улар Амир Темурнинг жанг усуллари олдида ожиз эди. Хитой императори Соҳибқироннинг ҳарбий қудратидан, саркардалиқ даҳосидан беҳабар бўлган.

Демакки, буюк ҳукмдор вафоти билан якунига етмаган Хитой ҳарбий юришига узоқ вақт тайёргарлик кўрилган ва пухта режа тузилган. Бироқ Соҳибқироннинг вафоти туфайли бу юриш амалга ошмай қолган. Амир Темур умрининг охиригача Турон давлати муҳофазаси, мамлакат хавфсизлиги, тинчлиги, мусулмонлар ва ислом дини ривожини учун курашганлиги айна тарихий ҳақиқатдир.

Хитойнинг Амур Темур ва темурийлар давлати билан элчилик алоқаларида, асосан, иккита дипломат – Фу Ань (ваф. 1429) ва ЧэньЧэнларнинг хизматлари катта. Энг муҳими, улар ўз сафар хотираларини ёзиб қолдирганлар ва бу маълумотлар Хитой солномаларига киритилиб, қимматли тарихий манба бўлиб қолган. “Мин ши лу” да ёзилишича, Хитой императори 1395 йилда Фу Ань бошчилигида Самарқандга, Амир Темур ҳузурига яна элчилар юборган ва улар орқали император муҳри босилган махсус мактуб ҳам йўлланган. Фу Ань бошчилигидаги элчилар 1395 йили Хитойдан йўлга чиққани ҳақида “Мин ши лу” да ҳам хабар бор. Улар Хитойдан қайтаётган Темурбек элчилари билан ҳамроҳ бўлганлар.

Муаррих Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридаги маълумотга кўра, мазкур элчилар 1397 йилнинг 22 февралда Амир Темур жойлашган Тошкент вилоятидаги Чинозга етиб келганлар. “Зафарнома”да Хитой подшоси элчилари келиб, Соҳибқирон ҳузурда бўлгани, тортиқлар келтирганлари, яхши қабул қилгани ва қайтишга рухсат этилгани ҳақида ёзилган. “Ва элчиларким Хитой мамлакатининг (тўнғиз) қошидан келиб пешкашлар келтуриб эрдилар, бекарлар элчиларни соҳибқиронга кўрсатдилар ва сўзларини арз қилдилар”.<sup>1</sup>

Фу Аньнинг ушбу сафари тўғрисида дастлаб немис олими Б.Бретишнайдер ёзгани маълум. Унинг таъкидлашича, элчилар ўн икки йил қолиб кетганлар. Бунинг асосий сабаби Хитой императорининг ўз мактубида Амир Темур элчилар воситасида юборган совғаларни ўлпон деб баҳолаганида бўлиб, бу ҳақда манбаларда аниқ қайд этилган.

Элчи Клавихо ўз “Қундалиги”да Хитой подшоси Чуйсхоннинг “бож талаб қилиб юборган элчилари”да, деб ёзган. Хитой солномаси “Мин ши лу”да ҳам: “Фу Ань ва бошқалар ушланиб қолинди, ўлпон келиши ҳам тўхтади”, деган жумла мавжуд. Амир Темурнинг ғазаблангани асосли эди, чунки Фу Ань тақдим этган ва ўлпон сўралган мактуб Хитой императорининг муҳри билан тасдиқланган бўлиб, расмий ҳужжат саналарди. Муаррих Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида Хитой императорининг исми “Тўнғизхон” деб қайд этилган (4-191). Буни элчи Клавихо ҳам ўз “Қундалиги”да “Тўнғиз”, яъни “Чўчқахон” деб аталишини қайд этган (3-157).

Соҳибқироннинг Хитойга юришининг сабаблари бор эди. Хитой императорлари мўғулларнинг Улуғ улуси буюк хонлари устидан ўз ҳукмларини ўрнатган эдилар. Темурбек ва авлодларининг Жетага қилган қатор юришлари натижасида унинг мулки Лобнор кўлига етиб, Хитой империяси билан чегарадош бўлиб қолган эди.

Император эса Темурбекка юборган мактубларида уни “ўғлим” дерди. Дипломатия тилида эса бу “сен менга тобесан” деганини билдирарди. Ҳатто император Темурбекдан йиллик солиқ тўлашни талаб қиларди. Шундай қилиб, Хитой императори ғарбдаги ерларга даъвогарлигини сир тутмас эди ва эртами ё кечми, бу ерларга унинг ҳужум қилиш хавфи турарди. Ана шунинг учун ҳам Темурбек етти йиллик юришидан қайтишига ҳануз беш ой тўлмасдан шошилиш равишда Хитойга юришини бошлайди. Чунки унинг айғоқчилари уни Хитойдаги аҳволдан хабардор қилиб турардилар.(3-353)

---

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 191.

Амир Темурнинг Хитойга юриши сабабларидан бири ҳам Хитой императорининг бож талаб қилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Темурбек Хитой императорининг элчиларини ушлаб қолган бўлса-да, бироқ унинг элчилик ҳурматини сақлаган ва ўзининг буюк ҳукмдор эканлигини намойиш этиш учун элчиларга салтанатининг узоқ гўшаларигача жойларини бориб кўришини буюрган. Шу асосда Фу Ань бошчилигидаги элчиларни кўп жойларга (Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва ҳ.к.) олиб борганлар. Ундан ташқари Фу Ань расмий қабул маросимларида ҳам Соҳибқирон аъёнлари қаторида жойлашган. Элчи Клавихо ўз “Кундалиги”да Самарқандда Амир Темур хузурида бўлганида, у ерда Хитой элчилари ҳам ўтиришгани ҳақида ёзган (3–158).

Кониғилдаги қурултойдан сўнг Амир Темур Хитойга юришга қарор қилади ва 1404 йил ноябрда Самарқанддан йўлга отланган, бироқ унинг вафоти туфайли мазкур юриш амалга ошмай қолган. “Мин шу лу”да ёзилишича, Фу Ань бошчилигидаги Хитой элчилари ватанларига фақат Соҳибқирон вафотидан сўнг, 1407 йили Хитойга қайтиб кетишган<sup>1</sup>.

Буюк ҳукмдор ўз даврида асос солган Хитой билан савдо, элчилик алоқалари темурийзода Шохруҳ Мирзо салтанати даврида (1405-1447) ҳам изчил давом этган.

Элчилар Шохруҳ мирзо ва Мирзо Улуғбек номига ўзаро дўстлик муносабатларини ривожлантириш хусусидаги таклифлар ёзилган мактуб ва катта совға-саломларни топширишган. 1420 йилда Шохруҳ Мирзо ва Улуғбек Мирзо 530 нафардан иборат элчилик карвонини Хитойга жўнатган. Темурийларнинг элчилари икки йилдан зиёдроқ Хитойда булиб, 1422 йилда ўз ватанига қайтиб келишган. Бу муҳим савдо йўналишлари 1419–1422 йилларда Шохруҳ Мирзонинг Шодихўжа бошчилигида Хитойга юборган элчилик миссияси аъзоси Ғиёсиддин Наққош ёзиб қолдирган кундаликда ҳам баён этилган. Ушбу манбага кўра Хитой билан боғловчи карвон йўналиши йўли қуйидаги йўналишда ҳаракат қилганлар: Ҳирот–Балх–Келиф кечуви–Самарқанд–Сайрам–Ашпара (Амир Темур қурдирган)–Мўғул эли (Билғуту–Кўнғир суви Юлдуз яйлови)– Турфон–Қорахўжа–Сўфиота кишлоғи–Кумул–Қоровул–Сукжу–Қамжу–Пинлон–Хонбалиқ (Пекин). Хитойдан қайтишда элчиларнинг бир қисми Кошғардан Самарқандга Андижон довони ва Фарғона орқали, қолганлари Помир тоғ довони орқали Қоратегин ва Бадахшон йўналишида келишган. (1:184)

Хулоса қилиб айтганда, Соҳибқирон Амир Темур ва ворислари даврида Хитой билан элчилик ва савдо алоқалари анча фаол давом этган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Т.: Академия, 2008. – Б.180.
2. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 201–202.
4. Бўриев О. Соҳибқирон Амир Темур. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 70-71.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада Амир Темур ва ворисларининг Хитой давлати билан элчилик ва савдо алоқалари янги тарихий маълумотлар асосида ёритилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье на основе новых исторических материалов освещены посольские и торговые связи государства Амира Темура и Тимуридов с Китаем.

#### **SUMMARY**

Ambassadorial and trade relationship between Amir Temur and timurids with China on the basis of new historical materials are given in this article.

---

<sup>1</sup> Бўриев О. Соҳибқирон Амир Темур. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 70-71.

## ЭТНОС ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Искандаров Ш. (ТТА), Тўхтамишева Ф. (ҚарДУ).

**Таянч сўз ва иборалар:** *этнос, халқ, маданият, этнографик, араб тили, миллий, дин, миллат, элат, тарих.*

Миллий ўзликни англаш бугунги ривожланиб бораётган жамиятда янгича илмий-назарий мактабларнинг шаклланиши билан боғлиқдир. Бу маданият тараққиётининг турли босқичларига мос келадиган халқлар психологиясида турли тафовутлар мавжудлиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Маълумки, “*этнос*” атамаси илк бор қадимги юнон тилида келиб чиқиши юнон бўлмаган аҳолига нисбатан қўлланилган. XIX асрдан бошлаб эса “*этнос*” атамаси “*халқ*” маъносида ишлатилади. Немис этнологи А. Бастиан халқ ва этнос тушунчаларини синоним сифатида талқин қилган ва этниклик деганда халқнинг маданий ўзига хос қиёфасини тушунган. Этник бирликлар ва муносабатларнинг турли шаклларини англашиш учун *этнос* сўзи воситасида ҳосил қилинган *этник гуруҳ*, *этник жараён*, *этнослараро муносабатлар*, *этник ўзига хослик*, *этник ўзликни англаш* каби иборалар қўлланади. “Этник хусусийлик нималардан иборат?”, “Этник моҳият нима?” деган саволлар бугунги кунда кўпчиликни қизиқтирмақда [1].

Хорижий адабиётларда “этнос” ўз-ўзини англовчи кишилар бирлиги” сифатида қаралади [2]. Шунингдек, этнос “ўзини жамоавий ҳолда ва беихтиёр маълум бир қадриятлар асосида умумлаштирувчи шахслар мажмуидир” [3]. Ўз навбатида айтиб ўтиш ўринлики, этнос инсонларнинг иродаси таъсирида эмас, балки тарихий жараёнлар таъсирида пайдо бўлади. Шунинг учун ўзаро фарқ қилувчи “биз–улар” антитезиси асосий роль ўйнайди. Баъзида этносларнинг бир-биридан фарқ қилиши этник бирлик моҳиятини аниқлашга нисбатан иккиламчи аҳамиятга эга, деб таъкидланади. Этносни ташқи чегараловчи хусусиятлар унинг ички тарафидан ҳам яхлитлигининг ифодасидир. Лекин этник бирликнинг ўзига хос жиҳати унинг ўзаро бир-биридан ажралиб туришидир. Шу этносни дифференцияловчи типик белгилар эса унинг ташқи томонида кўрилади.

Ю.В. Бромлейнинг фикрича, этник ўзликни англаш мазкур этнос вакилларининг ўзига хос гуруҳ бирлигини англаш, худудий, она тили тўғрисидаги умумий тасаввурларининг ифодаси, маданият, руҳиётининг ўзига хос ажралиб турадиган хусусиятлари ҳамда ушбу жамоага кирадиган, умумий пайдо бўлиши, тарихий тақдири ҳақидаги умумий тасаввурларида мавжуд ҳисобланади [4]. Этник ўзликни англаш ҳар бир халқнинг яшаш, турмуш тарзида намоён бўлади. В.Ф. Геннинг этник белгиларни этнос уюштирувчи этник омиллардан фарқ қилиб, этник белгиларнинг муҳим томони шундаки, улар доим этник маъно ва мазмун касб этади, – деб таъкидлайди [5]. Этносни уюштирувчи объектив омилларга у худудий бирлик, иқтисодий хўжалик бирлигини киритиб, булар этник муносабатлар ва этник онгнинг туғилишига сабаб бўлади, деб ҳисоблайди.

Россия этнограф олимлари Л.П. Лошук ва В.М. Козловлар тил этник бирлик шаклланишининг муҳим шартидир, тил нафақат этник омил, балки этник белги ҳамдир, деб ҳисоблайди [6]. Аммо этногенез масалалари билан шуғулланувчи қатор олимлар тилни этник омилга киритмасдан, тил фақат этник белгидир, дейдилар [7]. Юқоридаги муаллифларнинг илмий тадқиқот ишларида этносни ўзига хос хусусияти тил бирлиги, номи, этномаданий бирлик ва этник ўзликни англаш бирлигига катта аҳамият қаратилган. Тил этник ўзликни англашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бироқ ҳар бир халқнинг этник ўзлигини англашда унинг тарихий хотираси ва этномаданий жараёни муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбек олими В.Кўчқоров ўзининг илмий тадқиқот ишларида этник ўзликни англаш ва барқарорлик тараққиётига доир қарашларни илгари сурган. Этник ўзликни англаш ҳар

бир халқнинг этномаданий алоқаси ва савдо-сотиқ ижтимоий характериға эға ҳисобланади. Жумладан, “миллий” ва “ўзликни англаш” тушунчалари кўпгина таҳлилий ҳамда танқидий муносабатларнинг шаклланишиға олиб келган. “Миллийлик” тушунчаси ижтимоий-сиёсий жиҳатдан таҳлил қилинганда, жамиятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти мобайнида маълум бир миллат, элатнинг тил, жойлашган ҳудуди, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, психологик ҳолати ва дунёқараш тузилмасини ўзида акс эттирган мураккаб воқелик сифатида намоён бўлади [8].

Ўзбекистон арабларида этномаданий этник ўзликни англаш диний қарашларда ўз аксини топган. Арабларнинг катта қисми ўзларининг келиб чиқиши ва ота-боболарининг кўчиб келишини илк ва ўрта асрлар даври билан боғлиқ эканлигини таъкидлашади. Уларнинг фикрича, маҳаллий аҳолиға ислом динини тарғиб қилиш мақсадида бу ҳудудға келиб жойлашганлар. Кейинчалик маҳаллий халқлар билан яқин муносабатда бўлиб, уларнинг маданиятини ўзларига йиллар ўтиши натижасида сингдиришган. Дин ижтимоий ҳамкорлик ва халқлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни келтириб чиқарган.

Ҳар бир халқнинг шаклланишида маънавий маданиятнинг аҳамияти бекиёс бўлиб, бунда руҳиёт ҳал қилувчи ўринда туради. Айниқса, бу этник гуруҳлар мисолида яққол кўзға ташланади. Масалан, яҳудийларнинг кўпчилиги ўз тилини билмайди, ўзға миллатлар маданиятиға мансуб бўлсалар-да, онг сезимида ўзларини ҳамиша яҳудий деб ҳисоблайдилар. Бундай кўриниш АҚШда яшовчи венгерлар, поляклар, немисларға ҳам тааллуқлидир [9].

Айниқса, Ўзбекистон ҳудудидаги турли асрларда кўчиб келиб жойлашган араблар ҳаётида ҳам бу каби ҳолатни кузатиш мумкин. Уларнинг катта қисми ўз тилини унутиб бўлишган, фақатгина айрим урф-одат ва анъанавий маросимларни ёки қиёфадаги ўзига хос хусусиятни кузатиш мумкин. Тил ҳар бир халқнинг қадимий ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ деб эътироф этилади. Олимлар томонидан бугунги кундаги этник ўзликни англашнинг янги қарашлари шаклланмоқда.

П.И. Кушнер ўз илмий тадқиқот ишларида этник ўз-ўзини англашда этникликни белгилувчи жиҳатларға тўхталиб ўтган [10]. Унинг фикрича, этникликни аниқлашда психологик омиллар ҳам катта аҳамиятға эға. П.И. Кушнер этник ўз-ўзини англашда объектив сабабларни таҳлил этган.

Этнограф Н.Н. Чебоксаров этник ўз-ўзини англаш категорияси ва этник жамоаларнинг шаклланишиға ўзига хос тарздаги барча омиллар фаолияти натижаси сифатида қарайди. Унинг фикрича, ўз-ўзини англаш бевосита этник жамоа номи билан боғлиқ бўлади [11]. Масалан, Ўзбекистон арабларининг этник номи минг йиллардан бери ўзгармай келмоқда.

Этник ўзликни англашни файласуфлар бирламчи онг деб эътироф этишса, этнологлар этник ўзликни англаш халқнинг этник тарихи билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Ўзбекистон арабларининг этномаданиятида идентификацияни англаб етишни аниқлаш учун араб миллатиға мансублик нимани англатади, деган мазмунда савол қўйилганда, улар ўзларининг этник номи миллий маъмурий-ҳудудий жой билан боғлиқ эканлигини эътироф этишади. Ўтказилган сўровда қатнашганларнинг кўпчилиги араб миллатиға мансублигини таъкидлаган.

Миллий маданиятни шакллантириш ва этник ўзликни англашда, айниқса, оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутуди. Оммавий ахборот воситалари жамият ривожини ва этник ўзликни англашда зарурий омиллардан бири ҳисобланади. Тил, қайсидир маънода бизнинг фикрлашимизға таъсир қилар экан, маданий аҳамият бахш этади. Йохан Готфрид Гердернинг фикриға кўра, тил миллатнинг жамоат бойлиги ҳисобланади, модомики ҳар бир тил оламда ўзига хос қарашларни шакллантирар экан, демак, инсониятнинг интеллектуал бойлиги унинг тилининг турли-туманлиги билан боғлиқ бўлади [12].

“Этник ўзликни англашда анъанавий қадриятларнинг ўзига хос ўрни” мавзусида россиялик этнограф олимлар Д.А. Баранов, В.А. Дмитриев, Л.Ф. Попова, И.В. Стасевич

ва Ж.К. Чистяковалар томонидан араблар ўртасида этносоциологик метод асосида сўронома ва тадқиқот ўтказилган [13]. Муаллифлар томонидан Қашқадарё вилояти Миришкор туманига қарашли Жейнов қишлоғида арабларнинг анъанавий турмуш-тарзи ва маданияти, этник ўзликни англаш жараёни таҳлил этилган. Улар “этник” ва “миллий” идентиклик тушунчаларининг ўзаро нисбати ҳақида баъзи олимларнинг назарий мулоҳазаларига таянган ҳолда ўз тадқиқот ишларини олиб боришган. Этник бирлик иборасини фақат миллий бирлик, яъни миллат пайдо бўлгунга қадар бўлган босқичга нисбатан ишлатиш таклиф этишган. Тўғри, гарчи миллат таркиби тўлиқ идентиклиги бўлмаса-да, у ҳам миллатгача бўлган этник бирликлар билан бир хил тартибдаги ҳодиса саналади. Зеро, кўпчилик элатлар миллатнинг ўзаги бўлган ва улар миллат номига айланган. Масалан, арман элати ва миллати, япон элати ва миллати каби.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон арабларининг ривожланиши ва этник тарихи масалаларининг ўрганилишига тарихшунослик тадқиқотида етарли даражада эътибор қаратилмаган. Аммо у ёки бу илмий муаммонинг алоҳида масалалари нуктаи назаридан олганда, тарихшунослик таҳлилига тортилиши лозим бўлган масалалар ҳам талайгина. Айниқса, XX асрнинг бошларидан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудидаги араблар тарихини ўрганиш ва уни тадқиқ этишга киришилди. Шунинг натижасида араблар тарихшунослиги маълум даражадаги адабиётлар асосида ёритилди. Бироқ кейинги вақтларга келиб бу масала араб тарихшунослиги билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларида баён этилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Садохин А. П. Этнология: Учебник. 2-е изд. Перераб. и доп. – М.: Гардарики, 2004. – С. 32.
2. Muhlmann W. Rassen, Ethnien, Kulturen. Berlin, 1964. – P. 57.
3. Maget M. Problems dethnographie europeen. – ethnologie generale. – Paris, 1968. – P. 326.
4. Бромлей Ю В. Этнические процессы в современном мире России. – М.: Норгит, 1999. – С. 6.
5. Генинг В. Ф. Этнический процесс в первобытности. – М.: Свердловск, 1970. – С. 23.
6. Лошук Л. П. О формах донациональных этнических связей // Вопросы истории. – М., 1967. – № 4. – С. 80.
7. Козлов В. И. Динамика численности народов. – М.: Наука, 1969. – С. 26–28.
8. Крюков М. В., Софронов М. В., Чебоксаров Н. М. Древние китайцы: проблемы этногенеза – М.: Наука, 1978. – С. 4.
9. Кўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт. – Т.: Akademiya, 2013. – Б. 20–21.
10. Хўжамуродов И. Р. Ўзбек халқи миллий (этник) ўзлигини англашнинг шаклланиши муаммолари ва унга исломнинг таъсири. – Т., 1994. – Б. 59.
11. Кушнер П. И. Этнические территории и этнические границы // Труды института этнографии. – Новая серия. – М., 1949. – С. 8.
11. Чебоксаров Н. Н. Проблема этнических общностей в трудах советских ученых // Советская Этнография. – 1967. – № 4. – С. 68-86.
12. Schlesinger I. M. The wax and wane of Whorfian views. – 1991. – P. 12.
13. Баранов Д. А., Дмитриев В. А., Попова Л. Ф., Стасевич И. В., Чистякова Ж. К. Предварительные итоги работы по опроснику // Изучение национального самосознания в этнографическом музее. Материалы семинара. – СПб., – М., 1998.

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада этнос ва миллий ўзликни англаш билан боғлиқ янги илмий-назарий ёндашувлар баён этилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье изучаются новые научные и теоретические подходы, связанные с этническим и национальным самосознанием.

#### SUMMARY

This article ethnic and national self-consciousness associated with the examination of the scientific and theoretical approaches.

*Нашрга доц. О.Бўриев тавсия этган*

## БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОРАКЎЛЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ

Пардаев А. (ҚарДУ қошидаги 2-академик лицей), Ахмедов Б. (ҚарМИИ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *БХСР, Россия, Германия, Афғонистон, Чоржўй, Қарши, Шарқий Бухоро, қоракўл тери, ярмарка, чорвачилик.*

Бухоро қадимдан ўзининг қоракўл тери маҳсулотларини етиштириш ва четга экспорт қилиш борасида машҳур бўлган. Бухоро амирлиги ва Бухоро Халқ Совет Республикалари даврида ҳам қоракўл тери хорижга чиқариладиган асосий маҳсулотлардан бири бўлган. Лекин йиллар ўтиши давомида қоракўл тери ишлаб чиқариш камайиб кетган.

Умуман олганда, қоракўл қўй зоти халқ селекцияси натижасида яратилган бўлиб, улардан олинадиган қоракўл терилари ўзининг нафислиги, бежиримлиги пишқиллиги, ранг-баранг тусларда товланиб туриши билан жаҳон мўйна бозорида муносиб баҳоланган. Шунингдек, қоракўлчилик чўл ҳудудларида яшовчи 2,5 миллиондан ортиқ аҳолининг турмуш даражасини белгилайдиган асосий соҳалардан биридир. Шу боис қоракўлчиликни ривожлантириш энг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалардан биридир.

Мустақиллик йилларида чўл яйловларидан самарали фойдаланиш, озуқабоп ўсимлик навларини яратиш бўйича салмоқли тадқиқотлар олиб борилди.

2018 йил 16-17 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев вилоятларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига ташрифи чоғида ҳам қоракўлчиликка алоҳида тўхталиб, қўйидаги фикрларни билдирган эди: “Вилоятда азалдан қоракўлчилик ривожланиб келган. Лекин сўнгги йилларда соҳага етарлича эътибор берилмагани сабабли қоракўл тери ишлаб чиқариш кескин пасайган. Соҳага илмий ёндашувнинг йўқлиги, яйловларнинг қисқариши, суғориш тизимидаги камчиликлар, зарур техника воситалари йўқлиги боис қўйларнинг насли бузилган<sup>1</sup>”.

Бухорога 1920 йилдаги Қизил армиянинг босқини ва истиклолчилик ҳаракатлари даврида иқтисодий ҳаёт издан чиқди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси хўжалигининг асосий даромад манбаларидан бири чорвачилик ҳисобланарди. Лекин Бухородаги воқеалар чорвачиликка ҳам таъсир этмасдан қолмади. Уруш йилларида қўйларнинг қириб юборилиши; ички урушлар туфайли қоракўл териларининг хорижга (Россия ва Германия) чиқаришнинг кескин қисқариши; давлат томонидан юқори бож тизимининг жорий қилиниши чорвачиликка ҳам ўз таъсирини ўтказди. Жумладан:

а) қоракўл тери ва жун маҳсулотлари етиштирадиган чорвадорлар ўзларининг маҳсулотларини арзон нархда сотиши натижасида чорвачиликка ҳам зарар келтирилган;

б) ташқи савдо айланмасининг камайиши контрабанда (яъни яширинча чегарадан мол олиб чиқиб кетиш ва олиб келиш) нинг кўпайишига олиб келган. Масалан, БХСР ҳудудида 1 дона қоракўл тери баҳоси 2 афғон рупияси турса, афғон савдогарлари чайқовчилардан уни 8-9 рупияга сотиб олган. Натижада тайёр маҳсулот жуда қиммат нархда олиб келинган<sup>2</sup>. Ҳаттоки хар йили 2 миллион дона қоракўл тери четга экспорт қилган Бухоро савдогарларининг 1920 йилда қоракўл терини тайёрлаши 200 минг донага тушиб қолди.

Шу мақсадда ҳукумат чорвачиликни юксалтириш мақсадида бир талай ишлар олиб борди. Чунки чорвачилик маҳсулотлари, биринчи навбатда қоракўл тери, жун ва ичак маҳсулотлари чет элга экспорт қилинган бўлса, йирик шохли қорамоллар қишлоқ хўжалигида ишлатишда асқотган.

1922 йил сентябрь ойида Боқу ярмаркасига Эски Бухоро шаҳридан 5 вагондан иборат ҳукумат ва фуқароларнинг хусусий маҳсулотлари олиб борилган. Ушбу моллар ичида

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”, 2018 йил 17 февраль .

<sup>2</sup> ЎзР МДА, 46- фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 51-52-варақлар.



25 минг дона қорақўл тери, 37 минг дона ошланган тери ҳамда 140 минг дона мол ичаги ва бошқа маҳсулотлар жўнатилган<sup>1</sup>.

Умуман олганда, қўйчиликда асосан икки хил қўй зоти алоҳида ўрин эгаллаган. Булар ҳисори ва қорақўл қўй зотлари бўлиб, айниқса, қорақўл қўйларни етиштириш БХСР ҳукумати учун катта фойда келтирган. Чунки қорақўл тери ва жуни чет элга сотиладиган энг қиммат хомашё ҳисобланган. Бу борада афғон савдогарлари билан олиб борилган савдодан жуда катта фойда олинган. Бироқ Афғонистон билан ташқи савдонинг узилиб қолганлиги ва чорва молларининг 1920-1923 йиллар оралиғида хорижга чиқиб кетган муҳожирлар томонидан мамлакатдан олиб чиқиб кетилганлиги натижасида қўйчилик соҳаси таназзулга учраган.

1923 йилдан ҳукумат қорақўл тери етиштириш масаласига жиддий эътибор қаратиб, янгидан “Қорақўл савдоси ва саноати” ширкатини ташкил қилди. Ҳар бир пуд (16 кг) қорақўл терига 10 олтин сўм миқдорида бож белгиланди<sup>2</sup>. Қорақўл савдосининг ваколати хусусий савдогарлардан олиниб, давлат ва кооператив ширкатларига берилди. Натижада “Қорақўл савдоси ва саноати” ширкатининг мавқеи ошиб, Германияга кўп миқдорда қорақўл тери чиқарилди. Россиянинг Макар ва Ирбит ярмаркаларида савдо-сотик жараёни, асосан август ойининг биринчи кунидан бошланиб, 1,5 ой давом этган. Бу ярмаркага ташриф буюрган немис савдогарлари Бухоро савдогарларидан, асосан пахта ва қорақўл тери сотиб олган. Бухоро Республикаси ҳукумати ушбу ярмаркадан фойдаланиб, хориж савдосига йўл очиб, тўпланиб қолган маҳсулотларни (қорақўл тери, пахта, тери, жун) сотиш имкониятини қўлга киритган.

Ҳукумат олиб борган иқтисодий ислохотлар натижасида чорва туёғи сони ҳам ошиб борган. 1923 йил республикадаги умумий чорва туёғи сони 2.570.000 бошни ташкил қилган. Республика ҳукумати чорвачиликни юксалтириш мақсадида 1924 йил 30 март да чорва моллари эгаларини барча турдаги солиқ ва йиғимлардан озод қилишга қарор қилди<sup>3</sup>. Шунингдек, 1924 йил Россия ва БХСР ҳамкорликда 2 млн рубл маблағга эга бўлган экспорт бўйича ширкат ташкил қилинди. Юқоридаги тадбирлар, албатта, Бухоро чорвачилигининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган.

1923-1924 йилда БХСРда 600 минг дона қорақўл тери маҳсулотлари қуйидаги ташкилот ва шахслар томонидан сотилган<sup>4</sup>.

1-жадв.

#### 1923-1924 йилларда БХСРдаги ташкилотлар томонидан чет элга сотилган қорақўл терилари

Т/р	Ташкилотлар номи	Сотилган хомашё (дона)
1	Бухоро Савдо бўлими	150 минг
2	СССР Савдо бўлими	115 минг
3	Бухоро хомашё тайёрлаш бўлими	105 минг
4	Рус-Бухоро акциядорлик жамияти	2500
5	“Иқбол” ширкати	10 минг
6	Хусусий олиб сотарлар	15 минг
7	Кавказлик савдогарлар	20 минг
8	Савдогарлар ва ишлаб чиқарувчилар қўлида қолгани	60 минг
9	Афғонистон ва Эронга сотилгани	80 минг
<b>Жами:</b>		<b>557500</b>

<sup>1</sup> Раҳмонов К. Бухоро-Озарбайжон: ҳамкорлик чорраҳаларида.-“Тарихий хотира-маънавият асоси” мавзуида республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро, 2010. – Б 102.

<sup>2</sup> Раҳмонов К. Бухоро қорақўл терилари хориж ярмаркаларида (“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари асосида) // “Тарихий хотира-маънавият асоси” мавзуида республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро, 2011. – Б. 28.

<sup>3</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар. I том. – Б. 274.

<sup>4</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. – №4. – С. 100.

Сотилган 425 минг дона қорақўл териға Ўрта Осиё тижорат банки томонидан пул ўтказилган. Бундан ташқари ноқонуний йўл билан Афғонистонга 200 минг дона қорақўл тери олиб чиқиб кетилган<sup>1</sup>.

БХСР ҳукумати хорижий мамлакатларга чиқарилаётган қорақўл териларни Петроград (1924 йил январдан Ленинград) шаҳри орқали сотган. Иттифоқ республикаларига қорақўл терилар Москва ёхуд Нижний Новгород ярмаркаси орқали сотилган. Хомашё тайёрлаш ширкати ва Давлат савдо шуъбаси келишиб, Марказга жўнатиладиган қорақўл териларни аввал Бухорода, сўнг Москвада саралаб олишган<sup>2</sup>.

Бухоро Иқтисодий Кенгашининг 1924 йил 19 февралда бўлган мажлисида Давлат савдо нозирлиги раиси А.Ҳасановнинг қорақўлчиликка оид ҳисоботи эшитилган. Ҳисоботда 1924 йил 6 январдаги Давлат савдо нозирлигининг қарорига кўра, 4 та қорақўлчилик билан шуғулланувчи бўлим очиш учун 11550 рубл ажратилган. Лекин бўлимнинг фаолияти қониқарли олиб борилмаганлигидан қорақўл тери тайёрловчи мутахассислар билан алоқа фақат воситачи олиб-сотарлар орқали олиб борилган<sup>3</sup>. Айниқса, Чоржўй, Карки ва Қаршидаги бўлимлар фаолияти қониқарсиз ҳисобланиб, Бухоро Иқтисодий Кенгаши қарорига кўра, Давлат савдо нозирлигига юқоридаги ҳудудлардаги бўлимларнинг фаолиятини яхшилаш ҳамда маҳаллий аҳоли ва бўлимлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш чораларини кўриш топширилган<sup>4</sup>.

Бухоро Иқтисодий Кенгашининг 1924 йил 2 майдаги мажлисида кўрилган масалалардан бири яна айнан қорақўлчиликка бағишланган бўлиб, унда Иқтисодий Кенгаш ҳар бир қорақўл тери учун 7 рублдан пул тўлаган.

Шунингдек, ушбу мажлисда, Шарқий Бухорода қорақўлчиликни ривожлантириш мақсадида 11 минг рубл ажратилган бўлиб, унинг бажарилишини таъминлаш БХСР Савдо нозирлиги зиммасига юклатилганди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Бухоро Иқтисодий Кенгаши чорвачилик, хусусан қорақўлчиликни ривожлантириш учун ҳам қатор ислохотларни амалга оширди. Сабаби, қорақўлчилик узоқ йиллар давомида собиқ Бухоро амирлигида ҳам катта фойда келтирган соҳалардан бири эди. Шунинг учун ҳам большевиклар ва “Ёш бухо-роликлар” бу соҳанинг ривожланишидан манфаатдор эди.

Бундан ташқари, қорақўл териларининг четга экспорт қилинадиган маҳсулотга айланиши, мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим бир соҳага айланиши шубҳасиз. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда қорақўлчилик соҳасини илмий асосда ташкил этишда ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. “Халқ сўзи”, 2018 йил 17 февраль .
2. ЎзР МДА, 46- фонд, 1-рўйхат, 35-иш.
3. Хўжаев Ф. Танланган асарлар. Уч томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1976. – 536 б.
4. Бухоро ВДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 67-иш.
5. Народное хозяйство Средней Азии. 1924. – №4.
6. “Озод Бухоро”, 113-сон. 1924 йил 8 август.
7. Раҳмонов К. Бухоро-Озарбайжон: ҳамкорлик чорраҳаларида. “Тарихий хотира-маънавият асоси” мавзуида Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро, 2010. – 350 б.
8. Раҳмонов К. Бухоро қорақўл терилари хориж ярмаркаларида (“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари асосида) // “Тарихий хотира-маънавият асоси” мавзуида Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро, 2011. – 270 б.

---

<sup>1</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. – №4. – С. 100.

<sup>2</sup> “Озод Бухоро”, 113-сон. 1924 йил 8 август.

<sup>3</sup> Бухоро ВДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 67-иш, 1-варак.

<sup>4</sup> Бухоро ВДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 67-иш, 2-варак.

## РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Бухоро Халқ Совет Республикасида қорақўлчиликнинг аҳволи, республика иқтисодиётига таъсири ва ҳукуматнинг ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида амалга оширган сиёсати ҳақида сўз боради.

## РЕЗЮМЕ

В данной статье идёт речь о состоянии каракулеводства Бухарской Советской Народной Республики, его влиянии на экономику республики, о политике в целях развития этой отрасли.

## SUMMARY

In this article discusses the state of astrakhan fur in the Bukhara Soviet Republic, its impact on the economy of the country and the government's policy for the development of this sphere.

*На ширга доц. О.Бўриев тавсия этган*

## “АРАБ БАҲОРИ”: МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ЎЗГАРИШИ

Суяров Н.Р. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *жамиyat, “Араб баҳори” – диний талқин, фитна, ижтимоий-иқтисодий вазият, “Twitter” инқилоби, демократия, парламент сайловлари, сиёсий режим, “Мусулмон биродарлари”.*

“Араб баҳори” (араб. *العربي الربيع*) атамаси 2010–2011 йилларда Шимолий Африка ва Яқин Шарқда содир бўлган оммавий норозиликлар тўлкини ва инқилобий ҳодисаларга нисбатан ишлатилади. Бу атама пайдо бўлиши баъзи таҳлилчилар томонидан, ҳодисалар дастлабки бошланган пайтда умумэтироф этилган демократик тушунчаларнинг давлатларда шиддатли оқимга киргани билан боғлаб, бу Шимолий Африкадаги араблар ҳаётига келаётган баҳор, одамлар учун яхши кунлар, ижобий қадриятларнинг бошланиши, деб таъкидлаганликлари ортидан келиб чиқади.

Лекин айтиш керакки, унда ишлатилган “баҳор” сўзида турли хил талқинлар вужудга келганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, Шайх Солиҳ Фавзон “араб баҳори” ҳақида сўз юритиб, воқеалар ривожига диний талқин беради. Унинг фикри қуйидагича: Аллоҳга қасамки, биз ҳеч қандай баҳорни кўрмадик! Одамлар қатлидан бошқа ҳеч нарса кўрмадик ва фитна кўрдик, ундан бошқа нарса эмас... Бу ҳеч қандай баҳор эмас. Ҳа, уни фақат улар шундай (баҳор деб) номлашади. Мусулмонлар эса буни баҳор дейишмайди. Яна бу улар учун баҳор экани ҳам тўғри. Чунки у (баҳор) сабаб мусулмонларга зарар етказишяпти ва бундан хурсанддирлар. Ва бу улар учун “баҳор”. “Араб баҳори” деганда, кўпчилик одамлар воқеалар баҳорда бошлангани учун шундай номланган деб ўйлашмоқда. Аслида ундай эмас. Чунки юқорида айтиб ўтилганидек, араб воқеалари баҳор фаслида эмас, балки декабрь ойида бошланган. Юқоридаги маълумотларга кўра, шуни айтиш мумкинки, намоишлар бўлиб ўтаётган давлатлардаги халқ бугунги кунгача кучли тазйиқ остида яшаган ва бу ҳолатни улар мажозий маънода “булутли киш кунлари” деб, энди эрилишиши кутилаётган ғалаба ва ундан кейинги ҳаётни эркинлик, арабларнинг “баҳори”, ёруғлик, енгиллик ҳамда эркинлик кунлари деб изоҳлашмоқда<sup>1</sup>.

“Араб баҳори” воқеалари бошланишига қадар Миср Араб Республикаси нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки ижтимоий-сиёсий вазият кўрсаткичлари ҳолатига кўра, дунё давлатлари орасида ижобий кўринишга эга бўлган. Хусусан, Халқаро валюта фонди берган маълумотларга кўра, 2000–2009 йиллар орасида Мисрдаги ЙИМ 3 марта ўсган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Бозоров О. Бугунги куннинг энг долзарб вазифаси/ Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат. – Т.: Movarounnahr, 2013. – Б. 83-84.

<sup>2</sup> Towards constructing an Egyptian democracy index (A glance on the international indexes). The Social Contract Center August, 2014.

Мисрда 2011 йил норозиликлари содир бўлишидан олдин кўпчилик экспертлар амалдаги президент Хусни Муборак режимини минтақадаги энг барқарор режимлардан бири деб ҳисоблашган. Шарқшунос тадқиқотчи Алтавил Фарис Алининг таъкидлашича, оммавий норозиликлар тўлқини бошлангунга қадар Мисрдаги кўп партиявийлик тизими, сайловлардаги рақобат муҳитининг кучайиб бориши, парламент, маҳаллий бошқарув органлари ҳамда суд ҳокимияти органларининг барқарор фаолияти мамлакатда демократик унсурларнинг шакллантиргани ҳамда уни минтақанинг барқарор демократик давлатларидан бирига айлантирган эди<sup>1</sup>. Агар эътибор берадиган бўлсак, “Араб баҳори” бошланган 2010 йил декабрида Мисрда парламент сайловлари ўтказилаётган эди. Ушбу сайловларда “Мусулмон биродарлари” ташкилоти фаолиятига ҳукумат томонидан жиддий қаршилик амалга оширилди. Бунинг иккита асосий сабаби бор: биринчиси, бундан олдинги сайловларда ташкилот ўз фаолияти давомида энг юқори ўринни эгаллагани бўлса, иккинчиси, минтақадаги давлатларда оломон норозиликларнинг авж олиши ҳисобланган. Шу боисдан Миср бир қарашда бундай инқилобий вазиятга тайёр тургандек кўринган эди. Бироқ воқеалар ривожини бунинг аксини кўрсатди. Шу жиҳатдан Мисрдаги “Араб баҳори”да ички ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятдан кўра, ташқи кучларнинг таъсири ниҳоятда кучли роль ўйнаганини кўриш мумкин.

Мисрда 2011 йилнинг 25 январидан бошлаб оммавий чиқишлар бошланди. Намойишчиларнинг асосий талаби Хусни Муборак режимини ўзгартириш ва замонавий Мисрни бунёд этиш бўди. Намойишчиларга қарши полиция кескин ҳаракатларни амалга оширди. Тартибсизликлар кўлами Қоҳира ва Мисрнинг бошқа асосий шаҳарларига ёйила бошлади. Бу эса норозилик иштирокчиларининг муваффақиятга эришишига кўмаклашди. Натижада полиция бутунлай тарк этди ва унинг ўрнини армия эгаллади.

Араб шарқида инқилоблар радикал кайфиятдаги ёшлар томонидан ижтимоий тармоқлар ва интернет орқали ташкил этилгани, айниқса, Мисрда яққол намоён бўлди. Дунёда кетаётган демократлашув ва либераллашув жараёнларини қузатган Миср ёшларида ўзининг атроф-муҳитидан норозилик вужудга кела бошлади. Мамлакатда янги информация ва коммуникация технология воситаларининг кенг омма томонидан фойдаланиши бу тармоқнинг ҳокимият назоратидан чиқиб кетишига олиб келди. Масалан, 2005 йилга келиб Мисрда 180 000 та блоглар ишлар эди, яъни бу тармоқлар араб тилидаги барча тармоқларнинг 40 фоизини ташкил этди. Ёш блоггерлар томонидан турли намоийишларга омманан жалб этиш айнан норасмий ОАВ орқали амалга оширилди. Youtube ва Facebook сайтларида мисрлик ёшлар мамлакат сиёсий келажагига бефарқ бўлмаслик ва янги ҳокимият шаклланишида фаол иштирок этишга чорладилар. Яқин Шарқда, шу жумладан, Мисрда 1985–1990 йилларда туғилиш суръатларининг ортиши ва инқилоб даврига келиб аҳоли демографик структурасида ёшлар улусининг кўпайиши бу оммавий ҳаракатларда ёшларнинг кенг жалб этилишини таъминлади<sup>2</sup>. Миср ёшларининг Таҳрир майдонида тўпланиши ва уларнинг жуда қудратли кучга айланишида айнан ОАВнинг “ҳиссаси” бениҳоя эканлигини кўриш мумкин. Твиттер, Facebook сингари ижтимоий тармоқлар Миср ғалаёнларини уюштириш ва назорат қилишда етакчилик вазифасини бажарди. Шу боисдан ҳам Мисрда юз берган ҳодисаларга “Twitter инқилоби” дея таъриф берилади. Googleнинг Яқин Шарқ бўлими менежери Ваэл Гоним ғарб ОАВларига берган интервьюсида Facebook ижтимоий тармоғида Муборак режимига қарши саҳифа яратгани ва ундан асосий мақсад Муборак режимини кулатиш бўлганини таъкидлаган. Машҳур Миср иқтисодчиси ва шарҳловчиси, Қоҳирадаги Америка университети профессори Жалол Амин 2011 йил январдаги инқилобий воқеаларни қуйидагича изоҳлайди: “Турли хил қарашларга эга

<sup>1</sup> Altavil Faris Ali. Transformations of political regimes in Egypt and Libya in the context of the Arab spring: comparative analyses. <https://doi.org/10/241158/pep, 2017>.

<sup>2</sup>Egypt analysis. A political situation in Egypt. Canvas, September 2015. – P. 3.

гуруҳларнинг мавжудлигига қарамай, Ал-майдонда (Таҳрир майдони) норозилик учкуни-нинг аланга олишида ёшлар ҳал қилувчи рол ўйнади. ОАВлари кўмаги билан Кифоя ва Муҳаммад ал-Баради томонидан бошқарилган Ўзгаришлар миллий ассоциацияси сингари ёшлар ташкилотлари тузилиб, Мисрда инқилобни келтириб чиқариш учун уларнинг фао-лиятига оммавий тус берилди. Энг ачинарлиси, ёшлар муаммоларни мустақил равишда ҳал қилиш мақсадида ўзларининг “6 апрель ёшлар ҳаракати” деб номланган ташкилотла-рини ташкил этишди. Бу эса Мисрнинг ёшлар масаласида етарли даражада ислохотларни йўлга қўймаганини кўрсатиб берди”. Дарҳақиқат, ёшларнинг ОАВ воситасида ҳаракатга келтирилиши Миср инқилобининг содир бўлишида туртки вазифасини бажарди<sup>1</sup>.

Шу ўринда айтиш керакки, Мисрда ОАВнинг роли ва эркинлиги борасида бир қан-ча баҳс-мунозаралар айна шу даврда пайдо бўла бошлади. Иосиф Спивак муаллифлиги остидаги “Яқин Шарқдаги араб давлатларида демократия ўрнатиладими?” сарлавҳали мақолада шундай жумлалар келтирилади: “Америкалик юксак мартабали дипломатлар-дан бири Миср Республикаси президенти Хусни Муборак билан учрашган чоғида ниҳоя-тда эҳтиёткорлик билан инсон ҳуқуқлари масаласидан сўз очиб, Миср ҳукумати сиёсий ра-қибларга бўлган муносабатини бироз юмшатиб, оммавий ахборот воситаларига эркин-лик берса бўлмасмикан, дея таклиф киритди. Шунда Хусни Муборак қуйидагича жавоб берди: “Агар мен бундай қилганимда, Миср шу вақтгача ақидапарастлар қўлига ўтиб кет-ган бўлар эди. Сиз шунга хоҳлайсизми?!”. Ҳақиқатан, Мисрда ақидапараст кучлар ОАВлари-дан ўзининг сиёсий мақсадларини амалга оширишда усталик билан фойдаланиб келган.

Мисрда оммавий намоёнлар турли хил нуқталардан эмас, “Мусулмон биродарла-ри” ёшлар қанотининг уюшган ташкиллаштирувлари орқали амалга ошди. Бунинг натижасида эса Мисрда бўлиб ўтган инқилобнинг биринчи кунларидан бошлаб унинг яқин келажакдаги натижалари аён бўла бошлади, яъни ҳокимиятга “Мусулмон биродарлари”нинг тўғридан-тўғри даъволари мавжуд эди. Х.Муборак режими ағдарилгандан сўнг инқилобла-рни бошдан кечирган ҳеч қайси бошқа араб давлатида “Мусулмон биродарлари”чалик ҳокимиятга эришишга яқин ва омма орасида кучли қўллаб-қувватланадиган уюшма йўқ эди. Шу билан биргаликда, мамлакат 1981 йилдан буён фавқулудда вазият ҳолатида яшаб, диний негиздаги партиялар фаолиятининг таъқиқланиши мамлакатнинг аксарият аҳолиси-да тушқунлик кайфияти ва ҳукмрон табақага нисбатан ишончсизлик тўпланиб боришига олиб келди. Қолаверса, аҳолининг барча қатламларини доимий босим ҳолатида ушлаб ту-рилиши ҳамда Тунидаги демократик ўзгаришлар тарафдорларининг ўз ҳуқуқ ва эркин-ликларини талаб қилиб чиқиши мисрликларни ҳам ҳукмрон тузумга бўлган муносабатини салбий кўришиш касб этишига олиб келди.

Мисрда норасмий ОАВ ва уларни четдан бошқариб турилиши ташқи кучлар таъсири ва имкониятини кўрсатди. Бу ерда асосий масала шундан иборатки, Мисрда бошқарув ҳокимияти ва ҳарбийлар уюшқоклиги, демократик талабларга жавоб берадиган институт-ларнинг мавжудлиги ва шаклланганлигига қарамай, инқилоб орқали “демократия”ни олиб келиш ёки ўрнатиш сценарийси муваффақиятли яқунланди. Масаланинг моҳиятини очиб беришда аҳолининг энг қуйи қисми билан биргаликда нозик қатлами вакиллари ҳисоблан-ган ёшлар бўлганлигига эътибор қаратиш лозим. Бунга амалга оширишда ички ва ташқи тайёргарлик ўзаро мувофиқлаштирилиб асосий объект Миср авторитар режимини барбод этишга қаратилган эди. Табиийки, Миср муҳолиф гуруҳларининг ташқи ёрдам эвазига ўз фаолиятини кучайтириши бўлган асосий сабабни уларнинг муҳолиф мақомини ҳокимият-нинг ҳақиқий эгасига айлантиришига яқин қолганлиги билан изоҳлаш мумкин. АҚШ собик

---

<sup>1</sup> Habibi M., Jafari P., Jones-Nerzic R., Keys D., Smith D. History of Europe and the Middle East. – Oxford, 2013. – P. 126-128.

президенти Барак Обама Мисрдаги инқилобий ҳодисаларга тўхталиб ўтар экан, шундай деган эди: “Тарчи биз Мисрда содир бўлган воқеаларни кузатган ва кўрган бўлишимизга қарамай, бу биз учун Германияда Берлин деворининг кулаши сингари тарихни эслатиб юборди”. Шу маънода, Барак Обама Берлин девори деганда Ҳ.Муборак режимини назарда тутган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

2011 йилнинг февраль оyi ўрталарига келиб Ҳусни Муборак истеъфога чиқди, ўз ваколатларини Мисрнинг вице-президенти этиб тайинланган Умар Сулаймонга топширди. Миср парламенти тарқатиб юборилди ва қарийб бир йил давомида бошқарув Куролли кучлар олий кенгаши (ҚКОК) ихтиёрига ўтди. Янги парламент сайловларига исломий ҳокимият ўрнатиш тарафдори бўлган муҳолиф гуруҳлар жиддий тайёргарлик кўра бошлади. 2011-2012 йилларда ўтказилган парламент сайловларида Муборак даврида тақиқланган “Мусулмон биродарлари” ҳаракатининг ўнг қанотини ташкил этган “Эрк ва адолат партияси” вакиллари ажратилган ўринларнинг деярли ярмини қўлга киритишди. Иккинчи ўринни эса ислом альянси қанотларидан бири ҳисобланган салафийлар партияси – “ан-Нур” эгаллади. Кўриниб турганидек, “Араб баҳори” ҳодисаларида Мисрда исломий ҳаракат кучларининг ҳокимият тепасига келиши билан яқунлади. Мисрнинг тарихи гувоҳлик берадики, ҳеч қайси Миср бошқарув тизими “Араб баҳори” ҳодисаларигача “Мусулмон биродарлари”ни ҳокимиятга келишига изн бермаган. Шу жиҳатдан Мисрдаги “Араб баҳори” ҳодисаларини исломий бошқарув тарафдорларининг “тарихий ютуғи” сифатида баҳолаш мумкин.

Миср президентлик сайловларларида ғалаба қозонган “Мусулмон биродарлари” аъзоси Муҳаммад Мурсий ўз тарафдорлари ва ғарб оммавий ахборот воситалари тамонидан Мисрнинг демократик йўл билан сайланган дастлабки президенти деб эълон қилишди. Муҳаммад Мурсий мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни радикал ислом тарафдорларининг кўрсатмаларига биноан амалга ошира бошлади. Аммо вақт ўтиши билан “Мусулмон биродарлари”нинг мамлакат иқтисодиёти ва тараққиётини белгилашда аниқ дастур ва ўзгаришларни кўрсатиб беролмаслиги яққол кўрина бошлади. Мисрни қарийб чорак аср давомида дунёвий тараққиёт қондаларига асосланиб бошқариб келган ҳарбийлар ва либерал кучлар бундай бошқарув услубига рози бўлмаганлиги табиий эди. Шу боисдан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, аниқроғи, икки йилдан сўнг Мисрда оммавий норозиликлар қайта содир этилди. Мурсий режимига қарши қайфиятдаги оммавий чиқишлар бутун Мисрни қамраб олди. Бундай норозиликнинг қалқиб чиқиши ва муваффақият қозонишида ҳарбийларнинг етакчи ўринга эга бўлганини алоҳида қайд этиш жоиз. Натижада Миср Абдулфаттоҳ ас-Сиси бошчилигида яна дунёвий тараққиёт вакилларида иборат бўлган бошқарув йўли жорий этилди.

Хулоса сифатида таъкидлайдиган бўлсак, араб оламидаги воқеаларни ўрганиш, “Араб баҳори” ҳодисаларини туб моҳиятини таҳлил этишда, албатта, бу ерда унинг ўзига хос тарихий хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз:

**биринчидан**, баъзи араб мамлакатларида ҳали ҳануз ҳам “Араб баҳори” воқеаларининг таъсири фуқаролар уруши, террорчилик, диний экстремизм кучайиши, шунингдек, радикал исломизм ғояси тарафдорларининг қаршилик ҳаракатлари, мазҳабий низолар ҳамда миллатчилик кўринишида давом этаётганлиги бу ҳодисаларни тарихий аҳамиятини чуқурроқ билишни тақозо этади;

**иккинчидан**, “Араб баҳори”да иштирок этган норозилар сони жиҳатидан дастлабки йилларда 100,000 нафардан ортиғини ташкил этиши “тарихдаги энг катта юриш” сифатида баҳоланди;

**учинчидан**, араб мамлакатларида содир бўлган ушбу ҳодисаларда XXI асрнинг замонавий қуроли – ОАВлари ниҳоятда муҳим рол ўйнади;

**тўртинчидан**, ташқи кучларнинг “демократия экспорти”ни ислом динига эътиқод қилувчи араб мамлакатларида жорий этишга уриниши кузатилди;

**бешинчидан**, ушбу инқилобнинг тарихдаги бошқа инқилоблардан фарқли жиҳати шундаки, у бир давлат худуди билан чегараланмасдан деярли барча араб мамлакатларига ўз таъсирини ўтказди ва воқеалар ўзига хос занжир реакциясини ташкил этди;

**олтинчидан**, иккинчи жаҳон урушидан кейин давлат ҳокимиятида ўрнатилган ҳарбий-авторитар режимлар янги даврга келиб ўз ҳалокатини бошлади;

**еттинчидан**, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида содир бўлган воқеалар, шунингдек, ушбу минтақанинг улкан табиий-иқтисодий ресурслар салоҳиятига эга эканлиги етакчи кучлар ўртасида геосиёсий рақобатнинг кучайиши ҳамда минтақа хавфсизлигига янги кўринишдаги таҳдидларнинг пайдо бўлаётганидан далолат беради;

**саккизинчидан**, баъзи араб мамлакатларидаги жараёнлар шуни кўрсатмоқдаки, улар “Араб баҳори” намоийшларидан сўнг тарихда бўлмаган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий турғунликни бошидан кечиришмоқда.

Шу тариқа айтиш мумкинки, Мисрдаги “Араб баҳори” ҳодисаларида қуйидаги ўзи-га хос хусусиятлар намоён бўлди:

– Мисрда узоқ муддатли авторитар бошқарувнинг XXI аср демократик талабларига жавоб бермаслиги;

– Мисрда оммавий намоийшларнинг авж олишида бевосита Твиттер, Facebook сингари ижтимоий тармоқларнинг ҳал этувчи аҳамият касб этиши;

– ОАВ борасида давлат бошқарувида етарли даражада ислохотларнинг йўлга қўйилмаганлиги;

– ёшлар ва уларнинг фаолияти масалаларида Мисрнинг аниқ дастурлар ва қонунлар ишлаб чиқиши зарурлиги;

– “Араб баҳори” ҳодисаларида ҳарбийларнинг оппозиция томонга ўтиб кетиши;

– мамлакат бошқарувининг кўпинча тор доира манфаатларига хизмат қилиши;

– узоқ муддат давом этган фавқулодда ҳолат вазиятидан аҳолининг чарчаши ва бир қатор ўзгаришларни ҳукуматдан талаб қилиши;

– Мисрдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ташқи кучлар таъсирига тайёр эмаслиги.

Миср инқилобининг ўзига хос таъсирчан хусусият касб этишида “интеллектуал куч”ларнинг ўрни юқори бўлганини кўриш мумкин. Мисрнинг ижтимоий мобилизация ва статистика марказий агентлиги 2010 йилнинг учинчи чорагида ўтказган тадқиқотлари натижасида ишсиз ёшларнинг 43 фоизи олий маълумотли бўлишган.

Жараёнлар тугаб, Миср давлатчилигида сезиларли ижобий ўзгаришлар бўлган бўлса-да, “Араб баҳори” асоратларидан тўлиқ халос бўлиш, демократик принциплар сари бажариладиган амалий ишларни ҳал қилишда қуйидаги таклифларни билдириш мумкин:

– Миср ёшлари орасида тараққиётнинг ғарб моделига мойиллигини ҳисобга олган ҳолда амалдаги ҳукумат келажакдаги Миср ҳақида аниқ ва ёшлар “ҳазм” қила оладидан дастурларни ёшлар билан “бўлишиш” ва уларнинг бу борадаги фикрларига “қулоқ тутиш”;

– Амалда исботланган “Мусулмон биродарлари”нинг ижтимоий-сиёсий қарашлари Миср тараққиётига ёрдам бермаслигини ёшлар орасида илмий томондан тарғиботини кенгайтириш;

– Инқилобнинг натижаси Мисрда кучли бошқарув структураларига асосланган марказий ва маҳаллий ҳокимият ўрнатилиши зарурлигини кўрсатди;

Жамиятда диннинг юксак ролини ҳисобга олган ҳолда мафкуравий масалаларда аниқ дастурлар ишлаб чиқилиб, уларни амалда қўллаш зарурлиги намоён бўлди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бозоров О. Бугунги куннинг энг долзарб вазифаси / Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат / масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур; Ўзбекистон мусулмонлари идораси; Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. –Т.: “Movaraunnahr”, 2013. – Б. 83-84.

2. Towards constructing an Egyptian democracy index (A glance on the international indexes). The Social Contract Center August, 2014.
3. Altavil Faris Ali. Transformations of political regimes in Egypt and Libya in the context of the Arab spring: comparative analyses. <https://doi.org/10.241158/pep.2017.1.4>
4. Habibi M., Jafari P., Jones-Nerzic R., Keys D., Smith D. History of Europe and the Middle East. –Oxford, 2013. –P. 126-128.
5. Habibi M., Jafari P., Jones-Nerzic R., Keys D., Smith D. History of Europe and the Middle East. –Oxford, 2013. –P. 126-128.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада дастлаб Тунисда бошланиб, кейинчалик бутун шимолий Африкада кенг тус олган “Араб баҳори” деб аталган жараённинг Миср Араб Республикасидаги ҳаракатлари, ниҳояси ва унинг натижасида Мисрдаги ижтимоий-сиёсий вазият ўзгаришининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В этой статье освещены процессы, связанные с так называемой «арабской весной», которая началась в Тунисе, а затем распространилась на всю Северную Африку, а также возникшие под ее влиянием изменения социально-политической ситуации в Арабской Республике Египет.

#### SUMMARY

This article first mentions the Egyptian Arab movement, which began in Tunisia, and then spread to the whole of North Africa, the so-called "Arab spring" and the consequence of changing the socio-political situation in Egypt.

*Наширға проф. О.Бўриев тавсия этган*

## ЎРТА ОСИЁНИНГ РОССИЯ ИМПЕРИЯ БОЖ ТИЗИМИГА КИРИТИЛИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Сафаров Т.Т. (БухДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *бож тизими, умумроссия бозори, пахта, жун, қоракўл тери, транзит.*

Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан забт этилиши ва катта қисмининг империя таркибига киритилиши муносабати билан янги мулкларни иқтисодий жиҳатдан ягона умумроссия бозорига қўшиб олиш вазифаси кун тартибига қўйилганди. Ўрта Осиёда Россия саноати маҳсулотларини сотиш учун арзон ва қулай бозорга эга бўлган Россия империяси минтақадаги савдо йўллари ҳам бевосита шу мақсадларга хизмат қилдириш учун бу ҳудудни империя бож тизимига киритиш масаласига бефарқ қарай олмас эди. Жумладан, Шарқий Туркистон (Қашқар), Афғонистон ва Шимолий Эроннинг истеъмол бозорини эгаллаб олиш, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг савдо йўллари ни тўлалигича назорат қилиш мақсадида Ўрта Осиёда ягона божхона тизимини жорий этишнинг саъй-ҳаракатлари бошланди.

Афғонистон Россия товарларини сотиш учун қулай бозор сифатида рус савдо доираларини азалдан қизиқтириб келаётган эди. Бухоро амирлигининг эгаллаб олиниши ва унинг Россия империясига қарам этилиши натижасида амирни мустақил ташқи алоқалар ҳуқуқидан маҳрум этган империя ҳуқумати Афғонистон орқали бўладиган савдо муносабатларида ўз манфаатларини биринчи ўринга қўя бошлайди. Россия ва Бухоро ўртасида тузилган 1873 йилги сулҳ шартномасининг 7-моддасида Бухоро-Афғонистон чегарасида транзит товарлар, яъни Россиядан Афғонистонга олиб ўтиладиган товарлардан бож тўлови олинмаслиги белгилаб қўйилади. Чегарада транзит товарлардан бож олинишига йўл қўймаслик, Афғонистондан Россияга пахта хомашёси, жун, қоракўл терисини бож тўловисиз олиб ўтиш учун Бухорода рус тижорат айғоқчилигини таъсис этиш режаси илгари сурилганди.



Россия империяси Афғонистон ҳудудида ўз манфаатларини кўзлаб Сарой кўриқлаш нуқтасига бож олиш ҳуқуқини беришни режалаштирди. Бу тadbирдан Шимолий Афғонистон ҳудудларида фаол савдо-сотик қилиш ва бу ердаги бозорда инглиз-ҳинд товарлар устунлигига йўл кўймаслик, Россия товарларини харид қилиш учун 800 версть йўл босишлари керак бўлган афғон савдогарлари учун қулайлик яратиш, Афғонистоннинг Сарой кўриқлаш нуқтаси билан туташган қисмида Россия енгил саноати учун муҳим бўлган хомашё ҳисобланган қимматбаҳо Америка пахта навини етиштириш мақсадлари кўзланган эди.

Амударё бўйлаб ўтган афғон чегарасидан кечиб ўтиш жойлари назоратини ҳам Бухоро амирлиги тасарруфида бўлиши Россия империясига маъқул келмай қолган эди. Булардан ташқари, Россия ҳукумати Афғонистондан Россия бозори учун олиб чиқиладиган товарлардан олинадиган бож тўловлари тарифини ҳам қайта кўриб чиқишни режалаштирганди. Хусусан, пахта хомашёси, пахта толаси, калава ип каби товарлардан олинадиган бож миқдорини қайта кўриб чиқиш режалаштирилади. Айрим товарларга бож тарифи бекор қилинган бўлиб, божсиз олиб ўтиладиган товарларнинг энг асосийсини афғон кўйлари ташкил этган. Афғонистонга товар келтириш ва у ердан товар олиб чиқиш рус савдогарлари ва тadbиркорлари учун осон эмас эди. Буни йўлдаги қийинчиликлар, савдо йўллари хавфсизлиги масаласининг узил-кесил ҳал этилмаганлиги, амалдаги афғон ҳукуматининг Россияга нисбатан дўстона муносабатда эмаслиги каби омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Россия товарларини Афғонистоннинг ички қисмларига етказишда ҳам талайгина муаммолар мавжуд эди. Масалан, савдогар Мозори-Шарифга товар олиб келганида, товар келтиргани учун бож тўлар, шаҳардан қарвон чиқиб кетганида, яна бож тўлар, бу жараён ҳар бир чегара ҳудудларидаги шаҳарларда янгидан давом этган. Афғонистондан Россияга товар олиб ўтишда чегарадаги рус божхоналаридан ташқари, Бухоро амири ҳукуматига ҳам бож тўланиши шарт эди. Россия савдогарлари афғон чегарасидан товар олиб ўтишда ўз манфаатларини ҳимоя этадиган рус ҳукумати вакиллари бўлиши талабини илгари сурганлар. Шунинг учун ҳам бу борада Бухоро амирлиги ҳукумати билан улар муроасага келишга мажбур бўлганлар.

Афғонистонга олиб ўтиладиган товарлар асосан туяларда қарвон йўли билан ташилиб, уларнинг фақат бир қисмигина Амударё орқали ўтган сув йўли билан ташилган, шунинг учун қарвон йўли билан товарларни олиб келиш жуда қимматга тушган.

Россия билан Афғонистонни боғловчи темир йўлларнинг мавжуд эмаслиги ўзаро савдони қийинлаштирган. Бадахшонда инглиз-ҳинд товарлари жуда кам бўлса-да, рус товарлари ҳам бу ерга тез ва кўп миқдорда етиб кела олмаган, чунки Россия ва Бухоро савдогарлари Сарой ва Чубек орқали Афғонистоннинг Рустам ва Файзобод шаҳарларига, у ердан эса инглиз мулклари бўлган Читрал ва Искардо шаҳарларига боришлари талаб этилган.

Афғон чегарасидаги чўл зонаси, тоғ сўқмоқларининг кўплиги, бу ердаги чегарани кўриқловчи аскарларнинг оз сонли эканлиги афғон савдогарларига рус товарларини олиб Саройдан 3 кунлик масофада бўлган Читралга ўтиш учун қулайлик туғдирган. Бу ердаги бозорда эса арзон ва сифатли рус саноат товарлари савдоси ҳукмронлик қилган.

Афғон-Бухоро чегарасида ташкил этилган божхоналарда ўрнатилган тартиб-қоидалар, бухоролик ва афғонистонлик савдогарларнинг саноат товарларини олиб ўтганлиги учун жорий этилган мукофот ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги, Бухоро амирлиги ҳукумати томонидан божхона назоратининг олиб борилишидаги тартибсизликлар савдо алоқаларининг бир хил ривожланиб боришига тўсқинлик қилган.

1888-1889 йилларда Афғонистон билан савдо-сотик алоқаларининг таҳлили натижаларига кўра мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар, чунончи Шимолий Афғонис-

тондаги Исҳоқхон қўзғолони ва бошқа ички сиёсий можаролар ўзаро савдо-сотикқа салбий таъсир кўрсатган.

1888 йилнинг иккинчи ярмида Бухоро орқали Афғонистон билан савдо алоқалари таҳлил қилинганда, бу даврда Афғонистон бозорига киритилган рус товарлари куйидагича бўлган: 11 турдаги товарнинг умумий оғирлиги 701,72 пудни, умумий суммаси 1403080 рублни ташкил этган.

1889 йилнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигига Афғонистоннинг Сарипул, Маймана, Андхўй, Шибирғон, Ахча шаҳарларидан товарлар келтирилиб, уларнинг асосини жун, тулки териси, қорақўл (оқ, қора, кизил) териси, қўй териси, қора олхўри, анор пўчоғи (ранг учун), майиз, писта, бодом, кунжут, зиғир, хурмо, кўкнор, қоплар ва гилам ташкил этган. Ҳиндистондан Бухорога асосан, кўк чой, чит газламаси, андар сари, ҳинд парчаси, индиго каби маҳсулотлар олиб келиб сотилган.

Бухорога киритилган товарлар асосан Келиф божхонаси орқали ўтказилиб, ҳар йили тахминан Ҳиндистон ва Кобулдан 1475080 рубл, Ахчадан 220352 рубл, Шибирғондан 234320 рубл, Андхўйдан 62360 рубл миқдоридан товар келтирилган эди. Юқорида саналган товарлар орасида инглиз-ҳинд товарларининг салмоғи катта бўлиб, қолган маҳсулотлар эса Афғонистоннинг Чорвилоятдан келтирилган. Афғонистон бозорларига киритилган Бухоро молларининг қиймати 133475 рублни ташкил этган ҳолда рус молларининг қиймати 1084914 рублни ташкил этган. Айрим рус товарлари, масалан, шакар Бухоро амирлигининг воситачилиги билан эмас, балки Керки орқали Афғонистонга киритилган.

1888-1889 йилларда Бухоро амирлиги худуди орқали Афғонистон ва Россия ўртасида ҳамда Афғонистон давлати ва Бухоро амирлиги ўртасидаги савдо-сотик муносабатлари натижаларининг кўрсатишича, Россия товарлари Афғонистонда инглиз-ҳинд ҳамда бошқа Европа товарлари билан бемалол рақобатлаша олган. Афғонистондан Бухорога келтирилган товарлар таҳлилининг кўрсатишича, ҳинд импорт маҳсулотлари (чой, индиго, юпка материал) учун Афғонистон транзит худуд бўлиб хизмат қилган, аynи пайтда Чорвилоятдан Бухорога жун, қорақўл, ранг-бўёқлар ҳам жўнатилган. Афғонистондан Бухоро бозорларига Россия саноати учун зарур маҳсулотлар ҳам чиқарилган.

Кавказ йўли очилгунга қадар инглиз-ҳинд ва афғон товарлари Бухоро бозорларига Шимолий Афғонистон орқали келтирилган. Гарчанд тўхтовсиз хавф-хатар, ўзаро савдони чеклашга қаратилган хатти-ҳаракатлар бўлиб турса-да, бу йўналишда рус ва маҳаллий (Бухоро) товарлар билан савдо-сотик тўхтовсиз давом этиб турган.

1892 йилда ва 1894 йилнинг бошларида Афғон-Бухоро чегарасидан ўтказилган товарларнинг катта қисмини инглиз-ҳинд товарлари ташкил этган. Шу жумладан, афғон товарлари, хусусан қорақўл терисининг ҳажми ҳам кескин кўпайган. Фақатгина 1893 йилнинг июнь ойида Афғонистон амири Абдурахмон Бухорога 165 тойдан иборат бўлган уч партияда қорақўл терисини жўнатган. Афғон амири Абдуррахмон 1880-1900 йилларда хукмронлик қилган ва унинг оиласи афғон савдосида юксак мавқега эга эди.

Афғонистоннинг Чорвилоятига Бухоро орқали келадиган рус товарларига эҳтиёж катта эди. Чунки инглиз-ҳинд товарлари бу ерга осонликча етиб келмаган.

1890 йилга келиб, Ўрта Осиёдаги савдо-сотик ва уни тартибга солиш билан боғлиқ бир қатор масалаларни ҳал этиш зарурияти пайдо бўлади. Туркистон генерал-губернаторлигида Россия империяси ҳукумати ўрнатган божхона тизими, унинг амал қилиши марказий ҳукуматни қониқтирмаслиги, бир томондан, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг ўз худудлари чегарасидаги савдо-сотикни, товарларни киритиш ва чиқариш тартиб-қоидаларини ўз хоҳиш истакларига бўйсўндиришга уринишлари, иккинчи томондан, ушбу масалага эътибор қаратишга ундаётган эди. Гарчанд, 1868, 1873 йилги Бухоро-Россия, 1873 йилги Хива-Россия сулҳ шартномалари амал қилаётган бўлса-да, бу ердаги вазият, яъни афғон-Бухоро, Эрон-Хива чегараси орқали мол киритиш ва чиқариш билан боғлиқ ишлар рус ҳукуматини тўла қониқтирмади. Шунинг учун Бухоро ва Хивани ягона

рус божхона тизимига киритиш, бу иккала мамлакатни ягона империя иқтисодий районига жалб этиш ва уларнинг иқтисодий, молиявий аҳволи устидан назорат ўрнатиш чоралари изланган. Бу масалада империя марказида махсус мунозаралар уюштирилган, лекин ҳукмрон доираларнинг фикрлари бу борада бир хил эмасди. Россия ҳукумати Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини ягона божхона тизимига киритиш катта сарф-харажатларни талаб қилади деб ҳисоблашган.

1890 йил 12 июнда Молия вазирлиги қошида умумимперия божхона муассасаларига ўхшаш Туркистон божхона округи ташкил этилиб, унинг таркибига маҳаллий вилоятларнинг, Еттисув ва Закаспий вилоятларининг божхона муассасалари ҳам киритилган.

1892 йилнинг октябрида Туркистон божхона округи бошлиғи Туркистон генерал-губернаторига мактуб йўллаб, унда: «Самарқанд темир йўлининг ўтказилиши билан Оренбургдан Бухоро ва Тошкентга, шунингдек, Бухородан Тошкентга ва Сирдарё вилоятининг шимолий қисмига борадиган қарвон йўли ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотди» – деб ёзган эди.

Россия империяси молия вазирлиги, ҳарбий вазирлик, Туркистон генерал-губернаторлиги, Туркистон божхона округи Бухоро ва Хивани ягона рус божхона ҳудудига киритиш каби масалаларини илгари сурган эди. Молия вазирлиги томонидан илгари сурилган ушбу таклифлар империя ҳукуматининг ҳарбий ва ташқи ишлар вазирлиги томонидан ва ҳамда табиийки, Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ҳам қўллаб-қувватланганди.

Россия империяси Молия вазирлигининг ташаббуси билан 1892 йилнинг охирида ҳарбий, молия ва ташқи ишлар вазирликлари вакиллари ва Туркистон генерал-губернаторлиги иштирокида махсус кенгаш чақирилади ҳамда Бухоро ва Хивани ягона рус божхона тизимига киритиш мақсадга мувофиқ деб топилади. Аммо император Александр III Бухоро амири томонидан норозилик бўлиши мумкинлигини эътиборга олиб, юқоридаги қарорни тасдиқлашга шошилмайди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун амирга чет эллардан келтириладиган ва Россия ҳудудига олиб ўтиладиган товарлардан олинадиган бож тўловининг бир қисмини бериш ваъда қилинади. Ҳукумат ишни тезлаштиради ва тез орада яна кенгаш чақирилади. Бу масалани ҳал этиш учун амирликка бирин-кетин икки марта махсус экспедиция ташкил этилиб, уларнинг вакиллари Каспий-орти вилояти ва Бухоро амирлигида бўлишиб, вазиятни ўргандилар. Экспедиция бошлиғи генерал-майор Усов томонидан 1893 йилнинг октябрида ягона божхона тизими тўғрисидаги лойиҳа Туркистон генерал-губернатори Вревскийга (1884-1889) ва Бухоро амирига жўнатиладигани.

Хива хонлигини Россия бож тизимига киритиш сиёсати ҳам айнан шу даврда амалга оширилганди. 1873 йил 12 августда Туркистон генерал-губернатори Кауфман билан Хива хони Саид Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ, Хива хонлиги ҳудудида савдо-сотик билан шуғулланувчи рус савдогарлари ҳар қандай савдо тўловидан, закотдан озод қилинган эди (9-модда), рус савдогарлари Хива хонлиги ҳудудидан бож тўловисиз ўз товарларини қўшни мамлакатга олиб ўтиш (божсиз, транзит савдо) ҳуқуқига эга бўлганлар (10-модда), рус савдогарлари хонликнинг барча шаҳарларида маҳаллий аҳоли билан савдо муносабатларини ўрнатиш ва савдо-сотик ишларининг тўғри амалга оширилишини назорат қилиш учун ўз айғоқчиликларини ташкил этиш ҳуқуқига ҳам эга эдилар (11-модда).

Мазкур шартномага асосан, Россия ва Хива ҳамда Россия-Эрон (Каспий бўйи орқали) ўртасида олиб борилган савдо-сотикда ҳам ўзига хос ҳолатлар мавжуд эди. Тўғри, 1873 йилги шартномага мувофиқ, Хива хонлигининг катта ҳудуди унинг таркибидан чиқиб Россияга ўтганди. Кўп товарлар Бухоро амирлиги орқали Афғонистонга чиқарилаётган бўлса-да, товарларнинг маълум қисми Хива хонлиги орқали, транзит йўли билан чет мамлакатларга, хусусан, Эронга олиб кетилаётган эди. Хива хонлиги ҳудудида рус товар-

ларининг эркин олиб ўтилиши, Амударё бўйлаб рус кемаларининг қатнови ташкил этилганлиги, рус товарларини Хива худудига киритилиши ва ушбу худуддан чиқарилишида шартномага риоя этилиши йўлга қўйилган бўлса-да, Россия империяси бу билан чекланишни истамасди.

Ҳали янги божхона қоидалари амал қилмасиданоқ ва янги божхона тизими, округлари тўла ишга тушмасиданоқ Афғон-Бухоро чегарасидан, транзит ўтадиган карвон йўллари орқали хинд-инглиз ва афғон товарлари кўп миқдорда ўтказила бошланган. Бу хусусида Туркистон округи божхонаси маъмурияти ва Россиянинг Бухородаги сиёсий айғоқчилиги ўз фикрини қуйидагича маълум қилган эди: «Хирот (Афғонистон) карвон йўли бўйича Ҳиндистондан кўплаб бўёқлар, ипак матолар ва парчалар, Кобул карвон йўли бўйича индиго ва чойлар ўтказилмоқда».

Бухоро ва Хивани рус божхона худудига киритиш тўғрисидаги Қонун 1894 йилнинг 6 июлида қабул қилинган бўлиб, Бухоро божхонасининг расман очилиши шу йилнинг 15 ноябрида бўлиб ўтади. Керки, Келиф, Чўчқа-Гузар, Патта-Ҳисор ва Айваж божхоналарининг иш бошлаши 1895 йилнинг бошларида амалга оширилади. Панж дарёси бўйидаги божхонанинг фаолият кўрсатиши 1895 йилнинг 1 майига тўғри келиб, умуман рус-афғон чегарасидаги савдони назорат қилиш 1895 йилнинг 1 июлидан тўла кучга киради ҳамда Россиянинг Ўрта Осиёдаги ташқи савдо устидан назорати узил-кесил ўрнатилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиёнинг ягона иқтисодий маконга тортилиши, Бухоро амирилиги ва Хива хонлигининг ягона божхона тизимига киритилиши Ўрта Осиё бозори учун бўлаётган рус-инглиз рақобатининг Россия фойдасига ҳал бўлишини таъминлади ҳамда бу давлатлар ўртасидаги, бутун Туркистон ўлкасидаги савдо йўллари, энг аввало, темир йўллар, сув кечув пунктлари империя манфаатлари учун тўла қувват билан хизмат қила бошлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Ремез А.И. Внешняя торговля Бухары до Мировой войны. – Ташкент: САГУ, 1922.
- 2.Эргашев Ф. Туркистонда мустамлака акциз ва божхона ташкилотлари. Жамият ва бошқарув. – №2. 2008.
- 3.Соколов А.Я. Торговая политика России в Средней Азии и развитие русско-афганских торговых отношений – Ташкент: Фан, 1971.
- 4.Гулишамбаров С.И. Экономический обзор. –Асхабад: Б.и., 1913.
- 5.Ўзбекистон Марказий давлат архиви. И-1Фонд 27-рўйхат, 408-иш.
- 6.Ўзбекистон Марказий давлат архиви. И-1Фонд 34-рўйхат, 696-иш.
- 7.Ўзбекистон Марказий давлат архиви. И-1Фонд 11-рўйхат, 827-иш.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада Ўрта Осиё худудларининг савдо йўлларининг, темир йўлларининг ҳамда сув кечув пунктлари орқали амалга ошириладиган савдо алоқаларининг ягона Россия божхона тизимига киритилиши ҳақида фикр юритилади.

#### **РЕЗЮМЕ**

В этой статье речь идет о вхождении торговых связей, осуществляющихся через торговые пути, железные дороги и пункты водоснабжения, расположенные на территории Средней Азии, в единую таможенную систему России.

#### **SUMMARY**

This article deals with the introduction of trade links through trade routes, railways and water supply points located on the territory of Central Asia into a single customs system of Russia.

*Наширға доц. О.Бўриев тавсия этган*

МАФКУРАНИНГ ҒОЯЛАР ТИЗИМИ СИФАТИДАГИ МАЗМУНИ

Тоғаев Ш.Х. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** мафкура, гоя, тизим, гоялар тизими, тизимли кўрсатув, миллий мафкура, бош ва асосий гоялар, гоялар ўртасидаги алоқадорликлар, гояларнинг тизимли характери, мафкуранинг онтологик мазмуни.

Бугунги кунда мустақиллик йиллари эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракатларимизни таъминлаш; жамиятимизда намоён бўлаётган иллатларни бартараф қилиб, халқимизда янгича тафаккур, дунёқараш ва ҳаётий позицияни шакллантириш; тараққиётимизга таҳдид солаётган турли ижтимоий-сиёсий хатти-ҳаракатларга қарши самарали курашиш ҳамда бу масалаларни оқилона ҳал этишда муҳим ўрин тутувчи миллий мафкурани янада ривожлантириш каби ўта долзарб вазифалар мамлакатимизда амалга оширилаётган гоявий-мафкуравий ишларни миллий тараққиёт тамойиллари ва манфаатлари асосида комплекс-системали тарзда олиб боришни тақозо қилмоқда. Зеро, «Мен ҳар бир ишда авваламбор тизим - тартиб бўлиши лозим деб ўйлайман. Агар шундай тизим бўлмаса, ҳеч бир ишда самара кўринмайди. Ахён-ахёнда ўтказиладиган, бир-бири билан боғланмаган тadbирлар воситасида мақсадга эришиб бўлмайди», – деб уқтирган эди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов. [1:426]

Дарҳақиқат, гоявий-мафкуравий ишларга тизимли кўрсатиш, биринчидан, шу соҳадаги муаммоларни илмий таҳлил қилишнинг зарурий шarti бўлса, иккинчидан, бу миллий мафкуранинг назарий-методологик характерига мос келади. Бошқача айтганда, миллий мафкуранинг ўзи халқимиз ва мамлакатимизнинг келажакка қаратилган эзгу мақсад ва орзу-интилишларини ҳамда уларни рўёбга чиқариш йўллари ифода қилувчи яхлит системалашган гоялар тизимидан иборат бўлиб, уларни илмий ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилиш билан боғлиқ ишлар ҳам шунга мувофиқ бўлиши, бунинг учун эса шу соҳадаги барча назарий ва амалий масалалар, аввало, тегишли фалсафий кўрсатув ва тамойиллар асосида тизимли ёритилиши лозим. Бу ҳозирги даврда жамиятимизда олиб борилаётган турли босқич, соҳа, йўналиш, даража ва кўламдаги маънавий-мафкуравий ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қуйида айни шу йўналишдаги долзарб вазифаларни ҳал қилишга доир масалалардан бирини, хусусан, мафкуранинг гоялар тизими сифатидаги мазмун-моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Адабиётларда “мафкура” тушунчасига берилган таърифларда унинг гоялар тизими сифатидаги тавсифи алоҳида ўрин тутади. Жумладан, буни олимлар томонидан кенг эътироф этилган «Мафкура муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаоларини, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган гоялар тизимидир» [2:9] ёки: «Мафкура (араб – фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган гоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими», деган таърифларда ҳам яққол кўриш мумкин. [3:244] Мазкур таърифларда мафкурани мафкура сифатида тавсифловчи энг муҳим хосса-хусусият ва белгилар кўрсатилган. Шундан келиб чиқиб, мафкурани илмий ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилишда, унинг гоялар тизими сифатидаги моҳиятини атрофлича ёритиш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, фалсафий-онтологик мазмунига кўра, мафкура гоядан, гоя эса фикрдан келиб чиқади. Яъни фикр асосида – гоя, гоя асосида эса мафкура шаклланади. Масалан, инсон(лар) фикран бирор зарур иш-ҳаракат ҳақида ўйлаб, уни амалга оширишга қатъий аҳд қилса, бу гоя бўлади. Бунда гояни гоя сифатида тавсифловчи асосий омил – қатъий аҳд, яъни мақсаддир. Чунки ҳар қандай ижтимоий гояда кишиларнинг келажакка қара-

тилган маълум мақсад ва орзу-идеаллари ифодаланади. Яъни айнан мақсадлар ва улар билан боғлиқ орзу-идеаллар ғоянинг ғоя эканлигини билдиради. Агар ғояда конкрет мақсадлар бўлмаса, у ҳали ғояга айланмаган фикр, мулоҳаза ёки мавҳум бир тушунчадир. Шунинг учун кишиларнинг ғояда ифодаланган мақсад ва орзу-интилишларини билмасдан туриб, ғоянинг мазмунини ҳам, уни қандай ғоя эканлигини ҳам тушуниб бўлмайди. Шунга кўра ғояни фикрнинг мақсадга айланган ҳолатидир, дейиш мумкин. Ўз навбатида ғоя конкрет инсон, гуруҳ, миллат ёки жамиятнинг асосий мақсад ва манфаатларини ифодалаб, уларнинг ишонч-эътиқодлари ва фаолиятига асос бўлса, мафкурага айланади. Бунда ғоя ва ундаги мақсадлар ҳақидаги билимлар билан уларни амалга оширишга бўлган ишонч ғоянинг мафкурага айланишида асосий ўрин тутаяди. Шу маънода мафкура ғояларнинг инсон ва жамиятдаги руҳий-маънавий ҳаёт тамойилларига айланган ҳолатидир. У турли гуруҳ, тоифа ва қатламлардаги кишиларнинг ижтимоий ҳаёти ва фаолиятини тартибга солиб, ҳаракатга келтиради, ғояларда ифодаланган мақсадларни рўёбга чиқишига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, ғоя – мақсад бўлса, мафкура уни рўёбга чиқариш усул-воситасидир. Бошқача айтганда, инсон ёки миллатнинг асосий мақсадлари ғояларда намоён бўлса, уни рўёбга чиқаришга қаратилган ишларнинг мазмун-моҳияти мафкурани ташкил қилади. Мисол учун бирор уй қурилиши жараёнини олайлик.

Уй ҳамма инсонлар учун ҳаётий зарурат, муҳим эҳтиёж, манфаатдир. Шундан келиб чиқиб, кишилар ўз диди ва имкониятларига мос уй қилишни орзу қилади. Фикран режалар тузиб, уни амалга ошириш ҳақида ўйлайди. Хуллас, уй қурилиш жараёни дастлаб фикрда амалга ошади. Бунда уйнинг ўзи, уни қандай қилинишига доир масалалар, реал имконият ва шарт-шароитлар билан боғлиқ ишларнинг ҳар бири фикран ҳисоб-китоб қилиниб, режаланади. Шу тариқа уй тўғрисидаги фикрлар пишиб, конкретлашиб аниқ мақсадга - яхлит ғояга айланади. Айни пайтда, уй ҳақидаги (бош) ғоя ва уни манфаатдор кишиларнинг хоҳиш, ишонч, имкониятларига мувофиқ амалга оширишга қаратилган ишлар хусусидаги теран фикрлар, яъни уй қурилишининг объектив ва субъектив омиллари: бажариладиган ишлар, зарур маблағ-материаллар, уларни топиш ва ишлатиш каби масалаларнинг аниқ ечимларини ифодаловчи ғоялар тизими пайдо бўлади. Айни шу тизим мафкурани ҳосил қилади ва ундаги манфаатлашган ғоялар асосидаги хатти-ҳаракатлар бош ғоянинг рўёбга чиқишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бу маънода, «Ғоя – профессор Қ.Назаров ёзганидек, – жамиятнинг келгуси қиёфаси ёки лойиҳалаштирилаётган нарсани ифодалайдиган тушунча сифатида майдонга чиқади. Ғоя тарзидаги тушунча келажакнинг ёки келажакдаги нарсаларнинг образидир». [4:128] Шунга кўра, мафкурани қурилаётган объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатида қиёслаш мумкин. Объектни белгиланган тартибда қуриш учун қурувчилар шу ҳужжатни яхши билишлари ва айни пайтда унга ишонишлари тақозо этилади.

Демак, бу ўринда уйнинг тасаввурдаги тугал шакли - бош ғоя, унинг мазмуни ва қиёфасини белгилаб, тавсифловчи ғояларни асосий ғоялар, ушбу бош ва асосий ғоялар билан бирга қурилиш жараёнидаги иш-ҳаракатлар, усуллар мазмунини ифодаловчи ғоялар тизимини мафкура, дейиш мумкин.

Миллий ғоя ва мафкурани шу нуқтаи назардан тавсифласак, унинг давлатимиз ва жамиятимиз қурилишига доир назарий-методологик мазмуни ойдинлашади. Чунончи, уй ғоясини миллий истиклол мафкурасининг бош ғояси – *Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш* десак, уйнинг қандайлигини, унинг ички ва ташқи шакл-шамойилини аниқ-равшан ифодалаган ғояларни мафкурамиздаги *Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик* каби асосий ғоялар дейлик. Бу ҳолда, ана шу бош ва асосий ғоялар ўзаро узвий боғлиқ, бири иккинчисини тақозо қилувчи ўзига хос тизимдир.

Тизим – бу ўзаро боғлиқ ва узвий тартибда жойлашган, бир-бирини тақозо этувчи зарурий алоқадорликда бўлган нарса, ҳодисалар бирлигидир. Айни пайтда, у бирор иш-ҳаракат ёки фаолиятни ташкил этиш, амалга оширишнинг шакл ва тартиб-қоидалари мажмуи сифатида ҳам тавсифланади.

Бинобарин, мафкурунинг ғоялар тизими сифатидаги мазмуни ундаги ўзаро боғлиқ ва бири иккинчисини тақозо қилувчи зарурий алоқадорликдаги бош ва асосий ғоялар билан изоҳланади. Масалан, миллий мафкурамиз таркибидаги ҳар қандай ғоянинг рўёбга чиқиши учун албатта ундаги барча ғоялар амалга ошиши зарур. Яъни Юрт тинчлиги бўлмас экан, унда Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриб бўлмайди. Худди шундай, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ёки диний бағрикенгликсиз ҳам Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриб бўлмайди. Айни пайтда Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборат бош ғоясиз Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ёки диний бағрикенглик каби эзгу мақсадлар ҳам рўёбга чиқмайди. Хуллас, мафкурамиздаги ҳар бир ғоя ундаги бошқа ғояга боғлиқ, бош ғоя асосий ғояларсиз, асосий ғоялар эса бош ғоясиз амалга ошмайди, уларнинг барчаси ўзаро узвий боғлиқ ва бир-иккинчисини тақозо этувчи зарурий алоқадорликда бўлиб, яхлит тизимни ташкил қилади. Мазкур тизимдаги бирорта ғоянинг рўёбга чиқмаслиги бошқа барча ғояларнинг амалга ошмаслиги демакдир.

Бу ҳолда, ана шу бош ва асосий ғояларда ифодаланаётган манфаат-мақсадлар ҳамда уларни рўёбга чиқариш учун жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида: ҳам индивидуал ва ижтимоий, ҳам микро ва макро даражаларда амалга оширилаётган назарий ва амалий ишларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва кўлами; йўналишлари, босқичлари ва усуллари; бу жараёнларнинг истикболлари, шунингдек, қурилаётган жамиятдаги ижтимоий муносабатлар характери, уларнинг келгуси тараққиёт босқичлари, лўнда қилиб айтганда, Ўзбекистон жамиятининг шаклланиб, ривожланиш қонуниятлари акс этган ғоялар, назариялар, фикр-қараш ва тасаввурлар тизими миллий истиклол мафқураси дейилади. Бу маънода ғояни назария, мафқуранинг методология дейиш мумкин.\* Ғоя нисбатан турғун, қатъий, мафкура эса динамик характерга эга. Чунки мафкура инсон ва жамият ҳаётидаги объектив ва субъектив шарт-шароитларга мос ҳолда, кишиларнинг талаб, эҳтиёж, манфаат ва мақсадларига мувофиқ тарзда, ретроспектив асосларда ўзгариб, ривожланиб боради. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: «Халқ, миллат ўз миллий мафқурасини бутун умри давомида такомиллаштириб, бойитиб боради. Чунки мафкура қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас. Бу – узлуксиз жараён бўлиб, ҳаёт давом этар экан, унинг шиддатли суръати туфайли мафқуранинг олдига қўйиладиган янги-янги талаблар ҳам пайдо бўлади». [1:500-501]

Демак, миллий ғояда биз барпо этаётган давлат ва жамиятнинг шаклланиб, ривожланиш қонуниятлари, ундаги барча ижтимоий муносабатлар характери, бугунги ва истикболдаги тараққиётимиз моҳиятини белгиловчи асосий мақсадлар тизими мужассамлашган. Шунга кўра, ғоявий-мафқуравий муаммоларга оид илмий тадқиқот, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларида айни шу масалалар кенг ёритилиши, одамларда халқимиз, мамлакатимиз олдида турган энг муҳим мақсад ва вазифалар тўғрисида аниқ-равшан билим-тасаввурлар ҳосил қилиниши зарур. «Чунки жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқ-равшан белгилаб олмасдан туриб, миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мужассам этадиган миллий мафқуранинг шакллантириш мумкин эмас.

Бунинг учун, аввало, биз қандай давлат, қандай жамият, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий асослари нималардан иборат, деган саволга жавоб топишимиз керак», [1:495] – деган эди давлатимиз асосчиси. Миллий истиклол мафқураси концепциясида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. [7:28] Бинобарин, миллий ғоя ва мафқуранинг тушунтиришда уларнинг давлатимиз ва жамиятимиз қурилишига доир тизимлашган назарий-методологик мазмунини ёритиш муҳим аҳамиятга эга.

---

\* *Изоҳ:* Бизнингча, ғоя билан назария муносабатларидаги ҳолатлар ёки миллий ғоянинг фанлик мақомини тавсифлаш билан боғлиқ омиллар, муайян нуқтаи назардан, ғоя назарияни, мафкура эса методологияни ифодалайди, дейишга имкон беради.

Билим, унга қўйиладиган баҳода акс этганидек, ғоявий-мафкуравий савия инсон ва жамият ҳаётининг маънавий-маърифий даражаси қандай эканлигини кўрсатади. Шунга кўра ғояни яхши билиш, унинг мазмун-моҳияти тўғрисида мукамал билим-тасаввурга эга бўлиш инсоннинг ғоявий-мафкуравий **савиясини** ошириб, маънавий-маърифий **даражасини** юксалтиради. Бу савия қанчалик кучли бўлса, даража шу қадар баланд бўлади. Бинобарин, кишиларимизнинг миллий ғояларимизни ўрганиб, ўзлаштириш натижасида шаклландирган ғоявий-мафкуравий билим савияси, жамиятимиздаги маънавий-маърифий тараққиёт даражасининг муҳим кўрсаткичи, ўлчов мезони бўлади. Уни чуқур билган кишилар халқимизнинг туб манфаат ва мақсадларини ҳамда унга эришиш йўллари тўғри англайди. Бундай ҳолда мафкура халқчиллашиб, инсон ва жамият ҳаётидаги барча ўзгариш жараёнларини баҳоловчи, ташкиллаштирувчи, мувофиқлаштирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирувчи ўзига хос дунёқараш тизимига айланади. Шу тариқа, у давлат ва жамият қурилишига доир концепциянинг системалашган назарий-методологик мазмунини ташкил қилади.

Бугунги ғоявий-мафкуравий ишларда миллий мафкуранинг айна шу мазмунини ёритиш муҳим аҳамиятга эга. Бу, **биринчидан**, ғоя ва мафкуранинг туб ижтимоий-фалсафий моҳиятини тушуниб олишга, у билан боғлиқ илмий-амалий масалаларни конкретлаштириб, тўғри тавсифлашга ёрдам беради.

**Иккинчидан**, миллий мафкуранинг ижтимоий онг, тафаккур ва дунёқараш шакллари билан муносабатларини, унинг ҳар бир инсон, миллат, жамият ҳамда давлат ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ойдинлаштиришга хизмат қилади.

**Учинчидан**, одамларда миллий ғоя ва мафкурага доир ҳаққоний билим, тасаввур-қарашлар билан уларга нисбатан тўғри қараш ва муносабатлар ҳосил бўлади.

**Тўртинчидан**, миллий мафкуранинг концептуал характери очилиб, жамиятда амалга ошириладиган ғоявий таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларининг ижтимоий аҳамияти ортади

**Бешинчидан**, умуман, миллий мафкуранинг ғоялар тизими сифатидаги мазмунини ёритиш ғоявий-мафкуравий ишларни миллий тараққиёт тамойилларига мос тизимли ташкил қилиш ва самарадорлигини таъминлашнинг илмий-услубий қонуниятларига мос келади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.:Ўзбекистон, 2000. – Б. 426-501.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, - 2001, – Б. 9.
3. Фалсафа Қомусий луғат. –Т.:«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2004. – Б. 244.
4. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. –Т.:Университет, 2005. – Б. 128.
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.:Ўзбекистон, 2000. – Б. 28.

#### РЕЗЮМЕ

Мақола мафкуранинг ғоялар тизими сифатидаги онтологик мазмунини ёритишга бағишланган. Унда миллий мафкурани ташкил қилувчи асосий ғоялар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ижтимоий-функционал алоқадорликлар моҳияти содда мисоллар асосида таҳлил қилиниб, уларнинг тизимли характери кўрсатиб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

Статья посвящена освещению онтологического содержания идеологии как системы идей. В ней проанализирована сущность взаимосвязанности и социально-функциональных взаимовлияний основных идей, составляющих национальную идеологию, на основе простых материалов и примеров раскрыт их системный характер.

#### SUMMARY

The content of the ideology as a system of ideas is investigated in the article. It analyzes the essence of interconnection and socio-functional relationships between the main ideas of national ideology, and their systemic character is illustrated by simple examples.

*Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган*



## СИЁСИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВ ЖАРАЁНИГА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Бойматов Р.Б. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *ижтимоийлашув, сиёсий ижтимоийлашув, оммавий ахборот воситалари, сиёсий тарбия, экспанция, сиёсий функция.*

Вақтли матбуот (газеталар, журналлар, ахборот бюллетенлари), радио, телевидение, интернет, видео, кинометография кабиларни ўз ичига қамраб олувчи оммавий ахборот воситалари – замонавий жамиятларнинг энг муҳим институтларидан ҳисобланади. XXI асрга келиб информацион захиралар давлатнинг салоҳиятини белгилаб, иқтисодий, ижтимоий, технологик ва маданий тараққиётнинг муҳим ресурсига айланди. Бугун оммавий ахборот воситалари ўз таъсирини ўтказмаган ижтимоий ҳаётнинг бирор соҳаси қолмади. У борган сари сиёсат, мудофаа, тартиб, савдо, иқтисод, тарбия, тарғибот, дин, маданият, оилавий муносабатлар, кийиниш, юриш-туриш ва ҳатто интим муносабатлар доирасига жуда чуқур кириб бормоқда. Миллионлаб истеъмолчиларга ҳар дақиқада турлитуман, керакли-кераксиз ахборотлар, хатти-ҳаракат моделлари, тафаккур стеритиплари тиқиштирилаяпти. Аҳвол шу зайлда давом этаверса, одам борган сари оммавий ахборот воситалари таъсирининг муте объектига айланиб бораверади.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби шахс сиёсий ижтимоийлашуви жараёнига ҳам оммавий ахборот воситалари сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Шу боис ушбу таъсир характерини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун, аввало, ижтимоийлашув, сиёсий ижтимоийлашув тушунчаларига аниқлик киритиб олсак, мақсадга мувофиқдир.

Мухтасар айтганда, ижтимоийлашув инсоннинг жамиятга мослашуви, унинг жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий нормалар ва қадриятларни ўзлаштириш жараёнидир. Шахснинг ижтимоий муносабатларга тез киришиб кета олиши, ўз маслакдошларини топа билиши, умуман, ижтимоий маконда фаровон яшаши унинг ижтимоийлашувининг даражасига боғлиқдир. Инсоннинг юксак чўққиларга кўтарилиши, ҳаётга иштиёқи, муваффақиятларга эришиши ёки умидсизлик гирдобидида ўзини “бегона”, “кераксиз” ҳис қилиши унинг самарали (ёки самарасиз) ижтимоийлашувининг кўринишларидир.

Шахс ижтимоийлашувининг муҳим қисми бўлган “сиёсий ижтимоийлашув - бу инсоннинг сиёсат дунёсига кириш жараёнидир; сиёсий тасаввурларининг, қарашларининг, мўлжалларининг шаклланишидир; тажриба, сиёсий маданият анъаналари ва нормаларини ўзлаштиришидир”<sup>1</sup>

Сиёсий ижтимоийлашув оила, таълим тизими, оммавий ахборот воситалари каби жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий институтлар (ташкилотлар) ҳамда сиёсий воқеа-ҳодисалар таъсирида шаклланади.

Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда ушбу жараёнда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнамоқда. Айниқса унинг ёшлар сиёсий ижтимоийлашувига таъсири вақт ўтган сайин тобора кучайиб бормоқда. Бундан анча олдин француз социологи А.Моль таъкидлаганидек, “масс-медиянинг вужудга келиши билан жамият ҳамда индивиднинг аввалги маданий қадриятлари ўз аҳамиятини йўқотди. Ҳаттоки таълим тизими ҳам жамиятда олдингидек роль ўйнамай қўйди. Бугун ўспирин учун оилада, мактабда, коллеж ва институтда олаётган билими эмас, балки метро афишасида ўқигани, радиодан эшитгани, кино ёки телевизорда кўргани, газетадан ўқигани ёки ҳамкасблари, қўни-қўшнилардан эшитгани кўпроқ роль ўйнамоқда; мактабдан эса яримунут бўлган тушун-

<sup>1</sup> Желтов В.В. Политология: Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2004. – С. 371.

чалар қолмоқда холос”<sup>1</sup>. Бу фикрлар айтилганда ҳали интернет йўқ эди, акс ҳолда мутафаккир бундан ташвишлироқ хулосага келган бўлур эди. Натижада, “Бизнинг давримизда билимлар асосан таълим тизими орқали эмас, балки ОАВ орқали шаклланади”<sup>2</sup>.

Албатта, бу иқтибослар кўпроқ Ғарб жамияти ва турмуш тарзига тааллуқлидек. Аммо глобаллашган замонда яшаётган эканмиз ушбу тенденция биз учун ёт, деб тўлиқ ишонч билан айта олмаймиз. Чунки глобаллашув натижасида мамлакатимиз ҳам жаҳон ахборот оқимидан, ташқи информацион таъсирлардан четда қололмаяпти.

Информацион ва маданий экспанция айниқса “оммавий маданият”нинг кенг тарқалишига қулай шароит яратмоқда. Натижада эса таълим тизими таъсирига эмас, балки намойишкорона эффектлар (реклама, мода, стил, мусиқа ва.х.к.) га берилган ғарбпараст ёшлар қатлами шаклланоқда. Бундай таъсир натижасида, аввало, ғоявий идеаллар барҳам топиб, унинг ўрнини ғарб истеъмол жамиятидан ўзлаштирилган; мавқеини кучайтиришга интилиш, қудратга эришиш, пулдор бўлиш каби янги қадриятлар эгалламоқда.

Шунингдек, телевидениеда ҳам Ғарб филмлари анча салмоқли эфир вақтини банд этмоқда. Уларда зўровонликни қаҳрамонлик сифатида кўрсатувчи, зўровонликни улугловчи кадрлар бисёр. Маълумотларга қараганда, тасодифий олинган бир кунда телеканалларда намоёиш қилинган фильмларда 160 мушталашув, 202 қотиллик, 6 ўғрилик, 10 зўрлаш, 66 ичкиликбозлик сахналари бор экан. Булар эса ёшлар психологиясида ёвузлик, зўровонлик, шафқатсизлик каби иллатларни урчитиши табиийдир.

Шундай қилиб, оммавий ахборот воситалари кўп минг сонли аудитория ҳар куни муурожаат қиладиган, шахсга кучли таъсир ўтказувчи қудратли куч экан, бу кучдан шахс сиёсий ижтимоийлашувида қандай самарали фойдаланилаяпти ёки фойдаланиш керак, деган саволлар туғилади.

Шу ўринда бир рақамни келтириб ўтсак. “Ҳозирги кунда республикамизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 616 соатни ташкил этмоқда”<sup>3</sup>. Оммавий ахборот воситаларининг сиёсий ижтимоийлашув жараёнидаги, умуман, сиёсатдаги роли ҳақида гап кетар экан, аввало бир муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим, яъниким халқ билан ҳокимият ўртасидаги мулоқотни оммавий ахборот воситалари таъминлайди. Бу мулоқотнинг самарадорлиги бир томондан оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун яратилган сиёсий, иқтисодий имконият ва шароитларга қанчалик боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан оммавий ахборот воситалари ўз вазифаларини қанчалик даражада бажара олишларига боғлиқ. Шахснинг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши, яъни сиёсий ижтимоийлашуви учун ижтимоий адолатнинг қарор топиши, фуқаролик жамиятинг, демократик давлатнинг барпо этилиши объектив асосдир. Жамиятда демократиянинг қарор топишини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демократия принциплари асосида фаолият кўрсатадиган, эркин матбуотсиз демократик жамиятни қуриб бўлмаслиги бугун барчага аён ҳақиқат. Демократик матбуотсиз кўп улугвор режалар тўлиқ амалга ошмай, орзулигича қолиб кетаверади.

Оммавий ахборот воситаларининг сиёсий соҳада қанчалик аҳамият касб этиши унинг асосий сиёсий функцияларида ҳам намоён бўлади.

1. Ахборот бериш функцияси. Оммавий ахборот воситалари барча сиёсий воқеаларни, жараёнларни, ўзгаришларни ёритиб боради. Воқеаларни оддий ёритиш билан чекла-

---

<sup>1</sup> Моль А. Социалдинамика культуры. – М., 1993. – 176 с.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари-га” байрам табригидан. “Маърифат” газетаси, 2017 йил 28 июнь.

ниб қолмасдан, уларга сиёсий баҳо бериш, таҳлил қилиш ҳам уларнинг зиммасидадир. Таҳлилларда воқеа-ҳодисанинг моҳияти, аҳамияти очиб берилиши керак. Зеро, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборотгина сиёсий ахборот бўла олади.

Оммавий ахборот воситалари сиёсий ахборотларни омма ҳукмига ҳавола этар экан, шу билан кишилар онги ва фаолиятига таъсир ўтказади. Бунда айниқса материалларнинг сиёсий савияси ва сифати муҳим аҳамиятга эга. Уларда долзарб мавзу кўтарилган, фикрлар етарлича асосланган, муаммонинг ечимлари таклиф этилган, ўқувчи (тингловчи, томошабин) интеллектуал савияси инобатга олинган бўлиши керак. Афсуски, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг барча материалларини сифатли, сиёсий савияси баланд деб бўлмайди. Мисол тариқасида газеталарни олиб қарасак, республика, вилоят миқёсида чоп этиладиган кўплаб газеталарнинг савияси, мундарижаси деярли бир хил, ранг-баранг кўрсатувлар йўқ. Янгиликлар деганда турли тадбирлар, йиғилишлар тўғрисидаги хабарларга асосий урғу қаратилади. Чет эл хабарлари эса қайсидир хорижий сайтдан олиниб, наридан бери таржима қилиниб, берилаверади. На республикамизда, на хорижда рўй бераётган долзарб сиёсий воқеалар етарлича таҳлил қилинмайди, шарҳланмайди. Телевидениеда бир пайтлар кўпчилик қизиқиб томоша қиладиган “Сиёсий шарҳловчилик” кўрсатуви негадир йўқ бўлиб кетди. Пухта тайёрланган, сиёсий савияси юқори материаллар тақдим этилмас экан, уларнинг шахс сиёсий фазилатлари шаклланишига таъсири етарли даражада бўлмайди.

2. Назорат қилиш функцияси. Оммавий ахборот воситалари аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, асосан жамият манфаатларига хизмат қилади, тўғрироғи хизмат қилиши керак. Шу туфайли оммавий ахборот воситалари ҳокимият органлари фаолияти ёки фаолиятсизлигини тинмай ёритиб боради. Ҳокимият органлари фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликларни кўрсатиб бериш, танқидий таҳлил қилиш орқали салбий оқибатларнинг олди олинади, ўзбошимчаликларга, қонун бузилишларига чек қўйилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситалари содир бўлган воқеа-ҳодисалар тўғрисида фақатгина давлат органлари муносабатини ёритиш билан чекланмасдан, ушбу воқеа хусусидаги турли нуқтаи назарларга ҳам эътибор қаратиш орқали ижтимоий назоратни амалга ошириши лозим. Бунда, албатта, ахборотларнинг объективлиги, асослилиги муҳим аҳамиятга эга.

3. Бошқарув функцияси. Ушбу функция орқали фуқаролар жамият олдида турган вазифаларни бажаришга сафарбар этилади, уларнинг ижтимоий жараёнлардаги иштироки ташкиллаштирилади. Демократик жамият қуришда фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни ҳам давлатни бошқаришда фуқаролар иштироки қанчалик даражада ҳал қилинганлиги билан белгиланади. Шунингдек, фуқаролар ўзларининг қандай бошқарилаётганлиги ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишлари, бу борадаги ўз ҳуқуқларидан фойдалана олиш малакасига эга бўлишлари керак. Шундагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдидаги масъулиятини англаб етади.

4. Жамоатчилик фикрини шакллантириш функцияси. Оммавий ахборот воситалари демократия тамойилларига қатъий амал қилсагина, унда ҳар бир шахснинг манфаатлари ўз ифодасини топади. Шахс ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги тан олинган демократик жамиятгина жамоатчилик фикрининг ўрганилиб борилиши учун замин яратади, бу эса бир томондан, фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирокини таъминласа, иккинчи томондан, сиёсий ҳокимият, ижтимоий бошқарув тўғрисидаги демократик тасаввурларини ривожлантиради. Шахс сиёсий онги ва фаолиятининг ушбу икки мезони унинг сиёсий қиёфасини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

5. Таълим бериш. Оммавий ахборот воситалари шахсни сиёсий жиҳатдан тарбияловчи, унга сиёсий таълим берувчи кучдир. Бунда, “Айниқса ТВ орқали намоиш этиладиган қизиқарли спектакль ва телефильмларнинг таъсири кучли, аудиторияси улкан.”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Эрқаев А. Сиёсий ва ҳуқуқий тарбия // Тафаккур, 2015. – 3-сон, 28-бет.

Демак, телевидениеда, матбуотда сиёсий очерклар, сиёсий публицистик мақолалар, сиёсий мавзудаги кўрсатувлар қанча кўп, энг асосийси сифатли бўлса, шунчалик мақсадга мувофиқдир.

6. Фикр айтиш функцияси. Ушбу функция ўз фикрини ошкора ифодалаш ва сиёсий ҳамфикрларини топиш имкониятини беради. Матбуотда ҳар бир фуқаро ўз фикрини, дардини, муддаосини билдира олиш имкониятига эга бўлиши керак. У ҳақиқий маънода халқ минбари бўлиши лозим. Шундагина ҳар бир шахс ўз хоши-истакларини, мақсадларини ифодалай олиши, манфаатларини қондириши мумкин.

7. Хоши-истакни уйғотиш функцияси. Ушбу функция аудиторияни қайсидир сиёсий фаолиятга хоши уйғотишига қаратилган бўлади. Масалан, сайловларда овоз беришга чақириш. Бежизга, ҳозирда сайловлар “телевизион сайловлар” деб аталмаяпти. Негаки сиёсий етакчиларни кўпчилик аввало, матбуот, хусусан, телевидение орқали танийди. Унинг кучидан, салоҳиятидан, мақсадидан хабардор бўлади ва шу орқали унга муносабати шаклланади.

Хулоса қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари бошқа соҳаларда бўлгани каби шахс сиёсий ижтимоийлашуви жараёнига ҳам кучли таъсир ўтказади. У шахс сиёсий онги ва маданиятининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Бу таъсирнинг ижобий ва самарали бўлиши учун оммавий ахборот воситалари демократик тамойилларга қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритишлари, ҳар бир шахснинг манфаатларини ифодалай олиши даркор. Бунинг учун эса оммавий ахборот воситаларининг ҳар бир тури сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши, уларнинг моддий-техника базаси замон талабларида бўлиши, энг муҳими бу соҳада билимли, эътиқодли, жасур, принципиал, ўз касбининг фидойилари бўлган кадрлар фаолият кўрсатиши лозим бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Желтов В.В. Политология: Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2004. – С. 371.
2. Моль А. Социодинамика культуры. – М., 1993. – 176 с.
3. Эркаев А. Сиёсий ва ҳуқуқий тарбия // Тафаккур, 2015. – 3-сон, – Б. 28.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада шахснинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишининг муҳим омили бўлган шахс сиёсий ижтимоийлашуви жараёни ва бу жараёнга оммавий ахборот воситаларининг кўрсатаётган таъсири таҳлил қилинган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье анализируется процесс политической социализации личности, которая является важной предпосылкой ее активного участия в политической жизни общества, а также влияние средств массовой информации на этот процесс.

#### **SUMMARY**

This article analyses the process of politico-socialization of a person as an important factor of their active participation in society and the influence of Mass Media to this process/

*Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган*

## **ЎЗБЕК МИЛЛИЙ НИКОҲ МАРОСИМЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ**

**Комилов Р.Р.** (СамДУ ҳузуридаги ХТХҚТМОМ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *никоҳ, маросим, миллий анъаналар, урф-одатлар, оила, ахлоқий нормалар, эстетика, маънавий мерос.*

Никоҳ инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб махсус урф-одат орқали оиланинг бардам ва мустаҳкам бўлишига қаратилган жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал одат, кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштирилган маросимдир.

Шу маънода олиб қаралганда, “Никоҳ – икки жинс вакилларининг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифоқ” [1:335]. Бу фақат жисмоний жуфтлашиш эмас, балки маънавий муштараклашиш ҳамдир. Инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқли жиҳати ҳам ана шу билан боғлиқ. Никоҳ ижтимоий ҳодиса бўлганлиги учун гувоҳлар иштирокида амалга оширилади. Сабаби жамоатчиликка икки жинс вакилининг оила кураётганлигини ошкор қилиш ҳисобланади. Никоҳ тушунчасига таъриф беришда унинг ана шу жиҳатларини инобатга олиш муҳим ҳисобланади. Никоҳ тушунчасига нисбатан бугунги кунда ҳуқуқий, социологик ва фалсафий нуқтаи назардан ёндашувлар мавжуд. Ҳуқуқий нуқтаи назардан никоҳ оила қуришга қаратилган юридик расмийлаштирилган эркак ва аёлнинг эркин ва хохиший иттифоқи сифатида талқин қилинади. Бунда шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжудлигига урғу берилади. Кўриниб турибдики, бундай ёндашувда масаланинг ҳуқуқий жиҳатларига катта эътибор қаратилган. Жумладан, никоҳнинг эркинлиги, ихтиёрийлиги, мулкӣ масала ва мажбуриятга алоҳида эътибор қаратилган. Никоҳнинг асоси сифатида фалсафий ёндашувдаги ахлоқий нормалар эмас, ҳуқуқий нормаларга, яъни никоҳ ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизимидан иборатлигига асосий урғу берилади. Никоҳ бу оила расмийлаштирилишининг воситаси ва жамоатчиликнинг унинг устидан назорати ана шу жараённинг ҳуқуқий нормалар асосида ёритилиши сифатида ёндашилади.

Мамлакатмизда никоҳнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизда ва 1998 йил 30 аирелда қабул қилинган Оила кодексиде белгилаб берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида таъкидланишича, “Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тент ҳуқуқчилигига асосланади” [2:21].

Социологик ёндашувда никоҳ оила ижтимоий институтининг шаклланиши асоси сифатида қаралиб, турли жинс вакиллари ўртасидаги муносабатларнинг тартибга солиниши заруриятига бўлажак иттифоқнинг мустаҳкамлаш қафолатларига асосий урғу берилади. Никоҳга бу эркин тенглик асосидаги эркак ва аёл ўртасидаги ўзининг ижтимоий тартиботларига эга бўлган қонун доирасидаги белгиланган иттифоқ сифатида таъриф берилади.

Бундай ёндашувда оила ўзининг ижтимоий тартиботларига эга кичик жамият сифатида қаралади. Никоҳ эса ана шу бўлажак кичик жамиятнинг дастлабки ижтимоий шартномаси, икки жинс вакилларининг келишуви сифатида илгари сурилади. Лекин никоҳдан мақсад икки жинс ўртасида нафақат ижтимоий иттифоқни шакллантириш, балки ўзаро ҳурмат ва севги, муҳаббатга асосланган муносабатларга асосланиши масаласи очиқ қолади.

Қомусий луғатларда никоҳ – эркак ва аёлнинг уларга маълум мажбурият ва ҳуқуқлар берувчи оилавий иттифоқи, деб таъриф берилади. Ушбу таърифда масаланинг ҳуқуқий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилиб ахлоқий ва эстетик жиҳатлари ёритилмаган. Яна бир таърифда никоҳ – турли жинс вакилларининг давомли иттифоқи бўлиб инсон табиатининг жисмоний ва ахлоқий талабларини қондиришга қаратилади. Никоҳнинг жисмоний элементи бу инсонни табиатан қарама-қарши жинсга интилиши, жинсий алоқага эҳтиёжи билан белгиланса, ахлоқий жиҳати эса икки жинс вакили ўртасидаги севги, муҳаббатнинг пайдо бўлиши ва шу севги қарама-қарши жинс вакилларининг висолга ундаши билан боғлиқ ҳисобланади. Яна бир ахлоқий жиҳати кучли томоннинг кучсиз томон устидан бошқарувнинг ўрнатилиши билан боғлиқ.

Фалсафий ёндашувда аввало ахлоқий нормалар: масъулият, ишонч, ҳурмат ва эстетик нормалар: севги, вафо, муҳаббат марказий планга кўтарилади. Фалсафий нуқтаи назардан никоҳ ўз моҳиятига кўра ахлоқий эстетик ҳодиса ҳисобланади. Унда эҳтирослар ахлоққа бўйсундирилади. Оддий бирга яшашда эса табиий эҳтиёжни қондириш биринчи ўринда туради, никоҳда у ахлоқий ва эстетик қадриятлар асосида иккинчи даражали мавқени эгаллайди. Бундан ташқари, никоҳ оиланинг ботиний кўриниши, пойдевори ҳисобланади. Никоҳ бекор қилиниши муносабати билан оила бузилади. Аслида никоҳ ҳам ди-

ний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан бузилмаслиги керак. Лекин ўртада хиёнат содир бўлиши ёки яна бошқа бир хил сабаблар туфайли никоҳни фақат ахлоқий обрўга эга, қонун билан тан олинган идоралар, масалан суд ва ваколатли имом бекор қилиши мумкин, зеро у, айтганимиздек, ахлоқий ҳодиса. Ҳар бир жамият мана шу сўнгги турдаги оила бузилишига қарши курашади. Бундай оила бузилиши қанча камайса, у ўша жамият ахлоқий такомиллашиб бораётганини англатади.

Никоҳнинг шартлари аввало эркак ва аёл ўртасидаги иттифоқ яъни иттифоқ деганда икки қарама-қарши жинс вакилининг узоқ муддатли бирлигини таъминловчи келишув ҳисобланади.

Шуларни инобатга олиб никоҳга фалсафий нуқтаи назардан икки қарама-қарши жинс вакиллари ахлоқий ва эстетик қадриятларга асосланган иттифоқи деб таъриф бериш мумкин.

Шу маънода никоҳ тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

- никоҳнинг эркинлиги. Никоҳга кирувчи шахсларнинг никоҳий муносабатларни эркин қуриш имконияти;

- томонларнинг тенглиги. Никоҳга кирувчи шахсларнинг ирқий, диний жиҳатдан чекланишига йўл қўймаслик;

- эр-хотинлик муносабатларининг умрбодлиги;

- ворисийлик. Фарзандлар дунёга келтириш ва тарбиялаш;

- никоҳни белгиланган ҳуқуқий нормалар асосида қуриш. Маълум ёш синтезига амал қилиш. Қонунда белгиланган идораларда расмий никоҳни расмийлаштириш.

Никоҳ барча даврларда ҳам ҳақиқий оиланинг такомиллашуви ва ривожланишига маънавий, ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Никоҳ янги қурилаётган оилани давлат, жамоат томонидан расмий равишда тан олиншидир. Шу сабабли ҳам никоҳни қайд этиш давлат органларининг вазифаларидан бири бўлган, унинг меъёр ва мақсадлари қонунлар билан белгиланган. Барча диний таълимотларда никоҳнинг шакли ва мақсадлари масаласига бефарқ қаралмаган.

Никоҳнинг турлари ҳақида ҳам турли хил қарашлар мавжуд. Бу қарашлар никоҳнинг таркиби, шarti, муддати ва мазмун-моҳиятига асосланган. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунга келиб никоҳнинг айрим янги шакллари ҳам пайдо бўлган.

1. Анъанавий никоҳ – давлат томонидан юридик тасдиқланган, жамият томонидан тан олинган никоҳни биз шундай деб атадик, чунки у одатийдир. Яъни бу барчага маълум бўлган, кўпчилик томонидан амал қилинадиган никоҳ туридир.

2. Диний никоҳ – фақатгина дин томондан тан олинган. Мусулмонларда, хусусан ўзбекларда мулланинг никоҳ ўқиши билан қифояланган шаръий никоҳдир. Аммо баъзи шариатга асосланган ислом давлатларида диний никоҳни давлат ҳам тан олади.

3. Қонуний ёки юридик расмийлаштирилган никоҳ – Адлия вазирлиги томонидан юридик тасдиқланган никоҳ тури бўлиб, бунда эркак ва аёл фақат ФХДЁ бўлишидан ўтиш билан қифояланадилар, аммо диний никоҳ ўқитмайдилар.

4. Фуқаролик никоҳи – бу юқорида кўрсатилганидек, на дин томондан, на давлат томондан тасдиқланган никоҳ бўлиб, бир-бирини синаш ё бир-бирининг эркинликларини чеклаб қўймаслик ёки дин ва давлат томондан юклатиладиган мажбуриятни ўз бўйнига олмаслик мақсадида қурилади.

Шунингдек, никоҳнинг вазифалари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- ижтимоий функцияси;

- ворисийликни давом эттириш функцияси;

- ҳамдардлик функцияси;

- оила учун пойдеворлик функцияси;

- икки жинс вакиллари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш функцияси.

Энди “маросим” тушунчасини таҳлил қиладиган бўлсак, ижтимоий фанлар шакланган даврдан бошлаб миллий анъаналар ва расм-русмлар ва урф-одатлар, жумладан, маросимларни халқ маданиятининг феномени тарзида ўрганиш долзарб муаммоларидан бири бўлиб келган. Айниқса, республикамизда миллий қадриятимизга ва маънавий меросимизга давлат миқёсида эътибор берилаётган тарихий бир жараёнда мутахассис олимлар томонидан анъанавий маросимларимизни тақлид қилишда уларнинг ёзма тавсифини бериш билангина чекланиб қолмасдан, балки қадимги тарихга эга бўлган маросимларимиз халқ турмуши ва анъанавий маданиятга тутган ўрни уларнинг генесизи ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда сақланиш омиллари борасидаги тадқиқотлар муҳим илмий амалий аҳамият касб этиб бормоқда. Лекин эстетика ва халқ турмуш тарзи билан шуғулланувчи фанлар доирасида юқоридаги тушунчаларнинг таърифи, тавсифи ҳамда фарқли хусусиятлари борасида мукамал назарий методологик қарашлар ишлаб чиқилмаган. Шу боис баъзи ҳолларда айрим тадқиқотлар томонидан маросим ва урф-одат, анъана ва байрам каби тушунчаларни синоним тарзда ишлатиш ёки изчил фарқланмаган ҳолда қўлланилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Шубҳасиз, бу ўринда маросим, урф-одат, байрам терминларининг қандай ўхшашликлари ва фарқли хусусиятлари мавжуд? деган савол туғилиши табиийдир. Ушбу терминлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Аммо бир-биридан кескин фарқ қиладиган томонлари ҳам мавжуд.

Аввало анъана ҳақида тўхталсак. “Анъана” тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, аجدодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маданий ҳаётига таъсир ўтказадиган маданий ҳодисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий қоида тарзида кишилар онгида синган (умумий ёки маълум гуруҳ томонидан), қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуаси ҳисобланади [3:8].

Урф-одат тушунчаси эса ўта кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига ҳаётнинг барча томонини оддий кундалик удум, расм-русум, ирим-сиримлар ўзаро муомала тарзи ҳамда барча маросимларни бутунича қамраб олади. Урф-одат дейилганда кишиларнинг турмушига сингиб кетган маълум муддат такрорланиб турувчи хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари кўникмаси сифатида тушунилади.

Маросим тушунчаси нисбатан тор тушунча бўлиб, у шу халқ ҳаётининг маълум соҳаларида омма томонидан қабул қилинган, кўпинча рамзий характерга эга бўлган ва маълум кишилар гуруҳи томонидан махсус уюштирилладиган намоёишлардан иборат [4:12].

Шунингдек, маросим – инсон ҳаётининг моддий ва маънавий турмушининг талаб ва эҳтиёжи билан юзага келган ва келадиган ҳодисалардир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди [5:152]. Бошқача қилиб айтганда, маросим умум томонидан қабул қилинган, рамзий характерларга эга бўлган ҳаётий тадбирдир.

Ушбу маросим ва урф-одатга берилган қисқача қайдлардан ҳам кўришиб турибдикки, урф-одат тушунчаси халқ ҳаётининг барча соҳасини қамраб олса, маросим тушунчаси ҳаётнинг муайян соҳаларигагина алоқадор, холос. Урф-одат бир вақтнинг ўзида бир шахс ёки кўпчилик томонидан бажарилиши шарт бўлган хатти-ҳаракатдир [4:13]. Жумладан, кичикнинг каттага биринчи салом бериши ёки кўпчиликка камчиликнинг салом бериши каби кўринишлар ўзбекларга хос миллий урф-одатлардир.

Урф-одатлар билан маросим орасидаги ўзаро фарқни улар ичидаги рамзий характерларни қўлланиши даражаси орқали ҳам англаб олиш мумкин. Жумладан, урф-одат ўз ичига рамзий ва рамзий бўлмаган ҳаракатларни тўла қамраб олса, маросим фақат рамзий характердаги хатти-ҳаракатларнигина қамраб олади. Қолаверса, урф-одат муайян халқ учун асосан бир хил –ўзгармас қоида, норма бўлса, маросим бир халқ доирасида кескин локал фарқланишларга ҳам эга бўлади. Шунингдек, ҳар қандай маросим ўзи мансуб бўлган халқ урф-одатларининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шу боис маросим-

дан урф-одат элементларини қидириб топиш мумкин. Лекин урф-одатдан маросимни қидириб бўлмайди. Бу ўринда бироз бошқачароқ тарзда тадқиқотчи Б.Саримсоқов таъбири билан айтадиган бўлсак, ҳар қандай маросим урф-одат ҳисобланади. Аммо ҳар қандай урф-одат маросим бўла олмайди [4:13].

Тадқиқотчи олимлар томонидан ўзбек маросимлари икки гуруҳга бўлинади:

- оилавий-маиший маросимлар;
- мавсумий маросимлар.

Биз мазкур икки гуруҳ маросимлар ҳақиқатдан ҳам маросимларнинг асосий турларидан эканлигини рад этмаган ва мазкур квалификация тўғри таснифланганини эътироф этган ҳолда, маросимлар таснифига диний маросимларни ҳам киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки маросимларни моҳиятан таҳлил қиладиган бўлсак диний маросимлар алоҳида мустақил туркумни ташкил этишини англаш қийин эмас. Инсоннинг ҳаёт йўли билан боғлиқ ҳолда бажариладиган маросимларнинг аксариятини оилавий урф-одат ва маросимлар ташкил қилади. Оилавий-маиший маросимларни эса оиланинг у ёки бу аъзоси ҳаётидаги муҳим воқеаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб қуйидагиларга ажратиш кўрсатиш мумкин:

- оилада фарзанд туғилиши ва унинг тарбияси билан боғлиқ бўлган урф-одат ва маросимлар;

- никоҳ-тўй маросимлари;

- оила аъзосини сўнгги йўлга кузатиш, яъни дафн этиш ва таъзия билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар.

Маросимлар таркибидаги иккинчи катта туркум маросимларга йилнинг турли фасллари билан боғлиқ мавсумий маросимлар, яъни қишки, баҳорги, ёзги, кузги маросимлар киради.

Диний маросимларга ҳайитлар, мавлуд, биби мушкул кушод, биби сешанба, биби чоршанба, зикр каби маросимлар киради. Зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимлар ҳам диний маросимларга киритиш мумкин.

Урф-одат ва маросимлар маиший турмуш ва оила ҳаёти билан боғланган ижтимоий ҳодисадир. Урф-одат ва маросимлар жамият тараққиётининг илк даврлариданоқ шаклланиб ривожланиб келган. Кишилар ўз ҳаётлари давомида кўплаб урф-одат ва маросимларда иштирок этадилар.

Ҳар қандай урф-одат ва маросимлар муайян халқнинг бошқа халқлардан фарқланиб туришини таъминловчи муҳим этнографик белгилардан биридир. Айни вақтда, ушбу урф-одат ва маросимларда этник жиҳатлар ҳам акс этиб туради. Чунки ҳар бир халққа хос маданият мазкур халқнинг бошқа халқлар билан узоқ давом этган этногенетик ва тарихий-маданий алоқалари натижасининг маҳсулидир. Бундай жараён маънавий маданиятда ҳам, жумладан, урф-одат ва маросимларда ҳам намоён бўлади.

Юқоридаги таҳлилларимиз асосида “миллий никоҳ маросими” тушунчасига маълум бир миллат ёки гуруҳга тегишли икки қарама-қарши жинс вакиллари ахлоқий ва эстетик қадриятларга асосланган иттифоқининг умум томонидан қабул қилинган рамзий характерларга эга бўлган ҳаётий тадбиридир - деб таъриф бериш мумкин.

Бундай ёндашувда аввало никоҳ маросимлари субъекти масаласи, яъни миллатга тегишлилиги икки қарама-қарши жинс вакиллари иттифоқининг ахлоқий қадриятларга вафо, садоқат, ҳурмат-иззатга; эстетик қадриятлар севги, муҳаббатга асосланиши ва бу тадбирнинг расмийлигига, яъни жамоа томонидан унинг қабул қилиниши ва эътироф этилишига асосий урғу берилади.

Умуман олганда, ўзбек халқининг миллий никоҳ маросимлари ҳар бир даврда янги-ланиб, одамларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт фалсафасининг ўзгаришига қараб миллий ва умуминсоний урф-одат ҳамда анъаналарни келажак авлодга етказиб келган.



#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2003. – 704 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.
3. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 163 б.
4. Саримсоқов Б. Маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – 196 б.
5. Саримсоқов Б. Ўзбек фольклори. Очерклар. – Т.: Фан, 1988. – 124 б.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада оила ва никоҳ маросимларининг эстетик ва ахлоқий жиҳатлари миллий маросимлар билан боғлаб таҳлил қилинган. Унда миллий никоҳ маросимларининг ҳуқуқий, фалсафий, диний қарашларга доир масалалари ёритиб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье проанализирован материал, связанный с эстетическими и воспитательными особенностями национальных семейных и свадебных традиций. В ней освещены правовые, философские и религиозные стороны национальных свадебных обрядов и традиций.

#### SUMMARY

In this article the peculiar features of national family wedding customs and traditions are analyzed. And at the same time their religious, philosophic and national features of family wedding customs and traditions are taken into consideration too.

*Нашрга фалс. ф.д. С.Чориев тавсия этган*

### ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

Яздонов З. (СамДУ)

**Таянч сўз ва иборалар.** *экология, маданият, саноат, революция, табиат, ижтимоий экология, сиёсат, статистика.*

Ҳозирги глобаллашув даврида бутун дунёда энг муҳим глобал муаммолардан бири сифатида экологик муаммолар турибди. Бу муаммони ҳал қилиш бутун дунё халқларининг эртанги барқарор тараққиётини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиш билан баробардир”[1]. Экологик вазиятни яхшилашга таъсир кўрсатувчи омиллардан бири жамиятнинг ҳар бир аъзосида замонавий экологик дунёқарашни шакллантиришдан иборат.

Олимлар ерда ҳаёт пайдо бўлганига бир миллиард 700 миллион йил бўлган деб тахмин қилмоқдалар. Мана шу давр ичида табиатда шаклланиш бошланди, тирик организмлар вужудга келди, ривожланди. Ташқи табиий муҳит тирик организмлар бешигига айланди. Улар ташқи муҳитдан озукани олди. Ташқи муҳит кўпгина экологик омиллар мажмуасидир. Улар асосан уч гуруҳга бўлинади. Булар ўлик мавжудот (абиотик омил), тирик мавжудот (биотик омил), инсонлар (антропогон) омилидан иборат. Мазкур омиллар доим бир-бирларига таъсир этиб туради. Инсон яшаш тарзи давомида ҳайвонот оламига, тупроққа, сув ва ҳавога таъсир этади. Масалан, инсон ўз тараққиётининг дастлабки даврларида овчилик билан шуғулланган. Кейин у ўзи учун зарур бўладиган ўсимликларни маданийлаштиришни ўрганди. Бундан кейин эса чорвачилик маданияти шакллана бошлади. Одамлар яшаш имкониятлари чорвачилик ва деҳқончиликка боғлиқ бўлиб қолди. Бу мувозанат гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга қараб бузилиб турди. Одамлар яхши яшаши билан гўштлири кўплаб озик-овқат учун ишлатиладиган ҳайвонлар тури қирғинга

учради ёки жуда кенг майдонлардаги дарахтлар, табиий ўрмонлар деҳқончилик учун ёндириб юборилди ва кесиб ташланди.

Одамлар ривожланиш, ақлий такомил сари юз тутиши билан нафақат ер устидаги табиат, балки сувдаги жониворлар ва ер остидаги бойликлар ҳам қазиб олина бошланди. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари пайдо бўлгунига қадар ер шарида фақат бир неча ўн миллион одам яшаган. “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши шакллангандан кейин эса аҳоли сони узоқ даврлар тахминан 500 миллион атрофида сақланиб келган. Саноат революцияси оқибатида аҳоли сони қарийб 7,4 миллиардга етди”[2].

Табиатдаги зиддиятларни инсоннинг ақлий такомилли натижасида фан ва техниканинг ўсиши ғоят кучайтириб юборди. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, маҳсулот ишлаб чиқариш даражасининг ўса бориши оқибатида табиий бойликларни истеъмол қилиш ҳажми тўхтовсиз ўсиб бормоқда. 1970 йилда табиий бойликларни жон бошига истеъмол қилиш 1940 йилдагига қараганда 2,5 баробар ошди, бу кўрсаткич 1940 йилда 7,4 тоннани ташкил этган бўлса, бизнинг кунларимизга келиб 35-40 тоннага етди.

Ҳозирги даврга келиб ҳар йили дарёлар сувининг 13 фоизи хўжалик маиший эҳтиёжлари учун сарфланмоқда. Бу сувнинг 5,6 фоизи қайта тикланмайди. Ер бағридан ҳар йили 1000 миллиард тонна ёнғин ва қурилиш материаллари қазиб олинади. 800 млн. тонна ҳар хил металл эритилади. Тўла бўлмаган маълумотларга кўра ер шарида ҳар йили 2,5 миллиард тонна нефт, 20 миллиард тонна кўмир ёқилади, миллион-миллион автомобил, самолёт ва трактор двигателлари нефт маҳсулотларини ёқади. Бутун дунёда 2 миллиард куб метрдан ортиқ ёғоч ишлатилади. 50 миллион тонна балиқ, қисқичбақа ва моллюсклар овланади. Йиллик овчилик маҳсулотлари миқдори 1 миллион тонна гўштга тенг[3].

Маълумки, экологик муаммоларнинг энг муҳимларидан бири ҳаво муҳитининг ифлосланиб бораётганидир. Бунга турли техника воситаларидан газсимон моддаларнинг чиқарилаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. «Оддий бир мисол, битта енгил автомобил йилига 2 тонна бензин сарф қилиб, 30 тонна кислородни қабул қиларкан. Шунингдек у 60 кг. Исгази (СО) ва 50 кг. Метан ва бошқа карбонводородлар, 30 кг азот оксидлари, 5 кг. Турли аралашмалар (аерозол), 3 кг.гача олтингурут оксиди, 5 кг. Бензорипин, 700 кг.дан юқори ҳароратли карбонат ангидриди ва бошқаларни чиқаради»[4]. Бир автомобилнинг атмосферага келтирадиган зараридан ер юзидан ҳаракатланаётган миллионлаб автомобиллар юзага чиқарадиган экологик муаммони бемалол тасаввур қилиш мумкин.

Деҳқончилик, чорвачилик учун ғоят мақбул бўлган Ўзбекистон Республикасида ҳам экологик муаммолар мавжуддир. Бундай муаммоларнинг энг асосийси пахта яккаҳокимлиги бўлди. Собиқ тузум Ўзбекистонни ўзининг пахта етказиб берувчи асосий зонасига айлантириб қўйди. Ўзбекистондан узоқ-узоқларда ишлайдиган тўқимачилик комбинатлари ўзбек пахтаси ҳисобига ишлайдиган, машаққатли меҳнатни эса ўзбек деҳқони қиладиган бўлди. Ҳаддан ташқари кўп майдон пахтага ажратиб берилганлиги боис республиканинг Амударё билан Сирдарё сингари асосий икки дарёсининг суви ягона денгизимиз Оролга керакли миқдорда сув беролмай қолди. Натижада Орол суви бир неча юзлаб километрга чекиниб денгиз ўрнида пестицид номи билан аталадиган захри-қотилга тўйинган қум билан туз қолди. Чунки пахтадан юқори ҳосил олиш учун ҳашаротга ҳам, бегона ўтларга ҳам захар сепилаверди. Бу захар оқова сувлар билан турли ҳавзаларга боғлиқ тушди.

Экология фани қанчалик зарур ва қанчалик долзарб эканини шундан англаса ҳам бўладик, бугун бизнинг сув ҳавзаларидаги ва Оролнинг қуриб қолган ўзанидаги захар-пестицидлар ер юзининг энг чет нуқтаси ҳисобланган Антарктида музликларидан ҳам топилмоқда. Орол қуриб боргани сари унинг ўзанида ётган пестицидга тўйинган тузлар шамол ва бўрон орқали ҳеч қандай чегара ва ҳудуд билмай кўплаб мамлакатларга тарқалавериши мумкин. Бундан ер юзидаги боғ-роғлар қурийдилар, инсонлар саломатлигига катта зарар етади. Шу боис Орол фожеаси - нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун она

еримизнинг фожеасидир. Бу фожеа узоқ йиллар мобайнида кўзга кўринмас бир тарзда пайдо бўлган бўлса, уни эндиликда бирор давлатнинг ўзи баргараф эта олмайди. Ер юзидаги бундай йирик экологик фожеалар кўплаб давлатларнинг биргаликдаги саъий-ҳаракатлари билангина баргараф этилиши мумкин.

Бу каби бугунги кун учун, келажак учун зарур бўлган тадбирни бир гуруҳ олимлар, бирор касб эгаллари ё бўлмаса, бир неча идора вакиллари бажаришнинг уддасидан чиқмайдилар. Экология иши барча олимларнинг, зиёлиларнинг, тадбиркорларнинг, ихтирочиларнинг, жамиятнинг барча комил кишиларининг зиммасидаги вазифадир. Экология, табиатни муҳофаза қилиш, она ерга ва унинг ашёларига муҳаббат ҳар бир ёш фуқарога унинг ёшлигиданоқ сингдирилиши зарур.

Шуни айтиш керакки, экологик маданиятни барқарор этиш учун бир қадар ишлар амалга оширилди. Кечаги даврда биз эндигина тўқнаш кела бошлаган «Табиатни муҳофаза қилиш», «Табиат экологияси», «Инсон экологияси» каби тушунчалар бугун кенгрок маъно касб этиб «Ижтимоий экология»га айланди. Ижтимоий экологияни ўрганиш масаласида бугунга қадар республикамызда бирталай ишлар амалга оширилди.

Ижтимоий экология – социологиянинг бир бўлими ҳисобланиб, унда инсон ва муҳитнинг ўзаро муносабатлари ўрганилади. Бу фан Америкада ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ пайдо бўлган эди. Жумладан, Р.Парк ва Бэржесс каби олимлар бир неча асарлар ёзган. Ижтимоий экологиянинг манбаи ва асосий тушунчалари ҳозирча аниқ белгиланган эмас. Баъзи социологлар ижтимоий экологиянинг вазифаси инсоннинг табиий муҳит, яъни ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан ўзаро муносабатини, иккинчи гуруҳ олимлар ижтимоий экологиянинг ўзаро шакллари ва омиллари билан ўзаро муносабатини ифода этишдан иборат деб таърифлайдилар. Яна бир гуруҳ олимлар уни ижтимоий тартиботларнинг маконда жойлашуви ҳақидаги фан, деб тушунтирадилар.

Ҳозир «экология» ибораси билан «табиатни муҳофаза қилиш» ибораси ҳам кўп қўлланилмоқда. Хўш, бу иборалар ўртасида қандай умумий томонлар ва фарқлар мавжуд.

«Табиатни муҳофаза қилиш» деганда биз табиатни бутун бир ҳолатда ёки унинг ер, ҳаво, сув, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот дунёси каби айрим компонентларини муҳофаза этишни тушунамиз. «Экология» бу функцияларни ҳам ўз зиммасига олади. Бироқ экология барча тирик жонзотлар яшаш муҳитини, уларнинг ўзаро муносабатларини ўрганади ва у биология фанлари қаторига қиради.

Экология билимларни тарғиб ва ташвиқ қилиш бугун мустақил давлатимизнинг муҳим ишларидан бирига айланиб қолди. Бу борада миллий меросимиз, халқимизнинг азалий урф-одатлари билан бир қаторда барча дунёвий ва диний билимларни ишга солиб, нафақат болалар, балки катталар ўртасида ҳам кенг қўламда тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, экология давлат муаммолари даражасига кўтарилди. Шу боис кейинги пайтларда «экологик сиёсат» деган тушунча пайдо бўлди.

Экологик сиёсат давлатлар фаолиятининг экологик муносабатларини самарали тарзда бошқариб туриш имконини беради. Табиат билан турли ижтимоий системалардаги жамият ўртасидаги ўзаро алоқанинг қонуниятларини, шарт-шароитлари ва шакллари, шунингдек, мана шу ўзаро алоқаларни мақбул тарзга келтириш ва уларни бошқариш воситаларини ўрганувчи экология мазкур сиёсатнинг илмий методик негизидир. Экология сиёсатини ишлаб чиқишда ҳозирги замон илм-фани барча тармоқларининг намояндалари иштирок этадилар ва бу сиёсат давлат бошқарувига оид қарорларда ўзининг мужассам ифодасини топади [5].

Табиатни муҳофаза қилиш борасида республикамызда бирмунча ишлар амалга оширилиб, тажрибалар тўпланди. Аввало табиатни муҳофаза қилиш борасида республикамыз худудида қандай муаммолар борлиги аниқлаб олинди. Улар республикамыздаги ишлаб чиқаришлар соҳасида, ижтимоий соҳада ва бошқа жабҳаларда бўлиши мумкин.

Экологик сиёсат бугун бизга қатор тадбирларни амалга ошириш вазифасини қўймоқда. Улар қуйидагилардан иборат.

**Биринчидан**, йўқолиб кетаётган ҳайвонот оламини асраб қолиш. Бунинг учун махсус кўриқхоналар, буюртмахоналар ташкил этиш. Миллий боғлар, ўрмонзорлар, биосфера кўриқхоналари ташкил этиш.

**Иккинчидан**, атроф-муҳит экологик мувозанатини яхшилаш, экологик жиҳатдан танглик юз берган жойларни хариталаштириш, Хомашё, озик-овқат ва энергетика манбаларидан тежамкорлик билан фойдаланишни йўлга қўйиш.

**Учинчидан**, саноатда ишлаб чиқарилаётган техник воситалар – моторларини, электр ускуналарини ва бошқа техника воситаларини табиатга чиқитни кўп чиқармайдиган қилиб ишлаб чиқариш учун барча илмий салоҳиятни йўналтириш. Нефт маҳсулотлари сифатини яхшилаш.

**Тўртинчидан**, завод-фабрикаларнинг чиқиндисиз ишлашини йўлга қўйиш. Бу билан ер, ҳаво, сувларнинг ифлосланишини, ортикча сарфини камайтириш. Шунингдек, табиатни радиациядан ҳимоялаш.

**Бешинчидан**, жиддий экологик фожеа рўй берганда халқаро жамоатчилик билан кучларни бирлаштириш. Бундай экологик тангликларни бартараф этиш режаларини ишлаб чиқиш.

Мустақиллик эълон қилинганидан кейин мамлакатимизда атроф-муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар кўлами кенгайди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов дастлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сессиясида сўзга чиқиб, дунё жамоатчилиги эътиборини Орол фожеасига қаратган эди. Мамлакатимизнинг Президенти Ш.Мирзиёев ҳам мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг 2017 йил 19 сентябрда бўлиб ўтган 72-сессиясидаги нутқида «Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана менинг қўлимда – Орол фожеаси акс эттирилган харита. Ўйлайманки, бунга ортикча изоҳга ҳожат йўқ. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда» [6], деб мазкур масаланинг жуда долзарблигини алоҳида таъкидлаган эди.

Аввало масалага илмий нуқтаи назардан кўрсатиш, илмий экспертлар кенгашини, ишчи гуруҳини тузиш тақозо этилади. Чунки «мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади» [7]. Бугунги кунда республикаимизда илм эгаллашга алоҳида эътибор берилаяпти. Миллий таълим дастурлари ишлаб чиқилиб ҳаётга жорий этилмоқда. Бу жамиятимизнинг илгари силжишига катта таъсир этади. Зеро, жамият ҳаёти қатъий илм негизида ташкил этилганда ва илм-фан тавсиялари четга суриб қўйилмаса, экологик танглик четлаб ўтилиши ва унинг хавфи бартараф этилиши мумкин. Ҳозирга қадар инсон табиатнинг хўжайинига, унинг издан чиқарувчи кучга айланиб келган экан, ўз хатоларини тузатувчи ҳам инсоннинг ўзи бўлади.

Табиатни муҳофаза қилиш борасидаги вазифаларимиздан бири – табиатга кўрсатиладиган таъсир оқибатларини олдиндан кўра билишдир. Бу ҳол кўпгина тангликларни илгаридан аниқ билиш ва олдини олишга ёрдам бериши мумкин. Рўй бера бошлаган табиий ҳодисаларни чуқур ўрганмасдан, тушуниб етмасдан, рўй бераётган ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликларни англаб етмасдан табиатни муҳофаза қилиш ишига самарали ҳисса қўшиб бўлмайди.

Экологик хавфни бартараф этиш бугунги кунда муаммоларнинг энг долзарбларидан биридир. Буни кенгликларга сочилаётган, баланд қувурлардан чиқаётган заҳарлар, қуриб қолаётган дарёлар, тутун қўйнида қолаётган шаҳарлар, кўтарилаётган туз бўронлари, кўпайиб бораётган оғир турдаги касалликлар ҳам тасдиқлаб турибди. Ўзбекистонда ҳам, бутун жаҳонда ҳам экологик бўҳронларнинг олдини олиш борасида самарали омил-

лар ва воситалар ишга солинмоқда. Аммо хавфни бартараф этишнинг битта энг биринчи омили бор, у ҳам бўлса, экологик маданиятни шакллантиришдир.

Кейинги пайтларда, айниқса, мустикалликка эришганимиздан кейин экологик маданият кўп тилга олинапти. Бунинг асосий принципи шундан иборатки, инсон аввало мавжуд табиат билан ғоят эҳтиёткорлик, тежамкорлик билан муносабатда бўлишни ўрганиши, қолаверса, табиатнинг хавф остида қолган ашёларини тез илғаб олиш ва унинг учун яхши шароит яратиб беришдир.

Экологик маданият, бу – билим ва кўникмалар мажмуаси бўлиб, у таълим ва тарбия ёрдамида ҳосил қилинади.

Экологик маданиятни шакллантириш, биринчидан таълим-тарбия ёрдамида табиатга оид билимларни ўрганиш, иккинчидан, экологик дунёқарашни шакллантириш, қолаверса, экологик эътиқодни вужудга келтириш демакдир. Бу ишда табиатни муҳофаза этиш борасида амалий кўникмаларни ҳосил қилиш, бу борада амалий-ижодий фаолият билан шуғулланишга тайёр бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан қараганда экологик маданият экологик онг, экологик эътиқод ва экологик фаолият каби таркибий қисмлардан ташкил топади, дейиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, экологик маданиятни шакллантириш – жамият учун табиат билан тиллаша оладиган, у билан мулоқот қила оладиган савиядаги фуқарони тайёрлашдир. Бу тадбир учун жуда кўп омиллардан фойдаланиш мумкин. Аввало экологик маданият учун асос бўладиган омиллар мавжуд. Бугунги кунда мазкур омилларнинг энг муҳими – аждодларимиз меросидир. Халқимиз узоқ тарихи давомида табиатни доим эъзозлаб, унга жуда катта маданият билан ёндашган. Халқимизнинг буюк маданияти табиий қадриятлар асосида пайдо бўлган. Уни махсус тадқиқ этиш лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
2. <https://daryo.uz/2017/12/29/yer-yuzi-aholisi-2018-yil-1-yanvarda-74-mlrd-kishiga-yetadi>.
3. Алибеков Л.А., Нишонов С.А. Табиат ва инсон. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – Б. 30.
4. [geografiya.uz/ekologiya](http://geografiya.uz/ekologiya).
5. Шодиметов Ю. «Ижтимоий экологияга кириш» китоби алоҳида эътиборга сазовордир. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
6. Саматов С. Табиат – фалсафий англаш предмети сифатида. – Термиз, 1993. – Б. 19.
7. [uza.uz/oz/politics/](http://uza.uz/oz/politics/)

#### **РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган экологик муаммоларни, шу жумладан, шахс экологик маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳати очиб берилган. Шунингдек, ёритишда статистик маълумотлар асосида экологик маданиятни юксалтиришнинг илмий асослари ёритиб берилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В этой статье изложены социально-философские аспекты формирования экологических проблем, в том числе экологической культуры, которая является одной из важных проблем нашего времени. В статье рассмотрены научные основы развития экологической культуры на основе статистических данных.

#### **SUMMARY**

This article outlines the socio-philosophical aspects of forming ecological problems, including one's ecological culture, which is one of the pressing issues of our day. The article covered the scientific basis of ecological culture development based on statistical data.

*Нашрга фалс. ф.д. С.Чориев тавсия этган*

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ОМИЛЛАРИ ВА ГЕОСИЁСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Омонов Б. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *экологик муносабатлар, экологик вазият, экологик фаолият, экологик сиёсий муносабат, трансчегаравий дарёлар, геосиёсий таҳдид, этнографик вазият, глобал экологик фожиа, экологик барқарорлик.*

Глобал даражада кучайган ва давлатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига кескин таъсир этаётган, сиёсий бирликка тўсқинлик қилаётган экологик инқироз Марказий Осиё минтақасида ҳам муаммоли муносабатларга эга. Бу муносабатлар минтақада битта ёки иккита давлатнинг ҳатти-ҳаракатлари самараси билан белгиланмайди, балки минтақада жойлашган давлатларнинг ва халқаро ҳамжамиятнинг умумий мақсадлари асосида амалга ошадиган стратегик ҳамкорлик натижаси бўлиб, аввало, экологик инқирознинг юзага келиши хусусиятларини тубдан ўрганиш ва илмий-амалий хулосалар чиқаришни талаб қилади. Умуман олганда, Марказий Осиёда экологик инқирознинг юзага келиши объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ.

Объективлик омилларга: биринчидан, Марказий Осиё минтақаси денгиз ва океанлардан анча узоқ жойлашган бўлиб, Осиё китъасининг маркази ҳисобланади. Шу сабабли минтақа худудида ёғингарчилик (ёмғир, қор) ҳолати анча камроқ. Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг (Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари) XVII-XIX асрларда цивилизация жараёнларида Европа давлатларидан орқада қолиши сабабларининг бири сифатида денгиз савдо йўлларида ажралиб қолганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Иккинчидан, иқлимнинг қуруқлиги ва иссиқлигидир. Минтақа ҳавоси бошқа худудларга қараганда анча қуруқ, намлик миқдори оз, баҳор мавсуми жуда қисқа давом этади. Баъзи йилларда қирғоқчилик бўлганлиги сабаб экологик тизимга жиддий таъсир кўрсатади (тез-тез ҳар 5-6 йилда такрорланиб туради). Ёз ойлари жуда иссиқ. Йилнинг асосий қисми иссиқ кунлардан иборат. Минтақада иқлим мониторинги маълумотлари XX аср ва XXI аср бошларида исишнинг турғун кўтарилишини кўрсатмоқда, унинг суръати ўн йиллик учун 0,2 С дан ошади, бу шимолий яримшар бўйича исишнинг ўртача суръатидан 40 фоизга кўпдир [3;202].

Учинчидан, трансчегаравий дарёларнинг катта музлик захираларига эга эмаслиги. Минтақада трансчегаравий дарёлар иккита бўлиб, бу дарёлар минтақа худудини сув билан тўла таъминлашга қодир эмас. Майда дарёлар ҳам ёзнинг иссиқ кунларида қуриб қолади. Минтақа дарёларида қиш ойларида сув сиғими кўпайиб, ёз ойларида жуда камайиб кетади. Чунки минтақада дарёларни таъминлайдиган қор ва музлик захиралари ўзини оқламайди. Масалан, иқлимнинг исиши оқибатида Орол денгизи ҳавзасининг дарёларини таъминлайдиган қор-музлик ресурсларининг майдони таназзулга учрамоқда ва қисқармоқда. Сўнги ярим асрда Марказий Осиё музликлари учдан бир қисмдан ортиқ қисқарди.

Тўртинчидан, минтақанинг асосий худудлари катта қум саҳроларидан иборат эканлиги. Марказий Осиёда Қорақум, Устюрт ва Манғишлоқ, Қизилқум, Оролбўйи Қорақуми, Бетпақдала, Мўйинқум чўллари жойлашган бўлиб, худуднинг каттагина қисмини ташкил этади. Минтақада намликни қочирувчи шамолларни тез-тез эсиб туриши иқлим тизимида анча таъсирини ўтказди.

Бешинчидан, бошқа минтақалар экологик тизимининг таъсир этиши. Ҳозирги кунда дунё миқёсида иқлим ўзгариши табиатни муҳофаза қилиш глобал муаммоларнинг олдинги ўринга чиқарди. Бундан ташқари, айнан шу муАммо бир томондан, бошқа глобал муаммоларни туташтирувчи чорраҳаси бўлса, иккинчи томондан, дунёнинг турли минтақаларидаги: иқтисодий, сиёсий, демографик, этнографик вазиятларни кескинлаштирувчи таҳдидларни кучайтириб юбориши мумкин бўлган асосий омилга айланмоқда. Айнан бу

муаммодан Марказий Осиё минтақаси ҳам холи эмас. Дунёда экологик муаммолар инкирозли ҳолатга айланаётгани минтақа экологик тизимига ҳам салбий таъсир этмоқда. Инсон омилининг табиатга бўлган таъсири натижасида ўтган асрнинг 40-йилларида Африка 28 фоиз, Латин Америкаси 38 фоиз ўрмондан маҳрум бўлди, дунё океани тобора ифлосланмоқда. Йилига 12-15 миллион тонна нефть чиқиндиси тўкилиб, 150 миллион км кв. сув юзаси қора парда билан қопланган. Агар дунё океани 361 миллион км кв.дан иборатлиги назарда тутилса, бу фожеа кўлами нечоғлик катталиги аён бўлади. Ер юзиде ўзлаштирилмаган 28 фоиз майдон мавжуд. Дунё океанидаги жонзотлар тури тахминан 500 тага камайиб кетди. Ер юзидеги барча парранда ва сўт эмизувчиларнинг тўртдан бир қисми йўқ бўлиб кетиш арафасида.

### Марказий Осиё чўлларининг асосий географик тавсифи

Чўлнинг номи	Географик жойлашиши	Майдони, минг км <sup>2</sup>	Баландлиги, м	Энг юқори ҳарорат, °С	Энг паст ҳарорат, °С	Йиллик ёғин миқдори, мм
Қорақум	37-42° ш.к. 57-65° шқ.у.	350	100-500	+50	-35	70-100
Устюрт ва Манғишлоқ	42-45° ш.к. 51-58° шқ.у.	200	200-300	+42	-40	80-150
Қизилқум	42-44° ш.к. 60-67° шқ.у.	300	50-300	+45	-32	70-180
Оролбўйи Қорақуми	46-48° ш.к. 57-65° шқ.у.	35	400	+42	-42	130-200
Бетпақдала	44-46° ш.к. 67-72° шқ.у.	75	300-350	+43	-38	100-150
Мўйинқум	43-44° ш.к. 67-73° шқ.у.	40	100-660	+40	-45	170-300

Айрим мамлакатлардаги экологик ҳалокатлар шу давлатга нисбатан бошқа мамлакатларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Украинада Чернобыль АЭС даги авария натижасида, 137 цезий радионуклеиди билан Белоруссиянинг 23 фоиз майдонидаги 3668 аҳоли пунктида яшовчи 20 фоиз аҳоли заҳарланган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Украинада 5 фоиз майдондаги 1559 аҳоли пунктига зарар етказган [3;195-196].

Бугун Ғарб цивилизацияси Ер юзи аҳолисининг 10 фоизини ҳам ташкил этмагани ҳолда дунё табиий захираларининг 40 фоизини истеъмол қилмоқда ва атмосферага барча чиқиндиларнинг 60 фоизини чиқармоқда. Ривожланган мамлакатлар томонидан кимёвий қуроллар (атом ва ядро қуроллари ҳам шулар жумласидан) ишлаб чиқариш ва синовдан ўтказиш жараёнлари экологик тизимга салбий таъсирини ошириб юбормоқда. Кимёвий қуролларни ишлаб чиқариш: Буюк Британияда ўтган асрнинг ўрталарида, Францияда – 70 йилларда, Россияда – 1987 йилда, АҚШда – 1990 йилда тақиқланганди. Аммо арсеналларидаги бу оммавий қирғин қуроллари ҳануз чиқиндилар сифатида сақланиб, утилизация қилиш муаммоси ечимини топган эмас. Арктика устидаги “Озон туйнуғи”нинг майдони рекорд даражада, яъни 29 млн.км кв га етди. Ҳозирги кунда дунё мамлакатларининг атмосферага чиқараётган газлари (углерод икки оксиди) 25,7 млрд. тоннани ташкил этади. Шундан 25 фоизи АҚШ, 25 фоизи Европа давлатлари, 14 фоизи Хитой (Хитой сўнгги беш йилда 21 фоизга ошириб энг катта эмиттерга айланди), 7 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келади. Атмосферада метан газини ХХ асрда икки ярим марта кўпайган. Юқорида келтирилган экологик хавфлар ўз-ўзидан Марказий Осиё минтақасига салбий таъсирини ўтказмоқда.

Олтинчидан, дунё миқёсида иқлим ўзгариши оқибатлари. Дунёда иқлимнинг ўзгариши билан сув буғланиши – 10-15 фоиз ва ўсимликлар транспирацияси ўсиш ҳисобига 10-20 фоиз сувнинг камайишига олиб келади. Бу сувнинг тикланмас истеъмоли 18 фоизга

ортишига сабаб бўлади ва сув ресурслари танқислиги ортади. Ҳароратнинг 5-10 фоизга ортиши ва совуқ давр давомийлиги 5-15 кунга камайиши билан қишлоқ хўжалиги экинларини экишнинг агроиклимий шароитлари ўзгаради. 1988 йил Австралияда бўлиб ўтган халқаро иқлимшунослар хулосаларига кўра, 2030-2050 йилларда ер юзи иқлими 1,5-4,5 даражага ўзгариши ҳақида баёнот берилганди. Иқлим ўзгариши оқибатлар натижасида Европа боғларида дарахтлар ўсиш мавсуми 11 кунга узайган. Халқаро экспертлар гуруҳи фикрича, агар аҳвол шундай давом этадиган бўлса, яқин 50 йил ичида ҳарорат 2-4 Сга ортиши, 2100 йилга келиб Антарктида ва Гренландия музликларининг фаол эриши туфайли жаҳон океани сатҳи 18-59 сантиметрга кўтарилиши баъзи орол давлатлари ва соҳилбўйи шаҳарларининг ҳалокатли сув остида қолишига олиб келиши мумкин [3;200-202]. Шу нуқтаи назардан дунё миқёсида иқлимнинг ўзгариши Марказий Осиё минтақаси экологиясига жиддий таъсир кўрсатапти.

Экологик муаммолар XX асрнинг иккинчи ярмидан янада жадаллаша борди. Бунга сабаб собиқ тузум даврида узокни ўйламасдан қурилган [1;570] сиёсат минтақани хомашё базасига айлантириб қўйганлиги бўлди. Экологик инқирознинг бу кўриниши субъективлик асосида кечди.

Субъектив омилларга: биринчидан, ўзлаштирилмаган ерларнинг ўзлаштирилиши. Маълумотларга қараганда, Марказий Осиёда суғориб деҳқончилик қилиш мумкин бўлган 58,1 миллион гектар ер мавжуд, шундан, 8 миллион гектарга яқин ерда деҳқончилик қилинмоқда. Ушбу ерларнинг 4 миллион гектарга яқини Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Собиқ Иттифоқ даврида ҳар йили юз минглаб гектар ерларнинг ўзлаштирилиши экологик вазиятни тобора кескинлаштириб юборди. Зеро, мавжуд саҳро ва чўллар ҳам биосферанинг умумий экологик мувозанатида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун уларни ўзлаштиришда вужудга келиши мумкин бўлган салбий экологик оқибатларни ҳар томонлама ўрганиш тақозо этилади. 1960-йиллар бошида Амударё (1,6) ва Сирдарё (1,9) воҳасида суғориладиган майдон 3,5 миллион гектарни ташкил қилган бўлса, кейинги 20 йил ичида суғориладиган майдонлар Амударё воҳасида 2,4, Сирдарё воҳасида 2,6 миллион гектарга етказилди. Марказий Осиё республикалари ичида фақат Ўзбекистонда пахта далалари майдонлари расмий маълумотларга кўра, 1913 йилдаги 441600 га дан 1940 йилда 1 млн. га гача, 1960 йилда 1,4 млн. га дан 1987 йилда 4,2 млн. га гача кенгайди [3;141]. Ҳар йили 100 минг гектар ер ўзлаштирилган ва унга кетадиган харажатлар бир йилги пахта даромадидан қопланган (фақат Ўзбекистон ССР пахтасидан). Умуман Марказий Осиёда 1990 йилларнинг бошларида суғориладиган ерлар 3,5 миллион гектардан 8 миллион гектарга етказилди.

Иккинчидан, собиқ Иттифоқ даврида қишлоқ хўжалиги сиёсатининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги (сувга талаби юқори “пахта яккахокимлиги”). Марказий Осиёда қишлоқ хўжалигидан хўжасизларча фойдаланиш ва экологик инқирознинг юзага келиши Россия империяси босқини билан боғлиқ бўлган мусибатдир. Маълумки, Россиянинг енгил саноати Марказий Осиёни босиб олгунга қадар, асосан Америкадан келтириладиган пахта хом-ашёси ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқарган. Фуқаролар урушининг халқ хўжалигини, хусусан пахта етиштириш аграр соҳасини издан чиқариши оқибатида 1860 йилдан бошлаб, Америкада бир пуд пахтанинг баҳоси саккиз мартага – 4 рублдан 32 рублга ошган ва уруш охирларида пахта экспорти умуман тўхтатилган.

Жаҳон бозорида пахта хом-ашёси нархининг кескин кўтарилиб кетиши россиялик енгил саноат корчалонларини янги бозорлар қидиришга мажбур қилган. Натижада улар Россия империяси подшоси Александр II га Марказий Осиёни истило қилиб, пахта хом-ашёси базасини яратиш учун сарфланадиган агрессив ҳарбий харажатларни ўз зиммаларига олиш таклифи билан мурожаат қилганлар. Натижада, Александр II Кавказ тоғлиқларининг қарийб ярим аср, хусусан Шомил раҳбарлигида 30 йил давом этган миллий-озодлик ҳаракати 1859 йил 25 августда мағлуб бўлиб, Доғистоннинг Россия империяси тарки-



бига киритилиши аччиқ тажрибаларига; Қрим уруши давом этаётган даврда ҳарбий харажатлар ошиб кетаётганлигига; полякларнинг Ромуальда Траугутта бошчилигидаги босқинчиларга қарши кўзғолонларига; Россия императорга поляк ватанпарварлари 1866 йил 4 апрелда Каракозов, кейинги йили Парижда Березовскийлар томонидан қилинган суиқасдларга; 1856 йилда Россиянинг Қора денгиздаги мавқеига салбий таъсир кўрсатган Париж шартномаси имзоланганлигига қарамасдан Марказий Осиёни, хусусан Туркистон ўлкасини босиб олишга буйруқ берди. Россиянинг Марказий Осиёни босиб олиши натижасида қарайб 1,5 миллион километр квадрат ҳудудда: Семиреченск, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Каспийорти вилоятлари ташкил этилиб, Россия империяси мустамлакасига – йирик пахта хомашёси базасига айланди. Бундай агрессив сиёсат бугун Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасининг бошқа давлатларида Орол денгизи қуриши билан боғлиқ глобал экологик фожианинг дастлабки фатвосига ва амалий ҳаракат бошланишига асосий сабаб бўлган эди.

Кейинчалик 1917 йилдаги октябрь давлат тўнтарилиши оқибатида фуқаролар урушининг кучайиши аксарият жаҳон давлатларининг Россияга муносабатини ўзгартириб, халқаро иқтисодий алоқаларига, хусусан манифактурасини пахта хом-ашёси билан таъминлашга ҳам салбий таъсирини ўтказди. Бу ҳолат, ўз навбатида, Россия империясининг йирик шаҳарларида жиддий иқтисодий муаммоларни, хусусан оммавий ишсизликни вужудга келтириб, сиёсий вазиятни кескинлаштирди. Натижада, мамлакатдаги чуқур иқтисодий инқирозга, фуқаролар уруши кетириб чиқарган сиёсий беқарорликка, очарчиликка қарамасдан, Россия большевиклар ҳукумати бошлиғи В.И.Ленин томонидан 1918 йил май ойида қисқа фурсатларда “Мирзачўлни ўзлаштириш учун 50 млн сўм ажратиш ҳақида” декрет имзоланди. Шу авантюристтик декретга асосан XX асрнинг 30-йилларда амалга оширилган мустамлакачилик сиёсати Россия империясининг пахта мустақиллигини таъминлади ва кейинчалик уни экспорт қиладиган йирик давлатга айлантирди. Албатта бу сарф-харажатлар Туркистон ўлкасидан талон-тарож қилинган бойликлар эвазига бўлган.

Мустабид тизим даврида бу сана тарихий сана ҳисобланиб, унинг юбилейлари ўтказилган, тизимга, коммунистик партияга ҳамду санолар ўқилган, минглаб одамлар орден ва медаллар олган. Ваҳоланки, айнан шу декрет ва унга асосланган давлатнинг валютаристик сиёсати Орол денгизи қуриши билан боғлиқ ижтимоий-экологик ҳалокатни реаллаштирган асосий сабаб бўлди. Мажозий маънода айтганда, чўл ёки саҳрода унинг азобини тортиб, жазирамасини лаънатлаб кетаётган одам ҳеч қачон бу чўл-саҳро гуллаган водийларга сабабчи эканлигини ҳам, биосфера экологик мувозанат қонунига кўра, Ер юзининг бирор қисмида саҳро, чўл ўзлаштирилса, бироз фурсатдан кейин ўзлаштирилган майдонга тенг гуллаб-яшнаган ҳудудда саҳро, чўл пайдо бўлишини ҳам ҳаёлига келтирмайди. Мажбуран қулоқ қилинганлар, кейинчалик аксарият ҳолатларда “ихтиёрий” кўчириб келтирилган “чўлқуварлар” (хорижда уларни “резервация қилинганлар” деб аташган!) оғир меҳнати билан янги ташкил этилган хўжаликларнинг ирригация тизимини, мелиорация иншоотларини, аҳолининг яшаши учун, ҳеч бўлмаганда минимал ҳаёт шароити инфраструктурасини яратиш нисбатан қиммат турадиган тадбирлар бўлишига қарамасдан, уларнинг сарф-харажатлари, арзон ишчи кучи эвазига етиштирилган пахта ҳисобига бир йилда тўлиқ қопланган. Экин майдонлари таркибида сўнгги вақтларга (1990 йилга) қадар пахта деярли 75 фоиз майдонни эгаллаган эди. Дунёнинг бирорта ҳам мамлакатада пахта монополияси бу қадар юқори даражага кўтарилмаганди. Бу ҳол ернинг кучсизланишига, тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг сув-физикавий хоссалари ёмонлашувига, тупроқнинг бузилиши ва нураши жараёнлари ортишига олиб келди [2;119].

Шу йиллар мобайнида Ўзбекистонда ҳар йили қишлоқ хўжалиги учун банд 100 минг гектар ер майдони маданий деҳқончилик учун ярамайдиган, ҳатто баъзи ҳолларда яйлов сифатида ҳам фойдаланилиб бўлмайдиган массивларга айланиши – экологик фожианинг навбатдаги босқичи эди.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида сувни тақсимлаш жараёнларида тажрибасизлик. Маълумки, Орол денгизи Марказий Осиё табиатини белгилаб турган муҳим бўғиндир. Ҳозирги кунда ер юзининг экологик муаммосига айланган. Унинг қуриб бориши билан кенг майдонлар антропоген чўлга айланиб, экологик вазият бениҳоя кескинлашиб кетди. Собиқ иттифок олимлари, мутахассислари Орол денгизининг қуриши келажақда қандай салбий оқибатларга олиб боришини асослаб бера олмадилар, тўғрироғи, илмий назарияларга, лойиҳаларга юқори ташкилотларни ишонтира билмадилар. Натижада, қишлоқ хўжалигида сувни оқибати ўйланмай сарфлаш, суғориладиган майдонларнинг интенсив кенгайтирилиши Орол денгизи учун ҳам, минтақа учун ҳам экологик фожианинг бошланиш сабабларидан бири бўлди. Айниқса, Қорақум канали қурилиб Амударёдан Туркменистон олаётган сувнинг 7 км кв га кўпайиши экологик вазиятни янада мушкуллаштирди. Амударёдан ва Сирдарёдан суғориш учун олинаётган ортиқча сувларнинг оқоваларини ҳамда зах сувларини Орол денгизига оқизмасдан пастқамликларга қўйилиши натижасида катта-катта майдонларда: Сарикамиш, Ақчакўл, Доуткўл, Қоратегин, Ҳайдаркўл, Арнасой ва бошқа сув ҳавзалари пайдо бўлди, ҳамда, унумдор ерлар, яйловлар сув остида қолиб кетди. Уларнинг ҳажми 60-70 йиллардаёқ 8-10 марта кўпайди, буғланиш ва ерга сингишдан ортган ва кейинчалик яна ҳам ортиши кўзда тутилмоқда. Биргина Арнасой кўлининг майдони тахминан 350 мингга, сув ҳажми қарийб 42 км кубни ташкил қилади. Бу Ўзбекистондаги барча сув омборлари ҳажмидан ортиқдир. Унга 70 йилларгача коллектор-зовур сувлари билан 5,5 миллион тонна туз тўпланган бўлса, 80-йилларга келиб унинг массаси 10 миллион тоннага етди ва умумий туз захираси 130 миллион тоннадан ошди. Сувнинг шўрланиш даражаси доимий ошиб бориши кузатилмоқда. Ҳозир бир литр сувда 15,3 грамм туз бўлса, 2025 йилга бориб 18 грамм бўлиши кузатилмоқда. Бу эса ундаги флора ва фаунанинг яшаши учун ноқулай вазиятни вужудга келтиради. Фақат унинг туз захирасидан кимё саноати учун хом ашё сифатида фойдаланиш истикболларини қидириб топиш қолди, халос. Биргина Амударёнинг ўрта ва пастки оқимида умумий майдони 739 км кв сувга тўла 269 та қўл ва чўл ботиклари бор. Бугунги кунда олимлар гуруҳининг кўпчилиги дарё сувларидан ўта тежамкорлик билан фойдаланишни таклиф қилмоқдалар. Зеро, Амударё воҳасида 80-йилларда ҳар йили ўртача 20 км куб (26 фоиз), Сирдарё воҳасида 6 км куб (17 фоиз) дарё сувлари йўқотилгани аниқланган. Агар бу сувлар оқилона ишлатилганда, ортиқчалари Орол денгизига йўналтирилганда бугунги аянчли муаммоларга, балки дучор бўлмаган бўлар эдик. Мустақилликка эришилгандан кейин Республикамизда ҳар гектарга сарфланадиган сув миқдори 1988 йилдаги 15,1 минг м кубдан 2007 йилда 12,2 минг м кубгача камайтирилишга эришилди.

Тўртинчидан, сув омборлари ва ГЭСлар қурилишининг кучайиши. Собиқ Иттифок даврида пахта экин майдонларини кенгайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги тизимини такомиллаштириш сиёсатини кучайтириш мақсадида сунъий сув омборлар сони кўпайтирилди. Натижада, Орол денгизининг қуриши тезлашди ва экологик тизимга салбий таъсир кўрсатди. Норин дарёсида Тўхтагул сув омбори – 19,5, Сирдарёдаги Чордара – 5,2, Қайроқ кум – 3,4, Амударёдаги Туямўйин – 7,8 км куб сувни тўплай олади. Умуман биргина Ўзбекистон давлатининг ўзида 51 та сув омборлари мавжуд. Марказий Осиёда Собиқ СССР даврида 56 та сув Омбори қурилди. Уларнинг тўлиқ лойиҳавий ҳажми 18,8 км куб, фойдали ҳажми 14,8 км куб ни ташкил қилади. Энг катталари Туямўйин, Чорвоқ, Тўдакўл, Каттакўрғон сув омборларидир. Марказий Осиёда қурилган сув омборлар сув ҳажми Орол денгизи сув ҳажминини тўлиқ қоплайди, бироқ бу бўлиниш табиат тизимига катта таъсир кўрсатмоқда. Умумий ҳолда тушунчага эга бўлиш тизимини қуйидагича изоҳлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, киши бойлиги бир миллион сўмни ташкил қилса, уни бешга бўлиб чўнтагига жойлаштирса бойлик қиймати ўзгармайди. Аммо табиат эҳсонини бўлиш катта фожеага олиб келади.

Юзаки қараганда, сунъий сув омборлари яхши иқтисодий самара бераяпти, лекин ҳамма вақт ҳам қулай экологик, қолаверса, социал вазиятни вужудга келтираётгани йўқ. Аксинча, атроф туманларда ер ости сувлари сатҳи кўтарилиши ерларнинг шўрланишига олиб келмоқда. Бундай ерларда ҳосилдорлик кескин камайиб, ҳатто яроқсиз ҳолга келаяпти. Уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш баъзан янги ерларни ўзлаштиришдан ҳам қимматга тушмоқда. Масалан, Туямўйин гидроузелининг қурилиши ундан қуйида жойлашган туманлар ерларининг шўрланиш даражасини ошириб юборди. Бундан ташқари, бир вақтлар шўр қўлларнинг қуриб қолишидан ҳосил бўлган катта-катта туз конларини сув босди, улар аста-секинлик билан эриб Амударё сувининг шўрланиш даражасини ошириб юборди. Туямўйин каналининг Тошҳовуз йўналиши қурилиши ва минтақанинг бошқа сув йўналишларининг салбий оқибатларини олдини олиш учун ернинг захини қочирадиган кўшимча зовурлар қозишни, мавжудларини таъмирлашни талаб қилади. Бу ишни кейинга қолдириш – табиатга тузатиб бўлмас жароҳат етказиш билан баробардир. Кези келганда шуни айтиш керакки, Иттифоқда сунъий сув омборлари қурилиши натижасида 2600 қишлоқ, 165 шаҳар сув остида қолиб кетди. Сув омборларнинг умумий майдони Франция ҳудудига тенг келади. Собиқ Иттифоқ даврида минтақа фақат хом ашё ва экологик хавфли ҳудудга айлантирилиши (захарли заводларни қурилиши), БМТ экспертлари томонидан ўтган асрнинг 80-йиллари охирида дунёдаги 35 та энг экологик ифлос аҳоли пунктдан 11 таси Собиқ СССРда деб топилган [3;157].

Бешинчидан, собиқ Иттифоқ даврида минтақа аҳолисини ижтимоий ва сиёсий фанларни ўрганишга йўл қўйилмаганлиги. Собиқ Иттифоққа бўйсўнувчи Марказий Осиё минтақасидаги Республикаларда сиёсий фанлар йўналишлари ўрганилишига йўл қўйилмаган. Аҳолига аниқ, табиий фанлар, қишлоқ хўжалигига доир фанлар кўпроқ ўтилган. Ижтимоий фанлар фақат Иттифоқ сохта мафқураси асосида йўналтирилган. Натижада, аҳолининг геосиёсий билимлардан умуман хабарсиз қолишига олиб келди. Дунёда экологик тизимдан геосиёсий таҳдид сифатида фойдаланиш XX асрнинг иккинчи ярмидан кучая бошлаган эди. Айнан, Марказий Осиё минтақасида бу жараён ўз таъсирини кўрсатмоқда. Собиқ Иттифоқда минтақа республикаларини сиёсий фанлардан йироқлаштириш, биринчидан, аҳолини хомашё ресурсларига доимий жалб этиб бориш ва арзон ишчи кучини ташкил этиш тизимини доимийлаштириш бўлган бўлса, иккинчидан, Иттифоқда ягона совет граждандлигини жорий этиш масаласи кўндаланг қўйилган. Оқибатда, экологик муаммоларнинг таранглашишини олдини олиш ва минтақа давлатлари ўртасида келишолмаслик ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Олтинчидан, XX асрнинг охирида дунёда “кўп қутбли” сиёсий манзаранинг юзага келиши ва минтақа мустақил мамлакатларига сиёсий таъсири. XX асрнинг 90-йилларидан кейин Собиқ Иттифоқдан ажралиб чиққан минтақанинг мустақил мамлакатларидан ўз манфаатларини изловчи баъзи давлатларнинг таъсири ҳам сезилмоқда. Масалан, қуйида келтирилган Амударё оқимида қурилатган Роғун ГЭСи ва Сирдарё оқимида режалаштирилган Қамбар Ота ГЭС каскадини молиялаштириш масалаларида сезилаётган эди. Айнан 1999-2016 йилларга қадар минтақа давлатлари орасида сиёсий қарама-қаршилик анча кучайди. Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган сиёсатда минтақа давлатларининг муаммо ечимига эришишида ҳамжихатликни кучайтириш зарурият деган хулосага келинганди. Бу жараёнга узоқ вақтгача муваффақиятли ечимга эришилмади. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган Яқин кўшничилик ва ҳамкорлик тизимининг йўлга қўйилиши ва Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи йўналишида акс этган экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. “Ҳаракатлар стратегияси”га асосан, Ўзбекистон дунёдаги барча давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади [1;384]. Шу

сабабли, узоқ танаффусдан кейин Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон муносабатларида илиқлик кучаймоқда. 2018 йил март ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига ташрифи, 2018 йил август ойида Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифида айнан сув ва сувдан фойдаланиш соҳасида келишувларга эришилди. Қирғизистон Республикаси билан ҳам юқори натижада сиёсий келишувлар амалга ошмоқда.

Еттинчидан, XXI асда Марказий Осиёга “етакчилик” салбий атамасининг пайдо бўлиши. Марказий Осиёда жойлашган мустақил давлатлар фаолиятида кейинги йилларда “етакчилик” салбий атамаси пайдо бўлди. Бу атаманинг юзага келиши минтақа давлатлари интеграцион тизимига сезиларли таъсирини ўтказмоқда. Баъзи тадқиқотчилар Қозғистон давлатини Марказий Осиёдаги интеграцион жараёнларнинг етакчиси сифатида кўрсатсалар, бошқалари айнан бундай етакчилик барча имкониятлар таҳлили Ўзбекистон давлатига тўғри келади, деган фикрларни билдирмоқда. Минтақадаги интеграцион жараёнларга биргина давлатни яловбардор қилиб кўрсатиш нотўғри бўлиши Ўзбекистон мутахассислари томонидан таъкидланган, ҳамда Ўзбекистон ташқи сиёсати тамойилларига хос эмас. Қолаверса, бундай ёндашув минтақадаги интеграцион жараёнлар субъектлари ўртасида келишмовчиликларни кучайтиришга йўналтирилган ҳаракатдан бошқа нарса эмас. “Етакчилик” салбий атамаси минтақа давлатлари ўртасида экологик тизимни тўғри йўлга қўйишда юзага келаётган қийинчиликларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Муаммоларга барҳам бериш минтақа давлатларининг яқдил, ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосидаги оқилона ечимига боғлиқлигини геосиёсий ҳаётни ўзи исботламоқда.

Саккизинчидан, минтақа аҳолисининг сезиларли ўсиб бораётганлиги. XX асрнинг 90-йилларида Марказий Осиё минтақасида аҳоли 40 миллиондан ортиқ кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 72 миллионга яқинни кўрсатмоқда. Аҳоли сонининг кўпайиши ерга, сувга, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва истеъмолчиликнинг барча турларига бўлган эҳтиёжни ошириб юбормоқда. Натижада табиат кўпроқ ишғол этилиб экологияга инсон таъсири анча ортмоқда.

Умумий хулосаларга кўра, Марказий Осиёда экологик инкироз анча аянчли ҳолатга келиб бўлган. Дунё экологик муаммоларини умумий 100 фоиз ҳисобда олсак, бу муаммоларнинг Марказий Осиёда 98.8 фоизи мавжуд. Муаммолар ечимининг илмий-назарий хулосаларида экологик инкирознинг юзага келиш сабаблари нуқтаи назаридан ёндашиш ижтимоий-иқтисодий заруриятдир. Чунки ёндашиладиган илмий-назарий хулосалар минтақа геосиёсий ҳамжиҳатлигига салбий путур етказмаслиги лозим. Шу сабабли экологик барқарорликни таъминлашда минтақа давлатлари ҳамкорлигининг янги босқичини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. 2018 йил 15 мартда Қозғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида ўтказилган “Марказий Осиё раҳбарлари Маслаҳат кенгаши”нинг биринчи йиғилишида Марказий Осиёда кечаётган муаммоли вазиятларни бартараф этишда, ўзаро интеграциянинг ривожланишида, маданий ва халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик, биродорлик муносабатларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу Кенгаш минтақада экологик муаммоларни бартараф этишнинг янги институционал тизими сифатида ривожланиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, 2018 йил 24 августда Туркманбоши шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Оролбўйидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, минтақанинг сув ва экология билан боғлиқ муаммоларига ечим топиш масалалари кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Оролбўйи ҳудудини Экологик инновация ва технологиялар зонаси, деб эълон қилиш масаласини кўриб чиқишни, келгуси йилда БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва глобал экологик фонд кўмагида махсус конференция қилинишини, чўл шароитига чидамли ва озуқа ўсимликлари кўчатларини етиштириш бўйича Минтақавий марказ ташкил қилиш [4] каби ҳамкорлик ишларини таклиф этди. Ушбу таклифлардан келиб чиқиб, экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича амалга ошириляёт-

ган бу борадаги чора-тадбирларни тизимли рўёбга чиқариш бугунги кунда минтақа давлатлари ва фуқароларининг долзарб вазифасидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. – 328 б.
3. Мамашакиров С. Вахимами ёки ҳақиқат. – Т.: Иқтисод-молия, 2012. – 230 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 25 август, № 173 (7131).

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада Марказий Осиёда экологик инкироз юзага келишининг объектив ва субъектив сабаблари ёритилган. Муаллифнинг фикрига кўра, экологик вазиятнинг кескинлашуви минтақадаги геосиёсий жараёнларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мақолада экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари таклиф этилади.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье освещены объективные и субъективные причины возникновения экологического кризиса в Центральной Азии. По мнению автора, обострение экологической ситуации может негативно отразиться на геополитических процессах в регионе. В статье выдвигается ряд рекомендаций, способствующих обеспечению экологической стабильности.

#### **RESUME**

The article highlights the objective and subjective causes of the emergence of the ecological crisis in Central Asia. In the author's opinion, the aggravation of the ecological situation may negatively affect the geopolitical processes in the region. The article makes a number of recommendations that promote environmental sustainability.

*Наширға фалс. ф.д. С.Чориев тавсия этган*

ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА РАҲБАРЛИК  
ТАМОЙИЛ ВА УСУЛЛАРИ

Эрматов Ш. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *давлат, жамият, шахс, демократия, авторитар, бошқарув, та-  
мойиллар, ислохот, тараққиёт.*

Жамият тараққиёти ва фаровонлиги доимий ислохотлар асосида янада самарали ўсиб боради. Яъни ҳар бир замонда шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари ян-ги давр ва ислохотларга эҳтиёж сезади. Айнан ўша даврда ислохотлар олиб борилмаса, шахс, давлат ва жамият муносабатларида муаммолар юзага келади. Маълум бир гуруҳ ва қатламларнинг манфатлари узоқ вақт ҳимоя қилина бошлайди ва айрим шахсларни давлат ва жамият бошқарувида узоқ вақт қолиши натижасида мутлоқ авторитор ва тоталитор бошқарув юзага кела бошлайди. Бошқарувни мутлоқ бундай шакллари шахс, давлат ва жамият муносабатларининг мувозанатини таъминламайди, аксинча уларнинг янада таранглашувига олиб келади.

Ислохотларни самарали амалга ошириш жараёни раҳбар кадрларларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва иқтисодий қарашларига боғлиқлиги ҳам бор. Агар раҳбарнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва иқтисодий қарашлари бой бўлса, ҳар қандай зиддиятларга ечим топа олади. Мавжуд тизимдаги муаммоларни ҳал қила олади ва унинг самарали ишлашини таъминлайди.

Инсониятнинг бошқарув онги ва тафаккури тарихий тараққиётнинг тадрижийлик ривожланиши натижасида бугунги кунда тараққий этган давлатларда раҳбар кадрлар тайёрлаш тизими яратилган. Бу тизимлар ислохотларни янада самарали бўлишини таъминлаш билан бирга инсониятга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, раҳбар кадрларнинг халқдан узоқлашуви билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича мавжуд тузилмаларнинг фаолиятни самарали деб айтишимиз қийин. Биргина Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси барча раҳбарларни қамраб олиши ёки уларни тайёрлаш иложи йўқ. Агар мамлакатимиз бошқарув тизимида турли-туман мутахассисликка эга бўлган раҳбарларни борлигини инобатга олсак, балки барча олий таълим муассасаларида замонавий бошқарув фанини ўқитишни йўлга қўйиш керақдир.

Таҳлилий кузатишлар шуни кўрсатадики, Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек: “Раҳбар оёғининг ердан узилиб қолиши” каби жамиятимизда кузатиладиган айрим муаммоларнинг асосий сабабларидан бири, ва асосийси, раҳбар кадрларнинг замонавий бошқарувдан етарли билим ва кўникмага эга эмаслигидир.

Замонавий бошқарувда раҳбар услублари деганда нимани тушунамиз?

**Бошқариш услублари** – бу раҳбар томонидан жамоанинг ташаббускор ва ижодий меҳнатга чорлайдиган ва меҳнат натижаларини назорат қиладиган хатти-ҳаракатлар. Бошқариш услуби ҳар бир раҳбар учун шахсийдир. У бир томондан раҳбарнинг шахсий хислатларига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, меҳнат жамоасининг қанчалик ижтимоий ривожланганига боғлиқ. Ҳамма раҳбарларнинг бор феъл-атворларини, услубларни тўртта турда ифодалаш мумкин:

1. Авторитар (буйруқбозлик) услуб бошқаришни ҳаддан ташқари марказлаштиради. ҳамма муаммоларни раҳбар фақат ўз иродаси билан яқка ўзи ҳал этади. Ходимлари билан алоқаларни у атайин чеклаб қўяди.

2. Демократик услубда ишлайдиган раҳбар ўз ходимларига тўла мустақиллик бериб қўяди, ҳамма қарорларни мутахассислари билан биргаликда тайёрлайди ва қабул қилади,

ишчиларини меҳнатини одилона баҳолайди, одамлар билан хурматли муомалада бўлади, ходимларини эҳтиёж ва талабларига ғамхўрлик қилади.

3. Либерал услубда ишлайдиган раҳбар жуда эҳтиёткор, ўз мажбуриятларини пухта бажара олмайди. У ўз лавозимига лойиқ эмас. Бу раҳбар ўз ходимлари билан жуда сахий муносабатда бўлади. Мутахассислари билан муомаласи бузилишидан қўрқади. Уларга нисбатан кескин чора кўришга журъат этмайди.

4. Ўзгарилувчан услуб юқоридаги учта услубларни яхши хусусиятларини ўзига олади, аммо уларни ҳар бирини камчиликларидан холисдир. Ўзгарилувчан услубда фаолият кўрсатадиган раҳбар одатда демократик услубда ишлайди. Ишда фавқулодда хавфли вазият туғилганида бу раҳбар вақтинча авторитар (буйруқбозлик) услубга ўтади. Ишда ҳамма томондан барқарорлик мавжудлигида раҳбар либерал услубда ҳам ишлаб туриши мумкин.

Замонавий бошқарувда раҳбар ходимларини бошқариш тамойили ва усулларини ўрганиш ҳам ислохотларни самарали ва ижтимоий зиддиятларсиз ўтишини таъминлайди.

**Бошқариш тамойиллари** – бу менежментнинг энг асосий бошқариш қоидалари, раҳбарликнинг энг муҳим стандартларидир. Бошқариш тамойиллари бу раҳбарликнинг олтин қоидалари ҳисобланади. Фақат бошқариш тамойилларининг барчасини амалда қўллагандагина бошқариш тизими сифатли фаолият кўрсатиши мумкин.

1. Раҳбарнинг ҳаракат дастурларининг хилма-хиллиги ва дарҳоллиги атроф-муҳитни бошқарув объектига таъсирини ҳар хиллиги ва тезкорлигидан кам бўлиши мумкин эмас. Ўта билимдон (компетентный) раҳбар ҳар бир шароитда энг унумли натижаларни таъминлайдиган қарорни қабул қилишга қобилиятли ва ўз вақтида шу қарорни амалга оширишга қодир.

2. Ҳар бир ходимнинг фақат битта бошлиғи бўлиши керак. Иш фаолиятига тегишли ҳамма масалаларда ходим ўзини битта раҳбарига мурожаат қилиши лозим. Ўша раҳбардан буйруқ ва вазифалар олиши керак ва ўша раҳбарга вазифа бажарилгани тўғрисида ҳисобот бериши лозим.

3. Ҳеч қайси раҳбар бошқара олиш меъёридан ошиб кетган ишчилар сонини самарали бошқара олмайди. Бошқариш меъёри – бу битта раҳбарга бўйсўнган ишчиларнинг энг кўп рухсат берилган сонидир. Одатда раҳбарлар ўз вазифалари билан икки гуруҳга бўлинишади: тармоқли (линейные) раҳбарлар ва функционал раҳбарлар.

4. Раҳбарнинг ҳуқуқи, мажбурияти ва жавобгарлиги ўзаро бир-бирига мос бўлиши керак.

**5. Раҳбар унинг қўл остидаги ходимлари муваффақиятли бажара оладиган ишни ўзи бажариши керак эмас.**

6. Ҳар бир ташкилотда, ҳар вақтда раҳбарликни марказлаштириш даражаси ва ходимлар жамоасини ўзини-ўзи бошқариш мартабаси ўзаро оқилона мос келиши ва бир-бирига лойиқ бўлиши лозим.

Шундай қилиб, келтирилган олти та бошқариш тамойиллари бу бошқаришни асосий ғоялари, стандартлари ва энг қоидалари.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётини белгиловчи асосий куч бу раҳбар кадрлардир. Арасту “Ҳокимият шундай кучки, у ҳар қандай инсонни ўзгартиради, агар у ўша ҳокимиятга тайёр бўлмаса,” дейди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Политология. Ўқув қўлланма. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. «ЎАЖБНТ» маркази, 2002. – 416 б.

2. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. – Т.: Янги авлод, 2004. – 413 б.

3. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т., 1998. – 224 б.

4. Отамуродов С., Эргашев И., Ақромов Ш., Қодиров А. Политология (ўқув қўлланма). – Т., 1999. – 241 б.

5. Ғафуров С., Ҳайдаров А., Тўлаганова Н. Сиёсатшунослик асослари. Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – 180 б.

6. Одилқориев Х., Раззоқов Д. Сиёсатшунослик. Дарслик – Т., 2008. – 405 б.  
7. www.зионет.уз.тизимли тармоқ.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада муаллиф бошқарув жараёнлари ва раҳбарлик услублари ва тамойилларини илмий- назарий жиҳатдан атрофлича таҳлил этган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье автор с научной точки зрения анализирует особенности методов и принципов управления.

#### SUMMARY

Author of this article analyzes the process of control and the methods of leadership in scientific and theoretical way.

*Наишга фалс. ф.д. С.Чориев тавсия этган*

## MENACE OF TERRORISM IN MY MIND

Avazova M. (KarSU)

**Key words:** *terrorism, globalization, politics, state, culture, religion.*

Life is given to all of us only once time, and how to decorate it depends on ourselves . Somebody is an artist, somebody is a poet, somebody is a teacher and so on. But, it is pity that we can run into or see some people who haven't got any

purpose in life. May be as a result of that, they can't find the exactly right way for themselves. As they have not got any opinion, they act according to others' opinion. In such kind of situation it is certainly possible to join or to be a member of different trends. Terrorism is also considered one type of such kind of trends.

It is known that today's period is characterized with its different political, ideological contrasts. Namely, there are many political and social problems in front of humans. And, terrorism is also one of them. Protecting person's moral appearance from bad and dangerous sides of today's civilization is considered one of the most serious problem at present time. This problem has been in all periods. And, for the first time, this problem was discussed by famous Greek philosopher Sukrat . In his teachings it is said: ' To protect his or her safety and to keep independence human has to search for the truth and has to be in consciousness attitude to life.

And according to Aristotel's opinion people created a state organization only for keeping and protecting their own safety . For that purpose they had to built a democratic government, because exactly that type of state protected people from inner and outer conflicts and applied their demands. In total, their ideas are still considered important theories in social life .

The reason of giving these examples is that a state was considered a protecting part at that times, too. And, still it owns that function

Scientific analyses show that developed countries as well as developing countries are running into different vicious and dangerous terroristic attaches. And this situation summons all countries to be careful

And also, we must say that in early period of our independence the government of our republic started to pay attention to this case attentively. In addition, in the 57<sup>th</sup> point in the constitution of the republic of Uzbekistan is said about Republic's independence, integrity and safety. And in Uzbekistan many documents have been signed so far to fight against terrorism . So, to protect young generation from terrorism many documents are being signed and several conferences are being held over the world. In particular, in the Madrid conference which was held on 10<sup>th</sup> December, 1934 talked about global safety and how to keep it in the whole world . And also, on 9<sup>th</sup> December, 1994 the document called 'The declaration for abolishing international terrorism' was signed. On 27<sup>th</sup> January, 1977 'The convention of Europe about fighting against terrorism' was signed.

But, in spite of them, members of that groups are continuing to widen and develop their own activity. It is not secret that this condition is threatening the whole world .



In other words, this situation appeals leaders of states to work together over this problem. Today we can not stop this problem by just speaking. To fight with it we must be ready .

Furthermore, it is not secret for all of us that our first president I.A.Karimov tried to explain the meaning of terrorism, how to fight with it and if it is not stopped on time what kind of results it may cause in the 48<sup>th</sup> session of the U.N.O

So, initially what is terrorism itself? What does it mean? Over it many scientists have given their own opinion. For example, M.A.Rajabova writes that in her translated books: 'In the Dall's explanatory dictionary it is said that –the aim of terrorism is killing and threatening people by violating.' In the dictionary which was organized by Ojegov is said that: 'Terror – it is not anything except for destroying by violating '.

At the present time the word 'terror' which has been using for ages is being global and appealing. For analyzing the general conception of 'terrorism' many scientists from Uzbekistan, for example, M.Abdurazzoqova, A.Abdukhalilov, T.Jurayev, SH. Mamadaliyev, M.Qirg'izboyev and other scientists have done and still having been doing some scientific researches and articles.

With today's comment, if we talk about terrorism which belongs to 20<sup>th</sup> century and the time after that, it may be understood as wickedness which is only used for controlling government in a violating manner. As well as that, also at the present time terrorism is more dangerous than any kind of badness and it has more possible to create more evil-harm

When an American specialist-Mr Jenkins was asked about terrorism he said : 'Terrorism is, first of all, a type of violence which is meant by scaring people rather than killing or destroying them'. From these opinions it is not difficult to imagine how depressing it is and unexpectedly we feel a hatred sense.

Today we should learn how to protect ourselves from dangerous ideas . For that,first of all, we should have strong spiritual and moral life style. Philosophy meditations show that a person's safety develops under the influence of social environment as well as education and care. And also, to protect ourselves from such kind of things, we should be cautious and for that we need a huge capacity.

It is not secret for us that as time passes, the terrorism action which has been continuing for many years has made much more experience and going on to be one of the most dangerous global problems. At that time the most serious problem in front of all of us is how to protect youth from its claw. It is true that it demands from us much more attempt, but we must manage it . As we can't look quietly our relatives' or near friends' fate, we have no right to be careless about people's fate who are around us. We know that the most dangerous person is a person who is apathy. As their or our apathy, people around us are entering different dangerous trends . And again, in this point we must say that terrorists don't pay attention to the age of a person, or a financial and military condition of a state . Namely, it is not matter for them. They just want to achieve their goals. And, in this way they can do anything bad. It is very depressing situation.

In such kind of situation we mustn't stop going towards the way which we have chosen. We must soak up prudence and plans as well as our wishes in both social and daily life style. For that, many social and political deeds are being done by the government of Uzbekistan. For example, it is emphasized also in the constitution of Uzbekistan. And, on 15<sup>th</sup> December, 2000 the law about 'Fighting against terrorism' was accepted. The aim of this law is forming and developing an idea that appeals fighting against terrorism.

It is certain that each person who lives for his or her family, hometown, children and for their happiness wants peace. In addition, as our first president I.A.Karimov recommended peace of hometown, abundance of people, being friendly among nations and also religious candidness take an important role in the political system of Uzbekistan. By this way people can imagine which life style is useful for them. I. A. Karimov emphasized these items many times and frankly said where the problem is and what should be done. So, in somehow way our first president I.A.Karimov was responsible for creating safety actions for our government as well as our nation in early steps of independence. Also, there is an important role of our today's president SH. M. Mirziyoyev. We know that SH.M.Mirziyoyev visited the USA on 18-20<sup>th</sup> September. He attended in 72<sup>th</sup> session of the UNO and met with A.Guterrish. And at that time they discussed the ways of developing, the cooper-

ation between Uzbekistan and the countries from UNO and also the regional safety among nations. By this visiting, in somehow way, world countries once more have been witness to the developing progress in Uzbekistan

And in this case, an international conference which was devoted to discuss and solve the regional safety problems over the Central Asia countries was held on 10-11<sup>th</sup> November, 2017 in Samarkand. It was also an important event to continue our plans against terrorism.

So in summary, all of these initiatives are to protect the youth from terrorism, show them a right way and also help them unselfishly in this way.

If we glance at the environment in which we live, we can recognize enough condition to shape as a suitable person for our family and state and also to be professional bachelor. We should just use them wisely.

In addition, one famous sociologist said : ‘If you live and act according to the rules of the government in which you live, it will certainly create enough condition, environment with all sided for you. And, learn how to respect yourself, at that time you will certainly success’.

The main point from these is that it is natural that while living, human encounters different problems and how to solve them are all interconnected connects to themselves. Above, we have said that terrorism is being a global problem, too. So, how must we protect ourselves from it? I think the only thing which we should do is being well-educated and recognizing environment we live and also having a strong world- view. Then, we can comment on something independently.

So, to sum up, we are all youth of one hometown. We mustn’t forget that its future connects to us. Under these words there is a great meaning. If we can understand it in a wisely way, nobody and nothing can damage either our spirit or our life. Such kind of people who can recognize this item very well never encounter bad trends, especially, terrorism.

We are descendants of great people. We must live corresponding to them. Terrorism and such kind of dangerous things, different bad trends are not for us. The youths of Uzbekistan will certainly success in all fields. Tomorrow’s victory will be ours. The only thing which is demanded from us is that we mustn’t stop going towards great goals and not pay attention unnecessary things. And if we can understand each other and work unanimously nobody and nothing will be able to enter our union. At that time it is more likely that in such kind of situation nobody loses his or her way.

#### **Used literatures**

1. I.A.Karimov. “An elevated culture is an invincible strength. T. “Ma’naviyat”, 2008.
2. The president of Uzbekistan SH.M.Mirziyoyev’s speech in the 72th session of the U.N.O. On 19th September, 2017.

#### **Internet sites :**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.goa.uz](http://www.goa.uz).
3. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

#### **REZUME**

Ushbu maqolada muallif terrorizm va uning ijtimoiy-siyosiy hayotga ta’siri va uni bartaraf etish yo’llari haqida fikr yuritgan.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье автор рассуждает о сущности терроризма, его влиянии на общественно-политическую жизнь и путях его уничтожения.

#### **SUMMARY**

Author of this article describes the influence of terrorism to social and political life and also the methods of settling them.

*Recommended for publication by d.ph. n. S.Chariyev end d.of f. M.Daniyoyeva*

МАЪРИФАТ ТУШУНЧАСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

Мамадова А.Қ. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *маърифат, тасаввуф, тариқат, дин, ислом, билиш назарияси, ладуний илм, илоҳиёт, сўфийлик, руҳий камолот, фозиллик, ақлий билиш, ибодат, ботиний билим.*

Инсон пайдо бўлибдики, у дунёни билишга, Ўзини танишга, руҳ ва табиат ўртасидаги алоқа ва зиддиятларни ўрганишга, оламнинг яратилиш моҳиятини англашга интилиб яшаб келмоқда. Буларни тушунишга бўлган интилиш кишилик жамиятида маърифат тушунчасининг пайдо бўлишига ва турли тафаккурлар натижасида маърифат маъносининг турфа жилваларда намоён бўлишига олиб келди. Бу гўёки қуёш нурларининг оламда таралиши хилма-хил нурларда акс этса ҳам, барча нурларнинг асоси бориб қуёшга боғланиб, туташган каби маърифат маъносининг турфа талқинлари ҳам бир мақсадга бориб тақалади. Яъни инсоннинг ўзини ўзи англашидир.

*Маърифат* лафзи арабча бўлиб, “билиш, таниш, билим” демакдир. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу тушунчага қуйидагича таъриф берилди:

“*Маърифат* (арабча билим, фан, танишиш) – таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолият. *Маърифат билим ва маданиятни ёйиш ва юксалтиришнинг ҳамма турлари ва соҳаларини ўзига қамрайди. “Мулоқот”. Эндиликда илми оддий кишиларга хизмат қилдириши керак, ҳаммани саводли қилиб, халқни маърифат нури билан ёритиши керак.* П.Турсун. Тасаввуфда ҳар бир суфий руҳий камолотга эришиш йўлида босиб ўтадиган босқич (мақомлардан бири)”.

Маърифат нима деган саволга дин, тасаввуф, маънавият, фалсафа, сиёсатшунослик каби илмлар турлича жавоб берадилар. Қуйида биз маърифат атамасининг турли хил талқинларини ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Сиёсатшунослик фанида маърифат маъноси турли сиёсий тузумлар, ижтимоий-сиёсий янгиликлар натижасида ўзгаришларга учраб турганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Агар Ўзбекистон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, араблар истилоси даврида маърифат фақат диний билимларга эга бўлиш маъносини билдирганлигини кўришимиз мумкин. Яъни ислом динининг қонун-қоидалари, мусулмон киши учун шарт бўлган фарз ва амалларни билиш ва унга амал қилиш сифатида тушунилган. Араблар истилосидан халос бўлган Моворауннаҳрда туркий уруғларнинг ўзи ташкил этган Қорахонийлар, Сомонийлар каби давлатларда маърифат атама сифатида қўлланилмаган бўлса-да, маърифат тушунчаси диний ва дунёвий билимларни ёнма-ён билиш шаклида намоён бўлган. Мўғуллар истилоси даврида эса бу тушунча буткул ўз моҳиятини йўқотган. Содда қилиб айтганда, маърифат жаҳолат билан курашишга мажбур бўлган. Темурийлар, шайбонийлар ва Ўрта Осиёдаги уч хонликлар тарихи ва сиёсатида маърифат диний билимлар ва дунёвий илмлар (фалсафа, астрономия, физика, математика, ҳуснихат, тарих) ни биргаликда ўрганиш орқали эгалланган.

Рус истибдоди даврида маънавий қоқоқликка юз тутаётган халқнинг саводини чиқаришга бўлган интилиш жаҳид маърифатининг негизини ташкил қилган. Умуман олганда, давлат бошқарувидаги ўзгаришлар сиёсатда маърифатга бўлган ёндашувларнинг ўзгаришига сабаб бўлган, десак хато бўлмайди.

Бугунги кунда маънавият фанида маърифат қуйидагича талқин этилади: Кишиларнинг онг билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир. Маърифат атама сифатида табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар,

маълумотлар мажмуасини билдиради, деган фикрлар билан бир қаторда, маъри-фат – билим ва маданиятнинг қўшма мажмуи бўлиб, маориф эса шу мазмунни ёйиш қуролидир.

Демак, маънавият соҳаси маърифат, маърифатли инсон деганда ахлоқий билимларни эгаллаган ва маълум бир соҳага эга бўлган, жамиятда ўзини тутиши, яшаш тизими билан бошқаларга намуна бўладиган кишиларни назарда тутар экан.

Тасаввуф дин, ахлоқ ва фалсафадаги қарашларнинг ҳосиласи натижасида пайдо бўлган илм ҳисобланади. Бундан англашиладики, тасаввуф маърифати ахлоқшунослик, дин ва фалсафа фанидаги маърифат тушунчасига бўлган қарашларнинг айрим хусусиятларини ўзида мужассам этган, шу билан бирга, улардан фарқланиб турадиган алоҳида тушунча ҳисобланади. Биз, аввало, юқоридаги учта фаннинг тасаввуф маърифатида кўрсатган таъсирини ўрганиб чиқишимиз лозим. Бу гўёки уч хил дарахтнинг пайвандланишидан пайдо бўлган янги навли дарахт кабидир.

Ахлоқшунослик илмида маърифатли фозил кишиларни тарбиялаш масаласи бош вазифа ҳисобланиб, бундай кишилар ўзида риё, зулм, бахиллик, жоҳиллик, ёлғон, жаҳл, ҳасад, гийбат ва ҳаром-ҳаришдан сақлана олиш, поклик, адолат, ҳилм, садоқат, озодалик, сабр, камтарлик, беозорлик каби гўзал хислатлар билан қалбни зийнатлаши шарт ҳисобланади. Бундан кўринадики, ахлоқшуносликда маърифатли инсон деганда ҳам жисмонан, ҳам қалбан пок инсонлар тушунилади.

Тасаввуфда ҳам сўфийдан юқоридаги хислатларга эга бўлиш талаб қилинади, яъни тасаввуфда маърифатга эга бўлиш учун сўфийдан талаб қилинадиган, маърифатгача босиб ўтиши керак бўлган дастлабки босқич ҳисобланади.

Фалсафада борлиқ ва унинг сир-асрорларини ўрганиш, билиш ҳақида фикр юридилар экан, билишнинг ҳиссий ва ақлий билиш босқичи фарқланади. Ҳиссий билиш деганда инсоннинг сезги аъзолари, қалби орқали англашиладиган билиш қобилияти назарда тутилади.

Тасаввуфда маърифат деганда борлиқдаги барча нарса ҳодисалардан яратганнинг сифатлари яширинганлигини кўра билиш орқали унинг ўзини англай бориш тушунилади. Бу ҳодиса исбот талаб қилмайдиган ва исботлаб бўлмайдиган ладуний, ботиний илм ҳисобланиб, сўфийлар уни ўни ўзининг даргоҳидан ўрганадилар, деб кўрсатилади.

Тасаввуф маърифатини ўзлаштириш жараёни ботиний илмга таянганлиги фалсафадаги ҳиссий билишга яқин турганлиги боис кўплаб буюк файласуфлар тасаввуфда маърифат босқичи билишнинг бир кўриниши сифатида эътироф этилади, холос.

Жалолиддин Даввонийнинг “Ахлоқи Жалолий” асарида Шайх Абу Саид Абул Хайр билан Абу Али Ибн Сино мулоқоти шундай келтирилади: “Улар учрашиб, бир-бирларига қараб узоқ сукут сақлайдилар ва кейин хайрлашадилар. Ибн Сино ўз шогирдларига: мен ниманики ақл билан билган бўлсам, у қалб билан кашф этилибдур деса, Абу Саид Абул Хайр ҳам шогирдларига: мен ниманики қалб билан алдаган бўлсам, у ақл билан бўлибди”, деб айтади.

Бундан кўринадики, тасаввуф ва фалсафа бир-бирини инкор қилмайди. Шунга қарамай, тасаввуфдаги билиш фалсафадаги ҳиссий билишдан анча юқори турадиган ботиний жараёндир.

Тасаввуф илмида маърифат тушунчасига бўлган ёндашувнинг хилма-хиллиги турли хил тариқатларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Бироқ шундай бўлишига қарамай, барча тариқатлардаги маърифатдан мақсад бирдир, яъни борлиқнинг турфа жилвалари остида яширинган Аллоҳ сифатларини билиш ва бу орқали Зотни таниш, Ҳаққа етишишидир. Тасаввуф илмининг мутахассисларидан бири Абдураззоқ Кошоний маърифатга шундай таъриф беради: “Маърифат мухтасар илмларни тафсилотлар суратида танимоқдир, илоҳий маърифат илоҳий зот ва сифатларни аҳвол ва ҳодисалар тафсили ва нузул бўлган амрлар суратида таниш демак”[2].

Тасаввуфда билишнинг фалсафадаги усуллари ҳисобланмиш – тасаввур, ҳис, мантикий тафаккур кабилар ҳам қайд этилиб ўтилган. Бироқ булар билан илоҳийни англаш мумкин эмас дейилади. Билишнинг бу усуллари илоҳий маърифатни англаш учун кўприк вазифасини ўтайдиган дунёвий билимларни (тасаввуфда дунёвий билим деганда диний билимлар ҳам, илм-фан соҳасига тегишли замонавий билимлар ҳам тушунилади) эгаллаш учун керак булади дейилади.

Ибн ал-Арабий таъкидлаганидек: “Худо ҳақида ҳам ақл тили билан гапириш мумкин, лекин ақл кучи билан уни билиш мумкин эмас”.

Демак, тасаввуф маърифати ботиний билим ҳисобланади.

Фалсафа фани эса маърифатга ўзига хос тарзда ёндашади. Буюк файласуфлар Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино асарларидаги тасаввуфдаги ирфоний билимлар фалсафадаги сезги, тасаввур, идрок, ҳис каби билишнинг бир кўриниши холос, деб ҳисоблайдилар. Фалсафада билиш (маърифат) асосида борлик, уни англаш, олам ҳақидаги илмларни инсон онгида намоён бўлиши тушунилади.

Динда, хусусан, ислом динида маърифат диний билимларга эга бўлиш, Аллоҳ буюрган фарзларни таниш, мусулмонлар учун белгиланган суннатларни билиш ва унга амал қилиш деб тушунилади. Тасаввуфдаги маърифат диндаги маърифатга таянади, ундан озикланади ва уни билиш орқали шаклланади.

Қуръони каримнинг Ваъ-з-Зориёт 56-оятда шундай дейилган: “Ва ма холақтул жинна ва инса илла лияьбудун”. Маъноси: “Жинлар ва одамларни ўзимга ибодат қилиш учун яратдим”. Қуръони каримни тафсир қилувчиларнинг, муфассирларнинг шарҳлашлари оятдаги ибодатдан мақсад маърифатдир деб кўрсатилади. Яъни Аллоҳ жинлар ва одамларни ўзини англаш учун, билиш учун яратганлиги кўзда тутилмоқда. Яратганни зоҳирий илмлар (номоз, ибодат, рўза ва бошқалар) ва ботиний илмлар орқали англай бориш, унинг сифатларини (бу ерда сифат деганда Аллоҳнинг ўзи ҳам, у буюрган амаллар ҳам тушунилиши керак. Чунки Худога яқинлик у буюрган амалларни тўғри тушуниш, англаш ва бажариш орқали амалга ошади) билиш динда маърифат деб қаралади.

Юқоридаги оят маъносига мос равишда Қудсий ҳадисда Аллоҳ-таоло шундай марҳамат қиладиким: “Эй одам боласи! Билгилки, саломатлик – бирликда, ихлос – тақвода, художўйлик – тавбада, ибодат – илмда ва бойлик – қаноатдадир”.

Ҳадисда айtilган ибодат – илмда деган мулоҳазанинг мазмуни ибодат (ибодат бу қуллик, бандалик бўлиб Аллоҳ буюрган амалларга бўйсунуш, итоат этиш демақдир) воқитасида яратганга яқинлик вужудга келиши ва маърифат ҳосил қилиш тушунилан. Демак, бу мулоҳазалар ислом динида маърифат тушунчасига ёндашишнинг ўзига ҳослигини исботлайди.

Тасаввуфда эса Худони фақат ботиний илмлар орқалигина билиш, ҳис қилиш билан маърифат ҳосил қилиш мумкин, деб кўрсатилади. Номоз, рўза, ҳадиси шарифларда кўрсатилган суннатлар барча мусулмонлар учун бир. Улардан мақсад ҳам бир – Аллоҳ ризолигига эришиш (тасаввуфий истилоҳа билан айтганда Ҳақ жамолига етишиш). Лекин кишиларнинг уларни бажариши ҳар хил бўлганидек, улардан ҳосил қилган маърифатлари ҳам турличадир. Буни Алишер Навоий ҳазратлари ўзларининг “Лисон ут-тайр” достонининг маърифат водийси ҳақидаги қисмида шундай изоҳлайдилар:

“Унда сен юз туман йўловчини беқарор бир тарзда, ҳар бирини ўзга бир йўлдан кетиб бораётган ҳолда кўрасан. Уларнинг ҳар бири кетаётган йўл билан фахрланади, ҳар бири йўлни ўз йўли томонга буради. Бири хуш тутган йўлни иккинчиси хоҳламайди, ҳар бирининг кўзига ўзиники яхши кўринади, бошқасини эса назарга илмайди...”

Гарчи сулук тартибида шу хил турли ўзгаришлар мавжуд бўлса-да, лекин бу йўлга кирганларнинг ҳаммасининг мақсади биттадир. Улар бораётган йўл агар тўғри ё эгри ёки йироқ ёки яқин бўлса ҳам, бу йўлда баъзилар ўлиб кетган, баъзи бировлар йўлдан адаш-

ган, баъзилар эса турли сўқмоқларда оввораю сарсон кезсалар ҳам, бу йўлни босиб ўтмасдан туриб, мақсадга эришиш мумкин эмас”.

Бундан кўринадики, тасаввуф маърифати ҳар кимнинг ўз ботиний илми орқали аглашилади.

Агар диққат қилинса, тасаввуф ва диндаги маърифат тушунчаси ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ, аксинча, улар бир-бирини тўлдириб турадиган бутун-бўлак муносабатига ўхшайди.

Хулоса қилиб айтадиганда бўлсак, маърифат тушунчасига хоҳ дунёвий томондан, хоҳ диний ва ё тасаввуфий томондан ёндашмайлик барчасининг асосида оламнинг ўзини англаш моҳияти ётади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” (Е–М) Давлат илмий нашриёти, 2006. – 567 б.

2. Отамуратов С., Хусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 192 б.

3. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 404 б.

4. Алишер Навоийили Лисонут тайр. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, 1991. – Б. 400–401.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада фалсафа, сиёсат, манавият, дин ва тасаввуфда маърифат тушунчасига бўлган ёндашувларни фарқлаш асослаб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются различные подходы к толкованию понятия “просвещение” в философии, политике, духовности, религии, а также в суфизме.

#### SUMMARY

In the was studied the philosophy of the politician spirituality of relativity and also the differences of the proclamation of enlightenment in Sufism.

*Нашрга ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган*

## ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР

Шукуров О.У., Бойматова Б.Г. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** лексика, лексема, ахборот технологияси, фермер, бизнес, бодибилдинг, гамбургер, бройлер, саммит, лидер, митинг, лизинг, брокер, импорт, экспорт, дизайн, клип, шоу, фольклор, бокс, голкепир, баскетбол

Инглизча ўзлашма лексемалар орасида маиший, савдо-сотик борасидагилари ҳам ўзига хос бўлиб, супермаркет лексемаси ҳозирда неологизмлик хусусиятни йўқотиб, замонавий қатламга ўтган дейиш мумкин. Савдо маскани уясига кирувчи *дўкон, минимаркет, супермаркет, гипермаркет, мегамаркет, савдо мажмуаси*

Ҳозирги пайтда дунёнинг ранг-баранг соҳаларида халқаро алоқаларга интилаётган 7000 га яқин тил мавжудки, уларнинг кўпчилиги бу шиддатли глобаллашув жараёнида тиллар гегемонлиги ёки муайян тил сўзларининг бошқаларига нисбатан кучли таъсир ўтказишидан четда қолаётгани йўқ. Бундай жараён ўзбек тили лексикасига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, тилимизнинг ўзлашма сўзлар ҳисобига бойишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбек тили лексикасининг катта қисмини ўз қатлам лексемалари ташкил этади. Луғат бойлигимиздаги форсча-арабча, шунингдек, русча ўзлашма лексемаларнинг ҳам миқдори бошқа тил ўзлашмаларига қараганда катта миқдорда бўлиб, ҳозирда уларнинг қаторига инглизча ўзлашмаларни ҳам киритиш мумкин.

Эски нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га 80 га яқин инглизча ўзлашма сўз киритилган бўлса, янги нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да 500 дан ортиқ инглизча ўзлашма сўз изоҳланган. Шунингдек, “Ўзбек тилига ўзлашган инглизча сўзларнинг

изоҳли луғати”да 350 дан ортиқ сўз, бундан ташқари, вақтли матбуотда қўлланаётган неологизмлар, “Инглизча-ўзбекча-русча ахборот технологиялари ва интернетга оид қисқача атамалар луғати” дан инглизча ўзлашмалар ҳисобига мингдан ортиқ лексема ўзлашганини, ҳатто бир неча мингга етганини фараз қилиш мумкин.

Сўз ўзлашиш жараёни тилнинг доимий ҳаракатдаги қонуни бўлиб, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да лексикамизга ўзлашиши сезиларли даражада таъсир қилган 20 дан ортиқ тил ўзлашмалари мавжудлиги кузатилади.

Тилшунослар сўз ўзлаштиришда меъёр сақланишини алоҳида таъкидлайдилар. Хусусан, устоз тилшунос Н.Маҳмудов *олинма ва ўзлаштира* сўз терминларини маънодош эмас, фарқли ҳолда талқин этади: хорижий сўз олинаётган тилда қандай бўлса, олувчи тилда ҳам ўшандай, яъни фонетик қонуниятларига уйғунлашмаган бўлса, «*олинма сўз*» термини билан номлаш тўғри бўлади, чунки хорижий сўз айнан олинган, агар хорижий сўз олуви тил фонетик қонуниятларига мослаштириб олинган бўлса, «*ўзлаштира сўз*» терминини қўллаш лозимлигини таъкидлайди (1,8).

“Google” ва Гарвард университети тадқиқотчилари 2010 йил ўтказган статистик таҳлилларга кўра, инглиз тили луғат бойлигида 1 022 000 сўз мажудлиги, рақамларнинг ўсиши эса ҳар йили бир неча минг сўз ҳисобига кенгайиб бораётгани эътироф эътилади.

Ҳозирги инглиз тили луғат бойлигидаги бу сўзларнинг катта миқдорини турли тиллардан ўзлашган сўзлар ташкил қилиши кўпчиликка сир эмас. Шу боис ҳозирги инглиз тили луғат бойлигидаги сўзларнинг тахминан 30 фоизигина соф инглизча сўзлар ҳисобланади.

Инглизча ўзлашмаларни лексикамизга ўзлашишини мустақилликкача ва мустақилликдан кейинги даврларга бўлиб ўрганиш мумкин. Айрим *фермер, бизнес, бодибилдинг, гамбургер, бройлер* каби лексемалар мустақилликкача пассив ҳолатда ишлатилган.

Мустақилликдан сўнг тилимизга *брифинг, консалтинг, тренинг, инженеринг, имеж, визуал, органайзер* каби инглизча ўзлашма сўзларнинг кириб келиши қанчалик тезлашган бўлса, *министр, комитет, област, район* каби сўзларнинг тилимиз лексик қатлаמידан чиқиб кетиши ҳам уларга мос жадаллашди. Юқорида келтирилган *брифинг, инженеринг, имеж, визуал* ва *органайзер* каби қатор сўзлар тилшунослар томонидан ўзбек тилининг миллий табиатига мослаштирилган ҳолда қабул қилинди.

Маълумки, ҳар бир тил ўз луғат бойлигига эга бўлар экан, ўзининг ички қонуниятлари асосида тадрижий равишда ривожланиб боради. Шунингдек, жамиятда бўладиган ўзгаришларга мос равишда ўз тилига эга бўлган халқ тил бирликларининг ўзга халқлар билан сиёсий, маънавий, маданий, иқтисодий алоқалари натижасида ҳам бошқасига ўтиб бориши кузатилади. Лексикамиздаги ўзлашмаларни **ижтимоий-сиёсий соҳага оид мавзувий гуруҳ лексикаси** (*саммит, лидер, митинг*), **иқтисодий соҳага оид мавзувий гуруҳ лексикаси** (*лизинг, брокер, импорт, экспорт*), **маданий-маърифий соҳага оид мавзувий гуруҳ лексикаси** (*дизайн, клип, шоу, фольклор*), **спорт соҳасига оид мавзувий гуруҳ лексикаси** (*бокс, голкепир, баскетбол*) каби гуруҳлар асосида таснифлаш мумкин.

Инглизча ўзлашма лексемалар орасида маиший, савдо-сотик борасидагилари ҳам ўзига хос бўлиб, супермаркет лексемаси ҳозирда неологизмлик хусусиятни йўқотиб, замонавий қатламга ўтган дейиш мумкин. Савдо маскани уясига кирувчи *дўкон, минимаркет, супермаркет, гипермаркет, мегамаркет, савдо мажмуаси* (*moll ing. “mall” – хиёбон*) лексемалари мавжуд бўлиб, *гипермаркет* лексемаси неологизм характерига эга. *Мегамаркет, молл* лексемалари эса айрим тилларгагина ўзлашган.

Бу лексемалар ўзига хос маъновий фарқланишга эга бўлиб, бу фарқланиш қайси турдаги савдо маҳсулотларини сотиш, умумий ер майдони, омборхонаси майдони, бир вақтнинг ўзида қанча харидорни қабул қила олиши, хизмат кўрсата олиши, касса аппаратлари сони, сотувчилар миқдори, керакли маҳсулотларни қанча миқдорда етказиб бера олиш қобилияти кабилар билан ҳам фарқланади.

Савдо масканлари сифатида саналган *савдо мажмуаси, гипермаркет, супермаркет, минимаркет, дўкон* каби лексемалар учраб туради. Бу лексемалар лексик-семантик хусусиятига кўра ўзаро градуонимик (даражаланиш) муносабатни ташкил этади.

Тилнинг лексик таркиби жамиятнинг сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти билан боғлиқ равишда такомиллашиб боради. Луғатлар ҳам жамиятдаги сиёсий-маънавий қарашларга мос ҳолда яратилади. Эски ва янги нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” даги **савдогар** билан бир қаторда инглизча ўзлашма сўз бўлган **бизнес, фермер** лексемаларига берилган изоҳлар қиёсланганда янги нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да бу бирликларнинг тузумга нисбатан ҳолисона ва янгича ифода олгани маълум бўлади.

Ўзлашмаларнинг лексикамизга ўринлашишида ҳозирги кунда *kun.uz, daryo.uz* каби янгиликлар канали ҳамда ранг-баранг ижтимоий тармоқлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Масалан, “қисқача баён”, “ҳикоя” маъносидаги инглизча **дайджест** (*digest*), “энг муҳим”, “асосий” маъносидаги инглизча **топ** (*top*), маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш учун унинг сифати, сақлаши, етказиб беришини ташкил этиш билан шуғулланадиган соҳа номини ифода этувчи юнонча **логистика** (*logistike*), учувчисиз самолёт маъносидаги инглизча **дрон** (*drone*), шунингдек, квадрокоптер, ноёб хусусиятли маъносини берувчи французча **шедевр** (*chef-d'oeuvre*), хайрихоҳ, хайриячи, донор, хайр-эҳсончи, бегараз ҳомийлик қилувчи сўзлари билан парадигматик муносабатда бўлувчи **меценат**, бундан ташқари, кўпчилигимизга таниш бўлиб қолган **твиттер, аккаунт, смартфон, офшор**, каби сўзларнинг истеъфода ўринларини интернет тармоғидаги ўзбекона янгиликлар каналлари (интернет газета), миллий ижтимоий тармоқларда кузатиш мумкин. Бу каби сўзларнинг айримлари неологизмлар сифатида лексикамиздан ўрин оляпти, айримлари эса ўзбек тили лексикасидан аллақачон жой олган бўлса ҳам, ҳозирда эса фаол сўзлар қаторига чиқиб бормоқда.

Ўзбек тили ривожланган тиллар қаторига кирар экан, унинг лексикаси ички ва ташқи бойиш манбалари ҳисобига кундан-кунга бойиб бормоқда. Хусусан, ҳозирги пайтда тилимизнинг ташқи манба асосида бойиши фаоллашганини таъкидлаш жоиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Маҳмудов Н. Ўзбек тилида ўзлашма сўзлар: меъёр ва миллийлик // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. 6-сон. – Б. 8.

#### РЕЗЮМЕ

Мақола ўзбек тили лексикасидаги инглизча ўзлашма сўзларнинг семантикасидаги ўзгаришларга қаратилган.

#### РЕЗЮМЕ

Статья посвящена семантическим изменениям английских заимствованных слов в узбекской лексике.

#### SUMMARY

The article is dedicated the semantic change of english unoriginal words in lexicon of the uzbek language.

*Нашрга проф. Б. Менглиев тавсия этган*

### “ДЕВОНИ МИРЗО” АСАРИДА ЭРОНИЙ ҚАТЛАМ СЎЗЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Жумаева К. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *лексика, лексема, фонема, тарихий этимологик қатлам, эроний қатлам, туркий қатлам, арабий қатлам, маънодошлик, мавзувий сурӯҳ.*

Эроний тарихий этимологик қатлам (ТЭҚ)га мансуб сўзлар «Девони Мирзо» асарида 687 бирликни ташкил қилади (33 фоиз).



Узоқ тарихга назар солсак, эроний тилли халқлар билан турк улусининг алоқалари илдизи жуда қадимий эканлигининг гувоҳи бўламиз. Дақиқ тилшунос Маҳмуд Кошғарий ҳам XI асрдаёқ бу дўстликни эътироф этиб, туркий ва эроний икки тиллилик мазкур халқлар ўзаро алоқаларининг муштарак ва қадимий эканлигини таъкидлаган эди. Демак, кўплаб эроний сўзлар V-XI асрлардаёқ туркий тилларга кириб келган.

Бу сўзларнинг истеъмоли XIV-XV асрларгача кенгайиб борди, ҳатто XIX асргача уларнинг қиймати пасаймади. Шунинг учун ҳам «Девони Мирзо» асарида форс-тожикча сўзларнинг кўлами туркий сўзларникига қараганда бир мунча кўпдир.

«Девони Мирзо» асари лексикадаги эроний ТЭҚга мансуб сўзларни ташки-моддий томондан бир бўғинли икки фонемали (*тā*- олд кўшимчаси) бўғинли 12 – фонемаликкача бўлган сўзлар (*паришāнаҳвāл*) ташкил қилади.

Грамматик мансублигига кўра эроний сўзлар қуйидагича:

Отлар:

а) аниқ отлар: *абр, аждар, ангуштар, асп, бийāбāн, бāзāр, бāрāн, бāғ, бостāн, гавҳар, ганж, гард, гардан, гач, гул, гулāб, дарийā, даст, дэв, душман, жаҳāн, жāй, жам;*

б) мавҳум отлар: *андиша, анжуман, армāн, афсус, бахт, тана, гумāн, зийāн, мāтам, назд, нанг, нāла, дил;*

в) от-феъллар: *дам, зэб, таб, бāвар.*

Сифатлар: *афзун, бэх, зāр, зўр, пинҳāн, пāк, расвā, сийāх, хижил, хуррам, хурсанд, хўб, чāлāк, чўст, шарманда, шāдмāн, шармисāр, шāйиста, шўрида, бузург.*

Равишлар: *кам, бисийāр, āнчунāн, хийла.*

Сифатдошлар: *саргашта, шикаста, шукуфта.*

Модал сўзлар: *кāиқи, магар, шāйад.*

Боғловчилар: *агар, лэкин, валэкин, гāх-гāҳи, йā.*

Ундовлар: *эй, вай, хāйи хўй, зихи.*

Мисоллардан шу нарса аён бўладики, ўзлашма сўзларнинг катта қисмини аниқ отлар ва аслий сифатлар ташкил қилади. Бундан ташқари, олд кўшимча аффиксоидлар бўлмиш *бэ-, ба-, сэр-, пур-, хуш-, бā-* кабилар билан ясалган нисбий сифатлар миқдори ҳам анчага етади.

Маъно муносабатларига кўра эроний сўзларни ҳам мавзувий ва луғавий-грамматик гуруҳларга бўлиш мумкин. Мазкур луғавий маъно гуруҳ (ЛМГ) ларнинг тенг маъноли аъзолари, синонимлари тарзида ёки луғавий мавзувий гуруҳ (ЛМГ) ларнинг янги кўшимча маъно (коннотатив) (а) ва услубий маъно (оттенка) билан бойитувчи (б) бирикмалари (лексема) вазифасида қўлланганлигини кўриш мумкин:

а) *қилич-шамшир, тоғ-куҳ, кун-рўз;*

б) *от-асп, йигоч-сарв, қўл-даст, йурак-дил;*

Агар арабча ТЭҚ да мавҳум маъноли сўзлар етакчи ўринда турса, эроний ТЭҚ да эса конкрет маъноли сўзлар асосий ўринда туради. Масалан, *дилāрāм, дилбар, йāр, маҳлиқā, маҳрў, маҳваш, āфтāби тāбāн, париваш, парипайкар, паричэхра, гуруснаруй, гулчэхра, гуламдāм, пари, сарвқāмат* сингари бир синонимик қатордага сўзлар ягона тушунча - *севгили* маъносини англатади.

*Токи бўлдим ман санга, эй дилрабо,*

*Ошно, ошно, ошно.*

*Кўзларингдин етгусидир жонима,*

*Юз била ва юз била ва юз била.*

*Ишқинг била айладинг бу зорни,*

*Мубтало ва мубтало ва мубдало.*

Назмий услубга хос бундай арабча ва форс-тожикча сўзлар «Девони Мирзо» асари лексикасининг 79 фоизини ташкил қилади. Албатта, бундай сўзлар ўзаро алоҳида лексик-семантик ва мавзувий гуруҳларга ажралмасдан ҳаётий зарур нарса ва воқеа-ҳодисаларни кўшимча маънолар билан тўлдириш учун хизмат қилган. Бу борада Мирзо ҳассос шоир Огаҳий ва Мунис анъаналарига эргашиб қалам тебратар экан, уларнинг бадиий маҳоратидан, сўз танлашдага ранг-баранглик услубидан фойдаланган.

Бироқ бундай қатъий ва аниқ риёзий кўрсаткичлар, шунингдек, ТЭҚларнинг луғавий-тавсифий баёни этимологик қатламлар ҳамда уларнинг бирликлари ҳақидаги ташқи маълумотлар беради. Биз бу маълумотларга таянадиган бўлсак, «Девони Мирзо» асарида туркий сўзлар миқдори деярли барча қатламлардан паст деган хулосага келамиз. Бундай хулосалар эски ўзбек тили лексикаси бўйича қилинган деярли барча тадқиқотларда мавжуд. Афсуски, бу риёзий-тавсифий маълумотлар турли хилдаги ТЭҚларнинг, жумладан, туркий, эроний ва арабий сўзларнинг тилдаги сифат мавқеи тўғрисида аниқ хулоса чиқаришга тўсқинлик қилади. Чунки тавсиф ва рўйхатларда, риёзий кўрсаткичларда биз фаҳм (тажриба, кузатиш, империк ўрганиш) асосида «Девони Мирзо» асари луғат бойлигининг ташқи миқдорий томони ҳақидаги маълумотга эга бўламиз. Бундай хулосалар кўп ҳолларда бизни “алдайди”. Бунинг боиси шундаки, қиёсий (диалектика) ва тасаввуф таълимотига кўра ташқи томондан ўрганиш бизни ҳамма вақт «янглишгиради», “чалғитади». Буюк мутафаккир Алишер Навоий буни «Лисонут-тайр» асарида ихчамгина қилиб «Қосир этти фаҳмдин идрокни» фаҳм, яъни ҳодисаларнинг ташқи хусусиятлари, идрок, эса моҳиятни очишга тўсқиндик қилувчи) деб шарҳлаган эди [1]. Ҳақиқатан ҳам ТЭҚларни фаҳмий усулда миқдорий кўрсаткичларда ва рўйхатларда кўриб ўтиш туркий, арабий ва эроний ТЭҚлар орасидаги сифат боғланишларини сифат муносабатлар билан қоронғилаштириб қўяди. Бу қатламлар орасидаги сифат боғланишларни кўриб ўтиш учун биз намуна сифатида атиги иккита туркий сўзни, шу сўз ифодалаган маънони англатувчи арабий ва эроний маънодошларни, яъни синонимлари билан муносабатини кўриб ўтамиз. Бу сўзлар *суйуклук*, *йахши* сўзларининг маънодошларидир.

*Ой ўзакли сўз асарда бир неча бор учрайди: Масалан,*

*Ул ойнинг кўнглига таъсир қилмиш нолаи зоринг,*

*Сенинг. Мирзо. бу янглиг нолаи зорингга салламно.*

Шунингдек, *ой* сўзининг севгили маъносини англатувчи форсий маънодошлари (синонимлари) ҳам кенг қўлланилган.

*а) дилрабо – Ман зорга бир дилрабо зоҳир қилиб меҳру вафо,*

*Солиб белига кокилин базмимга келди лоибо.*

*дилдор – Арз айлар эрдим гам била дардимни ул дилдорга,*

*Нутқидин умид айлабон ҳар лаҳзада ман бенаво.*

*ойрў – Юзи гулзоридин ойрў фиғону нола айларман*

*Ҳамиша булбулосо гоҳ зиргоҳ ҳам ё раб.*

*маҳваши – Қилиб таъсир анинг кўнглига тийра кўнглимга,*

*Мани шод этгали келмасму ул маҳваши санам, ё раб.*

*ёр – Ёриминг майгун лабича хуб эмас ёқут ноб,*

*Оразидин касби нур айлар дамодам офтоб.*

*пари – Отса гар киртик ўқин қоши ёси бирла ул пари,*

*Қатл этар ҳар лаҳзада ушиоқ айёмин ижоб.*

*дилбар – Оразинг устидин олгил эмди, эй дилбар, ниқоб,*

*Қилмасам назора ҳуснингни бўлур ҳолим хароб.*

*сарв – Қадингни шавқдин агар чексанг фигонлар тонг эмас,  
Чеккуси қумри сарвнинг ишқида нола беҳисоб.*

*гулагдор – Эй гулагдорим, кел қадаҳ бу кўзлари гирёна тут,  
Айлаб лаболаб бодадин бас қилма ёна-ёна тут.*

Албатта, *севгили* ва унинг маънодошлари таърифланаётган “*севгили*”нинг баъзи томонларини тавсифлаётганга ўхшайди. Чунончи, *дилрабо, дилдор, ойрў, маҳваш, ёр, пари, дилбар, сарв, гулагдор*. Бироқ келтирилган мисоллардан бу сўзлар “*севгили*”нинг ёки унинг юзини тавсифламай, ўзини атаётганлиги аниқ кўринади.

Севгили тушунчасини бошқа сўзлар билан аташ заруратидан эмас, балки ифода воситасини ранг-баранглаштириш, гўзаллаштириш, истиора, шеъриятда эса вазн, қофия талаби билан белгиланади. Худди шунингдек, *йахши* сўзининг нотуркий маънодошларини олиб кўрайлик:

*ажаб – Сарв қадинг фурқатида қумриосо ҳар саҳар,  
Ажаб қилма айлар эсам оҳ-фигоним фидо.*

*хайр – Файзинг мана ўлмади муйассар,  
Сэн хайр дэдинг, мзн айладим шар.*

*хўб – Ул ойдек кўрмадим дилбар жаҳонда,  
Юзидек хўб эмас гул гулистонда.*

*бэхтоб – Бог аро сунбулга тушди неча бэхтоблар,  
Зулфи мушкин юз узра намудор айлагач.*

*хайр – Бўлуб бедор Мирзо субҳ ила шом,  
Дуойи хайрини дард эт забонда.*

Демак, асар тилида эроний сўзларнинг кўплигининг сабаби шундаки, муаллиф ўз асарларида ўзбек анъанавий услубини сақлашга интиланган. Бу услубнинг ўзига хос хусусиятларидан бири эса бадий сифатлашнинг ҳамиша, баъзан, ҳатто, мазмундан ҳам устунлигидадир. Бадийликнинг асосий омилларидан бири сифатлаш бўлиб, бунда белги маъносини ифодаловчи сифатлар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис “Девони Мирзо”асари тилида ҳам форсий сўзлар кенг ўрин олган. Ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрлари нуқтаи назаридан эскирган деб саналадиган бу сўзлар Мирзо яшаган давр адабий поэтик тили учун зарурий омил бўлган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Алишер Навоий. Лисонут-тайр. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги Нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991. – 464.
2. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1984, – 160 б.
3. Бафоев Б. Алишер Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 158 б.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада “Девони Мирзо” асари тилида қўлланган форс-тожикча сўзларнинг услубий қўлланиши ва унинг лисоний қиймати ҳақидаги илмий хулосалар баён этилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье приводятся научно обоснованные выводы о способах применения и лингвистической ценности псевдо-таджикских слов, встречающихся в произведении “Девони Мирзо”.

#### **SUMMARY**

The article provides scientifically substantiated conclusions about the ways of using and the linguistic value of the pseudo-Tajik words found in the work of Devoni Mirzo.

*Наиurga ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган*

## “НУХ” ҚИССАСИДАГИ РАМЗИЙ-МАЖОЗИЙ ОБРАЗЛАР СИЛСИЛАСИ (“Қисаси Рабғузий” асари мисолида)

Султанова Р.Х. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** образ, рамз, мажоз, бадиий асар, диний асар, диний-илоҳий китоб, дин, тарихий-бадиий асар, иллат, инсоний фазилят.

“Қисаси Рабғузий” гарчи анбиёлар тўғрисидаги мажмуа бўлса-да, соф диний руҳдаги асарлардан фарқли ўлароқ, ўзида дунёвий майлларнинг, халқ оғзаки ижодига хос бадиий фантазия тасвири кўламнинг кенглиги билан ажралиб туради.

“Қисаси Рабғузий”да Оллоҳ таоло олам ва Одамни яратишдан мақсади ўз халифаси қилиб белгилаган Инсоннинг бошқа хилқатлар орасида тутган ўрни; инсоният ҳаётининг мураккаб ижтимоий, маънавий ва ахлоқий зиддиятлари, муаммолари ва уларнинг адиб бадиий талқинидаги ечимлари ранг-баранг воқеалар тасвири тизимида турфа хил рамзий-мажозий образлар воситасида ёритиб берилган.”<sup>1</sup>

Буни биргина “Нух” қиссаси мисолида ҳам кўриш мумкин. “Нух” қиссасидаги тўфон воқеаси “Қиссаси Рабғузий”дан ташқари бир қанча муқаддас диний-илоҳий китоблар “Қуръони Карим”, “Таврот”, “Библия”да, кўплаб тарихий – бадиий асарлар, жумладан, Н.А.Куннинг “Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари”, Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” каби асрларида ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу китобларда баён этилган тўфон воқеасининг асоси бир хил бўлса-да, фарқли жиҳатлари ҳам кузатилади.

Ўрганиш асосида аён бўладики, Оллоҳ томонидан ерга тўфон жўнатилиши ва бу тўфондан имон келтирганлиги сабаб Нух ва унинг қавми омон қолиши манбаларда бир хил. Лекин “Қисаси Рабғузий”да “яна айтадиларки”, “хабарда андоқ келур”, “мақсадга келамиз”, “яна мақсадга келдик” сингари бирикмалардан кейин ҳикоятлар келтирилган. “Яна айтадиларки”, “хабарда андоқ келур” дея берилаётган воқеалар тизими ўзигача яратилган диний, тарихий-бадиий асарлардаги воқеалар билан бир хил бўлса, “мақсадга келамиз”, “яна мақсадга келдик” каби бирикмалардан кейин берилаётган ҳикоятлар ва фикрлар муаллифнинг бадиий мақсадини амалга оширишга хизмат қилган. Худди шу ўринларда келтирилган фикрлар китобхонни асарга янгича руҳ билан ёндашиш кераклигини талаб қилади.

Нухнинг кофир хотини нон пишираётган чоғда тандир ичидан сув чиқиши тўфон бошланишининг белгиси эди. Нега сув айнан тандирдан чиқяпти? Маълумки, таъбирномаларда “тушда тандир кўриш ҳам ўчоқ кўриш кабидир. Тушида киши ўчоқ кўрса, ўнгида бадавлат рўзғорли бўлишга ишорадир. Агар туш соҳибининг тушида ўчоқ бузилган бўлса, ўнгида неъмат ва роҳатини йўқотади. Тандирни тушда кўриш ўнгида дилхушлик ҳам келтиради, тандир кўрган одам маъмур бўлади, тандирдан узилган иссиқ нонни кўриш келажакнинг порлоқ бўлишига далилдир”<sup>2</sup> Демак, тандир ҳаёт, порлоқ келажак рамзи. Тандирдан сув чиқиши эса бу дунёдан ризқнинг узилиши, ҳаёт тугашига ишорадир.

Шу ўринда Нух алайҳиссалом қиссасининг умумий қисқача мазмуни оламнинг нажоткори ҳам, ҳалокати ҳам инсон, унинг эзгу ва қабих қилмишлари билан баҳоланишидан иборатлигини назарда тутсак, тандирни инсон қалби дея изоҳлаш ҳам ўринлидир. Тандирдан сув чиқиши эса қалб бутунлигининг бузилиши, яъни кўнгилга турли ёмон ўйларни келтириш, ёмон йўллар сари кириш, имонсизлик рамзидир. Зеро, бундай чиркин иллатлар дунёни барбод бўлишига сабаб бўлади.

Кема битди, у уч қават эди (биринчи қаватида чорва ҳайвонлари, иккинчисида Нух қавми билан, учинчисида қуш-у қуртлар жой олганди). Шу ўринда таъкидлаш жоизки,

<sup>1</sup> Шодмонов Н. Тўрт адиб сабоғи. – Қарши: Насаф, 2017. – Б. 78.

<sup>2</sup> Асрор Самад, Нажиббек Рустамий. 999 Туш таъбири. – Тошкент. Фан, 2007. – Б. 145–166.

кеманинг уч қаватлилигида ҳам рамзийлик бор. Кемани бир одам деб олсак, унинг ўрта қавати инсон жисми, чунки кеманинг ўрта қаватида эркаклар ва аёллар орасида Одам жасади парда бўлди. Юқори қавати, яъни куш-у куртлар жой олган қават, инсон руҳияти рамзидир. Сабаби бадиий адабиётда инсон руҳияти билан боғлиқ ҳодисалар кушлар тим-солида акс эттирилади. Пастки, чорва ҳайвонлари жойлашган қавати эса инсон нафсига ишорадир. Асарда инсондаги шайтоний истаклар ит, мушук, тўнғиз, йўлбарс, эшак каби ҳайвонларга ўхшатилади.

Нух алайҳиссалом кемадагиларга айтган эди:

– Жуфтларингизга яқинлашманг, болалар туғилса, кемага сиғмай қолурмиз деб. Бироқ ит Нух фармонини бажо келтирмади. Мушук итни пайғамбаримиз олдиларида уят-ли бўлишига сабабчи бўлди. Итнинг бесабрлиги ва мушукнинг сотқинлиги ўз жазосини олди. Зеро, “ким бировнинг айбини очса, ўзи ҳам ўшандай айбга мубтало бўлғувсидир”<sup>1</sup>.

Қиссада ит образи бесабрлик, иккиюзламачилик, мунофиқлик рамзи. Мушук эса бировнинг айбини очиш орқали ўзи ҳам ўша айб билан баробар гуноҳ қилганликнинг нишонасидир.

Кема инсон дея талқин қилинар экан, кема ичидаги қалдирғоч, ит, мушук, тўнғиз, хўроз, кабутар, йўлбарс, сичқон, эшак образлари рамзий-мажозий бўлиб, улар инсон характерида учраши мумкин бўлган фазилатлар ҳамда нуқсонлар ифодасидир.

Нух тўфонида кема тешилиб қолиб, илон кеманинг тешигини бекитиши эвазига сўралган “энг тотли эт” одам гўшти эмас, балки курбақа гўшти эканлигини айтган қалдирғоч инсонлар орасида “дўстлик” рамзи бўлиб қолди.

Сэмюэл Батлер “Ҳақиқатни ҳар қандай тентак ҳам айта олади, лекин ёлғонни ишонарли қилиб айтиш учун каллани ишлата билиш зарур”<sup>2</sup> деган эди. Қалдирғочнинг ишонарли ёлғони бутун инсониятни илонга ем бўлишдан сақлаб қолди.

Биз бу ўринда қалдирғочни ёлғончи дея олмаймиз. Чунки “Ҳаётни, обрўни ва мулкни сақлаб қолиш учун ёлғон гапирса ҳам бўлаверади”<sup>3</sup>.

“Нухнинг кемасини тоғларда турғизгайман дея хитоб келганда, ҳамма тоғлар бош кўтардилар, зора кема бизда тургай деб. Фақат Жудий тоғи хокисорлик билан ўзини паст тутди. Оллоҳ таоло уни ихтиёр этди.”<sup>4</sup>

Инсон характерида хокисорлик, камтарлик энг гўзал ахлоқ-одоблардан бири эканлиги Жудий тоғи мисолида кўрсатилган. Қиссада камтарликнинг тоғга қиёсланишида ҳам алоҳида ҳикмат яширин. Сабабики, улуғ бобомиз А.Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида таъкидлаганларидек: “тоғ тупроққа ботса-да, сел ва бўрондан ташвиши йўқ”.

“Нух алайҳиссалом ер юзида қанча сув қолганлигининг хабарини билишни истанганларида қорақарға – “мен борайин”, – дея отилиб чиқди. Эркак товук эса кафил бўлди. Бироқ қарға йўлга тушиб, мақсадини унутиб қўйди. Хўроз вақт бўлганини Қарғага билдирмоқ учун кеманинг томига чиқиб чорлай бошлади. Қарға эса келавермади. Нух алайҳиссалом Хўрозни ушлаб қолди. Шу боис товуклар учмайдиган бўлиб қолдилар, одамлар билан бирга қолдилар. Айтадиларки, кафолатнинг боши маломатдир, ўртаси ўкинчдир, охири эса товондир. Нух алайҳиссалом кабутарни жўнатди: – “Тезда хабар келтиргил”, – деб. Кабутар қайтишда зайтун дарахтининг япроғини тумшуғига олиб келиб, Нухга кўр-газгач, пайғамбар уни эзгу дуо қилди:

– Одамлар сенга меҳрибон бўлиб, уйларида жой берсинлар!”<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Носируддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси. – Б. 23-24.

<sup>2</sup> Ҳикматлар шодаси. Иккинчи китоб. Тўпловчи ва таржимонлар: А.Раимов, Н.Раимова. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 151.

<sup>3</sup> М.Н. (Machiavelli, Nikkolo (1469-1527) – Italiya siyosiy mutafakkiri, tarixchisi va yozuvchisi). Hikmatlar shodasi. Ikkinchi kitob. – Т.: О‘zbekiston, 2016. – В. 151.

<sup>4</sup> Носируддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.

Зайтун дарахти ва зайтун меваси ҳақида турли давлатларда турлича қарашлар мавжуд. Қадимги Юнонистон афсоналарига кўра Афина билан Арахна кашта тикиш мусобақасида ўз тиккан нақшларини турлича безатишган. Арахна мағрурлиги ва беписандлиги билан Афинанинг жаҳлини чиқарган. Ғазабланган Афина қўлидаги найзасини силкитиб, заминга ботирганида муқаддас зайтун дарахти ўсиб чиқади. Шунда у ўз нақшлари атрофини зайтун дарахти сурати билан безайди ва Афина мусобақада ғолиб бўлади.

Шундан буён Юнонистонда зайтун дарахти ғолиблик рамзи бўлиб қолди. Мусобақаларда ғолиб кишининг бошига зайтундан ясалган гулчамбар кийдирилади.

Мисрда эса зайтун етиштириш бундан 6 минг йил муқаддам бошланган экан. Ўша пайтларда зайтун оқиллик ва тинчлик тимсоли ҳисобланган, мўътабар меҳмонлар пойига зайтун дарахти шохлари тўшалган.

“Қуръони Карим” оятларида зайтун “муборакатин зайтунатин”, яъни “сероб, табаррук, яхши, беҳисоб бойлик улашувчи” эканлигини билдиради. Манбалардан аён бўладики, зайтун тинчлик, оқиллик, сероблик, ғолиблик ва барака рамзи ҳисобланади.

Зайтун япроғини олиб келган кабутар халқ орасида садоқат, вафо ҳамда тинчлик тимсоли бўлиб қолди.

“Нух” қиссасидаги рамзий-мажозий образлар силсиласини шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин.

1. Нарса-предмет ва табиат ашёлари орқали ифодаланган рамзий тимсоллар: тандир, кема, тоғ, зайтун;

2. Қушлар ва ҳайвонлар орқали ифодаланган рамзий тимсоллар: қалдирғоч, кабутар, қорақарға, товук, хўроз, ит, мушук, илон, сичқон, тўнғиз, эшак, йўлбарс ва ҳоказо.

3. Тўқима образ воситасида ифодаланган рамзий тимсол: Авж ибн Унуқ образи.

Бениҳоя катта, улкан савлатли, тенгсиз куч-қувват эгаси Авж ибн Унуқ тўфонда ҳалок бўлмаган эди. Сабабики кеманинг куйруғидан тутиб, судрамоқликка бирор кимсанинг қуввати етмас эди. Авжни шу сабабдан ҳам Оллоҳ таоло ҳалок этмади.

Асарда Авж образи орқали мислсиз куч-қувват эгаси бўлгани, узоқ умр кўргани билан жамиятда одамларга фойдаси тегмаса, ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслик баён этилган.

Нухнинг умри охирлаб қолгач, “Дунёни қандай тасаввур этдинг? – деб сўраганларида Нух: – Дунёни икки эшикли саройдек билдим. Бир эшикдан кириб, иккинчисидан чиқарман”, – дея жавоб берган эди.

Кўрилганидек, Нух қиссасида дунё, инсонлар, улар билан боғлиқ фазилатлар, иллат ҳамда нуқсонлар тасвирланган. Инсон ҳаётидаги иллатлар тасвирланар экан, бунинг зиди ўларок, қалб поклиги, маънавият, маърифат, ахлоқ-одоб, комиллик ҳаёт бардавомлигини таъминловчи асосий мезон эканлиги асарда турли ҳикоялар орқали рамзий-мажозий образлар воситасида очиб берилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Рабғузий, Носируддин. Қиссаси Рабғузий. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.
2. Шодмонов Н. Тўрт адиб сабоғи. – Қарши: Насаф, 2017. – 132 б..
3. Асрор Самад, Нажиббек Рустамий. 999 туш таъбири. – Тошкент: Фан, 2007. – 104 б..
4. Ҳикматлар шодаси. Иккинчи китоб. Тўпловчи ва таржимонлар: А.Раимов, Н.Раимова. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 300 б.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада “Нух” қиссасидаги воқелик ва образлар рамзий-мажозий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳамда бу образлар орқали инсон характеридаги фазилат ва илатлар талқин қилинган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье с символической точки зрения анализируется реальность и образы повести «Ной», а также изображение человеческих качеств и пороков через эти образы.

---

<sup>1</sup>Носируддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.

## SUMMARY

The article analyzes the reality and images of the story "Noah" from a symbolic point of view, as well as the image of human qualities and vices through these images.

*Наширға ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган*

## ТИЛ ВА МАДАНИЯТ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ВА ТИЛ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

Худайназаров И.И. (ТАТУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *тил сиёсати, тил маданияти, маъмурий шахслар маданияти, маданият асоси, таълим услуги, тасвирланган тил.*

Тил ва маданият ўртасидаги муносабатлар чуқур илдиз отган. Тил маданият ва маданий алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда етказиш учун ишлатилади. Турли фикрлар турли маданиятларни ўз маданиятида ишлатишдан келиб чиқади ва бу муносабатларнинг бутунлай алмашилиши туғилишдан бошланади.

Чақалоқ туғилганда барчаси жуда ўхшашдир. Бола ўз атрофидагиларга ва уларнинг маданий гуруҳида шахс бўлишига таъсир қилмагунча эмас. Барча одамларни туғилишда ўхшашлигини тасвирлайдиган бу ғоя минг йиллардан буён исботланган, Конфуций ва унинг издошлари томонидан ёзилган "Аналитика" (Ху, 1997) китобида муҳокама қилинган. Туғилганидан боланинг ҳаёти, фикри ва тили тил билан боғланган нарсалар билан шаклланади. Брукс (1968), жисмоний ва ақлий жиҳатдан ҳар бир киши бир хил эканлигини, одамлар ёки гуруҳлар орасидаги ўзаро таъсирлар яшаш жойига қараб фарқ қилади, деб таъкидлайди. Ушбу гуруҳдаги хатти-ҳаракатлар ва ўзаро таъсирлардан келиб чиқиши тасдиқланган. Қабул қилинадиган хатти-ҳаракатлар минтақада жойлашган жойидан фарқ қилади (Брукс, 1968), шунинг учун турли маданиятларнинг асоси яратилади. Бу дунёдаги дунёқараш муносабати шаклландиган фарқлардандир. Хантраис (1989) маданият – муайян тил ифода воситаси бўлган жамият ҳаётини бошқарадиган эътиқод ва амалиёт эканлиги ҳақидаги фикрни ўртага ташлайди. Шунинг учун ҳар бир одамнинг фикри уларга таъсир қилган маданиятга боғлиқ бўлиб, у маданиятнинг шакли билан тасвирланган тил ёрдамида тасвирланади. Маданият ва унинг халқини тушуниш уларнинг тиллари билими билан кучайтирилиши мумкин. Бу бизни Эммитт ва Поллок (1997) томонидан айтиб ўтилган қизиқарли фикрларга олиб келади, улар одамларнинг худди шундай қизиқишларига асосланган ёки маданий вазиятлар остида тарбияланганлигига қарамадан, улар турли тилларда гапиришса ҳам, уларнинг дунёқарашини жуда фарқли бўлиши мумкин. Сапир-Уорфнинг таъкидлашича, турли хил тилларни кўллаш орқали турли фикрларни келтириб чиқаради. Улардан бири ўз фикрларини ифодалаш учун ишлатиладиган тил билан чегараланган. Турли хил тиллар турли чекловлар келтириб чиқаради, шунинг учун маданиятни бошқалар билан гаплашадиган, аммо турли тилларда гапирадиган одамлар турли хил фикрларга эга бўладилар. Шундай бўлса-да, тил маданиятга асосланган ва маданият акс эттирилган, шунинг учун авлоддан авлодга ўтади (Эммитт ва Поллок, 1997). Бундан ташқари, янги тилни ўрганиш янги маданиятни ўрганишни ўз ичига олади (Олрайт ва Бэли, 1991), шу жумладан, тил ва маданият ўқитувчилари ҳам (Бирам, 1989).

Маданиятга, тил ўрганишга ва тил сиёсатларига нисбатан бутунлай инглиз тилининг таъсири жуда катта. Тил ўқитувчилари ўз талабаларини тилдан фойдаланишнинг маданий асосларига ўргатишлари, маданий жиҳатдан муносиб ўқув услубларини танлашлари ва нотўғри тушунчалар ўрнига тушунишни тарғиб қилиш учун маданий жиҳатдан асосланган тилшунослик фарқларини ўрганишлари керак. Тил сиёсати маданий хилма-

хилликни англаш ва тушуниш учун яратилган ҳамда ўқитиладиганларнинг маданий кадрларини бирлаштириш учун ёзилган бўлиши керак.

**Тилни ўқитишнинг натижалари:** ўқитувчилар ўқувчиларни тилдан фойдаланишнинг маданий асосларига ўргатишлари керак. Агар бирор киши ўз фаолиятини олиб борадиган маданият ҳақида гапирмайдиган тилни ўргатса, талабалар бўш ёки маъносиз белгиларни ўрганишади ёки улар ўргатилган нарсага нотўғри маъно бериши мумкин. Талабалар, ўрганилган тилдан фойдаланганда, тилни нотўғри маданий контекстда қўллашлари мумкин, шу билан тилни ўрганиш мақсадини енгийади.

Таълим услубидаги тўкнашув тил ва маданият ўртасидаги боғлиқликдан келиб чиқади. Тилчи чет тиллари билан шуғулланганлиги сабабли, турли маданиятга эга бўлган тил ўқитувчилари ўрганаётган тили маданий кадрларини хурмат қилишлари керак. Энглеберт (2004) шундай дейди: "... Чет тилни ўргатиш ҳам хорижий маданиятни ўргатишдир ва бизнинг талабаларимиз, коллеж ўқувчиларимиз, бошқарувчиларимиз ва агар биз чет элда яшасак, қўшниларимиз, барча маданий парадигмаларимизни баҳам кўрмаймиз".

Масалан, ўзбек маданиятида тил оила ва унинг алоқаларига қаратилади. Ғарб маданиятига тегишли бўлган усулларни қўллаш орқали таълим беришдан орқага қайтишнинг олдини олиш керак эмас, чунки улар нотўғри таълим усуллари, қасддан ёки нотўғри бўлиши мумкин, ўқувчиларнинг оиласини шармандаликка олиб келиши ёки ёмонлашиши мумкин. Ўзбек маданиятидаги муваффақият ва муваффақиятсизлик нафақат ўзга, балки бутун оилага ёки жамиятга таъсир қилади. Шунинг учун ўқитувчилар ўзлари жойлашган маданиятни хурмат қилишни унутмасликлари керак.

Тил ўқитувчилари ўзларининг тушунчаларини таржима қилишга мойил эканлигини тушунишлари керак. Бу маъно маданий жиҳатдан боғлиқдир. Фақатгина ишлатилган тилнинг маъносини тушуниш керак эмас, балки уни жойлаштирилган маданий контекстини ҳам. Кўпинча маданий чегаралар туфайли бу каби ғоялар давом этаверишига йўл қўйилмайди. Портер (1987) таъкидлаганидек, тил ўқитувчилари ўртасидаги тушунмовчилик кўпинча турли хил маданий илдизлар, мафкуралар ва маданий чегараларни ифодалашни чеклайди.

Тил ўқитувчилари турли маданиятли инсонлар турли нарсаларни ўрганишини эслашлари керак. Ўзбек тилидаги эзгулик - бу ғарб ғояларига ўхшаш тилни ўрганишнинг энг аниқ усули бўлиб, унда сўз ва грамматика кетма-кетлигини ишлатиш воситаси сифатида эркин нутққа жойлаштирилган. Бизнинг таълим усулимиз умуман жамиятга бўлган муносабатимизни ва жамиятдаги ўрнини акс эттиради, деб таъкидлайди.

Ўқитувчи китоблар ёки тарқатма материаллар каби тилни ўргатувчи материалларни танлаганда, улар ўзларининг маданий қарашларига қараб, талабалар томонидан турли хил кўринишларини тушунишлари керак (Малей, 1986).

Тилни ишлатишдаги маданий фарқларни солиштирибгина қолмасдан, фарқ қилиш керак. Иккала тил орасидаги фарқни англаш ва тушуниш талабага тилни тўғри ишлатиш тил хусусиятларини келтириб чиқариши мумкин. Мисол учун, таълим бериш жараёнида турли тилларда, хусусан ўқувчиларнинг инглиз тилида нима учун баъзи бир нарсаларнинг айтилганлигини тўлиқ тушуниш учун маданий шароитларда ишлатишларини фарқлашимиз кераклигини англаймиз. Инглиз тилини ўрганаётган кўпчилик талабалар биринчи навбатда "Салом. Яхшимисиз? "Ҳа" Мен яхшиман. Раҳмат сизга. "Бу ғарбий ғояни биринчи ва ҳар бир учрашувда айтиб бериш керак, деб ҳисобланади. Агар талаба "Қандай янгиликлар бор?" ёки "Ишлар қандай?" деб сўралганда, улар "Мен яхши, миннатдорман ва сенга раҳмат" деб жавоб берган бўлар эди.

Бу сизнинг атрофингиздаги кишиларга ғамхўрлик ва эътиборни кўрсатди. Тилларни ўргатиш учун маданий тушунтиришларни ишлатиш, тушуниши учун жуда кадрлидир. У уларга инглизча иборалар ва улар ўрганган ибораларни ишлатиш учун тегишли ва нотўғри ҳолатлар орасидаги фарқни ажратишга имкон берди. Валдес (1986) нафақат она тилларида ва мақсадли тилларда ўхшашлик ва зиддиятларнинг таълим воситаси сифатида



фойдалилигини эмас, балки ўқитувчининг маданий ўхшашлик ва зиддиятларни яхши тушунганини ва бу билимларни ўқув амалиётига татбиқ этганда, улар ҳам фойдали бўлган таълим воситаларига айланишини таъкидлайди.

**Тил сиёсатининг таъсири:** Иккинчи тилни ўқитиш сиёсатининг яратувчилари маҳаллий тилларга сезгир бўлишлари керак, чунки уларни мақсад тилдан пастроқ кўринмаслиги керак. Чет тилларини ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорлари мамлакатимизда муҳим бир ҳодиса бўлди. Мамлакатимизнинг аксарият университетлари кириш имтиҳони сифатида чет тилларидан тест саволларини жойлаштириш амалга ошириб келинмоқда. Аммо инглиз тилида гапирадиган ёш мутахассислар бошқа ҳамкасабаларидан устун ва глобаллашган иктисодиётда муваффақиятга эришиш учун инглиз тилида гаплашиши керак. Бундай ҳақиқат бизнинг дунёмиз инглиз тилининг глобаллашув даврига кириб борганлигини кўрсатади, унда кўпчилик кузатувчилар кадриятлар ва меъёрларнинг бир хиллигига мойиллигини кўради, бошқалар маҳаллий идентификаторларни қутқариш имкониятини кўришади. Тил сиёсати бошқа тилларни камроқ аҳамиятга эга даражага кўтариб, уларни йўқотмаслиги керак. Бу сиёсат ўқувчининг биринчи тилини, ишлатилишини ва мураккаблиklarини яхши билиши ва маданий тушунишни шакллантириш воситаси сифатида онгига киритиши керак.

Тилларни ўқитиш сиёсати тилларни ўрганиш ҳамда ўқитиладиган жамиятлардан маданий кадриятларни ўз ичига қамраб олиши керак. Бошқача қилиб айтганда, тил ўрганишга оид сиёсат олиб боришда, барча ва ҳар бир талабанинг, ўқитувчининг маданий мафқурасини ва мақсадли тил ўрганилаётган маданиятини ҳисобга олиш керак. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маданий хусусиятларини ҳисобга олган тилни ўрганиш сиёсати талабаларнинг хулқ-атворининг сиёсат ишлаб чиқарувчининг ўз маданий кадриятларига асосланганлиги (Энглеберт, 2004) билан боғлиқ тахминларга йўл қўймайди, аммо маданий хабардорликни оширади. Чет тилларни ўқитиш бўйича Америка Кенгаши одамлар, маданиятлар ва мафқуралар ўртасидаги фарқларни англаш ва қабул қилишни яхшилаш мақсадида маданият таълимини ўқув дастурига уйғунлаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Сиёсатда фойдаланиладиган ўқув материалларининг маданий маъноларини ҳисобга олиш керак. Материаллар анча кенгрок маънога эга бўлиши ёки у кўриб чиққан нарсалардан кўра кўпроқ (ёки камроқ) нарсани қамраб олиши мумкин.

Ва ниҳоят, тил ва маданият бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлса-да, тил ва маданиятни бир-биридан ажратса омон қололмайди. Маънавият маданиятисиз тилни ўргатиш мумкин эмас. Шунинг учун тилни ўрганиш ва сиёсатни шакллантиришнинг таъсири катта ва узокка чўзилган. Тил ўқитувчиси сифатида маданий жиҳатдан тан олиниши, талабаларнинг маданиятига эътиборли бўлиши ва ўқувчиларни маданий хилма-хиллик билан таништириш ва тушунишни рағбатлантириш керак. Тил сиёсати ҳам мақсад тил маданиятини, ҳамда ўқувчилар, ўқитувчилар ва маъмурий шахсларнинг маданиятини акс эттириши ва маданий талқин қилиниши керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли Қарори.
2. 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.:Маънавият, 2008.
4. Allwright D & Bailey KM (1991) Focus on the language classroom: an introduction to classroom research for language teachers. Cambridge: Cambridge University Press.

5. Brooks N (1986) Culture in the classroom. In JM Valdes (ed) Culture bound: bridging the cultural gap in language teaching. Cambridge: Cambridge University Press, – Pp. 123–128.
6. Byram M (1989) Cultural studies in foreign language education. Clevedon: Multilingual Matters.
7. Emmitt M & Pollock J (1997) Language and learning: an introduction for teaching (2nded). Melbourne: Oxford University Press.
8. Englebert (2004) Character or Culture? An EFL Journal, 24(2), 37-41. Hantrais L (1989) The undergraduate's guide to studying languages. London: Centre for Information on Language Teaching and Research.
9. Maley A (1986) XANADU – ‘A miracle of rare device’: the teaching of English in China. In JM Valdes (ed) Culture bound: bridging the cultural gap in language teaching. Cambridge: Cambridge University Press, pp 102–111.
10. Valdes JM (1986) Culture bound: bridging the cultural gap in language teaching. Cambridge: Cambridge University Press.
11. Xu ZG (1997) Interpretation of Analects. Beijing: People's Literature Press.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада тил ва маданият ўртасидаги муносабатлар чуқур таҳлил қилинган, тил сиёсатининг аҳамияти ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье тщательно анализируются взаимоотношения между языком и культурой, приводятся размышления о роли языковой политики.

**SUMMARY**

The article carefully analyzes the relationship between language and culture, gives thoughts on the role of language policy.

*Наширға проф. Б.Менглиев тавсия этган*

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН  
ФЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**Шодиев Р.Д., Суярова А.Х. (ҚарДУ)**

Танч сўз ва иборалар: *ахборот, коммуникация, технология, уяли алоқа воситаси, коммуникацион технология, компьютер технологияси, интернет ресурслари, электрон китоб, мультимедияли энциклопедия.*

Ахборот асри деб аталган ХХІ асрда ҳаётимизнинг барча соҳаларига ахборот коммуникацион технологиялар тобора жадаллик билан кириб бормоқда. Айниқса, қизиқувчанлик ва янгиликка интилиш хусусиятлари юқори бўлган ёш авлод электрон қурилмалар билан ишлаш, уларнинг барча функцияларидан тўлиқ фойдаланишда илғордирлар. Масалан, кундалик турмушимизнинг ажралмас қисмига айланган уяли алоқа воситаларидан ёши катта кишиларнинг аксарияти фақатгина мулоқот ва ахборот алмашинуви мақсадида фойдалансалар, ёшлар эса унинг воситасида интернет тармоғидан манбалар излаш, узоқдаги танишлари билан кўришиш ва ижтимоий сайтлар орқали мулоқотга киришиш, турли ўйинлар ўйнаш кабиларни амалга оширмоқдалар. Кўпчилик ахборот коммуникацион технологиялари, хусусан, уяли алоқа воситаларининг ёш авлодга таъсири салбий деб ҳисоблайди. Бироқ ундан ўринли, унумли ва мақсадли фойдаланиш, айниқса, таълим муассасаларида компьютерни қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ушбу технологияларнинг нафақат имкониятларга бойлиги ва мақсадга мувофиқлигини, балки компьютернинг бола ақлини ривожлантиришда ҳамда шахс сифатида шаклланишида алоҳида ўрни борлигини исботлайди.

Шиддатли ўзгариб бораётган ҳозирги даврда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, таълим соҳасини ахборотлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Таълим соҳасининг ушбу йўналиши, давлат ҳужжатларида таъкидланганидек, энг муҳим миллий устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Замонавий шароитда, янги ахборот технологияларини кенг қўллаш билан бир қаторда, бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини ривожлантириш муаммоси долзарблигича қолмоқда. Чунки аксарият ҳолларда олган билимларини тест орқали ёки ахборот коммуникацион технологияларининг бошқа турлари воситасида ёзма шаклда синаш ўқувчилар нутқининг ривожланишида сусткашликка сабаб бўлмоқда. Шунини унутмаслик керакки, билимни янада чуқурроқ эгаллаш ва маънан ривожланиш боланинг айнан нутқ қобилиятлари ривожланганлик даражасига боғлиқ. Кўпчилик ота-оналар фарзандларига нисбатан эътиборсиз бўлган ҳолатлар учрайди, улар билан кўп суҳбатлашишмайди. Шунинг учун кичик ёшдаги болаларнинг нутқи суст ривожланиб, улар берилган саволларга одатда бир хил жавоблар билан чекланади. Нутқнинг ривожланмаслиги туфайли ўқувчиларнинг сўзлашувида дефект ҳолатлари учрайди, болада нутқни ривожлантириш бўйича машғулотларга қизиқиш ва асосийси мотив йўқолади. Бундай шароитларда таълим-тарбия жараёнида педагогларнинг компьютер технологияларидан фойдаланишлари ўқувчиларда қайтадан мотивнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Мазкур ҳолатда компьютернинг имконияти чекланмаган бўлиб, у ўқувчиларни аниқ бир дидактик ўйин ҳолатига туширади ҳамда таълим жараёнини мазмунли, қизиқарли қилади ва замонавий таълим олиш имконини беради.

Бошланғич синф ўқувчилари маълумотни бир вақтнинг ўзида эшитиш, кўриш ва объект таъсирини баҳолай олишлари учун дарс жараёнида мультимедиа тақдимотларидан

фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу матн материаллари, фотосуратлар, чизмалар, слайд-шоу, овозли дизайн, видео ва анимация, 3D графикаларни ўз ичига олган дастурдир.

Ишда мультимедиа презентацияларидан фойдаланиш болани дарсга қизиқтириб, таълим самарадорлигини оширади. Дисплей бола эътиборини ўзига жалб этиб, уларнинг когнитив фаоллигини оширади. Бундай машғулотларда анъанавий машғулотларга нисбатан кўпроқ натижавийликка эришиш мумкин.

Бошланғич синф ўқувчилари нутқини ўстиришда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни беради:

1. Ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради, сўз бойлигини оширади;
2. Болалар кўпроқ мантиқан ва изчиллик билан ўз фикрларини баён этишга ўрганадилар, сўзларнинг маъносини чуқурроқ тушуна бошлайдилар;
3. Томоша қилинган анимацияларидан орттирган таассуротларини ўз сўзлари орқали ифодалаб бера олишади;
4. Ўқувчилар ўз нутқида адабий сўзларни қўллай бошлашади;
5. Ушбу усуллардан фойдаланиш ёрдамида ўқувчиларда шеърлар, топишмоқлар ва мақолларга нисбатан қизиқиш уйғона бошлайди;

Шу ўринда ахборот технологияларининг имкониятларидан таълим жараёнида фойдаланишда, мисол тариқасида “Расмлардан ҳикоя тузиш” методини кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Ушбу усул 3 хил кўринишда бўлиши мумкин:

1. Экранда 3-4 та расм намойиш этилиб, улар тегишли ҳикояни акс эттиради. Бу ҳолда ҳар бир расм алоҳида бўлим сифатида қабул қилинади.

2. Ўқувчиларга фақат битта расм кўрсатилади ва ўқитувчи томонидан “Илгари қандай бўлган?”, “Кейин қандай бўлиши мумкин?” каби саволлар берилади. Мулоҳазалардан сўнг барча расмлар экранда кўрсатилади ва яхлит бир ҳикоя сўзлаб берилади.

3. Экранда расмлар тартиби чалқаш ҳолда болаларга намоён қилинади ва ўқувчилар томонидан тартибга солиниб, ҳикоя тузилиши керак бўлади. Бу усул юқоридагиларга нисбатан мураккаброқ бўлиб, у боладан мантиқан фикрлашни талаб этади.

Ахборот коммуникацион технологиялари, айнан Power point дастури ёрдамида ўтилган дарслар бола нутқининг динамик ўсишига сабаб бўлади. Power point тақдимотлари бу – ёрқинлик, кўرғазмалилик, қулайлик ва иш жараёнининг тезкорлигидир. Бундан ташқари ахборот коммуникацион технологиялари мультимедиялари ёрдамида тақдим этилган катта ҳажмли маълумотлардан қизиқарли усулда фойдаланиш мумкин. Интернет ресурслари, электрон китоблар, мультимедияли энциклопедиялар ўқувчилар ва ўқитувчилар учун кўплаб ахборотлар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Интернет ресурслари ёрдамида дарс жараёнида “Виртуал экскурсия” ташкил қилиш ҳам дарс самарадорлигини оширади. Бундай экскурсиялар бирор сабаб билан экскурсияга бора олмайдиган болалар таълими жараёнида қўлланиши мақсадга мувофиқ.

Барча экскурсиялар режалаштирилганидек, виртуал экскурсияда ҳам ўқитувчи объект танлаши, танланган объектнинг хусусияти ва таълим жараёнидаги ўрни, тарихини ўрганиши, экскурсия мақсади, вазифаси ва афзалликларини аниқлаши керак бўлади.

Дарс жараёнида виртуал экскурсиялар воситасида ўқувчилар экскурсиянинг актив қатнашчиларига айланишади ва бу ўз ўрнида ўқувчиларни кўпроқ мулоқот қилишга ундайди.

Виртуал экскурсияларни қуйидаги мавзуларда ташкиллаштириш мумкин:

1. Ҳайвонот оламига саёҳат.
2. Қирол саройига саёҳат.
3. Музейга саёҳат.
4. Кутубхонага саёҳат.

Бу каби виртуал саёҳатлар ўқувчилар таассуротини керакли маълумотлар билан бойитиб, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади. Экскурсиядан сўнг ўқув-

чилардан ўтилган мавзу ҳақида сўзлаб бериш сўралади. Бу эса ўз ўрнида болалар нутқини оширишга ва янги сўзлар билан бойитишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахборот коммуникацион технологияларига бўлган қизиқишлари жуда юқори эканлигини ҳисобга олиб, болаларнинг айнан шу қизиқишларидан ўз ўрнида самарали фойдаланиш, уларнинг маънавий дунёсининг шаклланишида ва нутқ маданиятининг ошишига кўмак беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Shadiev R.D., Yoziyeva U.L. On problems of safe information impact of Internet on students. European Science Review. Vienna, № 1–2. 2015.

2. Шодиев Р.Д., Салямова Ш.Р. Бошланғич синфларда ўқув материални таркиблаштириш ва ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ривожлантириш. Илм-фан ва инновация//илмий-амалий конференция. – Қарши. 2016. – Б. 226-232.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ахборот технологиялари тобора ривожланиб бориб инсон, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятига ўзининг айрим салбий таъсирни ўтказётган бир вақтда айнан шу ахборот технологиялари воситасида ёшлар маънавиятини ривожлантириш, нутқини бойитиш, улар онгига АКТ орқали таъсир ўтказиб инсоний туйғуларни янада ривожлантиришга эҳтиёж туғилди. Шу маънода, соғлом болани ривожлантиришда айнан улар қизиққан восита яъни ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

#### **РЕЗЮМЕ**

В то время, как информационные технологии динамично развиваются и оказывают негативное воздействие на людей, особенно на молодое поколение, стало необходимо развивать духовность, обогащать речь ребенка с помощью этих же ИКТ. Тем самым подчеркивается актуальность разработки методов использования информационных технологий для здорового развития детей.

#### **RESUME**

While information technologies are dynamically developing and have a negative impact on people, especially the younger generation, it became necessary to develop the spirituality and enrich the speech of the child with the help of the same ICT. Thereby emphasizing the urgency of developing the use of information technology tools and the introduction of practical tools to improve the welfare of a healthy child.

## **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ НА ЗАНЯТИЯХ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ**

**Убоженко А.С. (КарГУ)**

**Ключевые слова:** *инновации, технологии, методы, приемы, интерактивность, критическое мышление*

Главной задачей высшего образования в Республике Узбекистан, согласно Национальной программе по подготовке кадров, является подготовка высококвалифицированного специалиста, способного выдержать конкуренцию на стремительно растущем рынке труда. Важная роль в системе высшего образования отведена русскому языку как языку науки, культуры и информационных технологий.

Инновации в сфере обучения русскому языку связаны с внесением изменений не только в цели, содержание, методы и технологии, формы организации и систему управления, но и в стили педагогической деятельности и организацию учебно-познавательного процесса. Следовательно, определение оптимальных путей внедрения в процесс обучения

инновационных технологий, целенаправленное внедрение перспективных идей и разработок является одной из актуальных проблем современной методики.

Учет вышеперечисленных положений в организации процесса обучения русскому языку обусловлен и потребностью людей, и социальным заказом общества. Успешность решения этих проблем может привести к оптимизации процесса обучения и увеличению его результативности. Оптимизация процесса обучения русскому языку в определенной степени зависит от изучения данного опыта, интеграции усилий специалистов, работающих в области обучения разным иностранным языкам, разрабатывающих и внедряющих в учебный процесс передовые педагогические информационно-коммуникативные технологии обучения.

Методическая наука в настоящее время совершенствуется сообразно тем изменениям, которые происходят во всех сферах общества. Соответственно, процесс обучения русскому языку развивается в качестве социального заказа общества, ибо оно заинтересовано в формировании гармонично развитого поколения, владеющего в совершенстве не только родным, но и другими языками.

Одна из главных задач обучения русскому языку состоит в том, чтобы не только дать знания учащимся, но и пробудить личностный мотив, привить интерес к предмету, развить стремление к речевому самосовершенствованию.

В связи с этим в современной методике уточняются цели обучения, изменяется содержание и структура образования. Соответственно этому совершенствуются формы обучения, уточняются методы и приемы обучения.

Кроме того, разрабатываются технологии, которые ориентированы не только на процесс усвоения учениками знаний, но и направлены на общее развитие личности, развитие ее интеллектуальных и коммуникативных умений, формирование социально значимых надпредметных умений.

Инновационные технологии позволяют реализовать одну из основных целей обучения русскому языку - дать возможность перейти от изучения предмета как системно-структурного образования к изучению его как средства общения и мышления, а учебно-познавательную деятельность перевести на продуктивно-творческий уровень.

Чтобы развивать у учащихся внутреннюю мотивацию к изучению русского языка, я планирую уроки таким образом, чтобы они способствовали приобретению навыков самостоятельного поиска ответов на поставленные вопросы, умений анализировать факты, обобщать и делать логические выводы. Самостоятельно найденный ответ создаёт положительные эмоции, устраняет неосознанное сопротивление процессу обучения.

Осуществляя комплексный подход к обучению русскому языку и литературе, использую различные инновационные технологии: **технология развития критического мышления, проблемно-диалогового обучения, лекционно-зачётную систему, технологию использования в обучении игровых методов, метод проектов.** Эти технологии отработаны мною, приведены в систему и активно внедряются в практику.

Использование инновационных технологий позволяет мне индивидуализировать и дифференцировать процесс обучения, контролировать деятельность каждого, активизировать творческие и познавательные способности учащихся, оптимизировать учебный процесс, значительно увеличить темп работы. Это приводит к росту качественной успеваемости по русскому языку и сохраняет устойчивый интерес к предмету на протяжении всех лет его изучения.

Одной из наиболее перспективных при обучении русскому языку, на мой взгляд, является **технология развития критического мышления**, при которой в центре образовательного процесса находится обучающийся, а личностно-ориентированное обучение является одним из компонентов здоровьесберегающей технологии. Критическое мышление - это способность анализировать информацию с позиции логики, способность ставить

новые вопросы, вырабатывать разнообразные аргументы, принимать независимые, продуманные решения. Критическое мышление – отправная точка для развития творческого мышления, синтеза, анализа, доказательств и обобщения.<sup>1</sup>

Меня привлекает в данной технологии развитие таких качеств учеников, как коммуникативность, креативность, самостоятельность, толерантность, ответственность за свой выбор и результаты своей деятельности.

Технология развития критического мышления трёхфазовая. Первая фаза - «вызов», в ходе которой у учащихся активизируются имевшиеся ранее знания, побуждается интерес к теме. Вторая фаза - «осмысление», в ходе которой происходит непосредственная работа с учебным материалом, причём работа осмысленная. Третья фаза - «рефлексия»-размышление. На этом этапе студент формирует личностное отношение к теме и фиксирует его с помощью собственного текста или своей позиции в дискуссии. Именно здесь происходит активное переосмысление собственных представлений с учётом вновь приобретённых знаний.

На фазе вызова даю возможность учащимся проанализировать то, что они знают по изучаемой теме, так как это создаёт дополнительный стимул для формулировки собственных целей, создающих необходимый внутренний мотив к процессу учения. Ведь лучше учащиеся усваивают ту тему, о которой они уже что-то знают. И в этом случае им проще принять решение, потому что они опираются на собственный опыт. И для меня важно, чтобы ученики сами поставили цели урока.

Нередко приходится наблюдать, что не все отличаются высокой активностью работы на занятиях, предпочитая дожидаться, когда другие выполнят предложенные задания. Поэтому важно, чтобы на этом этапе каждый смог поделиться собственным опытом. Для реализации этой цели стараюсь использовать различные приёмы активизации познавательной деятельности учащихся:

- ✓ приём конструирования (слов, предложений по заданным схемам);
- ✓ игровые приёмы;
- ✓ приём семантизации (раскрытые значения непонятных слов);
- ✓ приём перекрёстной дискуссии;
- ✓ постановка прямых и скрытых вопросов к тексту (преподавателем и студентами);
- ✓ поиск в тексте ответов на поставленные вопросы;
- ✓ расположение ключевых слов, ключевых предложений в логической последовательности;
- ✓ графическая систематизация материала текста: кластеры, таблицы, схемы;
- ✓ ведение записей.

В результате свободных высказываний учащихся появляется много информации, которую и правильные, и неправильные ответы. Теперь нужно упорядочить всё, что высказали ученики, увидеть противоречия, которые и подскажут направление дальнейшего поиска. Причем для каждого эти направления могут быть индивидуальными. Главное на этом этапе - создание атмосферы сотрудничества, творчества, способствующей успеху для всех. Я всегда выступаю в роли терпеливого слушателя, не поправляя, не критикуя, чтобы ученик высказывал свою точку зрения свободно, не боясь ошибиться. Я руководствуюсь таким правилом: «Каждый ученик должен быть услышан».

В процессе реализации фазы вызова использую на уроках сочетание индивидуальной и групповой форм работы. Индивидуальная работа позволяет всем высказаться, групповая - услышать других. Стараюсь поддержать обмен мнениями, так как это способствует выработке новых идей, появлению новых вопросов и поиск ответов на них, что

---

<sup>1</sup> Ахмедова Л.Т., Лагай Е.А. Современные технологии преподавания русского языка и литературы. – Т.: Фан ва технология. 2016. – С. 148

побуждает интерес к обсуждению. Работа в группах способствует созданию атмосферы комфорта, поддержки. Это помогает некоторым студентам преодолеть чувство страха. В этом заключается психологический аспект технологии. Моя задача заключается в том, чтобы стимулировать мыслительную деятельность учащихся и систематизировать полученную информацию.

Так в тесном сотрудничестве преподавателя и студента появляются новые знания. Педагогика сотрудничества помогает добиваться стабильных результатов, повышать мотивацию ученика, признавать его право на сотрудничество.

На занятиях, где изучается новый материал, вторая фаза - фаза осмысления, занимает наибольшее время, поэтому этот этап успешнее проходит, если задан высокий темп на фазе вызова. Учащиеся знакомятся с текстом. В беседе по прочитанному происходит осмысление содержания. Вначале предлагаю учащимся самим задать вопросы по тексту (создать корзину «прямых» и «скрытых» вопросов). Затем учащиеся обсуждают, какие из предложенных вопросов помогают определить тему и основную мысль текста, позицию автора. Основной задачей на фазе осмысления является отслеживание студентом своего понимания отслеживаемой проблемы. Работа на этом этапе требует от него принятия и отслеживания проблемы. При работе с текстом использую приём: »П-М-В» (плюс-минус-вопрос). Новая информация заносится в графу» П»; неинтересная - в графу»М». Наиболее интересные и спорные факты - в графу «В». Практика использования данного приёма показывает, что информация не только активно воспринимается, систематизируется, но и оценивается. Подобная форма организации материала позволяет провести дискуссию по спорным вопросам и способствует формированию коммуникативной компетенции учащихся.

На этапе рефлексии оцениваю результаты работы студентов, используя как письменные, так и устные формы работы. Важно, чтобы этот процесс учащиеся осуществляли самостоятельно, без принуждения преподавателя. Если это устная форма, то стараюсь оценивать не только работу учащихся, но и свои ощущения по поводу происходящего на занятии. Понятно, что ответы бывают разные. Некоторые суждения нуждаются в дискуссии. В любом случае этап рефлексии способствует развитию навыков критического мышления. Живой обмен мнениями даёт возможность расширить свой выразительный словарь. На фазе рефлексии использую сочетание индивидуальной и групповой работы. В процессе индивидуальной работы учащиеся выполняют различные виды письма: эссе, сочинения-миниатюры, синквейны, кластеры.

Вот так в результате собственной поисковой деятельности учащиеся конструируют свои знания.

Эффективность использования инновационных форм и методов обучения на занятиях по современному русскому языку как средства активизации познавательной деятельности зависит от реализации определенных условий и требований. При выборе и применении методов, приемов, форм активизации познавательной деятельности учащихся следует принимать во внимание общие дидактические факторы.

1. Цель обучения и уровень обучения, которого необходимо достигнуть.
2. Сложность учебного материала и его систематизация в соответствии с логикой учебного предмета.
3. Усвоение частей, сопровождающихся контролем и корректированием результатов усвоения.
4. Учет индивидуальных темпов усвоения учебного материала учащимися и темпов работы группы.
5. Взаимоотношения между преподавателем и студентами, которые сложились в процессе учебной деятельности.
6. Количество учащихся и уровень подготовленности самого преподавателя.



Таким образом, выбор методов, приемов, форм обучения не может быть произвольным, требует учёта вышеуказанных условий, которые в практической деятельности преподавателя русского языка могут рассматриваться как методические рекомендации по организации познавательной деятельности на уроке.

Использование инновационных методов, а также приемов, форм активизации познавательной деятельности учащихся способно преобразить формат преподавания и обучения, сделать учебный процесс более эффективным и привлекательным. Инновационные методы, приемы, формы активизации познавательной деятельности учащихся дают возможность не только повышать интерес учащихся к изучаемому предмету, но и развивать их творческую активность и самостоятельность, создают условия для полноценного развития личности.

#### **Литература**

1. Ахмедова Л.Т., Лагай Е.А. Современные технологии преподавания русского языка и литературы. – Т.: Фан ва технология, 2016.
2. Коньшева А.В. Современные методы обучения. – Минск, 2007.
3. Харламов И.Ф. Педагогика. – М.: Гардарики, 1999.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье анализируется эффективность применения инновационных технологий на занятиях по русскому языку.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада рус тили дарсларида инновацион технологияларни қўллаш самарадорлиги таҳлил қилинади.

#### **SUMMARY**

The article analyzes the effectiveness of applying innovative technologies in the Russian language classes.

*Рекомендовано к печати д.пед.н. Р.Шадиевым*

### ТУРЛИ ЭКИШ МЕЪЁРЛАРИДА ЎСТИРИЛГАН ЖЎХОРИНИНГ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ, ЎСИШИ ВА КЎК МАССАСИ ҲОСИЛДОРЛИГИ

Холмуродов Ш.М., Убайдуллаев Ш.Р., Жабборов Ф.Б. (ҚарМИИ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *жўхори, экиш меъёрлари, кўчат қалинлиги, ўсимликларнинг ўсиши, кўк масса ҳосилдорлиги, қулай экиш меъёри.*

#### Кириш

Республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Чунки суғориладиган ерлардан тўғри фойдаланиш орқали лалмикор ерларга нисбатан бир неча баробар юқори ва сифатли ўсимлик маҳсулотлари етиштириш мумкин.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бўлган чорвачиликнинг озуқа базасини яратиш ва мустаҳкамлашда ҳам суғориладиган ерларнинг аҳамияти катта. Суғориладиган ерларда серҳосил ем-хашак экинларини етиштириш улардан барқарор ва юқори ҳосил олиш имконини беради. Жўхори ўсимлиги шундай қимматли ем-хашак экинлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жўхори юқори ҳароратга ва курғоқчиликка чидамлилиги, шўрланган ерларда ўса олиши каби хусусиятларга эга ўсимлик бўлганлиги учун уни чўл ва чала чўл минтақасининг суғориладиган, сув билан кам таъминланган майдонларида экиб ўстириш яхши натижа беради. Бу ўсимликни Ўзбекистоннинг тоғ олди минтақаси ва Қизилқум шароитида кўк масса учун етиштириш бўйича тажрибаларда юқори натижаларга эришилган [1, 2, 3]. Шунинг учун ҳам бу экинни республикаимизнинг ўзига хос тупроқ-иқлим хусусиятига эга бўлган жанубий минтақаси чўл ва чала чўл шароитида кўк масса учун ўстириш агротехикасини такомиллаштириш илмий-амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Қарши чўлининг оч тусдаги бўз тупроқли суғориладиган ерларида турли экиш меъёрларининг бу экин кўчат қалинлиги, ўсиши (бўйининг баландлиги) ва кўк масса ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди.

#### Тажрибанинг мақсади, вазифалари ва услубиёти

Тажрибанинг мақсади Қарши чўлининг оч тусли бўз тупроқли суғориладиган майдонларида жўхори ўсимлиги кўчат қалинлиги, ўсиши ва кўк массаси ҳосилдорлигига экиш меъёрларининг таъсири аниқлашдан иборат.

Куйидагиларни ўрганиш йўли билан юқоридаги мақсад амалга оширилди:

- 1) жўхори кўчат қалинлигига экиш меъёрларининг таъсирини ўрганиш;
- 2) экиш меъёрларининг жўхори ўсимликлари ўсишига таъсири аниқлаш;
- 3) экиш меъёрларининг жўхори ўсимлиги кўк массаси ҳосилдорлигига таъсири аниқлаш.

Дала тажрибаларида Б.А.Доспехов [4] томонидан тавсия этилган услублардан фойдаланилди. Тажриба учун жўхорининг таркибида синил кислотаси жуда кам бўлган, озуқа учун етиштириладиган Вахш-10 нави танлаб олинди ва куйидаги экиш меъёрлари синаб кўрилди:

I вариант – гектарига 9 кг;

IV вариант – гектарига 18 кг;

II вариант – гектарига 12 кг;

V вариант – гектарига 21 кг.

III вариант – гектарига 15 кг;

Барча вариантларда жўхори кенг қаторлаб, қатор оралиғини 60 см дан қилиб экилди. Ҳар бир вариантда қайтариқлар 3 тадан иборат бўлди. Тажриба майдончаларининг

умумий сони 15 тани ташкил этди. Ҳар бир майдонча юзаси 36 м<sup>2</sup> (2,4x15 м) бўлиб, жами 540 м<sup>2</sup> майдонда тажрибалар ўтказилди.

Турли экиш меъёрларида жўхори кўчат қалинлиги биринчи марта майсалар тўла униб чиққанидан сўнг кейингилари биринчи, иккинчи ва учинчи ўрим олдидан аниқланди. Бунинг учун вариантларнинг ҳар бир қайтариғидаги 1 метр узунликдаги қаторда кўчатлар сони аниқланди ва сўнгра бу кўрсаткич 1 гектар майдондаги жами қаторлар узунлигига кўпайтирилди.

Ўсимликлар бўйининг баландлиги эса барча вариантларнинг ҳар бир қайтариғидан 25 тадан жўхори тупи, жами ҳар бир вариантдан 75 тадан ўсимликнинг ер устки қисмини ўлчаш йўли билан аниқланди.

Кўк масса ҳосилдорлиги барча вариантлар бўйича ҳар бир қайтариқ ўртадаги икки қаторининг 6 м<sup>2</sup> майдонидаги (1,2 x 5 м) ўсимликларни рўвак чиқариш олдидан, ер юзидан 7–8 см баландликда ўриб олиниб, тарозида тортиш йўли билан аниқланди. Сўнгра олинган маълумотлардан фойдаланиб 1 гектар ердаги жўхори кўк массаси ҳисоблаб топилди. Юқоридаги тартибда аниқланган ҳар бир ўримдаги кўк масса ҳосили кўрсаткичларини кўшиб, жами ўсув давридаги жўхори кўк массаси ҳосилдорлиги ҳисоблаб чиқилди.

Тажрибаларда олинган натижалар математик статистика йўли билан қайта ишланди [5].

Тажриба қўйиш учун ажратилган ер ноябрь ойида гектарига 15 тонна ҳисобидан чириган гўнг ва гектарига 150 кг ҳисобидан аммофос солиниб, 25–27 см чуқурликда шудгор қилинди. Эрта баҳорда бегона ўтларни йўқотиш, намни кўпроқ тўплаш мақсадида боронланди. Экиш олдидан ер 10–12 см чуқурликда культивация қилинди. Шундан сўнг борона қилиниб, мола бостирилди. Экиш олдидан уруғлар кўздан кечирилиб, сараланди.

Экиш тупрок ҳарорати 15<sup>0</sup>С атрофларида бўлганда 9 апрелда ўтказилди. Уруғларнинг экиш чуқурлиги 5–6 см га тенг бўлди. Бегона ўтлар 2 марта қўлда ўток қилиб йўқотилди. Жўхори ўсимликлари қатор оралиғи ўсув даврида 4 марта юмшатилади ва 4 марта озиклантирилди. Ҳар галги озиклантиришда гектарига 50 килограмм (жами гектарига 200 килограмм) ҳисобидан аммиакли селитра солинди. Тупрокни юмшатиш биринчи озиклантириш билан бирга ўсимликлар 5–6 та барг чиқарганда, иккинчиси эса ўсимликларда рўвак ҳосил бўлишидан олдин амалга оширилди. Кейинги учинчи ва тўртинчи озиклантиришлар қатор оралиғини юмшатиш билан бирга ҳар галги ўримдан кейин ўтказилди.

Ўсув даврида ўсимликлар жами 7 марта суғорилди. Биринчи марта ўсимликларда 5–6 та барг ҳосил бўлгандан кейин, иккинчи марта эса биринчи ўримдан 12 кун олдин ўтказилди. Биринчи ўримдан кейин 2–3 кун ўтказиб учинчи марта суғорилди. Биринчи ўрим билан иккинчиси оралиғида ўсимликлар яна икки марта суғорилди. Иккинчи ўримдан кейин учинчи ўримгача яна 2 марта суғорилди. Ҳар галги суғориш гектарига 600–700 м<sup>3</sup> ҳисобидан амалга оширилди.

#### **Тажриба натижалари ва таҳлили**

Турли экиш меъёрларида жўхори ўсимлигининг кўчат қалинлигига оид маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. Ушбу маълумотлардан кўришиб турибдики, экиш меъёрлари жўхори ўсимлигининг кўчат қалинлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Гектарига 9 кг уруғ сарфлаб экилган вариантда майсалар тўла кўкариб чиққан даврдаги кўчат қалинлиги 231100 донани ташкил этди. Бу кўрсаткич биринчи ўрим олдидан 214800 (94,6 фоиз) га, иккинчи ўрим олдидан 209800 (90,8 фоиз) га, учинчи ўрим олдидан эса 205100 (88,7 фоиз) га тенг бўлди.

Экиш меъёри 12 кг/га бўлган вариантда майсалар тўла кўкариб чиққан даврда кўчат қалинлиги 311900 дона бўлса, биринчи ўрим олдидан кўчат қалинлиги 295500 (94,7 фоиз), иккинчи ўрим олдидан 282600 (90,6 фоиз), учинчи ўрим олдидан 276000 (88,5 фоиз) донани ташкил этди. Ҳар иккала вариантда ҳам ўсув даврида жўхори кўчат қалинлигининг деярли бир хил камайиб бориши кузатилди.

**Турли экиш меъёрларида жўхори кўчат қалинлиги**  
(гектарига минг дона ҳисобида)

Экиш меъёрлари, кг/га	Майсалар тўла униб чиққанда		Биринчи ўрим олдидан		Иккинчи ўрим олдидан		Учинчи ўрим олдидан	
	сони	фоиз	сони	фоиз	сони	фоиз	сони	сони
9	231,1	100	214,8	94,6	209,8	90,8	205,1	88,7
12	211,9	100	295,5	94,7	282,6	90,6	276,0	88,8
15	385,2	100	371,0	96,3	362,4	94,1	357,6	92,8
18	483,9	100	459,5	95,0	445,1	92,0	431,9	89,5
21	539,8	100	511,1	94,7	489,3	90,7	472,9	87,7

Экиш меъёри гектарига 15 килограмм бўлган учинчи вариантда дастлабки кўчат қалинлиги гектарига 385,2 минг донага тенг бўлган ҳолда, биринчи ўрим олдидан 371,0 минг дона ёки 96,3 фоиз, иккинчи ўрим олдидан 362,4 минг дона ёки 94,1 фоиз, учинчи ўрим олдидан эса 357,6 минг дона ёки 92,8 фоиз бўлди. Экиш меъёри гектарига 18 килограмми вариантда дастлабки (майсалар тўла униб чиққан даврда) кўчат қалинлиги гектарига 483,9 минг донадан иборат бўлди. Бу рақам биринчи ўрим олдидан 24,4 минг донага камайиб гектарига 459,5 минг донага тушиб қолди ёки дастлабки кўчат қалинлигининг 95 фоизига тенг бўлди. Кўчат қалинлигининг камайиб бориши кейинги даврларда ҳам кузатилди. Иккинчи ўрим олдидан бу вариантда кўчат қалинлиги гектарига 445,1 минг донани ёки 92,0 фоизни, учинчи ўрим олдидан 431,9 минг донани ёки 89,3 фоизни ташкил этди (1-жадвал).

Тажрибалардаги бешинчи вариант – экиш меъёри гектарига 21 килограмм бўлган дастлабки кўчат қалинлиги 539,5 минг дона бўлиб, кейинчалик – биринчи ўрим олдидан бу кўрсаткич 511,1 минг донага ёки дастлабки кўчат қалинлигига нисбатан 94,7 фоизга, иккинчи ўрим олдидан 489,3 минг донага ёки 90,7 фоизга, учинчи ўрим олдидан 472,9 минг донага ёки 87,7 фоизга тенг бўлди.

Турли экиш меъёрларида жўхорининг кўчат қалинлиги бўйича олинган маълумотлар таҳлили барча экиш меъёрларида кўчат қалинлигининг камайиб бориши кузатилади. Аммо унинг дастлабки кўрсаткичига нисбатан камайиб бориши даражасининг энг кичик қиймати экиш меъёри гектарига 15 килограмми вариантда бўлиши аниқланди. Бошқа экиш меъёрларида ўсув даврининг охирига келиб кўчат қалинлиги дастлабки кўрсаткичга нисбатан 87,7–88,8 фоиз бўлган ҳолда, бу экиш меъёрида ўсув даври бошидаги кўчатларнинг 92,8 фоизи сақланиб қолади.

Турли экиш меъёрларида ўстирилган жўхори ўсимликларининг ҳар галги ўрим олдидан ўсиш кўрсаткичи – бўйи баландлигини аниқлаш бўйича ўтказилган кузатиш натижалари экиш меъёрлари жўхори ўсимликлари ўсиши (бўйининг баландлиги) га сезиларли таъсир этишини кўрсатди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, барча вариантларда биринчи ўрим олдида жўхори бўйининг баландлиги кейинги ўримлар олдидагига нисбатан юқори бўлди. Экиш меъёрлари ошиб бориши билан жўхори ўсимликлари бўйи баландлигининг камайиб бориши кузатилди (2-жадвал).

Экиш меъёри гектарига 9 килограмм бўлган вариантда биринчи ўрим олдидан жўхорининг бўйи баландлиги ўртача 167,5 см га етади. Бу кўрсаткич иккинчи ўрим олдидан 4,8 см га камайиб, 162,7 см га, учинчи ўрим олдидан эса дастлабки ўлчашдагига нисбатан 15 см га камайиб, 152,5 см га тушиб қолади.

Экиш меъёри гектарига 12 килограмм бўлган иккинчи вариантда биринчи ўрим олдидан жўхорининг бўйи баландлиги 165, 3 см ни, иккинчи ўрим олдидан 163,6 см ни ва учинчи ўрим олдидан 151,0 см ни ташкил қилди.

Учинчи – экиш меъёри гектарига 15 килограммли вариантда жўхори ўсимлиги бўйининг баландлиги биринчи ўрим олдидан 165,0 см га, иккинчи ўрим олдидан 162,3 см га ва учинчи ўрим олдидан 151,1 см га тенг бўлди. Юқоридагилар шундан далолат берадик, экиш меъёрлари гектарига 9, 12, 15 килограмм бўлганда жўхори ўсимликларининг ўсишида катта фарқ кузатилмайди. Аммо экиш меъёрининг янада оширилиши билан бу фарқнинг орта бориши яққолроқ кўрина бошлайди (2-жадвал).

2-жадв.

**Турли экиш меъёрларида жўхори ўсимликларининг бўйи баландлиги**  
(см ҳисобида)

Экиш меъёрлари, га/кг	Биринчи ўрим олдидан	Иккинчи ўрим олдидан	Учинчи ўрим олдидан
9	167,5 ± 4,68	162,7 ± 3,12	152,5 ± 2,39
12	165,3 ± 2,21	163,6 ± 4,11	151,0 ± 2,78
15	165,0 ± 3,16	162,3 ± 2,61	151,1 ± 3,01
18	162,4 ± 4,01	158,3 ± 2,96	145,3 ± 3,26
21	156,8 ± 2,05	151,7 ± 1,75	140,0 ± 1,12

Экиш меъёри гектарига 18 кг бўлган IV вариантда жўхори бўйи баландлиги 162,4 см га тенг бўлади ва аввалги вариантлардаги шу кўрсаткичларга нисбатан 2,6–5,1 см га паст бўлади. Бу вариантда иккинчи ўрим олдидан жўхори бўйи баландлиги 158,3 см ни, учинчи ўрим олдидан эса 145,3 см ни ташкил этади.

Жўхори ўсимликлари бўйи баландлигининг пасайиб кетиш ҳолати экиш меъёри гектарига 21 кг бўлган V вариантда янада яққороқ намоён кўринади. Бу вариантда жўхори бўйининг баландлиги биринчи ўрим олдидан 156,8 см га, иккинчи ўрим олдидан 151,7 см га ва учинчи ўрим олдидан 140,0 см га тенг бўлади (2-жадвал).

Демак, экиш меъёрини гектарига 15 кг дан ошириб юборилиши Қарши чўлининг бўз тупроқли суғориладиган шароитида жўхори ўсимликларининг ўсишига салбий таъсир этади. Экиш меъёри кичик бўлган вариантларда ўсимликлар баланд бўйли бўлиб ривожланади. Экиш меъёри энг юқори бўлган V вариантда ўсимликларнинг ўсишдан орқада қолиши дастлабки экиш меъёрига нисбатан 10,7–12,5 см ни ташкил қилади. Буни аввало кўчат қалинлигининг ошиши билан ўсимликлар орасида озик элементлари ва намлик учун рақобатнинг кучайиб кетиши ҳамда ёруғлик режими бузилишининг ўсимликларда кечаётган физиологик, биохимик ва бошқа шу каби жараёнларга салбий таъсири билан изоҳлаш мумкин.

Қурғоқчиликка чидамли бўлган бу ўсимликнинг яна бир муҳим биологик хусусияти – қайта кўкариб чиқиши ҳисобланади. Шу муҳим биологик хусусияти туфайли ҳам бу ўсимликнинг ўсув даврида бир неча марта ўриб олиш мумкин. Асосий экин сифатида экилганда жўхорини кўк масса учун 3–4 марта ўриб олиш мумкинлигидан келиб чиқиб тажрибаларда 3 марта ўриб, унинг кўк масса ҳосилдорлиги аниқланди.

3-жадвалда турли экиш меъёрларида кўк масса учун экиб ўстирилган жўхорининг ҳосилдорлигига оид маълумотлар келтирилган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, гектарига 9 кг уруғ сарфлаб (I вариант) жўхори ўстирилган вариантда биринчи ўримда гектарига 320,9 ц, иккинчи ўримда 347,4 ц, учинчи ўримда эса 287,3 ц – жами 955,6 ц кўк масса ҳосили йиғиштириб олинди.

Экиш меъёри 12 кг/га бўлган II вариантда биринчи ўримда 339,3 ц/га кўк масса ҳосили олинди. Иккинчи ўримда бу кўрсаткич янада юқорироқ бўлди ва 369,7 ц/га ни ташкил қилди. Учунчи ўримда ҳам нисбатан юқори ҳосил йиғиб олинди. Натижада экиш меъёрининг оширилиши билан кўк масса ҳосилдорлиги ошиши кузатилди ва бу вариантда ҳар гектаридан жами бўлиб 1018,4 ц кўк масса етиштириш мумкинлиги аниқланди.

**Турли экиш меъёрларида жўхорининг кўк массаси ҳосилдорлиги**  
(га/ц ҳисобида)

Экиш меъёрлари, га/кг	Биринчи ўрим олдида	Иккинчи ўрим олдида	Учинчи ўрим олдида	Жами кўк масса ҳосилдорлиги
9	320,9	347,4	287,3	955,6
12	339,3	369,7	309,4	1018,4
15	372,9	402,6	335,4	1110,9
18	361,9	385,4	317,7	1065,0
21	336,7	364,5	305,1	1006,3

ЭФФ<sub>0,95</sub>=11,42 га/ц

P=1,59 фоиз

Экиш меъёри яна 3 кг га оширилиши (III вариант) билан жўхори кўк масса ҳосилдорлиги яна кўпайиши кузатилди. Бу экиш меъёрида (15 кг/га) биринчи ўримда 372,9 ц/га, иккинчи ўримда 402,6 ц/га ва учинчи ўримда 335,4 ц/га кўк масса ҳосили ўриб олинди ва бу вариантда жами бўлиб 1110,9 ц/га ёки биринчи вариантдагига нисбатан 115,3 ц/га, иккинчи вариантдагига нисбатан эса 92,5 ц/га кўп кўк масса ҳосили етиштирилди.

Экиш меъёри яна 3 кг га кўпайтириш (IV вариант) жўхори кўк масса ҳосили ошишига олиб келмади. Бу вариантда биринчи ўримда 361,9 ц/га, иккинчи ўримда 385,4 ц/га ва учинчи ўримда 317,7 ц/га – жами 1065,0 ц/га кўк масса ҳосили олинди ва бу кўрсаткичнинг юқори кўк масса ҳосили олинган III вариантдагига нисбатан 45,9 ц/га га камайиб кетиши кузатилди.

Тажрибаларда олинган маълумотлар таҳлили экиш меъёрининг янада оширилиши жўхори кўк массаси ҳосилдорлиги кўрсаткичига салбий таъсир этишини кўрсатди. Экиш меъёри 21 кг/га бўлган V вариантда жами бўлиб 1006,3 ц/га, энг юқори ҳосил олинган вариантдагига нисбатан 94,6 ц/га кам кўк масса ҳосили олинди. Шу ҳосилнинг 336,7 центнери биринчи, 364,5 центнери иккинчи ва 305,1 центнери учинчи ўримга тўғри келади.

Юқоридаги маълумотлар жўхорини кўк масса учун етиштиришда экиш меъёри муттасил ошириб бориш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади. Чунки экиш меъёрининг ошириб бориши билан кўчат қалинлигининг ҳам муттасил ошириб бориши кузатилади ва, ўз навбатида, жўхори ўсимликлари орасида намлик, озик элементлари ҳамда ёруғлик учун рақобатнинг ортиб кетишига олиб келади. Бу ҳолат ўсимликларнинг яхши ўсиб ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва бу, ўз навбатида, бу экиндан олинган кўк масса ҳосилини камайишига сабаб бўлади. Шу сабабли Қарши чўлининг бўз тупроқли суғориладиган ерларида жўхорини кўк масса учун 15 кг/га экиш меъёрида экиб ўстириш мақсадга мувофиқ.

### Хулоса

1. Ўзбекистон жанубининг бўз тупроқли суғориладиган ерларида ўстирилган жўхори кўчат қалинлигига экиш меъёрлари катта таъсир кўрсатади. Ўрганилган барча вариантларда ўсув даври давомида жўхорининг кўчат қалинлигининг камайиб бориши кузатилади. Лекин экиш меъёри гектарига 15 кг бўлганда жўхори ўсимликларининг яшовчанлиги энг юқори бўлади ва дастлабки кўчат қалинлигига нисбатан охириги ўрим олдида бу кўрсаткич 92,8 фоизни ташкил қилади.

2. Жўхори экиш меъёри ошириб бориши билан ўсимликларнинг бўйига ўсиши секинлашади. Кўчат қалинлиги кичик бўлган вариантларда ўсимликлар бўйи баландроқ бўлиб ривожланади ва улар орасида ўсимликлар ўсиш кўрсаткичи бўйича кескин фарқ кузатилмади. Лекин экиш меъёрининг кескин оширилиши жўхори ўсимликлари ўсишига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади ва экиш меъёри 21 га/кг бўлганда ўсимликлар бўйи баландлиги дастлабки вариантга нисбатан 10,7–12,5 см паст бўлиб ривожланади.

3. Қарши чўлининг бўз тупроқли суғориладиган ерларида жўхорини кўк масса учун 15 кг/га экиш меъёрида ўстирилганда энг юқори ҳосил олинади (1110,9 га/ц). Экиш меъёрининг бу кўрсаткичдан кам ёки кўп бўлиши кўк масса ҳосилини камайиб кетишига олиб келади. Шу сабабли Ўзбекистон жанубининг суғориладиган ерларида жўхорини кўк масса учун гектарига 15 кг дан юқори сифатли уруғ экиб ўстириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Имамов Б.Ш. Агротехнические основы интенсивного возделывания некоторых видов сорго на кормовые цели в предгорной зоне Узбекистана. Автореф. канд. дисс. – Душанбе, 1995. – 21 с.
2. Имамов Б.Ш., Макаров Н.В., Османов Р.О. Ўзбекистоннинг тоғ олди худудларида хашакбоп Вахш-10 жўхорини етиштириш ва унинг озуқа қиймати // Қоракўлчилик ва чўлда озуқа ишлаб чиқариш технологияси. – Самарқанд, 1996.
3. Маҳмудов М.М. ва бошқалар. Қизилқумнинг суғориладиган майдонларида йил давомида хашакбоп экинлар етиштириш тажрибалари // Қоракўлчилик ва чўлда озуқа ишлаб чиқариш технологияси. – Самарқанд, 1996.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Колос, 1985. – 316 с.
5. Зайцев Г.Н. Математическая статистика в экспериментальной ботанике. – М.: Наука, 1984. – 424 с.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада Ўзбекистон жанубининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида жўхорининг кўчат қалинлиги, ўсиши ва кўк масса ҳосилдорлигига экиш меъёрларининг таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. Тажриба ўтказилган шароитда жўхорини кўк масса учун гектарига 15 кг уруғ сарфлаб экиш бу экиндан юқори кўк масса ҳосили олиш имконини бериши ёритилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье приведены результаты изучения влияния норм посева на густоту стояния, рост и продуктивность зеленой кормовой массы сорго, выращенной в орошаемых светлых сероземах южного Узбекистана. Определена целесообразность выращивания сорго в этих условиях при норме высева семян 15 кг/га, что способствует получению наиболее высоких урожаев зеленой кормовой массы.

#### **SUMMARY**

The article describes the results of the study of the effect of corn on planting soil thickness, growth and sowing on the green mass yields in the southern Uzbekistan's irrigated open-beech soils. In experimental studies, 15 kg of seeds per hectare for corn blue mass have been found to allow the herb to grow blue mass.

*Наширға доц. М.Ҳакимова тавсия этган*

## **БУХОРО ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА АГРОБИОТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**Шарипов О.Б. (БухДУ)**

**Таянч сўз ва иборалар:** *тупроқларнинг морфогенетик, агрокимёвий, агрофизик, физик-кимёвий хоссалари, гиббереллин ва индолил сирка кислотаси, целлюлозани парчаловчи ферментлар, антибиотиклар.*

Ўзбекистон тупроқларни ҳозирги ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг ривожланишини назарий асосларини мавжуд экологик ва антропоген омилларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилиш, ҳар худуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб ерлардан замонавий, фундаментал, инновацион технологиялар ва услублар ёрдамида ўрганиш асосида энг янги ва мақбул ёндашишларни тавсия этиш муҳим аҳамият касб этади.

Зарафшон водийси, жумладан Бухоро вилояти худуди тупроқ қоплами ҳақидаги дастлабки маълумотларни 1912-1916 йилларда Н.А.Димо томонидан суғориш учун яроқ-

ли ер майдонлари фондига аниқлик киритиш мақсадида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларидан топиш мумкин.

1982 йилда профессор И.Н.Фелициант таҳрири остида К.Ғафуров ва С.Абдуллаевнинг “Бухоро вилоятининг суғориладиган зонаси тупроқ қоплами” мавзусидаги монографияси нашр этилган бўлиб, унинг таркибида ҳудуднинг табиий ва тупроқ типлари бўйича ҳудудлаштирилиши, шунингдек тупроқ қопламининг тавсифлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Сўнгги йилларда (2008-2016) Л.Ғафурова, О.Шарипов, Х.Ҳамидов, А.Асадов, Д.Маҳкамова ва бошқалар томонидан ҳудудда тарқалган тупроқларнинг морфогенетик, агрокимёвий, агрофизик, физик-кимёвий хоссаларини мажмуавий тавсифда ўрганиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган ([1:140, 2: 350]).

Бухоро вилояти тупроқлар унумдорлигини оширишда агробиологик усулларини қўллаш асосида тупроқ унумдорлигини ошириш, экологик соф маҳсулот олиш ва ишлаб чиқаришга тавсия этишга қаратилган. Тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишда микробиологик биопрепаратлар Бухоро вилояти тупроқ-иқлим шароитида қўлланилиши мумкинлиги, шўрланган тупроқлар шароитида янги сабзавот, дуккакли ҳамда такрорий экинлар етиштириш мумкинлиги, ушбу технологияларни қўллаш орқали буғдой ўсиши жадаллашади. Тупроқнинг гумус ҳолати, агрокимёвий хоссалари, биологик фаоллиги ва агрофизик кўрсаткичлари, тупроқ структураси ва зичлиги яхшиланиб, сув ўзлаштириш мумкин бўлган озуқа моддалар билан таъминлаш хусусияти оптималлашиши, микробиологик жараёнлар фаоллашиши, тупроқ унумдорлигининг ошиши ва натижада буғдой ҳосилдорлиги ортиши аниқланди ([3:304]).

Бухоро вилояти тупроқ-иқлими шароити учун биопрепаратларнинг қўллаш меъёрлари ва муддатлари, такрорий экинлар етиштириш янги агротехнологияларнинг энг самарадор, мақсадга мувофиқ меъёрлари берилган. Ерлардан оқилона фойдаланишда такрорий сабзавот-дуккакли экинларнинг охириги йилларда маҳаллийлаштирилган навлари – мошнинг “Дурдона”, “Зилола”, “Турон”, “Маржон”, сабзавот соянинг “Султон”, “Универсал”, жандуқнинг “Олтинсой” навлари, ширин қалампирнинг “Шодлик” нави, ширин (сабзавотбоп) маккажўхорининг “Эврика” нави, биопрепаратлар “Биоазот”, “Микрозим-1” ва “Микрозим-2” ҳамда “Универсал” органик ўғитининг, кучли шўрланган тупроқларни биомелиорациялашда Ширинмия (*Glucorrhiza glabra* L.) ва амарантнинг “Ўзбекистон”, “Лера”, “Гелиос” навларини қўллаш услублари ва меъёрлар тавсия этилган ([2: 350, 4]).

“Микроўстиргич” биоўғити гормон ва фермент синтезловчи ҳамда азотфиксатор микроорганизмлар мажмуаси асосида яратилган. Унинг таъсир этувчи моддалари қаторига гиббереллин ва индолил сирка кислотаси, целлюлозани парчаловчи ферментлар, антибиотиклар кириши ҳисобига биоўғит пахта, буғдой ва сабзавот экинларини етиштиришда ижобий самара бериб, ўсимлик ўсиши ва ривожланишига ҳосилдорликни оширишга ҳамда турли хил замбуруғли ва бактериал касалликлардан ҳимоя қилади. “Микроўстиргич” биоўғити Тошкент, Қашқадарё ва Бухоро вилояти дала синовидан ўтказилиб, самарали натижаларга эришилди.

#### **Асосий хусусиятлари:**

- тупроқни озуқа моддалари ва фойдали микрофлора билан бойитиш ҳисобига унинг унумдорлигини оширади;
- сабзавотларни илдиз моғорини қўзғатувчилардан ҳамда бошқа замбуруғли ва бактериал касалликлардан ҳимоя қилади;
- кимёвий препаратлар ва минерал ўғитларнинг сарфланиш меъёрини қисқартиради;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини 10-15 фоиз ортиради;
- уруғларнинг униб чиқиш қувватини ошириб, ҳосил етилишини 7-8 кунга тезлаштиради;



- ўсимлик иммунитетини ҳамда турли хил стресс омилларга чидамлилигини кучайтиради.

Ушбу биологик ўғит гормон ва фермент синтезловчи ҳамда азотфиксатор микроорганизмлар мажмуаси асосида яратилган. Унинг таъсир этувчи моддалари қаторига гиббереллин ва индолил сирка кислотаси, целлюлозани парчаловчи ферментлар, антибиотиклар кириши ҳисобига биоўғит ғўза, буғдой, сабзавот экинларининг ўсиши ва ривожланишини тезлаштиради, ҳосилдорликни оширади ҳамда ўсимликни турли хил замбуруғли ва бактериал касалликлардан ҳимоя қилади.

**Янги биотехнологиялар қуйидаги афзалликларга эга:**

- уруғларни дала шароитида униб чиқишини оширади;
- тупроқ микрофлорасини ва озик элементларининг балансини яхшилади;
- тупроқдаги макро-микроэлементларни ўсимликлар ўзлаштирадиган шаклга ўтказди;
- солинадиган ўғитларнинг фойдали ҳаракат миқдорини оширади;
- минерал ўғитлар миқдорини 30-50 фоизга камайтиради;
- суғориладиган сув сарфини камайтиради;
- кимёвий фунгицидларнинг ўрнини босади;
- деградацияга учраган ва шўрланган тупроқларнинг унумдорлигини қайта тиклайди ва оширади, гумус ҳосил бўлишини жадаллаштиради, тупроқ микро-биотасини соғломлаштиради;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг касалланишини пасайтиради;
- қишлоқ хўжалиги экинларини касалликларга ва об-ҳаво шароитларига чидамлилигини оширади;
- ўсимликларни қурғоқчиликка ва совуққа чидамлилигини оширади;
- ҳосилдорликни, таъм сифатини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақланувчанлигини оширади;
- ғўзанинг ҳосилдорлиги 8-10 ц/га, кузги буғдойнинг – 6-7,5 ц/га, бодрингнинг - 3-4 т/га, картошканинг - 5,2-5,9 т/га, қанд лавлагининг – 45 т/га ошади, қишлоқ хўжалиги экинларини анъанавий технологиялар билан етиштиришга нисбатан моддий ва меҳнат ресурслари кам сарф қилинади;
- қатор хўжаликларга янги турдаги, жумладан, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради. Сабзавот экинларини анъанавий технологиялар билан етиштиришга нисбатан, бир мавсум давомида бодрингларда нитратлар 10,3 фоиз камайдиган ва витамин С 2,9 фоиз ошган, картошкада нитратлар 10,6 фоиз камайдиган, витамин С 1,2 фоиз ва крахмаллиги 2 фоиз ошган;
- меваларда витаминлар ва каротин миқдорини оширади;
- ҳосилнинг пишиш муддатини 10-15 кунга тезлаштиради;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш рентабиллигини – ғўза 52 фоиз, буғдой 45 фоиз, сабзавот экинлари ўртача 44-90 фоиз оширади.

Республикада қишлоқ хўжалигига биологик принципларни олиб кириш ва экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш кейинги йилларда жадал ривожланмоқда.

**Технологиялар афзалликлари:** ресурстежамкор, тупроқларнинг гумус ҳолати, озик макро- ва микроэлементлар билан таъминланиши, дондорлиги, сув ва ҳаво хоссаларининг яхшиланиши, биологик фаоллиги ошиши, тупроқ унумдорлигининг тикланиши, олинган ҳосил юқори ва сифатли бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда яратилган ва амалиётда синовдан ўтган энергия ва ресурстежамкор биотехнологияни саноатда ишлаб чиқаришга ва қишлоқ хўжалигида кенг миқёсда жорий қилишга интилиш лозим. Тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича олинган маълумотлар фермер ва деҳқон хўжаликларига кенг фойдаланилиши зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Гафуров К., Абдуллаев С. Характеристика почвенного покрова орошаемой зоны Бу-харской области. Ташкент: Фан, 1982, с. 140.
2. Кузиев Р.К, Сектименко В.Е. Почвы Узбекистан. "EXTREMUM PRESS", Ташкент 2009. с. 350.
3. Методы почвенной микробиологии и биохимии Текст.: Учебное пособие // Под.ред. Д.Г.Звягиневцева. М.: Изд-во МГУ, 1991. с. 304.
4. Джуманиёзов Г.И. Фосформобилизирующие бактерии и биоудобрения на их основе // Дисс.на соиск. уч. степ, д.б.н. Т.2012.

### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Бухоро вилояти тупроқ-иклим шароитида агробиотехнологиялар асосида тупроқ унумдорлиги оширилишининг асосий хусусиятлари ўрганилган.

### РЕЗЮМЕ

В данной статье изучены особенности повышения плодородия почвы на основе агробиотехнологий в почвенно-климатических условиях Бухары

### SUMMARY

In the article the features of rising of fertility of the soil on the basis of agrobiotechnology in the soil-climatic conditions of Bukhara

*Нашрга доц. М.Ҳакимова тавсия этган*

## ТЕХНОГЕН БУЗИЛГАН ТУПРОҚЛАР РЕКУЛЬТИВАЦИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Жобборов Б.Т., Жаббаров З.А., Абдрахманов Т.,  
Холдоров Ш.М. (ЎзМУ)**

**Таянч сўз ва иборалар:** *тупроқ, техноген бузилиш, рекультивация, агрегатлар, ферментлар, рН муҳит, ўсимликлар, унумдорлик.*

Техноген бузилган ва ифлосланган тупроқ хоссалари ва режимларининг ўзгариши дастлаб биологик хоссаларидан кейин физик, кимёвий хоссаларининг ўзгариши, сув, ҳаво, озук режимларининг зарар кўриши натижасида унумдорликнинг пасайиши кузатилди. Натижаларга кўра тупроқнинг рН муҳити нейтралдан кучсиз кислота муҳитга ўзгарди, агрегатлар (0,25; 0,5; 1,0; 3; 5; 7; 10) микдорида йириклашиш аниқланди. Техноген бузилган типик бўз тупроқларнинг рекультивацияси бўйича назарий асослар ва амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар келтирилди.

### Кириш

Бугунги кунда дунё бўйича тупроқларга бўлаётган таъсирлар шартли равишда 2 турга ажратилади, биринчиси табиий омиллар таъсири, иккинчиси инсон (техноген) таъсири. Тупроқларнинг бузилиши дейилганда унинг кимёвий, биологик ва физикавий хоссаларининг зарар кўриши натижасида унумдорлигининг пасайиши тушунилади. Ҳозирги кунда ва келажакда ҳам тупроқ бузилишининг ортиб бориш тенденцияси давом этади, чунки инсониятнинг мунтазам равишда тупроққа турли фаолияти мобайнида таъсири давом этмокда, табиий таъсирлар ҳам йил сайин ўз хавфини ошириб бормокда.

Тоғ кон саноатининг фаолияти ва фойдали қазилмаларнинг ортиб бориши унумдор ерларнинг зарар кўришини оширади ва минерал хомашё қазилмаларнинг олинishi натижасида йирик қолдиқ уюмларини хосил қилади, бу эса халқ хўжалигида қимматбаҳо ерлардан фойдаланишга зарар етказди [1]. Кўмир ва бошқа конларнинг қазилиши натижасида атрофда тарқалган тупроқларнинг экологик, физик-кимёвий хоссалари зарар кўради [2]. Тоғ кон саноати атрофида тупроқда майда оҳақтошлар чанги кўп тўпланган ва тупроқнинг биологик хилма-хиллигига таъсир қилган, тупроқ хоссаларини яхшилаш учун биоиндикация самарасини яхшилаш йўли билан рекультивация амалга оширилган [3]. Тупроққа антропоген таъсирлар асосий ҳолатда кимёвий ифлосланишлар кўринишида уч-

райди [4]. Техноген таъсирлар натижасида бузилган ерлар рекультивациясининг регионал регламентини ишлаб чиқишда ҳудуднинг экологик ҳолатини максимал сақлаш, табиий-иқлим шароити ва технологиянинг қўллаш характерини инобатга олиш, объектив ва таъсирчан экологик экспертизасини ҳамда қонунчилик базасини шакллантириш лозим [5].

Тоғ-кон саноати атроф-муҳитга салбий таъсир қилади, бу атмосфера, сув, тупроқнинг ифлосланиши орқали амалга ошади ва аҳолининг санитар-гигиеник ҳолатининг ёмонлашувига олиб келади. Экологик ҳолати бузилган бундай ерларни яхшилаш учун комплекс рекультивация тадбирларини олиб бориш лозим [6]. Шунингдек, бундай ерларда ўсимликлардан фойдаланиш, тупроқ-экологик ҳолатини баҳолаш, хариталарини яратиш рекультивация жараёнида яхши самара беради [7]. Техноген бузилган, жумладан, иссиқлик электр станцияси фаолияти натижасида бузилган тупроқларни рекультивация қилиш учун тупроқнинг минерал-кимёвий, чиқиндиларнинг минерал таркибини аниқлаш лозим [13].

Темир рудасини қазиб натижасида тупроқлар темир бирикмалари ва бошқа айрим оғир металллар билан ифлосланади, унга тегишли рекультивация тадбирларини олиб боришда кўп йиллик ўтлар, дуккакли ва бошоқли экинлар юқори натижа беради [8-9]. Урбанизацияланиш натижасида тупроқлар кенг майдонларда зарар кўради, уларнинг биологик рекультивациясида тадбирларни кетма-кетликда, комплекс амалга ошириш лозим, жумладан, кимёвий, сув, ўсимлик, ўрмон кўринишида 13 турли тадбирларни ўзида мужассамлаштирган тасниф асосида амалга оширилган [10].

Ҳозирги вақтда антропоген ва техноген тупроқларнинг қуйидаги классификацияси мавжуд [11]:

- Кучсиз антропоген (Low anthropogenic (/ATS));
- Ўрта антропоген (Meanly anthropogenic (/ATV));
- Кучли антропоген (Strongly anthropogenic);
- Техноген тупроқ (Technosol (/TN)).

Дунё бўйича техноген бузилган ёки табиий таъсирлар натижасида зарар кўрган тупроқ қопламани рекультивация қилишнинг универсал технологияси яратилмаган ва бу амалий жиҳатдан ҳам мумкин эмас.

Рекультивациянинг умумий ёндашувлари бўйича муайян минтақа давлатлари ўзаро бир тартиб асосида иш олиб боради, жумладан, Ўзбекистон ҳам Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Грузия, Қозоғистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Украина давлатлари қатори (ГОСТ 1.2) Давлатлараро стандарт талаблари асосида ишларни олиб бормоқда. Тупроқлар рекультивацияси бўйича ҳам ГОСТ.17.5.1.01.-83, ГОСТ.17.5.1.02.-85 талаблари асосида амалга оширилмоқда. Мазкур стандартга кўра тупроқлар рекультивациясининг 2 тури: механик ва биологик рекультивация тури мавжуд. Албатта мазкур давлатлараро стандарт юқорида қайд этилган давлатлар учун шартли равишда эталон сифатида қабул қилинган. Соҳадаги олимлар ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, ифлосланиш таснифи, тупроқ типлари, регионал хусусиятларни инобатга олиб индивидуал ёндашиш лозим.

Ўзбекистонда техноген ва табиий таъсирлар натижасида бузилган, ифлосланган тупроқларнинг рекультивацияси бўйича илмий-тадқиқот ишлари ҳамда амалда рекультивация ишларининг бажарилиши етарли даражада эмас. Бу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишлари 2005 йилдан муаллифлар томонидан бошланди, тадқиқотларда фақатгина нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқлар рекультивациясига доир технологияни кўриш мумкин. Бошқа таъсирлар натижаси зарар кўрган тупроқларнинг рекультивацияси бўйича илмий-тадқиқот ишлари энди бошланган. Айниқса, иссиқлик электр станцияси, тоғ-кон саноати, оғир ва енгил саноат, цемент, ўғит заводлари, кўмир ва бошқа табиий хомашё конлари, йўл қурилиши тизими, қурғоқчилик, ботқоқланиш, чиқиндилар таъсири ва бошқа таъсирлар натижасида бузилган тупроқлар бўйича муаммолар ўзининг ечимини кутмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Миллий университети Тупроқшунослик кафедраси ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг «Ўздаверло-йиҳа» илмий-тадқиқот институти ва шу институт тасарруфидаги “Тупроқ бонитровкаси” шўъба корхонаси билан ҳамкорликда “Ангрен” ИЭС ва “Оҳангарон цемент” заводлари атрофида тарқалган, техноген бузилган тупроқларнинг ўрганиш илмий-тадқиқот ишлари бошланди.

#### Тадқиқот усуллари

Лаборатория тадқиқотлари учун тупроқ намуналари ГОСТ.17.4.4.02–84 талаби бўйича Джувеликян Х.А. ва бошқалар тавсия этган [12] қуйидаги масофалар бўйича олинди (1-жадвал).

1-жадв.

#### Ифлосланиш манбалари бўйича тупроқларнинг ҳудудий ифлосланиш чегаралари

Минтақалар	Ифлосланиш манбасидан узоқлик масофаси (км)
Саноат корхона муҳофаза минтақаси	0,5-0,75
I минтақа	0,75-1,5
II минтақа	2-8
III минтақа	4-15
IV минтақа	8-20
Фон	20-50

Тадқиқот ҳудудидан яъни “Оҳангарон цемент” заводи ва Ангрен ИЭС атрофидан 1, 3, 5, 8, 12, 16, 20, 22 км узоқликда, шамол йўналиши бўйича микробиологик ва биологик фаоллик хоссаларининг аниқлаш тажрибалари учун давлатлараро стандартга (ГОСТ.17.4.4.02–84) мувофиқ 0-5 см, 5-20 см қатламлардан, кимёвий, физикавий-механик тажрибалар учун 0-30 см, 30-60 см, 60-90 см, 90-120 см, 120-150 см, 150-180 см, 180-210 см, 210-240 см қатламлардан тупроқ намуналар олинди. Улар шартли тарзда мос равишда К1, К3, К5, К8, К12, К16, К20 кўринишида рақамланди ва фон учун 22 км узоқликдан олинди. Тупроқ унумдорлигида аҳамиятли бўлган агрегатлар (0,25; 0,5; 1,0; 3; 5; 7; 10) миқдорини аниқлаш Н.А.Саввинов усули [15] асосида бажарилди. Шунингдек, бошқа тадқиқотлар ГОСТ. 17.4.2.02–83 давлатлараро стандарт асосида олиб борилди. Тупроқ рН муҳити халқаро стандарт (International standard, ISO 10390) усули асосида аниқланди [14].

#### Тадқиқот натижалари

Ангрен ИЭС фаолияти давомида атрофдаги аҳоли яшаш жойлари, томорқа ва унда ўсувчи дарахтлар, ўсимликлар ва тупроқ қопламига сезиларли салбий таъсири кўзга кўринарли даражада намоён бўлган. Манбадан 3 км атрофдаги тупроқ ҳолати жуда кучли даражада зарар кўрган. Тупроқнинг 120 см қатламгача бўлган генетик қатлами бузилган, ўсимлик дунёси деярли нобуд бўлган. Тупроқ қоплами кимёвий ифлосланганидан сўнг дастлаб унинг микробиологик дунёси миқдор ва физиологик гуруҳ жиҳатдан зарар кўрган, яъни одатда кескин камайган, айрим турлари буткул нобуд бўлган, сўнгра микроорганизмлар билан боғлиқ бўлган ферментатив фаоллик зарар кўрган. Одатда бундай тупроқларда учровчи 40 дан ортик ферментлар фаоллиги зарар кўради ва ушбу ферментлар бажарадиган функциялар бажарилмай қолади, айниқса ўсимликлар озикланиши ҳамда органик моддаларнинг парчаланиши, гумификация жараёни билан боғлиқ жараёнлар издан чиқади, бу эса тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келади. Ифлосланишдан сўнг вақт ўтиши билан тупроқнинг физик ва кимёвий хоссалари ўзгариши рўй беради.

Техноген бузилган тупроқ хоссаларининг ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки, тупроқлар таркибининг бузилиши ва кимёвий ифлосланиши натижасида тупроқ хоссалари қуйидаги кетма-кетликда зарар кўради (2-жадвал).

**Техноген бузилган тупроқ хоссалари ва режимларининг ўзгариш кетма-кетлиги**

Микробиологик дунёсининг зарар кўриши	Тупроқ ферментлари фаоллигининг зарар кўриши	Физик хоссаларининг ёмонлашиши	Кимёвий хоссаларининг ўзгариши	Ҳаво, сув ва ҳаво режимларининг бузилиши	Тупроқ унумдорлигининг пасайиши
---------------------------------------	--	--------------------------------	--------------------------------	--	---------------------------------

Олинган тупроқларнинг кимёвий хоссаларидан рН-муҳити ўрганилди, натижага кўра тупроқ муҳити нейтрал ҳолатдан кучсиз кислотали муҳитгача ўзгарган (3-жадвал).


**Техноген бузилган типик бўз тупроқларнинг рН-муҳитининг ўзгариши**

Тупроқ намуналари	Фон	рН-Н <sub>2</sub> О	рН-КСl
К-1	7,1	6,9	7,09
К-2		6,8	7,12
К-3		6,9	7,18
К-4		6,9	7,13
К-5		6,9	7,17
К-6		7,1	7,31

Тупроқ рН муҳитининг ўзгариши кимёвий жараён бўлиб, тупроқда кислотали муҳитга эга кимёвий моддаларнинг таъсири натижасидир. Шунинг ўзида микробиологик олам ўзгаради ва уреаза, полифенолоксидаза, дегидрогеназа ферментларининг фаоллиги пасаяди. Бу эса тупроқда кечадиган биокимёвий жараёнларга салбий таъсир қилади.

Тупроқнинг физик хоссаларининг ўзгариши ҳам тупроқ унумдорлигига сезиларли таъсир қилган, жумладан, тупроқдаги агрегатлар (0,25; 0,5; 1,0; 3; 5; 7; 10) миқдори ифлосланиш натижасида ўзгаришга учраган. Натижаларга кўра тупроқдаги 0,25; 0,5; 1 ва 2 мм агрегатлар миқдори фонга нисбатан ортган (1-расм.)

**Техноген бузилган тупроқларда агрегатларнинг ўзгариши**



Хусусан 0,25 мм агрегатлар 1,36 марта, 1 мм агрегатлар 1,67 марта, 2 мм агрегатлар 1,88 марта камайган, шунга мутаносиб ҳолда 3 мм агрегатлар деярли ўзгармаган, 5 мм агрегатлар 1,62 марта, 7 мм агрегатлар 1,47 марта, 10 мм ва ундан катта агрегатлар 2 мар-

та ортган. Агрегатларнинг ўзгаришидаги тенденция кичик агрегатлар – 0,25-2 мм агрегатлар миқдори камайган, яъни йириклашиш жараёни кетган. Бу цемент чангларидаги тупроққа бўлган таъсири ҳисобланади, қолган 3-10 мм агрегатлар миқдори ортган, албатта бу тупроқнинг сув-физик хоссаларига, озуқа режимига салбий таъсир қилади.

Икки ифлосланиш манбаси атрофида ҳам нафақат тупроқ қоплами умумий экологик ҳолат техноген таъсир остида қолган, демак тадқиқотларни фақат тупроқшунослик нуқтаи назардан эмас, балки экологик хавфсизлик нуқтаи назардан ҳам олиб бориш керак. Шунингдек, тадқиқотларда математик моделлаштириш ва экологик-иқтисодий башорат қилиш керак, яъни истикболдаги 10 ёки 30 йилдан кейинги ҳолатини башорат қилиш ва шу асосда атроф-муҳит муҳофафазаси ҳамда тупроқлардан самарали фойдаланиш бўйича тадбирларни белгилаш лозим.

Айнан Ангрен ИЭЦ ва Оҳангарон цемент заводи фаолияти мобайнида унга яқин бўлган аҳоли яшаш жойлари, дехқончилик ва боғдорчилик йўлга қўйилган ҳудуд тупроқларининг зарар кўриши, у ерда етиштиралаётган экинлар, боқилаётган уй хайвонлари масаласида экологик, санитар-гигиеник жиҳатдан тадқиқотларни олиб бориш муҳим. Мазкур ҳудудларда техник экинларни экиш мақсадга мувофиқ.

#### ХУЛОСА

Ўрганилаётган тадқиқот ҳудуди техноген бузилган ва кимёвий ифлосланган тупроқларининг унумдорлигини тиклашда механик ва биологик рекультивация тадбирларидан фойдаланиш лозим. Хусусан, ерларни текислаш, тоза тупроқ ётқизиш, фиторемедиатив ўсимликларни экиш, микроорганизмлар штаммларидан фойдаланиш ва бошқа агротехник тадбирларни илмий таҳлиллардан сўнг, рекультивация алгоритми ишлаб чиқилиши ва олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Петин А.Н., Толстопятова О.С., Петина М.А. Проблемы рекультивации земель, нарушенных горнодобывающим комплексом: Российский и зарубежный опыт. *Sciences of Europe*. - №13 (13), 2017. *Earth Sciences* p.28-31.
2. Двуреченский В. Г., Андроханов В. А., Почвенно-экологическое состояние техногенных ландшафтов Новокузнецкого промышленного комплекса // «Живые и биокосные системы». – 2017. – № 20; URL: <http://www.jbks.ru/archive/issue-20/article-3>.
3. Антоненко Н.А., Дергунов Д.В. Использование методов биоиндикации в повышении эффективности рекультивации земель, нарушенных горными работами. - *Известия ТулГУ. Науки о Земле*. 2017. Вып. 3. – С.3-16.
4. Пархоменко А.Н., Стогниева А.А. Использование микробиологических показателей для оценки состояния почв в условиях антропогенного воздействия. - *Вестник Оренбургского государственного университета* 2017 № 12 (212). – С. 90-93.
5. Околелова А.А., Желтобрюхов В.Ф., Егорова Г.С., Заикина В.Н., Тарасов А.П., Бакунов Д.Ю., Пасикова А.В. Обоснование регионального регламента по рекультивации земель, нарушенных добычей нефти. - *Научные ведомости/ Серия Естественные науки*. 2017. № 11 (260). Выпуск 39. С.141-154.
6. Кожевников Н.В., Заушинцева А.В. Отечественный и зарубежный опыт биологической рекультивации нарушенных земель.- *Вестник КемГУ. Серия: Биологические, технические науки и науки о Земле*. 2017. - № 1. – С. 43-47.
7. Шишилова А. М., Семина И. С. Оценка почвенно-экологического состояния техногенных ландшафтов Кузбасса в зависимости от технологии рекультивации нарушенных земель // *Известия УГГУ*. 2017. Вып. 3(47). С. 53-56. DOI 21440/2307-2091-2017-3-53-56.
8. Стифеев А.И., Никитина О.В., Бессонова Е.А., Кемов К.Н. Рекультивация нарушенных земель и технологии их реабилитации на территории Центрального Черноземья. - *International agricultural journal* № 6 / 2017. С.34-38.
9. Самаров В.М. Роль сельскохозяйственной рекультивации в оптимизации окружающей среды кузбасса. - *Вестник Алтайского государственного аграрного университета* № 5 (151), 2017. С.67-71.

10. Гурина И.В., Щиренко А.И., Рогозина Ю.С. Теоретическое обоснование технологии биологической рекультивации нарушенных земель урбанизированных территорий или - Научный журнал Российского НИИ проблем мелиорации, № 4(28), 2017. – С.79–93.

11. Volungevičius J., Skorupskas R. Classification of anthropogenic soil transformation. *Geologija*. Vilnius. 2011. Vol. 53. No. 4(76). P. 165–177.

12. Джувеликян Х.А., Щеглов Д.И., Горбунова Н.С. Загрязнение почв тяжелыми металлами способы контроля и нормирования загрязненных почв. - Воронеж: Воронежского государственного университета, 2009. - 22 с.

13. Uzarowicz L., Zagórski Z. Mineralogy and chemical composition of technogenic soils (Technosols) developed from fly ash and bottom ash from selected thermal power stations in Poland. - *Soil science annual*. - Vol. 66 No. 2/2015. - p.82–91.

14. International standard/ International Organization of Standardization // Standard of Soil quality. - 2005. - ISO 10390:2005 (E).

15. Турсунов Л. Тупроқ физикаси. - Тошкент: Мехнат, 1988. - 220 б.

#### РЕЗЮМЕ

Техноген бузилган ва ифлосланган тупроқ хоссалари ва режимларининг ўзгариши дастлаб биологик хоссаларидан кейин физик, кимёвий хоссаларининг ўзгариши, сув, ҳаво, озуқа режимларининг зарар кўриши натижасида унумдорликнинг пасайиши кузатилади. Натижаларга кўра тупроқнинг рН муҳити нейтралдан кучсиз кислота муҳитга ўзгарди, агрегатлар (0,25; 0,5; 1,0; 3; 5; 7; 10) микдорида йириклашиш аниқланди. Техноген бузилган типик бўз тупроқларнинг рекультивацияси бўйича назарий асослар ва амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар келтирилди.

#### РЕЗЮМЕ

Изменение режимов и свойств техногенно-нарушенных и загрязненных почв начинается с биологических свойств, а затем наблюдается понижение плодородности в результате нанесения ущерба режимам питания, воздуха и воды, а также изменений физико-химических свойств.

В результате было выяснено, что рН-среда почвы изменилась из нейтральной на слабую кислотную среду, определено укрупнение агрегатов в количестве (0,25; 0,5; 1,0; 3; 5; 7; 10). Приведены теоретическое обоснование и необходимые способы осуществления рекультивации техногенно-нарушенных типичных целинных почв.

#### SUMMARY

The change in the regimes and properties of technogenically-disturbed and contaminated soils first of all begins from biological properties, and then a decrease in fruitfulness as a result of damage to the modes of nutrition, air and water, as well as changes in physico-chemical properties, is observed.

According to the results of рН, the soil environment changed from neutral to a weak acid medium, aggregation in quantities of (0.25, 0.5, 1.0, 3, 5, 7, 10) was determined. The necessary methods for implementing and advancing the theoretical foundations for reclamation of technogenically disturbed typical virgin soils are presented.

*Наишга доц. М.Ҳакимова тавсия этган*

## ЗАКОНОМЕРНОСТИ ГЕОГРАФИЧЕСКОГО РАСПРОСТРАНЕНИЯ ОСНОВНЫХ ТИПОВ И ПОДТИПОВ ПОЧВ СУРХАН-ШЕРАБАДСКОЙ ДОЛИНЫ

Кадирова Д.А. (НУ РУз)

**Ключевые слова:** вертикальная и горизонтальная зональность, типы и подтипы почв, генезис, состав и свойства почвы.

**Введение.** Все многообразие почв в природе возникло в результате различий в географическом положении и природных условиях. Изучение закономерностей распространения почв входит в задачу важнейшего раздела почвоведения - географии почв, в котором четко определились следующие ведущие направления: учение о горизонтальной зональности почвенного покрова; о вертикальной поясности; о почвенно-биоклиматических фациях и провинциях; учение о структуре почвенного покрова [6].

Общие закономерности географического распространения почв были установлены в конце XIX века В.В.Докучаевым и Н.М.Сибирцевым. Сущность явления зональности почвенного покрова земного шара заключается в том, что главные типы почв распространены по земной поверхности в виде полос, опоясывающих отдельные массивы суши или их значительные части. При этом горизонтальная зональность распространения почв проявляется на обширных горизонтальных поверхностях, т. е. в условиях равнинного общего рельефа, а вертикальная - на горных склонах в условиях горного рельефа.

Следует отметить, что рассматриваемая территория включает все основные типы ландшафтов, свойственные Узбекистану – от пустынных равнин до высокогорий, что, помимо неопределимых перспектив комплексного развития хозяйства в ней, делает ее весьма интересным объектом для научного исследования.

Данные о генезисе, составе и свойствах почв исследуемой территории приведены в работах С.Азимбаева [2,3], Л.А.Гафуровой [7], Авлиякулова [1], Р.Кузиева и др. [8], Ч.Р.Бегимкулова [5] и др.

**Объект и методы исследований.** Объектом исследования являлись почвы, распространённые в условиях вертикальной и горизонтальной зональности Сурхандарьинского вилоята. Анализы почв выполнены по общепринятым методикам, согласно «Руководству по химическому анализу почв» Аринушкиной [4].

**Результаты исследований.** Исходя из особенностей природной обстановки (сложного геоморфологического строения, разнообразного климата, рельефа и литологии) и хозяйственной деятельности человека, в пределах исследуемой территории согласно классификации выделяются следующие типы и подтипы почв, которые распространены по горизонтальной и вертикальной зональности.

Результаты исследования показали, что в равнинных зонах исследуемой территории распространены староорошаемые луговые, староорошаемые болотно-луговые, орошаемые луговые, новоосвоенные болотно-луговые и орошаемые типичные сероземы, староорошаемые светлые сероземы, орошаемые лугово-сероземные и новоорошаемые типичные почвы сероземного пояса, а также засоленные орошаемые такырно-луговые, орошаемые луговые пустынно-песчаные, староорошаемые луговые, староорошаемые такыровидно-луговые, новоорошаемые луговые, староорошаемые лугово-такырные, новоосвоенные пустынно-луговые почвы.

К распространенным почвам в горной зоне можем отнести эродированные богарные темные сероземы, сформированные в лессах и третичных красноцветных отложениях, горно-коричневые карбонатные и горно-коричневые типичные почвы.

Для установления особенностей генезиса почв, изучения состава и свойств основных типов и подтипов почв в исследуемой территории было заложено несколько опорных почвенных разрезов с учетом рельефа местности, элементов и экспозиции склона, также были изучены строение почвенного профиля, агрохимические, химические и агрофизические свойства почв.

Далее приводим краткое описание некоторых типов и подтипов почв исследуемой территории.

**Орошаемые светлые сероземы** формировались в нижней части грядово-увалистых предгорий и подгорных пологих равнин, сложенных преимущественно лессовидными суглинками, лессами и местами скелетно-мелкоземистым пролювием. Орошаемые светлые сероземы Сурхандарьинской долины относятся к староорошаемым с мощным агроирригационным горизонтом. По механическому составу они обычно легко-, средне- и тяжелосуглинистые. Содержание гумуса в пахотном слое колеблется от 0,98-1,08%. Азота в почвах 0,03-0,07%

**Орошаемые типичные сероземы** развиваются в условиях пустынно-степного (аридного) климата и распространены по предгорьям Гиссарского хребта и Бабатага, а



также в верховьях долины р. Сурхана. Эти два различных геоморфологических района – предгорья и долины, отличаются по составу и строению почвообразующих пород.

Первые сложены третичными преимущественно соленосными песчаниками и глинами, прикрытыми небольшой мощностью лессовидных суглинков или мелкоземисто-щебенчатыми отложениями, вторые (долина) – пролювиально-аллювиальными отложениями, достигающими большой мощности. Предгорья имеют сильно пересеченный рельеф, долина представляет собой полого-покатую равнину. Орошаемые типичные сероземы незасоленные, но в слабой степени подвержены ирригационной эрозии. Содержание гумуса в их пахотном горизонте в зависимости почв от степени эродированности колеблется в пределах 0,92-1,12% с постепенным уменьшением вниз по профилю.

**Серо-бурые почвы.** Характерным в строении профиля серо-бурых почв является наличие серого с непрочной тонкой коркой чешуйчато-комковатого горизонта мощностью 3-4 см. Ниже он переходит в серо-бурый плотный горизонт, а с 40-60 см залегает гипсовый горизонт. Серо-бурые почвы содержат незначительное количество гумуса - от 0,45-0,66 % в верхних горизонтах до 0,24-0,26 % в горизонтах 15-30 см. Содержание  $\text{CO}_2$  карбонатов в этих почвах колеблется около 6 %. По содержанию солей и залеганию солевого максимума серо-бурые почвы относятся к слабо – и средnezасоленным. В верхнем горизонте их (до 30 см) плотный остаток не составляет 0,4 %, а в горизонте 134-150 см достигает 0,530 %.

**Орошаемые такырно-луговые почвы** встречаются в подгорных равнин, на конусах выноса р. Шерабад и III – террасе Сырдарьи, сложенных пролювиальными и аллювиально-пролювиальными отложениями, иногда облессованными [8]. По механическому составу почвы подгорных равнин глинистые и тяжелосуглинистые, конусов выноса и речных террас тяжело-, средне- и легкосуглинистые.

Образуются они в результате подъема грунтовых вод при длительном орошении такырных почв. Исследуемые почвы подвержены засолению в разной степени, что обусловлено соленосностью почвообразующих пород. Данные почвы бедны гумусом и питательными элементами. Содержание гумуса в верхнем слое варьирует в пределах 0,79-1,09 %, азот 0,084-0,112 %.

**Богарные темные сероземы** занимают верхнюю часть сероземного пояса и приурочены, в основном к предгорьям, склонам низкогорий и подгорным пролювиальным равнинам. Почвообразующие породы служат щебенчато-суглинистые отложения – продукты выветривания третичных известняков, глин и песчаников и лессовидные суглинки. По механическому составу темные сероземы относятся к средним и тяжелым суглинкам. Содержание карбонатов по профилю колеблется в широких пределах 3,52 -8,12 %. Содержание гумуса в верхнем слое колеблется в пределах 0,56-1,41 % в зависимости от степени эродированности и почвообразующих пород.

**Горно-коричневые почвы.** В регионах исследования выделены следующие подтипы горных коричневых почв: горные коричневые карбонатные и горные коричневые типичные.

У коричневых типичных почв более мощный, чем у коричневых карбонатных гумусовый горизонт, ярко выраженный иллювиальный и более глубоко залегающий карбонатный слой или По механическому составу коричневые почвы обычно средне - и тяжелосуглинистые. Они характеризуются высоким содержанием крупно пылевой фракции, незначительным количеством содержания ила по всему почвенному профилю с накоплением в средней части профиля, карбонатный горизонт залегает близко к поверхности или начинается с поверхности почвы. Процессы оглинения в горно-коричневых типичных почвах развиты сильнее, чем у горно-коричневых карбонатных.

И так, в связи с процессами деградации в морфологических признаках в горных почвах по всему морфологическому строению наблюдалось - увеличение мощности гумусово-

го горизонта, меньшей мощностью переходного горизонта, наличием более темных тонов, преобладанием водопрочной и ореховатой структуры, более ярким выражением оглиненного горизонта, более глубоким залеганием карбонатного горизонта. Орошаемые почвы отличается наличием агроирригационного горизонта от целинных и богарных почв. В пустынных почвах в связи с чрезвычайной динамичностью режима увлажнения и засоления почв накладывается определенный отпечаток в строении почвенного профиля, обуславливающие их неоднородность, которое наблюдается по всему литологическому строению.

**Вывод.** Из краткого описания состава и свойств некоторых типов почв можно отметить, что Сурхан-Шерабадская долина представляет собой территорию, занимающую крайнее южное положение в Узбекистане, включает все основные типы ландшафтов, свойственные Узбекистану – от пустынных равнин до зоны гор. Территория исследования характеризуется с одной стороны сложностью геологического строения, формированием рельефа, с другой - разнообразиями почв, особенностью почвообразующих пород, разнообразием гидротермических, особенно засушливостью климатических условий, способствующие разреженной растительностью и низкими биогенностью почв, которые приводит к возникновению деградационных (эрозия, засоления и т.д.) процессов.

#### Список литературы

1. Авлиякулов А.Э. Гидро модульное районирование и режим орошения культур хлопкового севооборотов в Сурхон-Шерабадской долине. Автореф. дисс. ... докт. с/х. наук, Ташкент, 1993. – 45 с.
2. Азимбоев С.А. Изучение запасов солей в мощных почвенно-грунтовых толщах Шерабадской равнины для мелиоративного строительства. Автореф. дисс. ... канд. с/х. наук. - Ташкент, 1975 – 28 с.
3. Азимбоев С.А. Почвенный покров южной части Узбекистана и его мелиоративное состояние. Автореф. дисс. ... докт. с/х. наук. Новосибирск, 1989 – 48 с.
4. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почв. М.: МГУ, 1970. - 487 с.
5. Бегимкулов Ч.Р. Шеробод чўли тупрокларига узок муддатли суғориш жараёнларининг таъсири ва уларнинг унумдорлигини ошириш йўллари. автореф. дисс. ... канд. биол. наук. Ташкент, 2010 – 25с
6. Ганжара Н.Ф. Почвоведение. М.: Агроконсалт, 2001. – 392 с.
7. Гафурова Л.А. Почвы Шерабадской равнины как объект освоения и орошения. Дисс. ... канд. биол. наук. Ташкент, 1982. С. 19-29.
8. Кузиев Р.К., Сектименко В.Е. Почвы Узбекистана. Т.: “EXTREMUM PRESS”, 2009 – 351 с.

#### РЕЗЮМЕ

В статье представлены результаты исследований по изучению генезиса, состава, свойств и закономерностей географического распространения основных типов и подтипов почв Сурхан-Шерабадской долины.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада Сурхон-Шеробод водийси асосий тупроқ типи ва типчаларининг географик тарқалиш қонуниятлари, шаклланиши, таркиби ва хоссаларини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

#### SUMMARY

In this article presents the results of research on the study of the genesis, composition, properties and patterns of geographical distribution of the main types and subtypes of soils in Surkhan-Sherabad valley.

*Рекомендовано к печати доц. М.Хакимовой*

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ВА ҲИСОБОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Мўминов Ш.Р.** (ЎзР Банк-молия академияси)

**Таянч сўз ва иборалар:** бухгалтерия ҳисоби; бюджет ҳисоби стандарти; давлат сектори; молиявий ҳисобот; ривожлантириш жамғармаси; ҳисоб сиёсати.

Давлат молиясини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини ислоҳ қилиш жараёнида қабул қилинган қонуний ҳужжатлар асосида бюджет ташкилотлари бухгалтерия объектлари ҳисобининг услубиёти такомиллаштирилмоқда. Хусусан, бюджет ташкилотларида сметалар ижросига оид бухгалтерия ахборотларини шакллантиришда ягона ёндашув ва ахборотларнинг ишончлилигини мустақамлашга оид қатор масалалар ўз ечимини топмоқда.

Ҳозирги кунда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини қонунчилик ҳужжатлари талабларига мос ҳолда шакллантириш юзасидан илмий ечимни топиш зарур бўлган бир қатор масалалар мавжуд.

Маълумки, мамлакатимизда 2014 йил 1 январдан амалга киритилган “Бюджет кодекси”нинг 11-боби 61-моддасида “Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси” даромадларини шакллантиришга “белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар” банди киритилган. Бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағларга асосий воситалар ёки материал қийматликларни сотишдан тушган тушумнинг қонунчиликка мувофиқ бюджет ташкилоти тасарруфида қолдириладиган миқдори, транспорт воситаларини тугатиш муносабати билан ҳисобдан чиқарилиши натижасида металлומни топшириш ҳисобига тушум, мулкый қийматликларни инвентарлаш натижасида ортиқча қисми ва шу каби бошқа маблағларни киритиш мумкин.

<b>Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси тўғрисида низом</b>	<b>Бюджет кодекси</b>
<p>а) тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисми;</p> <p>б) ҳомийлик ва донорлик ташкилотларидан ҳамда пули даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;</p> <p>в) тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда тежалган бюджет маблағлари</p>	<p>а) тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар;</p> <p>б) фаолияти ҳтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;</p> <p>в) ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно;</p> <p>г) тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;</p> <p>д) белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар ҳисобидан;</p> <p>е) ҳомийликдан олинган маблағлар</p>

Маълумки, мамлакатимизда 2014 йил 1 январдан амалга киритилган “Бюджет кодекси”нинг 11-боб 61-моддасида “Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва

ривожлантириш жамғармаси даромадларини шакллантириш манбалари” ҳамда амалдаги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги 06-3/436, 5083, 107-сонли қарори билан тасдиқланган “Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси тўғрисида низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 январда 1537-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)нинг учинчи бандига “жамғарманинг манбалари” таркибига ўзaro тафовут мавжуд:

Ҳозирги кунда амалда бўлган Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сон Қарорининг 5-бандида бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасини қайси манбалардан шакллантириш белгиланган. Булар:

- ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);
- фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;
- бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;
- белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар;
- ҳомийликдан олинган маблағлар ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси даромадлар манбаини кўпайтириш мақсадида “кўшимча хўжалик фаолиятдан тушган даромадлари” бандини киритиш ҳамда пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот шакли таркибига қуйидагича ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

<b>Амалда</b>	<b>Тавсия этилади</b>
<p><b>Ҳисобот даврида тушган даромадлар – жами:</b> шу жумладан:</p> <p>а) ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар;</p> <p>б) фаолияти ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан;</p> <p>в) бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан;</p> <p>г) белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар;</p> <p>д) ҳомийликдан олинган маблағлар.</p>	<p><b>Ҳисобот даврида тушган даромадлар – жами:</b> шу жумладан:</p> <p>а) ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар;</p> <p>б) фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан;</p> <p>в) бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан;</p> <p>г) белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар;</p> <p>д) ҳомийликдан олинган маблағлар;</p> <p>е) кўшимча хўжалик фаолиятдан тушган даромадлари.</p>

Хулоса қилганда бюджет тизимида амалга оширилаётган ислохотларга мос ҳолда бюджет ташкилотлари бухгалтерия объектлари ҳисобини такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида “Бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари: ҳисоб сиёсати, ички ҳисоб ва ҳисобот тизimini ишлаб чиқилишини таъминлаши шарт” деб эътироф этилган бўлса, ушбу Қонуннинг 21-моддасида “Ички назорат бухгалтерия ҳисобини юритишда, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишда хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини,

иктисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, активларнинг бут сақланишини таъминлаш, талон-торож қилиш ҳоллари ва хатоликларнинг олдини олиш ҳамда аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати асосида ташкил этилган чора-тадбирлар тизими эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби субъекти ички назоратни ташкил этади ва амалга оширади” деб кўрсатилган.

Бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ушбу қонунда ҳам алоҳида кўрсатилган, чунки ҳисоб сиёсати шакллантирилган бюджет ташкилотларида аввало барча ҳисоб-китоб ишлари аниқ, тизимли ҳамда тўғри олиб борилишига эришилади. Иккинчидан, муассаса балансида турган молиявий ва номолиявий активларнинг бут сақланиши, ўз вақтида йўл қўйилган камчиликларнинг бартараф этилиши ҳамда масъул ходимлар томонидан уларнинг талон-торож қилинишини олди олинади. Чунки ҳар бир моддий жавобгар шахс билан “моддий жавобгарлик шартномаси” икки нусхада тузилиб, унинг бир нусхаси бухгалтерияда сақланади. Бу ўз навбатида муассасада ишлаётган ҳар бир моддий жавобгар шахсга масъулият юклайди. Учинчидан, бухгалтерия субъекти раҳбаридан муассасанинг иқтисодий – молиявий ҳолати бўйича аниқ маълумот бўлади ва уни назорат қилишда ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Мамлакатимизда Бюджет ҳисобининг стандарти – 1-сонли БҲС “Ҳисоб сиёсати” 2016 йил 12 декабрда тасдиқланиб, 2016 йил 27 декабрда кучга кирган. Ушбу стандартда ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган: “ҳисоб сиёсати – ҳисоб сиёсатининг принципларига мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган аниқ услублар, асослар, йўл қўйишлар, қоидалар ҳамда усуллар мажмуи”.

Ушбу стандартда ҳисоб сиёсатининг принциплари сифатида: иккиёклама ёзув усулида ҳисоб юритиш; узлуксизлик; ҳўжалик операциялари, ҳолатлар, активлар ва пассивларга пул билан баҳо бериш; ишончилилик; ҳисоблаш; олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик); мазмуннинг шаклдан устунлиги; кўрсаткичларнинг қиёсийлиги; молиявий ҳисоботдаги бетарафлик; ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги ҳамда активлар ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш кўрсатилган.

Ҳозирги кунда бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш долзарб масала ҳисобланади. Бунга ҳисоб юритиш амалиётида мавжуд муаммолар, аниқланаётган камчиликлар, йўл қўйилаётган хатоликлардан ҳам кўриш мумкин.

Амалий жиҳатдан олганда бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш, бу ўша муассасада бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ташкилий, техник ва услубий жиҳатларини ягона тартибга келтириш ҳамда даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси бўйича тезкор ишончли бухгалтерия аҳборотларини шакллантириш ва олиш имконини беради.

Ҳисоб сиёсатида яна бухгалтерия хизмати бўлимининг ташкилий структурасида кўрсатилган ҳар бир лавозим (бош бухгалтер, иш ҳақи бўйича бухгалтер, моддий бойликлар бўйича бухгалтер ва ҳ.к) бўйича лавозим йўриқномаларининг тасдиқланиши лозим, чунки ҳар бир ходим бажарадиган вазифаларининг чегараларини аниқ билади. Бунда бухгалтерия ходимларини бош бухгалтер томонидан бажарадиган ишларини назорат қилиш ҳам осонлашади.

Бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришда алоҳида эътибор билан қараладиган омил бу ишчи счётлар режасини тузиш ҳисобланади. Чунки ҳозирда барча бюджетдан маблағ билан таъминланаётган бюджет ташкилотлари ўзининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ишларини тўлиқ электрон шаклда, яъни “УзАСБО” дастурий мажмуасида юритмоқда.

Шуни инобатга олган ҳолда ишчи счётлар режасини тузишда бюджет ташкилотлари бош ҳисобчилари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича синтетик ва ана-

литик счётларни алоҳида ҳисобот маълумотлари ва “УзАСБО” дастурий мажмуаси талаб-ларига мос ҳолда белгилаб олиши керак.

Бунда қуйидаги счётлар бўйича ишчи счётлар режаси киритилиши талаб этилади:

01 – Асосий воситалар;

02 – Асосий воситаларнинг эскириши;

06 – Бошқа товар – моддий захиралар;

07 – Асосий воситаларга қўйилмалар;

12 – Касса;

15 – Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар;

16 – Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар;

17 – Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.

Юқорида келтирилган счётларнинг ҳар бири бўйича қуйидаги тартибда ишчи счётлар режаси белгилаб олиниши керак (1-жадвал).

1-жадв.

### Ишчи счётлар режасининг таркибий қисмлари

Счёт рақами	Счётларни номланиши	Субсчётларнинг номланиши
01	01/1 Бюджет маблағлари бўйича асосий воситалар	010/1 Турар – жой иморатлар (Бюджет)
	01/2 Ривожлантириш маблағлари бўйича асосий воситалар	010/2 Турар – жой иморатлар (Р/Ж)
	01/3 Бошқа бюджетдан ташқари маблағлари бўйича асосий воситалар	010/3 Турар – жойиморатлар (ББТ)
12	12/1 Бюджет маблағлари бўйича касса	120/1 Миллий валютадаги нақд пул маблағлари (Бюджет)
	12/2 Ривожлантириш маблағлари бўйича касса	120/2 Миллий валютадаги нақд пул маблағлари (Р/Ж)
	12/3 Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари бўйича касса	120/3 Миллий валютадаги нақд пул маблағлари (БТПЖ)

Бу тартиб бюджет ташкилотларида бухгалтерия ходимларининг “УзАСБО” дастурий мажмуасида ишлашлари учун ҳам қулайлик туғдиради.

2-жадв.

### Бюджет ташкилотлари учун бухгалтерия ўтказмалари

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Ижрочи	Асос бўлувчи ҳужжат	Тасдиқ этишга масъул шахс
1	Озиқ-овқат маҳсулотларининг қилиниши	061/1	150/1	Бухгалтер	Счёт- фактура (юк хати)	Омбор мудири
2	Озиқ-овқат маҳсулотларининг сарфланиши	231	061/1	Бухгалтер	Юк хати, талабнома	Омбор мудири
3	Озиқ-овқат маҳсулотларининг қилиниши	061/2	150/2	Бухгалтер	Счёт- фактура (юк хати)	Омбор мудири
4	Озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳисобдан чиқарилиши	261	061/2	Бухгалтер	Юк хати, талабнома	Омбор мудири

Бундан ташқари, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бюджет ташкилотларида ҳам смета ижросига оид бухгалтерия муомалалари ҳар куни такрорланиб туради. Шуни ҳисобга олган ҳолда бюджет ташкилотлари учун бухгалтерия ўтказмаларини шакллантириб, ҳисоб сиёсатида акс эттириш мақсадга мувофиқ (2-жадвал).

Шу тартибда бухгалтерия объектлари бўйича алоҳида-алоҳида бухгалтерия ўтказмаларининг тузиб олиниши бухгалтерия ходимлари учун услубий кўрсатма бўлади. Айниқса бунинг аҳамиятининг юқорилигини, яхши самара беришини биз бухгалтерияга ян-

ги ходимларни ишга олиш жараёнида кўришимиз мумкин. Чунки ишга янги келган бухгалтер учун бу кўрсатма иш фаолиятини бошлашида амалий ёрдам беради ва турли хатоликларга йўл қўймаслигини таъминлайди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бюджет ташкилоти томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсатига йил давомида қатъиян риоя қилиш керак. Бунда бухгалтерия ходимлари томонидан бажариладиган ҳисоб ишлари ягона тартибда юритилишига эришилади ҳамда камчиликларга йўл қўйишнинг олди олинади. Фикримизча, бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини юқорида келтирилган тавсиялар асосида шакллантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шунда шакллантирилган ҳисоб сиёсати нафақат бухгалтерия ҳисоби усуллари ва услубларини қўллашнинг самарадорлик даражасига, балки муассасанинг молиявий ҳолатига, маблағлардан оқилона, мақсадли фойдаланишга, бошқарув қарорларининг тезкорлигига ҳам таъсир кўрсатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. “Бюджет кодекси” Ўзбекистон Республикасининг 26 декабрь 2013 йилда ЎРҚ 360-сонли қонуни билан тасдиқланган.

2. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ- 404 сонли.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли) “Ҳисоб сиёсати” ЎзРАВ томонидан 2016 йил 27 декабрда № 2853-сон билан рўйхатдан ўтган.

5. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома ЎзРАВ томонидан 22.12.2010 йилда №2169-сон билан рўйхатдан ўтган.

6. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт – Т.: “Iqtisod va moliya”. 2016.

7. “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” ЎзРАВ томонидан 2018 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье даны рекомендации по совершенствованию бухгалтерского учета и отчетности в бюджетных организациях на основе требований действующих нормативно-правовых документов.

#### **SUMMARY**

The article gives recommendations on the improvement of accounting and reporting in budget organizations on the basis of the requirements of the current regulatory and legal documents.

*Наишга доц. Г.Эркаева тавсия этган*

## **БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Ёқубов Б.Н.** (ЎзР Банк-молия академияси)

**Таянч сўз ва иборалар:** *бюджет ташкилоти, тижорат ташкилоти, тадбиркорлик фаолияти, асосий восита, амортизация, эскириш, мақсадли тушум, грантлар, бегараз ёрдам маблағлари, молиявий ҳисобот.*

Асосий воситалар бу ҳар қандай корхонанинг, ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятининг моддий-техника базасидир. Асосий воситалар таркибига қуйидагилар киради: бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар, хизмат муддати бир йилдан кўп бўлган бошқа меҳнат воситалари. Қайсидир бир объектни асосий воситалар таркибига киритиш учун, у мустақил равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлганлигини назарда тутиш керак.

Асосий воситалар куйидагилар натижасида ташкилот балансига кирим қилинади:

- олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;
- капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш;
- беғараз келиб тушиш;
- товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;
- асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектларини аниқлаш;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобига кирим қилиниши асосий воситаларнинг дастлабки қиймати бўйича амалга оширилади.

Сотиб олинган асосий воситалар, тугалланган қурилишлар ва иншоотлар, шунингдек, ташкилотнинг ўзида тайёрланган асосий воситаларнинг дастлабки қийматига уларнинг сотиб олиш нархи ва уларга қилинган барча харажатларнинг тўлиқ суммасида, жумладан, мазкур асосий воситаларни фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда киритилади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш сабаблари:

- маънавий эскириш;
- жисмоний эскириш ва фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келиши;
- ортиқчалик;
- сотишлар;
- ўғирликлар, йўқотишлар ва бошқа сабаблар.

С.У.Меҳмонов, Д.Й.Убайдуллаев таъкидлаганларидек (2012), бюджет ташкилотларида актив асосий восита бўлиши учун куйидаги асосий шартларга жавоб бериши керак:

- а) актив моддий кўринишга эга бўлиши керак;
- б) бюджет ташкилоти мазкур моддий активни ўзини эҳтиёжи учун ишлатиши лозим;
- в) бюджет ташкилоти мазкур моддий активни ўзини эҳтиёжига 1 йилдан (12 ойдан) ошиқ вақт мобайнида ишлатиши лозим.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби асосий воситаларнинг келиб тушиши, уларнинг ташкилот ичида жойдан-жойга ўтиши (кўчиши), ташкилот ҳисобидан чиқарилиши (жумладан, яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли), шунингдек, ҳар бир объектнинг (предметнинг, комплектнинг) сақланиши ва тўғри фойдаланиши устидан назорат қилинишини ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилишини ҳамда ҳисоб регистрларида ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаши керак.

Яъни бунда бюджет ташкилоти моддий жавобгар ва масъул шахси томонидан асосий воситани кирим ва чиқимини, унинг амартизация қилинишини тўғри ва самарали фойдаланишини ҳамда сақланишини домий тартибда назоратини олиб бориш кераклигини ҳужжатларда акс эттириши лозим.

Асосий воситаларнинг бутлиги устидан назоратни йўлга қўйиш ва уларни ҳисобини ташкил этиш учун ҳар бир объект (предмет)га, кутубхона фондларидан ташқари, саккиз белгидан (асосий воситалар кўп бўлган ҳолларда, ушбу белгилар сони ҳам кўпайтирилиши мумкин) иборат инвентар рақами берилади. Бунда дастлабки уч белги субсчётни билдиради, тўртинчи ва бешинчи белги – гуруҳни, қолган уч белги эса предметнинг гуруҳдаги тартиб рақамини билдиради. Гуруҳлар ажратилмаган субсчётлар бўйича эса тўртинчи ва бешинчи белги “Нол” билан белгиланади. Масалан, 01000001 – инвентар рақамида 010 “Турар-жой иморатлар” субсчётини, 001 – объектнинг тартиб рақамини билдиради; 01310001 – инвентар рақамида 013 “Машина ва жиҳозлар” субсчётини, 10-гуруҳ – хўжалик инвентари, 001 – предметнинг тартиб рақамини билдиради. Инвентар объекти мураккаб бўлган ҳолларда, яъни у ёки бу ажратилган элементларни ўз ичига олганда, битта яхлитликни ташкил этса, ана шу элементлар ҳар бирига ҳам уларни



бирлаштирувчи асосий объектга қўйилган инвентар рақами қўйилади. Инвентар рақами объектга бириктирилган тамғага белгиланади ёки бўёқ билан объектнинг ўзига ва бошқа усуллар билан белгиланади. Асосий воситалар объектга берилган инвентар рақами асосий воситанинг ушбу ташкилотда бўлган барча даври учун сақланиб қолади. Барча асосий воситалар ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тайинланган моддий жавобгар шахсларнинг масъул жавобгарлигида бўлиши керак.

Бюджет ташкилоти масъул шахси сотиб олинган ва кирим қилинган ҳамда ташкилотга беғараз ёрдам ёки ҳомийлар томонидан берилган асосий воситаларни масъул шахсга топширгандан сўнг уни инвентар рақами белгилаб олиб буйруқ билан унга бириктириб сақланиши юзасидан назорат олиб бориши уни ҳужжатларда қай ҳолатда эканлигини акс этириш яроқсиз ҳолга келтирган жавобгар шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриши лозим, чунки асосий воситаларсиз корхона ёки ташкилот келажагини яратиш имконсиздир.

Т.Абдибаева, Т.Султонов, К.Ҳотамовларнинг кўрсатишича (2012) асосий воситалар баъзан корхона барча активларининг асосий қисмини ташкил этади, шунинг учун унинг молиявий ҳолатини молиявий ҳисоботда кўрсатиш катта аҳамиятга эга дейилган. Асосий воситалар объектнинг фойдали хизмат муддати давомида амортизация ҳисобланиши тўхтатилмайди, қонунчиликда ўрнатилган тартибда уларни консервацияга ўтказиш ҳолларидан ҳамда объектнинг фойдаланиши тўлиқ тўхтатилган шароитда уларнинг қўшимча қилиниши, қўшимча жиҳозланиши, реконструкция қилиниши, замонавийлаштирилиши, техник қайта қуроллантирилиши даврдан ташқари. Асосий воситалар объектлари бўйича амортизация ажратмаларининг ҳисобланиши, корxonанинг ҳисобот давридаги фаолияти натижаларидан қатъи назар амалга оширилади ва у мос ҳолатда ҳисобот даврининг бухгалтерия ҳисобида акс этирилади.

Бюджет ташкилотининг бухгалтерия асосий воситаларни ҳисоботларда тўғри олиб бориши акс этириши, бухгалтерия проводкаларни тўғри бериши ҳам муҳим ҳисобланади. Бинобарин, асосий воситанинг эскиришини ҳисоблашда йиллик эскиришни ҳисоблаш меъёрлари (Низом 2538 (2013)) га амал қилиш ёки бошқа бухгалтерия тўғрисидаги қонунлар ва қарорлар, низомлар ҳамда буйруқларга амал қилган ҳолда олиб боришни тақозо этади.

Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни ҳисоботларда акс этириш, тўғри ва самарали фойдаланиш, эскириш ҳисоблаш, баҳолаш ҳамда сақланиш юзасидан камчиликлар кўзга ташланмоқда. Ҳозирги кунда бухгалтерия тўғрисида бир қанча қонунлар ва қарорлар, низом ва буйруқлар борлигига қарамадан бухгалтерияга масъул ходимлар ўз ишига астойдил киришаётганликлари йўқ. Буларни бартараф қилиш учун бюджет ташкилотлари масъул ходимларни, бухгалтерларни ташкилотга ишга қабул қилиш жараёнида уларнинг бухгалтерияни яхши билиши, унинг олдиндан иш стажини борлигини, керак бўлса, сертификатларга эга бўлганликларини кўриб чиқиб ташкилот равнақи йўлида жон куйдиришларини инобатга олиб ишга қабул қилиши керак. Чунки улар келажақда ташкилот ёки корхона узок йиллар фаолият олиб боришга ўз ҳиссаларни қўшадилар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири), ЎРҚ №404-сон. 2016 йил 13 апрель, «Халқ сўзи» газетаси, №73 (6508), 2016.
2. Йўриқнома 2169 (2017) “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”.
3. Ўзбекистон Республикаси “Солиқ Кодекси”. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
4. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари” тўплами. – Т.: ЎзБАМА, 2012.
5. Абдибаева Т., Султонов Т., Ҳотамов К. «Бухгалтерия ҳисоби» маърузалар матни. – Тошкент, 2012.
6. Мехмонов С.У., Убайдуллаев Д. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Сано-Стандарт, 2013.
7. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

## РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада иқтисодийни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини ҳужжатлаштириш ва уларнинг амортизация ҳисобини ташкил қилиш бўйича илмий амалий таклифлар берилган.

## РЕЗЮМЕ

В данной статье приводятся конкретные предложения по решению проблем, связанных с документацией основных средств бюджетных организаций и организацией учета их амортизации.

## SUMMARY

In this to article the problem resolution fixed asset accounting is considered and it is this scientifically practical offers of the organization and accounting on a property, plant and equipment in budget organizations.

*Наширға доц. Г.Эркаева тавсия этган*

## ХАЛҚАРО МОДЕЛЛАР АСОСИДА БЮДЖЕТ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аҳмадалиев Б.А. (ЎзР Банк-молия академияси)

**Таянч сўз ва тушунчалар:** *бюджет, молия, молия органлари, иқтисодий сектор, ижтимоий сектор, географик жойлашув, бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби стандартлари.*

Ҳозирда мамлакатимизда давлат бюджети ҳисобини юритишда бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, молия органларида (молия ва газначилик), давлат солиқ хизмати ва божхона органларида, бюджет ташкилотларида, давлат мақсадли жамғармалари тизимларида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мукамаллиги, ходимлар малакасини ошириш давлат бюджети ислохотларини босқичлари ҳисобланади. Ушбу ислохотлар бюджет ҳисобини халқаро моделлар асосида ташкил этиш ва юритишни такомиллаштириш, давлат секторида халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига мос стандартларни ишлаб чиқишни тақозо этади ва натижада давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий секторларига узоқ муддатли инвестициялар оқимининг ортишига эришиш мумкин.

Бюджет тизими бюджетларининг ичида энг катта салоҳиятга эга бўлган бюджет, давлат бюджети бўлиб, у қамраб олган соҳалар давлатнинг асосий бўғинлари ҳисобланади.

Давлат бюджети ижроси жараёнида иштирок этувчи, кузатувчи, назорат қилувчи ҳамда уни самарали бошқаришга хизмат қилувчи тизим эса бюджет ҳисоби тизими ҳисобланади.

Халқаро амалиётда, давлатларнинг миллий ҳисоб тизимлари турлича бўлиб, улар асосан мамлакатнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Хорижлик олимлар бу борада ўз фикрларини ранг-баранг ҳолда тасвирлашган.

Дастлаб, Г.Р.Хетфилд томонидан миллий ҳисоб тизимлари классификацияланган бўлиб, унинг фикрича, асосан 3 та, яъни Континентал Европа модели (қонун чиқаришдаги ташаббускорлиги орқали ҳисоб тизимини ривожлантириш), Буюк Британия модели (маслаҳатчи бухгалтерлар ташаббускорлиги орқали ҳисобни ривожлантириш) ва Америка Қўшма Штатлари модели (умумий бухгалтерлар ва инженерлар таъсири орқали бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш) ҳисоб моделлари бўлинади (Хетфилд, 1911).


М.М.Шигуннинг фикрича эса мамлакатларнинг географик жойлашувига ва бухгалтерия ҳисобини тартибга солишнинг услубий ёндашувига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- британча-американча модел (англо-американча, анло-американ-голландча);
- континентал модел (европача);

- жанубий американча модел (лотин американча);
- молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари бўйича модель (интернационал модел);
- собиқ социалистик мамлакатлар ва МДХ га кирувчи мамлакатлар модели;
- ўтиш тизими модели (мамлакатнинг ҳисоб тизимини англо-американча ёки континентал моделларнинг бирига яқинлаштириш ёки молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларга яқинлаштириш орқали ислоҳ қилиш) (Шигун, 2011).

1-расм.


### Бухгалтерия ҳисобини замонавий макромоделнинг типларга ажратилиши



Юқоридаги келтирилган (1-расм) бухгалтерия ҳисобининг типларга ажратилиши илмий жиҳатдан қайта кўриб чиқилганда макромоделларга қуйидагича баҳо берилган:

2-расм.

### Бухгалтерия ҳисобини макромоделнинг гуруҳланиши



Хориж тажрибасига назар солинса, бюджет ҳисоби турли даражада бюджет молиявий ресурсларини шакллантириш ва тақсимлаш жараёнида асосий роль ўйнайди. Шу ўринда АҚШ бюджет ҳисоби стандартлари тарихига эътибор қаратилса, бозор иқтисодиёти шароитида Америка бухгалтерия ҳисоби тизими ўзининг бир қатор ривожланиш тенденциясига эга. Бухгалтерия ҳисоби стандартлари ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилганлиги, унинг асосий ўзига хос хусусияти ҳисобла-


нади. Қўмитанинг 1951 йилдаги 14-сонли бюллетени “Муниципал бухгалтерия ҳисоби ва аудит” оммага нашр этилди, кейинчали ушбу бюллетен “Кўк рангли китоб” (Blue book) номини олди. 14-сонли бюллетен асосан 4 қисмдан иборат бўлиб: муниципал бухгалтерия ҳисоби, алоҳида фондлар муҳокамаси ва молиявий ҳисоботни тузиш, муниципал аудитнинг процедуралари, муниципал бухгалтерия ҳисобининг процедуралари. 1953 йилда қўмита “Муниципал счётлар таснифи стандарти” номли нашрни чоп этди. 1960 йилга келиб, қўмита илгари чиқарилган 2 та нашрни қайта кўриб чиқиб уларни бирлаштирган ҳолда нашрга тайёрлай бошлади ва 1968 йилда “Давлат ҳисоби, аудити ва молиявий ҳисоботи” ном остида чоп этилди. Ушбу нашр ўз ичига давлат ҳисоби принциплари, ҳисоботи, аудити ва намунавий счётлар режасини қамраб олган. Мазкур мақоланинг нашр этилиши АҚШ давлати ва маҳаллий органлар учун молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг яратилишига асосий тўртки бўлди. 1974 йилда мазкур қўмита ўрнини Давлат ҳисоби масалалари бўйича миллий кенгаш тузилди. Кенгаш дастлаб чоп этилган бюллетенлардаги принципларни диққат билан кўриб чиқа бошлади ва мазкур принципларга қўшимча тарзда 1970 йилда 1-сонли “Давлат ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар принциплари” номли нашрни матбуотда чоп этди. Кенгаш аъзолари бўлган мутахассислар ташкилот ишларида ихтиёрий равишда иштирок этиш мақсадида бир йилда бир неча мартаба йиғилиб туришди. 1984 йилнинг июнь ойида кенгаш ўрнига Бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича ҳукумат кенгаши (GASB) ташкил этилди. Кенгаш аъзолари кун давомида ишлаб бошлашди ва уларга моддий мукофотлар берилди бошлади. Уларнинг меҳнатлари самараси натижасида 1988 йилда 8 та тартибга солувчи ҳужжатлар чоп этилган бўлиб, уларнинг бири изоҳ ва яна бири концепция кўринишида эди. Айнан шу йилда “Кўк рангли китоб” нинг янги нашри чоп этилди. Ва кейинги 6 йил ичида GASB томонидан 23 та тартибга солувчи ҳужжатлар чиқарилди. Уларнинг ичида қўпчилик бухгалтерлар ва аудиторлар учун кераклилари ҳам мавжуд. Мисол тариқасида, 8-сонли “Бухгалтерия ҳисоби стандартларининг қўлланилиши”, 93-сонли “Нотижорат ташкилотлари учун амортизацияни тан олинishi” кўришимиз мумкин. 1994 йила “Кўк рангли китоб” яна қайта нашр этилиб, қуйидаги 4 та бобдан иборат:

- Умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисоби (GAAP) ва ҳукуматдаги шарт-шароитлар;
- Фонд ҳисоби;
- Бухгалтерия ҳисоби асослари;
- Бюджет тузиш жараёни.

1998 йилда GASB яна қўшимча равишда 9 та тартибга солувчи ҳужжатни чиқарди ва уларнинг тўртинчиси изоҳ ва яна иккинчиси концепция кўринишига эга. 1999 йилнинг июнь ойида ҳукуматнинг алоҳида штатлари ва маҳаллий ҳокимият органлари учун 34-сонли “Молиявий ҳисоботлар асослари, бошқарув таҳлили ва муҳокамаси” номли ҳужжат чиқарилди. Мазкур ҳужжатда маҳаллий ҳокимият органлари ва регионлардаги ҳукумат учун молиявий ҳисоботларнинг янги модели элементларини батафсил ёритиб берилган. Янги модел АҚШ бюджет ҳисоби соҳасига тегишли бўлган 10 йилдан ортиқ илмий изланишлар ва таҳлиллар асосида яратилди ва бу GAAP нинг ривожланишидаги янги тарихий босқични англатади. 1921 йилда қабул қилинган “Бюджет ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ҳужжатга ҳозирги кунга қадар амал қилинмоқда. “Кўк рангли китоб” бюджет ҳисобининг асосий Кодекси ҳисобланиб, у давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар бўйича муҳим ўринга эга.

Хитой бухгалтерия ҳисоби яқин йиллар давомида бир қатор ислохотларни бошидан кечирди ва натижада иқтисодий тизим амалдаги марказлашган режали иқтисодиётдан социалистик бозор иқтисодиётига айлантирилди (James L.Chan, 1995). Бош қонуни Конституцияга кўра, Хитой давлати мулкчилик ва бошқарув функцияларига эга. Шунингдек, Хитой давлати ўзининг миллий ресурсларига ва савдо-саноат корхоналарига (қисман ёки тўлиқ давлатга қарашли бўлган) ҳам эгалик қилади. Хитой давлати жамият ва иқтисодиётни бошқаришга жавобгар ҳисобланади.


## Хитойда ҳукумат бошқаруви ва бюджет назорати



Жадвалнинг ўнг тарафидаги кўрсаткичлар эса давлат секторида товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, давлат агентликлари учун давлат томонидан амалга оширилаётган бюджет назорати ўта кучлилигини кўришимиз мумкин, давлат мулки мавжуд бўлган корхоналарда эса бунинг акси бўлган кучсиз (минималлашган) бюджет назоратини кўришимиз мумкин.

Хитойда “бюджет ҳисоби” (budget accounting) тушунчаси АҚШдаги “давлат ҳисоби” (governmental accounting) ва “нотижорат ташкилотлари ҳисоби” (nonprofit accounting) терминларини ўз ичига олади. Хитойда давлат сектори қуйидаги 3 турдаги жавобгарлик марказлари орқали номарказлаштирилган гуруҳларга бўлинади: калькуляция марказлари (cost centers), зарарсизлик ёки рентабеллик марказлари (breakeven centers), фойда марказлари (profit centers). Ушбу марказлар тўғридан-тўғри Хитой давлат сектори ташкилотлари бўлган административ бирликлар, институционал бирликлар ва давлат корхоналарига тааллуқли. Умуман олганда, бюджет ҳисоб – бюджет ижросининг мониторингини амалга ошириш ва бошқариш воситаси ҳисобланади.

## Хитойда бюджет жараёни



Хитой Халқ Республикасининг Бюджет Қонуни 1994 йилда чиқарилган бўлиб, 1995 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. Ушбу қонунда Хитой давлат молиясини бошқаришнинг барча жараёнлари батафсил белгилаб берилган. Қонун 10 боб, 79 моддадан иборат бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: бюджет назорати юрисдикцияси, бюджет даромадлари ва харажатлари, бюджетни тайёрлаш, бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, бюджетни ижро этиш, бюджетни тартибга солиш, якуний ҳисоботлар, назорат ва қонуний жавобгарлик. Марказий ва маҳаллий ҳокимликлар бюджетларининг даромадлари ажратиб берилган. Қонунга кўра бюджет Халқ Конгрессига тақдим этилади. Қонун бўйича Халқ Конгресси бошқарув бўлимлари томонидан тақдим этилган бюджет лойиҳасини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ўз навбатида бюджетни тартибга солишни талаб этади, бир йилда икки мартаба бюджет ижроси бўйича ҳисоботларни қабул қилади, якуний ҳисоботлар лойиҳасини кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Хитойда 1949 йилдан бошлаб бюджет “бир томонлама (йўналишли) бюджет тизими” (single budget system) жорий қилиниб, унга кўра операцион харажатлар ва капитал қўйилмалар бўйича харажатлар ўртасида ҳеч қандай фарқ бўлмаган. 1992 йилдан бошлаб эса Хитой ҳукумати бюджет тизими харажатларини такрорланувчи операцион харажатлар ва иқтисодий ривожланишга эришиш учун қилинадиган харажатлар тоифасига ажратди. Бу тизимни “икки томонлама (йўналишли) бюджет тизими”(dual budget system) деб атади. Яъни бу бирикмадан шуни билиш мумкинки, ҳукумат доимий такрорланувчи бюджетлар ва капитал бюджетларни алоҳида турларга ажратди. Кейинчалик ушбу бирикма эса кўп томонли (турли йўналишдаги) бюджет бирикмасига ўзгарди.

Бюджет Қонуни ишлаб чиқилганидан кейин, 1994 йил сентябрь ойида Молия вазирлигининг Бюджет бошқаруви бюроси томонидан “Давлат ҳисоби ва Ҳазначилигини бошқариш” мавзусида халқаро симпозиум ўтказилиб, унга кўра давлат ҳисоби ва бюджет ҳисоби стандартлари кўриб чиқилган. Бюджет ҳисоби – бу давлат ташкилотлари ва давлат органларининг бухгалтерия ҳисоби таърифига мос келувчи сўз бирикмасидир.

6-расм.

### Марказлашган айланалар (Concentric circles)



Юқоридаги расмда “марказлашган айланалар” (concentric circles) орқали Хитойдаги мавжуд макроиқтисодий ва ижтимоий жойлашув тартибини кўришимиз мумкин. Хитой бошқарувининг марказида административ бирликлар жойлашган бўлиб, улар сиёсий ҳужжатларни ишлаб чиқувчи ва ижро этувчи аппарат бўлиб, у турли хил ташкилотларни ўз ичига олади. Ҳар бир айлана марказдан узоқлашган сари тўғридан-тўғри давлат томонидан назорат камайиб боради ва охириги Хусусий сектордаги ташкилотлар фақатгина давлат томонидан чиқарилган қонунлар орқали назорат қилинади. Ушбу “марказлашган айланалар”дан шуни билиш мумкинки, давлат бюджети нафақат марказлашган фондлар, балки Хитойдаги ҳар бир иқтисодий фаолиятни бошқаради, назоратга олади. Қанчалик марказга яқинлашган сари бюджет назорати шунчалик ортиб боради.

Хорижий тажрибалардан шуни кўриш мумкинки, АҚШда бюджет ҳисоби стандартлари ривожланишида профессионал бухгалтерлик жамиятларнинг ўрни беқиёс бўлса, Хитойда эса бюджет ҳисоби айнан давлатга тегишли бўлган административ бирликлар томонидан ривожлантирилмоқда. Бу икки ривожланган давлатларнинг давлат молиясини бошқаришдаги амалга оширган ислоҳотлари ўзига хос бўлган бюджет ҳисоби моделларини шакллантирди.

Ҳозирги кунда бюджет ҳисобининг асосий вазифаси давлат молиясининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш миқёсининг кенг қамровга эга бўлишини таъминлаш ҳисобланиб, ушбу қамров жамотчилик, кредиторлар ва инвесторларни ўз ичига олади. Бюджет ҳисоби фақатгина бюджет харажатлари ва даромадлари

тўғрисидаги малумотларни олувчи техник восита эмас, балки давлат ва жамоатчилик ўр-тасида алоқа ўрнатувчи молиявий тил бўлиши керак.

Дунё микёсида олиб қаралганда, бюджет жараёни ва бюджет ҳисобининг шаффоф-лиги намунали давлат сектори бошқаруви учун фундаментал асос ҳисобланади. Бюджет ҳисоби билан боғлиқ молиявий маълумотларни кечиктириб ёки хато (чалкашлик билан) тузилиши натижасидаги келиб чиқадиган молиявий ўғирликлар эса жамиятнинг мавжуд бошқарув ҳокимияти тизимига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни.
2. “Бюджет кодекси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 52 (I) сон, 2013 йили
3. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак” номли маърузаси, 2017 йил 14 январь.- Т.: Ўзбекистон.
4. Шигун М.М. Проблемы классификации систем бухгалтерского учета// Международный бухгалтерский учет, 2011 йил, 11(161)-2011 – сон.
5. Кучеров А.В, Шибилева О.В. Развитие стандартизации бюджетного учета в США // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях, 2012 йил, 24(312)-2012 – сон.
6. Chan J.L. Budget accounting in China: continuity and change // Research in Governmental Nonprofit Accounting, 1996 йил, 9-сон.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада халқаро моделлар (тажрибалар) асосида давлатимизнинг бюджет ҳисобини таш-кил этиш ва уни юриштириш тақомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

#### **АННОТАЦИЯ**

Целью исследования является разработка научных-практических рекомендаций по усовершенствованию и формированию бюджетного учёта на основе международных моделей.

#### **SUMMARY**

The purpose of this research is to give scientific and practical recommendations for budgetary accounting on International models (experiments).

*Наширға доц. Г.Эркаева тавсия этган*

### **ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЮДЖЕТ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Эминов А.А.** (ЎзР Банк-молия академияси)

**Таянч сўз ва иборалар:** *меҳнат бозори, бозор муносабатлари, инновация, инновация янги-ликлари, рақобатдошлик, бошқарув, марказий бошқарув, нодавлат субъектлари.*

Олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорларини самарали ривожланиши олий таъ-лим хизматлари субъектлари бўлган олий ўқув юртлари томонидан тайёрланадиган юқо-ри малакали мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ. Чунки бозор муносабатлари шаро-итида эркин рақобатга асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида инновация янгиликларини киритиш асосидагина мамлакат-ни жаҳон хўжалиги бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш республикамизни илмий салоҳиятидан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши эркин рақобатга асосланиши ва ишлаб чиқа-риш, хизмат кўрсатиш субъектларини қандай мулкчилик шаклларига асосланишидан

катъи назар эркин рақобат асосида ҳар бир мамлакатни жаҳон бозорида рақобатдош бўлишини таъминлаш мақсадида интеллектуал жараёни ривожлантириш уларнинг асосий муаммоларига айланади. Ўз навбатида бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини интеллектуал даражаларини оширишни таъминлаш учун бозор талабларига асосланган ҳолда олий маълумотли малакали мутахассисларни тайёрлаш долзарб ҳисобланади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак,” деб таъкидлаб ўтди.

Бундан кўриниб турибдики, миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун жавоб бера оладиган интеллектуал олий малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш олий ўқув юртларида малакали профессор ва ўқитувчилар томонидан берилган ва талабалар, магистрлар томонидан ўзлаштирилган билимлар республика инновация янгиликлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жаҳон ҳўжалиги бозорида рақобатдошлигини таъминлайди. Демак, миллий иқтисодиётни инновациялаштириш асосида мамлакатимизни илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқиш мумкин. Буни энг ривожланган АҚШ, Япония, Франция, Англия, бошқа Европа иттифоқи давлатлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жаҳон олий таълим тизимида кейинги 30-40 йиллар ичида уларнинг ривожланишини молиялаштиришни бир неча моделлари ташкил топди. Шулардан олий таълим тизимини биринчи молиялаштириш модели неолиберализм модели бўлиб, у М.Фидлин, Ф.Чаба ва Ф.Хаск томонидан ўрганилган, бу модел асосан АҚШ, Япония, Австралия, Жанубий Корея, Янги Зеландия ва Жанубий Африка мамлакатларида қўлланилади. Мисол учун ХХI асрда АҚШ олий таълим тизими харажатларини 42,5 фоиз бюджет маблағлари ҳисобига, шу жумладан, федерал бюджет ҳисобига 27,5 фоиз, маҳаллий штат бюджетини ҳисобига 2,6 фоиз қопланган. Давлат олий ўқув юртлари 50 фоиз молиявий маблағларни штат бошқарувидан молиялаштирилса, хусусий олий ўқув юртлари бундай хуқуққа эга эмаслар.

Олий таълим тизимини молиялаштиришнинг иккинчи модели олий таълим соҳасида ижтимоий бозорнинг шаклланиши бўлиб, унинг назарий асосини гумонлашган халқпарвар капитализм ташкил этади.

Унинг асосчилари Дж.Шумпетр, Дж. Гидденс ва Х.Майер ҳисобланади. Бу модель Канада, Ғарбий Европанинг Англия, Испания ва Италияда қўлланилади.

Бу усулга асосланган ҳолда олий таълим тизимини ривожлантиришдаги молиялаштириш манбаларининг ўзгаришини Англия олий ўқув юртлари мисолида кўриш мумкин.

Ҳозирги даврда молиялаштиришнинг 33 фоизи давлат бюджети ҳисобига бўлса, қолган 67 фоиз хусусий манбалар ҳисобига, яъни фуқаролардан олий таълим олиш учун тушган тушумлардан, хусусий фирмалар ўз ходимларини ўқитиш учун тўлаган тўловларидан ташкил топмоқда.

Олий таълим тизимини молиялаштиришнинг учинчи модели бозор иқтисодиётига, олий таълим тизимида бозор муносабатларига қарши модель бўлиб уни назарий жиҳатдан Европа (Брюссель) ва Германия (Франкфурт) таълим ходимлари илмий тадқиқот қасаба маркази томонидан ишлаб чиқилган.

Бу таълим модели Ғарбий Европанинг Германия, Норвегия, Дания, Франция, Швеция, Финландия ва бошқа мамлакатларда қўлланилмоқда. Ушбу таълим тизими модели олий ўқув юртларини хусусийлаштиришга қаршидир. Шунинг учун ҳам Германияда кўпчилик олий ўқув юртлари давлатники бўлиб ўқитиш ва стипендия тўлаш давлат томонидан амалга оширилади.



Хорижий ривожланган мамлакатларда олий таълим тизимини ривожлантириш икки хусусиятга: марказий бошқарувга ва олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашни бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда уларни диверсификациялаштиришга асосланади.

Марказлаштирилган ҳолда олий ўқув юртларини бошқаришни амалга оширилишининг сабаби олий таълимни ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётини рақобатбардошлигини жаҳон бозоридан таъминлашдан иборат.

Шу билан бирга, олий таълим тизимини бозор муносабатлари шароитида марказдан бошқариш зарурлиги шундан иборатки, уларда асосан олий таълим давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилганлиги сабабли бу маблағлардан фойдаланишни назорат қилишнинг зарурлигидир.

Олий таълимни марказлаштирилган ҳолда бошқаруви хорижий мамлакатларнинг умуммиллий сиёсатларидан келиб чиққан ҳолда олий ўқув юртларининг стратегиялари ишлаб чиқилади ва зарур бўлган йўналишлар бўйича кадрларни тайёрлаш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда уларни қўшимча равишда молиялаштирилади.

Минтақавий бошқарув ташкилотлари олий таълим тизимини ривожлантириш режаларини шу минтақа ривожланиш режаларига қўшади. Ҳар бир мамлакат олий таълим тизимини ривожлантириш сиёсати шу мамлакат сиёсатига боғлиқ.

Жумладан, Англия давлатининг олий таълим тизимини ривожлантириш сиёсати асосан университет ва олий ўқув юртларини давлат томонидан молиялаштиришни камайтириб боришга ва бошқа нодавлат субъектларидан пул тушумини оширишга қаратилган бўлиб, университет ва олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини меҳнатларига ҳақ тўлашда уларнинг илмий фаолиятларига қараб фарқланишига асосланади.

Уларнинг меҳнат ҳақлари белгиланиши талабалар сонидан ва ўқитиш даражасига қараб, илмий-ташкилий ишлардан банд бўлганларни молиялаштириш фақат университет даражасида амалга оширилишига асосланади. Франция давлат университетлари мустақил бўлиб, улар билан давлат ўртасидаги муносабатлар келишилган битим (контракт) асосида тартибга солиб борилади. Бу келишув битимида университет томонидан олий таълимни ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича давлат олдидаги мажбуриятларини бажариш давлат томонидан эса молиялаштириш ва профессор-ўқитувчилар персонални кенгайтириш мажбуриятлари олинганлиги қайд этилади.

Давлат таълим тизими марказлаштирилган ва қабул қилинган қонун ва турли юқори ташкилотлар томонидан берилган йўриқномалар асосида бошқарилади.

Халқаро таълим институти 1919 йилда ташкил топган бўлиб, унинг асосий вазифаси олий таълим йўналишида мамлакатларнинг олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, уларга академик эркинликни ташкил этиш, халқаро таълим йўналишида мутахассислар тайёрлаш, ўқитувчиларни малакаларини ошириш, халқаро даражада илмий ишларни чоп этиш вазифаларини оширади.

Халқаро таълим институтларининг 2015 йилдаги умумий даромадлари 840 млн. АҚШ долларини ташкил этади, шундан 52 фоиз халқаро ташкилотлар ва давлатлардан тушумлар, 36 фоиз АҚШ ҳукумат агентликлари, 7 фоизи жамғармалар ва илмий тадқиқот институтлари, 3 фоизи корпорациялардан, 2 фоизи инвестициялардан олинган даромадлар ва бошқалардир (Institute of International Education. Annual Report, 2007 й).

Халқаро таълим институтларининг 2015 йилда умумий харажати 832,7 млн АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 87 фоизи халқаро талаблар ва аспирантлар алмашуви дастурига сарф этилган, 5 фоизи юқори таълим хизматларини ривожлантириш учун, 5 фоизи бошқарувга ва умумий харажатларга, 2 фоизи олий таълим институтчионал ривожлантиришга, 1 фоизи кам таъминланган студентларга ва олимларга ёрдам учун, 0,2 фоизи тадқиқот ва нашриёт харажатларига ва 0,1 фоизи бошқа харажатлар учун сарфланган (Who-We-Are/Annual Report).

### Халқаро таълим институтининг ҳомийлари таркиби (И.Айдрус, 2008)



Халқаро таълим институтининг йиллик бюджети унга қарашли бўлган ҳамма ташкилотлари бўйича 1 млрд АҚШ долларини (Annual Report and Accounts, 2015 -16й) ташкил этади.

Германияда хорижий мамлакатлар талабаларини жалб этишда Германиянинг академик алмашув агентлиги ва Гетс DAAD институти амалга оширади. Бу ташкилот ўзининг мақсадини амалга оширишда турли 200 дастур асосида амалга оширади.

Ушбу ташкилотнинг йиллик бюджети 440 млн. еврони ташкил этиб, у ўзига 2015 йилда 238 немис олий ўқув юрглари ва 107 дан ортиқ талабалар ва ташқи маданият сиёсатини олиб боришда ҳамда Германияда таълим ва илмни ривожлантириш сиёсатини олиб боради. Шу ташкилотнинг 15 хорижий ваколатхонаси ва 56 ахборотлар маркази фаолият олиб боради ҳамда йилига 100,0 минг стипендия берилади (Национальные образовательные фонды, гранты, программы DAAD).

Бу ташкилотни Германия ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодий алоқа ва ривожланиш федерал вазирлиги, таълим-илм вазирлиги, Европа Иттифоқи, Иқтисод ва технология федерал вазирлиги молиялаштиради. Шу билан бирга уни молиявий жихатдан техника алоқали жамияти НАТОнинг илм бўйича кенгаш, немис илмини қўллаб-қувватлаш фонди ва бошқа кўп ташкилотлар молиявий ёрдам кўрсатадилар. Германиянинг Гёте институти ҳам 1951 йилдан буён маданий хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Бизнинг назаримизда, мамлакатимизда таълим сифатини тубдан яхшилаш, янги инновацион ўқитиш тизимларидан фойдаланиш, шу билан бирга олий таълим муассасаларини маблағ билан таъминлаш масалалари долзарб бўлиб турган вақтда унинг ҳозирги кун ҳолатини кўриш учун Британиянинг Times Higher Education (THE) нашрининг ривожланаётган мамлакатлардаги университетлар рейтинг натижаларини (<https://www.timeshighereducation.com>) кўриш етарли бўлади.

Унга кўра Emerging Economies University Rankings 2018 йилда тўртта қитъада жойлашган 42 давлатдаги 350дан ортиқ университетни ўз ичига қамраб олди ва бу ўтган йилга нисбатан 50 та ОТМга кўпроқ эди.

Белгаланган тартиб бўйича ўқув муассасалари бешта асосий кўрсаткич бўйича баҳоланади: таълим муҳити, илмий фаолият, иқтибос келтириш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар таркиби сифати, илмий-тадқиқот ишланмаларини татбиқ этишдан олинган даромадлар.

Афсуски, Ўзбекистон олий таълим муассасалари 351та олий ўқув юрти орасидан биронта ҳам ўринни эгаллай олмади.

Олий таълим тизимини, уни ривожлантириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар, бюджет маблағлари ҳисобидан сарфланаётган маблағлар самараси бу соҳада ҳал этилиши зарур бўлган асосий муаммолардандир. Бу ички олий таълим тизимини халқаро таълим тизими билан боғлиқликда олиб боришни таъминлаш учун қуйидагиларга эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз:

– олий таълимни ривожлантириш шакллари бозор талаблари асосида ташкил этиш ва халқаро олий таълим тизими билан интеграциялашувида миллий анъаналаридан келиб чиқиш;

– олий таълимни жаҳон андозалари асосида ривожлантиришнинг янги интеграциялашуви андозаларига асосланиш;

– олий таълим муассасаларида олинган билим диплом сифатида эмас, балки талабаларнинг олган назарий ва амалий билимларини амалиётда қўллашига қараб баҳо бериш зарур.

Жаҳон олий таълим тизимини ўрганиш асосида қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

– АҚШда жойлашган олий ўқув юртларида 50 фоизгача молиявий маблағларни штат бошқаруви ҳисобига, қолган маблағларни эса университетлар билан ҳамкорликда ишловчи корхоналар ҳисобига қоплаш тажрибаларидан фойдаланиш;

– олий таълим тизимининг иккинчи моделида асосан давлат томонидан даражасини камайиб боришига молиялаштириш асосланган бўлиб, шахснинг таълим олиши ва келажакда карьера қилишининг қафолатланиши;

– олий таълим тизимини ривожлантиришни нафақат ички, балки ташқи жаҳон бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда зарурий йўналишларда ривожланишини таъминлаш;

– илм-фан тараққиётини олий маълумотли кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида уларни боғлиқликда олиб бориш учун олий ўқув юртлари кафедраларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;

– республика олий таълим тизимини жаҳон даражасида ривожланган олий таълим тизимлари билан ўзаро ривожлантириш;

– олий таълим тизимида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда уларнинг экспорти ва импортини ошириш;

– олий маълумотли мутахассисларни ўз ихтисосликлари бўйича илмий текшириш институтларида, илмий лабораторияларда ва йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этиш;

– олий таълим ўқув юртларини ишлаб чиқариш корхоналари билан биргаликда мутахассислар тайёрлашга эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

2. Антошкина Л.И. Высшее образование в системе общественных интересов. Монография Л.И.Антошкина – Донецк: ООО «Юго-восток», ЛТД, 2008.

3. Fisher I. The Nature off Capital and Income. – L., 1927.

4. Генкин Б.М. Экономика и социология труда: Учеб. для вузов. 5-е изд., доп. – М.: Норма, 2003.

5. Юдин Б.Г. Человеческий потенциал российской глубинки // Человек. – №2, 2003.

6. Мельдаханова М.К. Современная концепция человеческого капитала в экономической теории // Формирование и развитие конкурентоспособного человеческого капитала в Казахстане:

сборник материалов Международной научно–практической конференции / под.ред. О. Сабдена и Н.К. Нурлановойили – Алматы: Институт экономики КН МОН РК, 2010.

7. Мухтарова К.С. Распределение доходов и бедность в переходной экономике. – Алматы, 2001.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада хорижий мамлакатларда олий таълим тизимини молиялаштириш моделлари олий ўқув юртларини бошқариш муаммоларини қиёсий таҳлил қилиш асосида ўрганилган. Олий таълим тизимини халқаро таълим тизими билан боғлиқликда олиб боришни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье с помощью сравнительного анализа рассмотрены модели финансирования высшего образования, проблемы управления высшим учебными заведениями. Даны предложения по совершенствованию взаимосвязи высшего образования с международной системой образования.

#### **SUMMARY**

The article studied the comparative analysis the models of financing in foreign countries, problem of management of higher educational institutions. The ways of perfection of maximum educational system in interrelation with the world educational system are offered.

*Наширға доц. Г.Эркаева тавсия этган*

**“ҚарДУ хабарлари” илмий-назарий, услубий журналида  
мақола чоп этиш учун қўйиладиган  
ТАЛАБЛАР**

1. Мақола сарлавҳаси бош ҳарфлар билан ўртада ёзилади.
2. Муаллиф фамилияси тўлиқ, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, ундан кейин у ишлайдиган ОТМнинг номи қавс ичида берилади.
3. Таянч сўз ва иборалар келтирилади.
4. Мақола матни Times New Roman ёзувида, 14 шрифтда, 1,5 интервалда 6–10 саҳифа ҳажмида, чапдан 3, ўнгдан 1,5, юқори ва пастдан 2 см қолдирилиб ёзилади.
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати рақамланган ҳолда мақола сўнгида берилади. Унда адабиётдан олинган саҳифалар ёки шу манбанинг умумий ҳажми кўрсатилиши шарт. Матн ичида керакли ўринларда талаб этилаётган адабиётнинг рақами, ундан кейин икки нуқта қўйилиб, фойдаланилган бетлар ёзилади ва қавс ичига олинади ([1:176] тарзида).
6. Ҳавола (сноска)лар ҳар бир бетнинг пастида, рақамланган ҳолда берилиши керак.
7. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин.
8. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида резюме бўлиши талаб этилади.
9. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг услубий семинари ёки кафедра йиғилишининг мақолани нашрга тавсия этганлиги ҳақидаги қароридан кўчирма талаб қилинади.
10. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг тўлиқ манзили, шахсий телефон рақами ёки электрон почтаси кўрсатилиши лозим.
11. Мақола qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz электрон почталари орқали жўнатилади.
12. Қўшимча ахборотларни +998904413373 телефон рақами орқали олиш мумкин.
13. Қўлёзма ҳуқуқидаги мақолалар муаллифларга қайтарилмайди.

## МУНДАРИЖА

### ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА

- Soliyev A.A., Musurmonova M.O.** Cheksiz g'ovak-izotropik muhitdagi sferik bo'shliqda yassi ko'ndalang to'lqin difraksiyasi masalasining yechish algoritmi..... 3
- Вардияшвили А.А., Узоков Г.Н., Вардияшвили А.А., Каримова С.Э.** Определение теплотехнических свойств почвы в гелиотеплицах..... 5

### КИМЁ

- Шаропов Р.Т., Камолов Л.С.** Абсорбентларнинг хоссаларини солиштириш орқали самарадорлигини аниқлаш..... 10
- Чориев А.У., Пардаева Ш.А., Сайдалиева Д.А., Холиқова Г.А.** Хромофор гуруҳи тутган органик моддаларнинг ультрабинафша (УБ) – спектрлари..... 15

### БИОЛОГИЯ

- Аметов Я.И., Жуманов М.А., Жабборов Ф.Б.** Амударёнинг куйи оқимида тошқирғийнинг *Ccipiter badius* экологияси бўйича материаллар..... 21
- Тўраева З.Р., Бердиев Ж.Х.** Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли (Orthoptera) хашаротларининг экологик-фаунистик таҳлили..... 25
- Ҳайитова Ш.Д., Набиев С.М.** Ўрта толали ғўза генколлекцияси линияларининг реципрок F<sub>1</sub> ўсимликларида микдорий белгиларининг ирсийланиши..... 29
- Ҳамраева Д.Т.** Строение надземных осевых органов и секреторных вместилищ *Sphaeroscadium denaense* (Ariaceae)..... 33
- Шеркулова Ж.П.** *Phoma* туркум турларининг Қашқадарё воҳаси манзарали дарахт ва буталарда тарқалиши..... 38

### ТАРИХ

- Тўхтаева Р.Н.** Совет ҳокимиятининг дастлабки пул ислоҳотлари ва унинг натижалари..... 43
- Бўриев О., Бобожонов Ш.** Амир Темур ва темурийларнинг Хитой билан элчилик ҳамда савдо алоқалари..... 48
- Искандаров Ш., Тўхтамишева Ф.** Этнос ва миллий ўзликни англаш билан боғлиқ илмий-назарий ёндашувлар..... 53
- Пардаев А., Ахмедов Б.** Бухоро Халқ Совет республикасида қоракўлчиликнинг аҳволи..... 56
- Суяров Н.Р.** “Хомашё”: Мисрдаги ижтимоий-сиёсий вазият ўзгариши..... 59
- Сафаров Т.Т.** Ўрта Осиёнинг Россия империя бож тизимига киритилиши ва унинг оқибатлари..... 64

### ФАЛСАФА

- Тоғаев Ш.Х.** Мафқуранинг ғоялар тизими сифатидаги мазмуни..... 69
- Бойматов Р.Б.** Сиёсий ижтимоийлашув жараёнига оммавий ахборот воситаларининг таъсири..... 73
- Комилов Р.Р.** Ўзбек миллий никоҳ маросимларининг фалсафий моҳияти..... 76
- Яздонов З.** Экологик маданиятни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари..... 81
- Омонов Б.** Марказий Осиёда экологик вазиятнинг юзага келиш омиллари ва гео-сиёсий хусусиятлари..... 86

### СИЁСАТШУНОСЛИК

- Эрматов Ш.** Ислоҳотлар жараёнида раҳбарлик тамойил ва усуллари..... 94
- Avazova M.** Menace of terrorism in my mind..... 96

## ФИЛОЛОГИЯ

<b>Маматова А.Қ.</b> Маърифат тушунчасининг илмий-назарий талқинлари.....	99
<b>Шукуров О.У., Бойматова Б.Г.</b> Глобаллашув жараёнида ўзлашма сўзлар.....	102
<b>Жумаева К.</b> “Девони Мирзо” асарида эроний сўзлар қатламининг қўлланиши.....	104
<b>Султанова Р.Х.</b> “Нух” қиссасидаги рамзий-мажозий образлар силсиласи.....	108
<b>Худайназаров И.И.</b> Тил ва маданият ўртасидаги муносабатлар ва тил ўрганиш натижалари.....	111

## ПЕДАГОГИКА–ПСИХОЛОГИЯ

<b>Шодиев Р.Д., Суярова А.Х.</b> Бошланғич синф ўқувчилари нутқини ривожлантиришда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хослиги.....	115
<b>Убоженко А.С.</b> Использование инновационных методов обучения на занятиях по русскому языку.....	117

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

<b>Холмуродов Ш.М., Убайдуллаев Ш.Р., Жабборов Ф.Б.</b> Турли экиш меъёрларида ўстирилган жўхорининг кўчат қалинлиги, ўсиши ва кўк массаси ҳосилдорлиги.....	122
<b>Шарипов О.Б.</b> Бухоро вилояти тупроқ-иқлим шароитида агробиотехнологиялар асосида тупроқ унумдорлигини ошириш.....	127
<b>Жобборов Б.Т., Жаббаров З.А., Абдрахманов Т., Холдоров Ш.М.</b> Техноген бузилган тупроқлар рекультивациясининг назарий асослари.....	130
<b>Кадирова Д.А.</b> Закономерности географического распространения основных типов и подтипов почв Сурхан-Шерабадской долины .....	135

## ИҚТИСОД

<b>Мўминов Ш.Р.</b> Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоботини такомиллаштириш.....	139
<b>Ёқубов Б.Н.</b> Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳисобини такомиллаштириш.....	143
<b>Аҳмадалиев Б.А.</b> Халқаро моделлар асосида бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритишни такомиллаштириш.....	146
<b>Эминов А.А.</b> Олий таълим муассасаларида бюджет ҳисобини такомиллаштириш борасида ривожланган мамлакатлар тажрибасини қўллаш истикболлари.....	151

## **Илмий-назарий, услубий журнал**

Мусаххихлар:	Д.Шодмонова А.Убоженко
Саҳифаловчи	Я.Жумаев
Навбатчи	Т.Жумаев
Техник муҳаррир	М.Раҳматов

**Муассис: Қарши давлат университети**

**Журнал Қашқадарё вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан  
17.09.2010 йилда № 14–061 рақамли гувоҳнома билан  
кайта рўйхатдан ўтган.**

Теришга 05.09.2018 йилда берилди.  
Босишга 20.09.2018 йилда рухсат этилди.  
24.09.2018 йилда босилди.  
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108/16.  
Times New Roman гарнитураси.  
Нашриёт ҳисоб табағи 11,26.  
Буюртма рақами: № 27.  
Адади 100 нусха. Эркин нархда.

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

**Индекс: 4071**